

Роберт Луис Стивенсон

КАТРИОНА

Б и р и н ч и қ и с м

Б О Ш П Р О К У Р О Р

Таржимон Набижон БОҶИЙ

Мухаррир Шойим БЎТАЕВ

Биринчи боб

ТИЛЛА ЭГАРДАГИ КАМБАҒАЛ

1751 йил 25 август соат кундузги иккилар атрофида мен — Дэвид Бэлфур Британия зиғиркорлик қарз-ҳавола жамияти банкасидан ташқарига йўл олдим; ёнимда бир қоп пулни орқалаб олган хизматкор борарди; остонада қўл қовуштириб туришган таниқли савдогарлар каминани таъзим-ла кузатиб қолишди. Бор-йўғи икки кун аввал, ҳатто кеча эрталаб ҳам уст-бошларим жулдурвоқи, чўнтагимда бир шиллинг пулим йўқ эди; ўлим жазосига ҳукм этилган ватан хоини эса дўстим эди; мамлакат бўйлаб тарқалган мишмишларга кўра — кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жинойтга қўл урганим учун мени излашарди, бошим эвазига мукофот эълон қилинганди. Бугун меросимга эга бўлиб, янги ҳаётга қадам қўйдим: бадавлат мулкдорга айландим, банк хизматчиси бир қоп пулимни кўтариб борар, чўнтагимда тавсиянома бор эди; қисқаси, қартадан омадим юришгандай эди.

Шунга қарамай, беғубор осмонимга икки тўп булут соя ташлаб турарди. Биринчиси — ниҳоятда хавфли вазифани адо этишим лозим; иккинчиси — атрофимни бегона шаҳар қуршаб олган. Баланд-баланд, қорамтир уйлару ғажум, ғала-ғовур кўчалар ғалати кўринарди; арчагуллар қовжираб ётган қоялару денгизнинг қумлоқ соҳилларидан, хуллас, илгари юрган жойлардан сўнг янгиликларга сира кўника олмасдим. Айниқса, кўчалардаги оломон мени кўпроқ ажаблантирарди. Назаримда, Ранкилернинг ўғли мендан кўра паканароқ, ингичкароқ экан: шунинг учун кийим-боши менга хийла калталиқ қиларди ва мен худди думи юлинган мусичага ўхшаб кўринардим; албатта, бундай аҳволда хизматчининг

олдига тушиб, гердайиб қадам ташлашим кулгили кўринарди. Уз-ўздан равшанки, одамлар мени масхаралаб, энг ёмони, кимлигим билан қизиқиб қолишарди. Қисқаси, тез орада ўзимга уст-бош сотиб олишим лозим эди; ҳозирча эса хизматчининг ёнида, худди жонажон дўстдек унинг елкасига қўлимни ташлаб юрганим маъқул.

Лакенбус дўконларининг бирида бошдан-оёқ яп-янги кийим харид қилдим: дабдабага зўр бериб, тилла эгарга миниб олган камбағалга ўхшаб қолишни асло истамасдим, аммо бинойидек ясандим: ҳарҳолда, хизматкорлар асилзода эканимни бир қарашдаёқ билишлари лозим-да. Кейин қуролсоз ҳузурига бориб, мавқеимга мос тушадиган япалоқ қилич танладим. Қурол билан ўзимни хийла бардам ҳис эта бошладим: аслида, қилич-бозликка унчалик уқувим йўқ бўлиб, у менга фақат халақит берарди, холос. Тажрибали хизматкор уст-бошларимни мақтаб қўйди.

— Кўзга ташланмайди,— деди у.— Одмигина, ярашиқли. Албатта, қилич тақиб юришингиз лозим, лекин ўрнингизда мен бўлганимда борми, пулни сал ўйлаброқ сарфлардим.— Кейин Каугейт-Бэқдаги чевар хотиндан қишлик тор шим харид қилишни маслаҳат берди: аёл қариндоши экан; бундан ташқари, шимни «ниҳоятда пишиқ газмол»дан тикилганини алоҳида таъкидлади.

Аммо бундан бошқа ҳам зарур ишларим бор эди. Товарагимни қоп-қора кўҳна шаҳар уршаб олганди; у кўпроқ қуёнхонани эслатарди; жониворлар сон-саноқсиз эди; айни пайтда хоналарию боши берк кўчалари чалкаш йўллар билан боғланарди. Аслида, шаҳар — бирорта мусофир ўз дўстини йўқотиб қўйиши мумкин бўлган масканга ўхшарди. Айтайлик, нотаниш киши керакли кўчани излаб топди ҳам дейлик, аммо кўчанинг икки ёқасида қад кўтарган осмонўпар уйларда аҳоли шунчалар зич эдики, лозим бўлган эшикни қидириб топгунча кун бўйи сарсон бўлиб юриши турган гап. Шунинг учун бу ерларда болаларни ёллаш расм бўлганди, уларни «югурдак» деб аташарди; шундай «югурдак» йўлбошловчи — лоцман каби сизни зарур манзилга бошлаб борарди, ишингиз битгандан сўнг уйингизга кузатиб қўярди. Бахтга қарши, «югурдак»лар мунтазам равишда турли тоифадаги кишиларнинг хизматларини адо этаверишиб, охири шаҳарнинг ҳар бир кўчасини, ҳар бир кишисини беш қўлдайд билиб олишган эди ва аста-секин жосуслар сингари

қандайдир махфий ташкилот тузишганди; мистер Кемп-беллнинг гапларига қараганда, ҳаммаси бир-бирлари билан боғланиб, ўз миждозларининг ишларига қизғин муносабатда бўлишарди; ҳар бир гапни полицияга етказишарди. Ҳозир ортимдан айғоқчини эргаштириб юрсам, мақсадга мувофиқ бўлмасди. Мен уч жойга: Пилригда яшайдиган қариндошим Бэлфур ҳузурига, Эпиннинг мухтор вакили — қози бўлмиш Стюарт даргоҳига, Шотландиянинг Бош прокурори — Престонгрэнжда истиқомат қиладиган эсквайр Уильям Грант қабулига ташриф буюришим лозим эди. Мистер Бэлфур ҳузурига бориш унчалик мушкул эмасди, аммо Пилриг шаҳардан ташқарида жойлашган экан: мен бировнинг ёрдамисиз ҳам ўша ерни топиб боришим мумкин; боз устига, шотланд тилини яхши билардим. Бироқ бошқа икки жой тўғрисида бундай деёлмасдим. Учакишгандек, ҳозир Эпинда содир бўлган қотиллик тўғрисида ҳамма гапириб юарди; бундай пайтда Эпиннинг мухтор вакили ҳузурига ташриф буюриш, ўз-ўзидан равшанки, хавфли эди. Қолаверса, сўнгра Бош прокурор қабулига киришим лозим эканини ҳисобга олсак, бу ақлга сизмайдиган ҳодиса бўларди. Ишим ўнгидан келса, у билан жиддий суҳбатлашаман; агар Эпиннинг мухтор вакили ҳузуридан тўппа-тўғри унинг қабулига борсам, барча сазъ-ҳаракатларим бир пул бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас; дўстим Аланни бекордан-бекор ҳалокатга йўлиқтиришим мумкин. Бундан ташқари, булар гўё иккиюзламачилик қилаётганимдан дарак берарди; камина ноқулай аҳволга тушиб қолишни асло истамасдим. Шунинг учун энг аввало барча масалалар хусусида, яқобинчилар ҳақида мистер Стюарт билан маслаҳатлашиб олишга қарор қилдим ва хизматчидан йўл бошловчи сифатида фойдаланишни мўлжалладим. Афсуски, унга адресни айтган маҳалимда бирдан ёмғир ёға бошлади: ёмғир шаррос қуймасди-ю, лекин янги уст-бошимнинг оҳорини тўкиш учун етарли миқдорда томчиларди. Биз дарҳол қандайдир чорраҳадаги шийпонча остига яшириниб олдик.

Шаҳардаги ҳамма нарса кўзимга ғалати кўринарди; мен қизиқсиниб тор кўча бўйлаб бир неча қадам ташладим. Энсизгина тошйўл нишабликка тушиб борарди. Кўчанинг икки томонида кўп қаватли улкан уйларда қаватлар гугурт қутиси мисоли бир-бирининг устига мингашиб ётарди. Тепада осмоннинг бир парчаси кўришиб турарди, холос. Деразаларга кўз югуртириб, эшикдан

кириб-чиқишаётган пўрим жанобларни зимдан кузатиб англадимки, бу уйларда оддий фуқаро истиқомат қилмасди. Кўча худди ғаройиб эртақдек мени ўзига мафтун этиб қўйди. Оғзим очилганча уйларни томоша қилаётган чоғимда бирдан орқадан тапир-тупур қадам товушларию пўлатнинг жаранг-журунги эшитилиб қолди. Илкис ўғирилсам, қуролланган аскарлар қуршовида плаш кийган новча киши келяпти. У бошини бир оз эгиб, худди одоб юзасидан кимгадир таъзим қилаётгандек одимларди; ҳар қадам ташлаганда қўлларини силкитиб қўярдию чиройли юзида заҳарханда аломатлари кўзга ташланарди. Назаримда, у мени зимдан кузатаётгандек туюлди, аммо кўзларимиз тўқнашмади. Тантанали жаранг битта уйнинг остонасигача давом этди; сўнгра заррин уқали форма кийиб олган оқсоч эшикни очди; маҳбусни икки аскар ичкарига бошлаб кириб кетишди, чақмоқтошли милтиқ тутган бошқа аскарлар эса эшик оғзида қолишди.

Шаҳарда қандайдир тасодифий ҳодиса рўй берса — бас, дарров кўчага бекорчихўжалару бола-бақралар тўпланиб олишади. Ҳозир ҳам шундай бўлди, аммо оломон тезда тарқалиб кетди-ю, уч киши қолди, холос. Улар орасида асилзода бонулар мисоли пўрим кийинган бир қиз ҳам бор эди: у шляпаси теварагига Драммонд чечакларини қадаб олганди, бироқ шериклари барча шотланд хизматкорлари каби * жулдурвоқи кийимда эдилар — мен тоғли ўлкаларда сарсон бўлиб юрган кезларимда бундай кимсаларни кўплаб учратганман. Учаласи ҳам ташвишманд қиёфада галчалаб бир нималар ҳақида сўзлашарди; бу тил менга Аланни эслатди ва бирдан суюниб кетдим. Ёмғир аллақачон тинган бўлсада, хизматчим мени, йўлга тушайлик, деб қистаётган бўлишига қарамасдан, уларга яқинроқ бордим: гап-сўзларини яхшироқ эшитмоқчи бўлдим. Қиз хизматкорларини қаттиқ койирди, улар ўзларини оқлашарди, тилёғламалик қилишарди; маълум бўлишича, у қиз қабила бошлиғининг фарзанди экан. Учаласи ҳам чўнтақларини кавлаштира бошлашди: англашимча, бор-йўғи ярим фортинг пул тўплашга эришдилар. Беихтиёр кулгим қистади; кўриниб турибдики, тоғликлар ниҳоятда мағрур, ҳамёнлари доимо қуруқ бўлади.

Қиз тасодифан мен томонга ўғирилдию жамолига кўзим тушди. Дунёи азалнинг ўзи бир мўъжиза бўлса, йигит юрагидан жой олган нотаниш қиз тимсоли мўъжизалар жавоҳиридир — чунки бу тимсол хаёл кўзгусидан

ҳеч қачон ўчмайди; нима учун шундай эканини йигит идрок қилмайди, унинг назарида, фақат ўша қиз йўқлиги туфайли шу пайтгача қалби кемтикдек туюлади. Қизнинг кўзлари тип-тиниқ, худди чўлпон юлдуз каби порлаб турарди; албатта, унинг кўзлари мени асир этди. Ғунча каби очилай-очилай деб турган лаблари хотирамга муҳрланди-қолди. Ростини айтсам, қизнинг нимаси мени кўпроқ мафтун этганини билмайман, бироқ каллаварамга ўхшаб ундан нигоҳимни узолмай қолдим. Қиз эса бегона йигит шундоқ ёнгинасида турганидан ажабсиниб, каминга тикилиб турди.

Мен аҳмоқ қишлоқилигимга борибми, у янги уст-бошларимга маҳлиё бўлиб қолди шекилли, деб ўйладим: сочларимнинг остигача қизариб кетганимни ўзича бир нимага йўйган бўлса ажаб эмас. Зудлик билан хизматкорларини эргаштириб кетдию улар ўртасидаги мунозаранинг давомини эшитолмай қолдим.

Илгари ҳам қизларни яхши кўрардим, лекин жудаям яхши кўрардим деёлмайман; айниқса, бировни бир қарашдаёқ ёқтириб қолганимни эслай олмайман: доимо ўзимни улардан узоқроқ тутардим; аёллар орасида кулги бўлишдан хавотирланиб, орқа-ўнгимга қараб иш қилардим. Аслида, ҳозир ҳам ўз одатимга кўра чекинишим даркор эди; ахир навнихолдай қизни кўчада тасодифан учратдим: афтидан, у анави маҳбусни кузатиб келганди; ёнида иккита жулдурвоқи бадбашара хизматкор бор эди. Бироқ айна пайтда фавқулодда ҳолат вужудга келганди: ҳеч шубҳасизки, қиз мени қандайдир айғоқчи бўлса керак, деб хавотирланди; мен эсам яп-янги уст-бош кийганим, қилич таққаним шарофати билан бошимга бахт қуши қўнди, деб ўйладим ва унга лоқайд қараб туролмадим. Қашшоқ киши бирдан бойиб кетса босар-тусарини билмай қолгани сингари мен ўзимнинг камситилишимни асло истамасдим: ўн гулидан бир гули очилмаган бону томонидан хўрланишни ор деб билдим.

Мен уларнинг ортидан бордим-да, қизнинг рўпарасига ўтиб назокат билан бошимдан яп-янги шляпамни олдим.

— Бону, адолат юзасидан айтиб қўйишим лозимки, гэл тилига тушунмайман,— дедим.— Тонмайман, гапларингни эшитдим, аммо тоғли Шотландияда дўстларим бўлгани учун шундай қилдим, чунки шу тилда сўзлашадиган кишиларни яхши кўраман. Бироқ шахсий ишларинг хусусида грек тилида чуғурлашдиларинг нимаю гэл тилида сўзлашдиларинг нима — мен бари бир ҳеч нарса тушунмасдим.

У калондимоғлик билан бир оз эгилиб кўйди.

— Хафа бўлишга арзийдиган ҳеч нарса рўй бермади-ку!— деди у инглиз тилига монанд ёқимли талаффузда (лекин инглизча талаффуз бу қадар ёқимли бўлмайди).— Ҳатто мушук ҳам қиролга қараши мумкин.

— Сизни безовта қилиш хаёлимда ҳам йўқ эди,— дедим.— Шаҳардаги расм-русумларни яхши билмайман; бугунга қадар Эдинбург дарвозасидан ичкарига кирмаган эдим. Сиз мени ғирт қишлоқи экан, деб ўйлашингиз мумкин. Аслида ҳам шундайман; ҳарҳолда, бу ҳақда огоҳлантириб қўйганим маъқул. Албатта, ўзингиз ҳам шунга амин бўлишингиз турган гап.

— Тўғриси айтсам, бегона одам билан кўчада гаплашиб туриш яхши эмас,— деб жавоб берди у.— Лекин сиз қишлоқдан келган бўлсангиз, кечериш мумкин. Ахир ўзим ҳам қишлоқда ўсганман. Кўриб турганингиздек, тоғли ўлкада туғилганман, ҳозир ҳам туғилган жойимни соғинаман.

— Чегарадан ўтганимга энди бир ҳафтача бўлди, холос,— дедим.— Илгари Бэлкиддер қояларида қўноқ бўлган эдим.

— Бэлкиддердами?!— деб хитоб қилди у.— Наҳотки сиз Бэлкиддерда бўлгансиз? Шу номни эшитишим биланоқ юрагим тўлқинланиб кетади. Эҳтимол, ўша ерда анча вақт яшагандирсиз: бизнинг дўстларимиз, қариндошларимиздан бирортаси билан учрашмадингизми?

— Мен Дункан Ду Макларен исмли ҳалол, меҳрибон инсон хонадонида яшадим,— деб жавоб бердим.

— У, Дунканни танийман! Сиз мутлақо тўғри айтдингиз!— деди ҳаяжонланиб.— У ростдан ҳам ҳалол инсон, хотини ҳам ҳалол аёл.

— Ҳа, ажойиб инсонлар экан; ўша жойлар эса бетимсол маскан,— деб эътироф этдим.

— Бутун дунёда ҳам ўшандай дилкушо жойлар бўлмаса керак!— деди у яйраб-яшнаб.— Мен юртимнинг ҳидини, ҳар бир туп майсасини яхши кўраман.

Қизнинг кўнгли кўтарилганини кўриб, ўзимда йўқ хурсанд бўлиб кетдим.

— Афсуски, уёқдан сизга ажаб арчагул шохчасини олиб келмабман-да,— дедим.— Сизни кўчада гапга тутиб яхши иш қилмадим. Маълум бўлишича, бир-биримизнинг қадрдонларимизни танир эканмиз: шундоқ экан, мендан марҳаматингизни дариг тутманг энди; аҳён-аҳёнда каминани ҳам талаб қўйинг. Менинг исми шарифим

Дэвид Бэлфур. Бугун мен учун энг бахтли кун — ер-мулк эгаси бўлдим, куни кеча эса ҳалокат ёқасида эдим. Бэлкиддер ҳаққи-ҳурмати, номимни эслаб қолишингизни илтимос қилардим; мен эсам бахтли кун ёдгорлиги сифатида муборак номингизни бир умр унутмайман.

— Менинг номимни товуш чиқариб айтиш мумкин эмас,— деди у такаббурлик билан.— Бир-иккита тасо-дифларни ҳисобга олмаганда, кўпдан бери исмимни биров тилга олгани йўқ. Боқий элат — эльфлар¹ сингари менинг ҳам номим мавҳум: каминани Катриона Драм-монд дейдилар.

Мана, энди қаршимда ким турганини билдим. Шотландия каби улуғ мамлакатда Макгреглар номидан бошқа тақиқланган сўз йўқ эди. Аммо бундай хавfli танишувдан ўзимни сақлашим лозим эканини хаёлимга ҳам келтирмасдим; тобора гирдобга чуқурроқ ғарқ бўлавердим.

— Худди шундай аҳволга тушиб қолган битта инсон билан танишмоқ шарафига ноил бўлганман,— дедим.— Унинг исми шарифи Робин Ойг. Ўйлашимча, у зот сизнинг дўстларингиздан бўлса керак.

— Наҳотки!— деб хитоб қилди бону.— Сиз Робинни кўрдингизми?

— Мен битта бошпанада у билан бир кеча тунадим.

— У кечалари учиб юрадиган қуш,— деди қиз.

— Ўша хонадонда сибизғалар бор эди. Вақт билин-масдан ўтганини тасаввур этишингиз мумкин, албатта,— деб қўшиб қўйдим.

— Назаримда, ҳарҳолда, сиз душманга ўхшамай-сиз,— деди у.— Қизил мундирлилар ҳозиргина бу ердан олиб ўтиб кетган киши унинг акаси эди; менинг отам бўладилар.

— Наҳотки!— деб ҳайратландим.— Демак, сиз Жеймс Морнинг қизи экансиз-да?

— Шундай. Боз устига, ёлғиз қизиман,— деб жавоб берди.— Маҳбуснинг қизи бўламан. Вой ўлмасам, отам тутқун эканини деярли унутиб қўйибман-ку, бегона йигит билан бир соатдан бери валақлашиб турибман-а!

Шу пайт хизматкорлардан бири чўлтоқ инглиз тилида

¹Эльфлар — Скандинавия халқларининг қадимий афсоналарида-ги рух, пари, арвоҳ каби хаёлий тимсоллар (тарж. изоҳи).

мурожаат этди: қандай қилиб «жилла қурса, ҳидлашга зиғирча тамаки» топса бўлар экан, деб сўради (у ўзини назарда тутган эди). Хизматкорга синчиклаб назар солдим: у ўрта бўйли, хумкалла, маймоқ киши бўлиб, кейинчалик, бахтга қарши, яқинроқ танишиб олдим.

— Нийл, бугун тамаки бўлмайди,— деб эътироз билдирди қиз.— Пулинг бўлмаса, «зиғирча» тамакини қаердан топасан? Шу ҳодиса сенга сабоқ бўлсин; бундан кейин анқаймайсан: ишончим комилки, Жеймс Мор ҳам Нийлдан унчалик мамнун бўлмасди.

— Мисс Драммонд, боя айтганимдек, бугун мен учун бахтли кун,— деб суҳбатга аралашдим.— Хув анави жойда банк хизматчиси турибди — унда менга тегишли пул бор. Эсингизда бўлсин, мен юртингизда — Бэлкиддерда одамларнинг меҳмондўстлигидан баҳраманд бўлдим.

— Лекин сизни қариндошларим меҳмон қилишмаган-ку,— деб эътироз билдирди.

— Нима бўпти,— дедим.— Амакингиз сибизға чалиб бергани учун қарздорман. Бундан ташқари сизга дўст тутунишни таклиф этган эдим, аммо хаёлингиз паришон бўлгани туфайлими, таклифимни рад этмадингиз.

— Агар чин дилдан қарз берсангиз, миннатдор бўлардим, албатта. Бироқ мудҳиш воқеа рўй берганини айтиб қўйишим лозим. Жеймс Мор қамоқхонада ўтирибди, унинг оёқлари кишанланган, кейинги пайтларда уни ҳар куни буёққа — Бош прокурор ҳузурига олиб келишяпти...

— Прокурор ҳузуригами?! — деб хитоб қилдим.— Демак, бу...

— Бу Престонгрэнжда туғилган Бош прокурор Грантинг уйи,— деди қиз.— Отамни шу ёққа олиб келишяпти, лекин бунинг сабабини мутлақо билмайман. Назаримда, қандайдир умид пайдо бўлди шекилли. Улар учрашувга ҳам, хат ёзишга ҳам рухсат беришмаяпти; биз уни шу ерда — Кингз-ситида кутиб турамиз; ёнимиздан ўтиб кетаётган пайтида чўнтагига ҳидлашга етадиган миқдорда озгина тамаки, яна бошқа майда-чуйдалар тиқиб қўйишга ҳаракат қиламиз. Афсуски, анави бахтиқаро Нийл, Дунканнинг ўғли, мен унга тамаки харид қилиш учун берган тўрт пенсни йўқотиб қўйибди: энди Жеймс Мор қизидан ўпкалайди, албатта.

Чўнтагимдан олти пенс чиқардим—да, уни Нийлга узатиб, югуриб бориб тамаки топиб келишни буюрдим.

— Мен бу тангаларни Бэлкиддердан олиб келган эдим,— дедим қизга.

— Оҳ! — деб юборди у.— Сиз Грегорларнинг дўстисиз.

— Сизни лақиллатмоқчи эмасман,— дедим.— Мен Грегорларни деярли танимайман. Жеймс Морни ҳам, у нима иш қилиб қўйганини ҳам билмайман. Аммо кўчада сиз билан ёнма-ён турган пайтимдан эътиборан ўзингиз ҳақингизда баъзи бир нарсаларни билиб олдим; агар ўз оғзингиз билан «у мисс Катрионанинг дўсти» деб айтсангиз, кейинчалик афсусланмаслигингиз учун қўлимдан келганча ҳаракат қилишга тайёрман.

— Мени бошқалардан ажратиб бўлмайди,— деди Катриона.

— Бошқалар билан ҳам дўстлашиб олишга уриниб кўрсам-чи?!

— Лекин нотаниш одамдан қарз олиб бўладими, ахир! — деди у хижолатомуз.— Кейин сиз мени ким деб ўйлайсиз?!

— Сизни... отасининг суюкли қизи деб ўйлайман, холос. Бошқа нарса хаёлимга ҳам келмайди,— дедим.

— Албатта, қарзимни қайтараман. Ҳозир қаерда турибсиз?

— Ростини айтсам, ҳали муқим жойлашганим йўқ. Шаҳарга келганимга уч соат бўлди,— деб жавоб бердим.— Ўзингиз қаерда яшашингизни айтсангиз, олти пенсни ундириб олиш учун ҳузурингизга борардим.

— Сўзингизга ишонсам бўладими?

— Мени ваъдасига вафо қилмайди, деб ўйламай қўя қолинг.

— Акс ҳолда, Жеймс Мор қарз олишимга рухсат бермасди,— деди.— Мен дарёнинг шимолий соҳилида, Дин қишлоғининг нариги томонида — аллардайслик миссис Драммонд-Огилвининг уйида яшайман; у бизнинг қариндошимиз бўлади. У сиз билан танишиб олса, албатта хурсанд бўларди.

— Демак, ишларимни тугатишим биланоқ уйлариб бораман,— дедиму Аланни эсимдан чиқариб юбораёзганим учун бошимни чангаллаб қолдим ва тезда қиз билан хайрлашдим.

Йўлда кетар эканман, қисқагина танишув пайтидаёқ очилиб-сочилиб гаплашаётганимиздан ҳайрон бўлдим; аслида, яхши тарбия кўрган қиз бир оз қимтиниброқ муомала қилиши лозим эди. Назаримда, йигит кишига ярашмайдиган бундай хаёлларимни хизматкорнинг сўзлари паришон қилиб юборди.

— Мен елкангизда бошингиз бўлса керак, деб ўйлаган эдим,— деб гап бошлади у мийиғида кулганча,— Бу аҳволда узоққа бормайсиз. Ақл бўлмаса, пуллар шамолга совурилади. Сиз эса, сезишимча, сермуҳаббат экансиз! — деб хитоб қилди.— Ёшга ўхшайсиз-у, лекин хийла пишиб қолибсиз! Фоҳишаларни илинтирмоқчимисиз, дейман!

— Норасида бону ҳақида бундай дейишга қандай тилинг борди! — деб пўписа қилдим.

— Бону эмиш! — деди у жеркиб.— Худойим-эй, нимаси бону ахир?! Шаҳарда бундай бонулар тиқилиб ётибди-ку! Бону эмиш! Кўриниб турибдики, ҳамма нарса кўзингизга чиройли кўриняпти.

Бирдан ғазабим жўшиб кетди.

— Менга қара! — деб қичқирдим.— Мени айтган жойимга бошлаб боргин-у, лекин заҳар томиб турган тилингни эҳтиёт қилгин!

У ўлдираб узр сўраган бўлди, кейин гапирмай қўйди. Бироқ ёқимсиз товушида ниҳоятда бемаза қўшиқни хиргойи қила бошлади — бу сурбетларча имо-ишора эди:

Жононамиз Мэлли Ли кўчаларни кезади,
Рўмоли учиб кетар, у кўзларин сузади.
Унгу сўлдан биз эргашадурмиз итдай,
Баримиз кўнгилхушлик қилгимиз келур бирдай!

Иккинчи боб

ТОҒЛИ ЎЛКАНИНГ ҚОЗИСИ

Мистер Чарлз Стюарт қароргоҳига чиқиладиган зинапоя шу қадар узун эдики, дунёдаги бирорта уста ундан-да узунроқ қурилма барпо этмаган бўлса керак; юқорига кўтарилгунча энг камида ўн беш жойда нафас ростлаб олишга мўлжалланган майдонча бор эди. Ниҳоят, эшикка етиб бордим у мирза истиқболимга чиқди ва хўжайин уйда эканини айтди. Ҳансираб-ҳансираб зўрға нафас олардим. Пулимни кўтариб келган хизматчига жавоб бердим.

— Энди кетавер, тўрт томонинг қибла! — дедим ва қопни олдим-да, мирзага эргашиб ичкарига кирдим.

Қабулхонада мирза ўтирадиган ўриндиқ ёнидаги столда ҳар хил иш қоғозлари сочилиб ётарди. Нариги — туташ хонада ўрта бўйли серғайрат киши қандайдир ҳужжатни

диққат билан ўқиб ўтирарди; хийла муддатдан сўнг у бошини кўтариб менга назар ташлади; бармоғини бир жумла устига ниқтаб турарди — гуё каминани дарҳол остонадан ташқарига ҳайдаб юборсаю яна ўқишни давом эттирадигандек алфозда эди. Бу ҳол менга унчалик ёқмади. Боз устига, мирза гапларимизни эшитишга шайланиб турганини кўриб, жиним кўзиди.

— Сиз мистер Чарлз Стюарт, яъни қозисиз-а? — деб сўрадим.

— Худди ўзи, — деб жавоб берди қози. — Кечирасиз, ўзлари ким бўладилар?

— Номимни айтсам ҳам барибир мени танимайсиз, — деб жавоб бердим. — Ҳозир сизга битта дўстим бериб юборган нишонани кўрсатаман. Сиз уни яхши биласиз, — дедим товушимни пасайтириб. — Бироқ ҳозирги шароитда ундан хабар келишига кўзингиз учиб турмаган бўлса керак. Мен сиз билан махфий иш хусусида гаплашиб олишим лозим. Қисқаси, суҳбатимизни бегона киши эшитмаса дуруст бўларди.

У лом-мим демасдан ўрнидан турди-да, қўлидаги қоғозни афсусланган қиёфада столга ташлаб қўйди ва мирзага аллақандай топшириқ бериб, хонадан чиқариб юборди. Сўнг эшикни қулфлади.

— Сэр, мана энди кўнгилдаги гапларингизни бемалол айтаверинг, ҳеч нарсадан хавотирланманг, — деди у ўрнига қайтиб келгач. — Аввалдан айтиб қўйишим мумкин; шум хабар келтирганингизни кўнглим сезяпти! — деб хитоб қилди. — Билиб турибман ё ўзингиз Стюартлардан биттаси бўласиз ёки сизни Стюартлардан бири жўнатган. Улар олижаноб зотлардир. Агар кимки уларга нисбатан инсофсизлик қилса, гуноҳга ботади. Аммо негадир аъзойи баданимни титроқ босяпти.

— Менинг исмим Бэлфур, — дедим. — Шослик Дэвид Бэлфурман. Мени ким юборганини манави нарса айтиб беради. — Унга кумуш тугмачани кўрсатдим.

— Матаҳингизни чўнтагингизга яшириб қўйинг, сэр! — деб қичқирди у. — Бировнинг номини тилга олиш шарт эмас. Бу кимнинг тугмачаси эканини биламан, жин урсин! Уша каллакесар ҳозир қаерда?

Аланнинг қаерда экани менга номаълум, дедим. Лекин шимол томонда (ҳарҳолда, ўзи шунақа деган эди) ишончли бошпанаси бор экан; кема топилгунча яшириниб юради. Бундан ташқари, у билан қаерда, қай тарзда учрашиш мумкинлигини ҳам ҳикоя қилиб бердим.

— Қариндошлигимиз туфайли у оёғимдан тортишини, бугун бўлмаса эртага албатта оёғимдан тортишини билар-

дим! — деб чинқирди қози.— Мана, ўша хосиятсиз кун ҳам етиб келибди! Ҳеч жаҳонда қочоққа кема топиб бўлар эканми? Ҳақини ким тўлайди? Ишқилиб, у бола жиннипинни бўлиб қолгани йўқми?

— Мистер Стюарт, бу борада ғам емасангиз ҳам бўлади,— дедим.— Манави қопда анча-мунча пул бор; агар бу камлик қилса, яна топилади.

Мен сизнинг сиёсий этиқодингизни суриштириб ўтирмайман.

— Суриштириб ўтирмайсизми?— дедим жилмайиб.— Мен қип-қизил вигман.

— Шошманг-чи, шошманг! — деди мистер Стюарт.— Бу қанақаси? Сиз вигмисиз? Ундай бўлса, нима учун менинг олдимга Аланнинг тугмачасини кўтариб келдингиз? Мистер виг, бу қанақа майнавозчилик? У жиноий жавобгарликка тортилган ғалаёнчи, қотил; боши учун икки юз фунт тикилган: сиз бўясангиз, унга ёрдам беришимни сўраяпсиз; кейин «мен вигман!» деб кўкрагингизга уряпсиз! Вигларнинг кўпини кўрган бўлсам-да, лекин бунақасига сира ҳам дуч келмаганман!

— Ҳа, у жиноий жавобгарликка тортилган ғалаёнчи,— дедим.— Кишига алам қиладиган жойи шундаки, у айна пайтда менинг дўстимдир. Унинг яхшироқ муаллим қўлида таълим олмаганига афсусланаман, холос. Бахтга қарши, Аланни қотилликда айблашяпти, лекин ноҳақ айблашяпти.

— Бу гапни биринчи марта сиздан эшитиб турибман,— деди Стюарт.

— Тез орада буни бошқалардан ҳам эшитасиз. Алан Брек айбдор эмас, Жеймс ҳам бегуноҳ.

— Э-э! — деб қўл силтади у.— Агар биттаси оппоқ бўлса, демак иккинчиси албатта қора бўлади.

Алан билан қандай қилиб танишганимни, қай йўсинда Эпинда рўй берган қотилликка тасодифан гувоҳ бўлиб қолганимни, қочқин чоғларимизда бепоён арчагулзорларда бошимиздан кечирган саргузаштларимизни, охири мен ер-мулк эгаси бўлганимни қисқача ҳикоя қилиб бердим.

— Сэр, хулласи калом, шунча гапларни эшитганингиздан сўнг, қандай қилиб сизнинг қариндошларингиз ва дўстларингизга шерик бўлиб қолганимни англасангиз керак, албатта. Бизнинг бахтимизга, бу ишлар ниҳоятда чигаллашиб, қонли тус олиб кетишини асло истамасдим. Узингизга аёнки, мен топшириқ олганман. Лекин дуч келган оқловчига мурожаат этаверсам, бара-

ка топмаслигим аниқ. Сиз шу иш билан шуғулланишга розимисиз?

— Бундай ишнинг кафолатини зиммамга олишга кўзим учиб тургани йўқ эди. Аммо сиз Аланнинг тугмачасини кўтариб келибсиз ахир, демак мен ўзимга маъқул йўлни танлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлганман. Хўш, қанақа топшириқ олгансиз?

— Энг аввало, махфий равишда Аланни бу мамлакатдан чиқариб юбориш лозим, — дедим. — Бу гапни такрорлаб ўтиришимга ҳожат бўлмаса керак.

— Албатта, мен бояги эслатмангизни унутганим йўқ.

— Бундан ташқари, мен Клундан оз-моз қарздорман. Аммо учрашувга қулай фурсат тополмасам керак. Сиз учун бу иш унчалик мушкул эмасдир, деб ўйлайман. Инглиз пули ҳисобида ҳаммаси бўлиб икки фунту беш шиллинг ва чоракам бир танга бериб қўйиш керак, холос.

У мен айтган гапларни дафтарчасига ёзиб олди.

— Ардгурда мистер Хендерленд номли руҳоний, мисионер кимса бор. Уша кишига тамаки юборишим лозим. Менимча, сиз Эпиндаги дўстларингиз билан алоқани узмаган бўлсангиз керак ва шубҳасизки (у ер яқин-ку!), бу ҳам дастлабки илтимосим каби енгил юмуш.

— Қанча тамаки керак? — деб сўради у.

— Менимча, икки фунт етади.

— Икки, — деб такрорлади.

— Ундан кейин, Лаймкилнсда Элисон Хэсти исмли бир қиз бор, — дедим. — У Алан икковимизга Фортдан ўтишимизга ёрдам берган эди. Ўйлашимча, агар унга байрамбоп бирорта кўйлак совға қилсам (аҳволига яраша), виждоним олдидаги бурчимни адо этган бўлардим: ростини айтсам, у икки кишининг ҳаётини сақлаб қолган.

— Худога шукрим, сиз жуда ҳам тежамкор экансиз, мистер Бэлфур, — деди қози ёзишда давом этар экан.

— Эндигина бойликка эришган одам пулни исроф қилаверса, оқибати яхши бўлмайди-да, — дедим. — Марҳамат қилиб, сарф-харажатларни ҳисоб-китоб қилиб беринг ва хизмат ҳақингизни ҳам айтинг. Чўнтагимда қанча пул қолишини билмоқчиман. Албатта, Аланни қутқариш учун боримни беришга тайёрман. Қолаверса, бундан бошқа жамғармам ҳам бор, лекин биринчи кун шунча пул олган одам эртага яна банкга борса, ноқулай бўлса керак. Илтимос қилардимки, харажатларга мана шу пул етадимми-йўқми, ҳисоблаб кўрсангиз, — деб қўшиб қўйдим. — Чунки сиз билан яна учрашишни истаيمان.

— Балли, ниҳоятда эҳтиёткор экансиз-ку! — деди

қози.— Шунча катта пулни менга ишониб топшириб кетишдан қўрқмайсизми? — деди у заҳарханда аралаш.

— Начора, таваккал қилишга мажбурман,— деб жавоб бердим.— Дарвоқе, яна битта нарсани сўрамоқчи эдим: маслаҳат беролмайсизми, қаерда вақтинча яшаб туришим мумкин; ҳозир бошпанам йўқ, ахир?! Бироқ шундай қилиш лозимки, кишиларда ўша жойни ўзим тасодифан топгандек таассурот қолсин; таниш эканимизни Бош прокурор зинҳор-базинҳор билмаслиги керак.

— Кўнглингиз тўқ бўлсин,— деди қози.— Сэр, мен номингизни асло тилга олмайман. Прокурордан суюнчи олиш лозим: чунки у бечора Дэвид Бэлфур исмли инсон тирик эканини ҳам билмайди.

Мен бу одам билан бошқачароқ оҳангда гаплашиш кераклигини англадим.

— Демак, яқинда унинг омади келади,— дедим.— Истайдими-истамайдими, эртага ҳузурига бораману хурсанд қиламан.

— Қачон борасиз?— деди мистер Стюарт ҳайрон бўлиб.— Қайси биримиз ақлдан оздик: сизми ёки менми? Нима учун прокурорга учрашасиз?

— Нега бўларди, ўз хоҳишимга кўра таслим бўлмоқчиман,— деб жавоб бердим.

— Мистер Бэлфур! — деб хитоб қилди қози.— Нима бало, устимдан куляпсизми?!

— Йўғ-э, сэр! — дедим.— Назаримда, мени унчалик назар-писанд қилмаяпсиз шекилли. Лекин ушбу сўзларимни қулоғингизга қўрғошиндек қуйиб олинг; мен мутлақо ҳазиллашаётганим йўқ.

— Мен ҳам ҳазиллашаётганим йўқ,— деди Стюарт,— Айни чоғда менинг сўзларимни ҳам қулоғингизга қўрғошиндек қуйиб олинг: хатти-ҳаракатларингиз унчалик ёқмаяпти. Ўзингиз олдимга хом гапларни кўтариб келдингиз; энди мени шубҳали ишларга жалб этияпсиз; ҳар хил шубҳали кимсалар билан алоқа қилишга мажбур қияпсиз. Менинг уйимдан чиқиб тўппа-тўғри Бош прокурорнинг ҳузурига тавба қилгани бораман, деяпсиз! Аланнинг тугмачаси икки дона бўлган тақдирда ҳам, ҳатто унинг ўзи ҳам мени бу ишларга аралашिशга мажбур қилолмайди!

— Агар сизнинг ўрнингизда мен бўлганимда борми, бунчалик қизишмасдим,— дедим.— Менимча, сизга унчалик маъқул бўлмаётган нарсаларни четлаб ўтиш мумкин. Аммо бошқа иложим йўқ, барибир Бош прокурор ҳузурига боришим даркор; бошқа бирорта муносиброқ

йўл-йўриқ ўйлаб топсангиз, очиғини айтсам, елкамдан тоғ ағдарилгандек бўларди. Чунки жаноби олийлари билан музокаралар каминанинг бошини емаса гўрғайди, деб қўрқяпман. Бироқ гувоҳ сифатида кўрганларимни унга айтиб беришим лозим; мен Аланнинг шон-шарафини (ундан асар қолган бўлса, албатта), Жеймснинг ҳаётини сақлаб қолмоқчяман. Бу ишни пайсалга солиб бўлмайди.

Қози бир сония жим қолди. Сўнг:

— Менга қаранг, азизим,— деди.— Сизга бундай кўргазма беришга ҳеч қачон йўл қўйилмайди.

— Жўжани кузда санаймиз,— деб жавоб бердим.— Агар истасам, мен гапимда қаттиқ туриб олишим мумкин.

— Қип-қизил аҳмоқ экансиз! — деб қичқирди Стюарт.— Ахир уларга айнан Жеймс керак-ку! Агар қўлга туширишса борми, Жеймсни ҳам, Аланни ҳам дорга осишади. Жеймс билан пачакилашиб ўтиришмайди! Ана энди мана шу иш юзасидан прокурор ҳузурига бориб кўринг-чи; у бирпасда оғзингизга латта тиқиб қўяди.

— Мен прокурор ҳақида яхши фикрдаман,— деб эътироз билдирдим.

— Э-э, прокурор нима бўпти! — деб хитоб қилди у.— Азизим, асосий қудрат Кемпбеллар қўлида! Улар бутун қабиласи билан сизларга, жумладан, шўрлик прокурорга ҳам хуруж қилишади. Ақлингиз шу нарсаларга етмаётганига ҳайрон бўляпман, холос. Агар яхшиликча унингизни ўчира олишмаса, тубан воситалардан фойдаланишдан ҳам қайтишмайди. Улар сизни қора курсига ўтқазиб қўйишади. Наҳотки, шуниям билмасангиз?! — деб бақирди у бармоғи билан тиззамга нуқиган кўйи.

— Ҳа-я,— дедим.— Бугун эрталаб бошқа бир қози ҳам менга айнан шу гапларни айтган эди.

— У ким экан?— деб сўради Стюарт.— Афтидан, ишбилармон кишига ўхшайди.

Мен у зотнинг номини тилга олсам беодобчилик бўлади, деб жавоб бердим. У ниҳоятда ҳурматли кекса виглардан, лекин бундай ишларга бош қўшишни асло истамайди.

— Менимча, бу ишга бутун дунё бош қўшяпти! — деб қичқирди Стюарт.— Хўш, у нима деди?

Шос қўрғони ҳовлисида Ранкилер билан қилган суҳбатимиз мазмунини унга айтиб бердим.

— Ана энди сизни ҳам осишади,— деди қози.— Жеймс Стюарт билан ёнма-ён дарда осилиб тураверасиз. Начора, пешонангиз шўр экан-да!

— Умид қиламанки, менинг иқболим баланд,— дедим.— Ростини айтсам, маълум маънода таваккал қиляпман.

— Таваккал эмиш! — деди қози мазахлаб ва яна бир оз сукут сақлади.— Менинг дўстларимни куйиб-пишиб ҳимоя қилаётганингиз етса кошкийди.

Огоҳлантириб қўяй, жар ёқасида юрибсиз. Ўзим ҳам Стюартлар авлодиданман, лекин бобокалонимиз Рой замонидан бери ер юзида яшаётган барча Стюартлар ҳаёти қил устида турган бўлса ҳам, сизнинг ҳозирги ҳолатингизга тушиб қолишни мутлақо хоҳламасдим. Таваккалчиликми? Ҳа, мен ҳам таваккал қилишим мумкин, аммо маслаҳатчилар кемпбеллар бўлса, судья ҳам кемпбеллардан бўлса, боз устига, кемпбеллар тупроғида ва кемпбеллардан биттаси ўлдирилгани учун қора курсида ўтириш масаласига келсак... Бэлфур, мен ҳақимда нимани ўйласангиз ўйланг-у, бироқ бундай иш қўлимдан келмайди!

— Назаримда, биз ҳодисаларга турлича ёндашяпмиз шекилли,— дедим мен.— Эътиқод менга отамдан ўтган.

— Илойим, марҳумнинг тупроғи енгил бўлсин! Ўғли отасининг номига доғ туширмайди,— деди қози.— Аммо менга ҳам раҳмингиз келсин. Ахир жудаям оғир аҳволга тушиб қолдим. Сэр, гапларингизга қараганда, виг экансиз; мен эсам кимлигимни ўзим ҳам билмайман. Албатта, виг эмасман, мен фақат виг бўлиш билан кифоялана олмайман. Гап ўртамизда қолсин-у, лекин бошқа гуруҳлар ҳам менга унчалик ёқмайди.

— Наҳотки?! — дедим ҳайратланиб.— Сиздек ақли расо одамдан бошқачароқ гап эшитишдан умидвор эдим!

— Ҳо-о! Мени мақтайман деб овора бўлмай қўя қолинг. Ақлли кишилар соҳилнинг ҳар икки томонида ҳам топилади. Шахсан ўзим қирол Георгни хафа қилишни истамайман; қирол Иакова масаласига келсак, худо уни паноҳида асрасин, у денгиз ортида яшаса ҳам ҳеч нарса йўқотмайман. Биласизми, мен қозиман; менга дафтару бир шиша сиёҳ бўлса, яхшигина ҳимоя нутқи ҳозирласам, сифатли қоғоз бўлса ва яна парламент идорасида барча қозилар қатори бир стакангина вино ичиб олсаму шанба оқшомлари бирпас копток ўйнасам — бас, олам гулистон! Шундай экан, миллий жўн рўмолингизу қиличингиз на даркор?

— Тўғри,— дедим.— Сиз тоғлик чапаниларга унчалик ўхшамайсиз.

— Унчаликми? — деди у ҳайратланиб.— Э-э, мен уларга мутлақо ўхшамайман-ку! Ҳа, мен тоғда туғилган-

ман: қабилadoшим сибизға чалаётган чоғда ҳамма рақсга тушиши лозим бўлса-ю, камина жим турармидим?! Энг асосийси — қабилам билан ўзим омон бўлсак бас. Боя айтганингиздек, булар ҳам менга отамдан ўтган; камина фақат яхши ишлар билан шуғулланаман! Сотқинлик ва сотқинлар, кимларнидир уёқдан-буёққа ўтказиб қўйиш; фаранги аскарлари ва уларни-да уёқдан-буёққа ташишлар, даъволар, э-э, ҳаммасини ер ютмайдими — жонга тегди! Ҳозир мен амакиваччам бўлмиш — навқирон Ардшилнинг иши билан шуғулланяпман; у ўз мулкида никоҳ маҳкамаси очишини талаб қиляпти, лекин мулк аллақачон мусодара этилган. Ҳечқиси йўқ, буларнинг барчаси қуруқ сафсата. Аммо уларга барибир! Мана, мен оқловчиларга ялиниб-ёлвордим, лекин бундай ишлар уларга ёқмайди; бу ҳаммамизни ҳалокатга учратади: беодобчилик — худди молларнинг сонига босиладиган тамғадай охири авлодимиз шаънига доғ туширади! Бироқ қўлимдан нима ҳам келарди? Ҳа, Стюартлар авлодиданман, шунинг учун ўз авлодим, ўз қабилам манфаатини кўзлаб ўлиб-тирилиб ётибман. Куни кеча эса Стюартлардан бирини Қалъага қамадилар. Нима учун? Нима учун эканини мен биламан: у етти юзу ўттиз олтинчи йилда қирол Людовик қўшинига аскар ёллашда иштирок этган. Мана кўрасиз, у ҳали-замон мени оқловчиликка таклиф этадию номимга яна битта доғ тушади. Худо ҳаққи, агар мен кўхна яҳудий тилида бирор оғиз сўзни билганимда борми, ҳаммасига тупуриб, руҳоний бўлиб кетардим!

— Ҳа, аҳволингиз оғир экан,— дедим.

— Шунчалар оғирки, асти сўраманг! — деб хитоб қилди у.— Мен сизни ҳурмат қиламан: ахир сиз Стюарт эмассиз-у, лекин Стюартлар ишига бошингиз билан шўнғиб кетибсиз. Нимага бунчалик куйиб-пишиб юрганингизни билмайман. Фақат бурч туфайли шундай қиляпсизми?

— Ўйлашимча, ҳақ гапни айтдингиз,— деб жавоб бердим.

— Дарвоқе, бу ажойиб хислат. Ана, ниҳоят, хизматкорим қайтиб келди. Ижозат этсангиз, учаламиз тамадди қилиб олардик. Кейин мен сизни битта яхши инсоннинг ҳузурига йўллайман; у сизга бошпана беради. Сўнгра чўнтақларингизни тўлдириб қўяман. Албатта, қўнжингиздан олиб, қўйнингизга солиб қўяман, холос. Сарф-харажатлар, ҳатто кема ёллаш ҳам унчалик қиммат бўлмайди.

Мен имо-ишоралар билан бизнинг суҳбатимизни хизматкор эшитиб қолиши мумкинлигини билдирдим.

— Эшитса эшитар, Роббидан хавотирланмасангиз ҳам бўлади,— деди қози. — У ҳам Стюартлардан. Бечора одам. У иягидаги соқоли тукидан-да кўпроқ фаранги аскарларини ва қочоқ диндорларни нариги соҳилга ўтказиб юборган. Фаолиятимнинг махфий томони бошдан-охиригача унга маълум. Роб, ҳозир битта одамни ким денгиздан нариги қирғоққа ўтказиб қўйиши мумкин?

— Айтайлик, «Репейник»да Энди Скаугел ўтказиб қўяди,— деб жавоб берди Роб.— Мен кеча Хозисонни кўрдим. Лекин ҳозирча кемаси йўқ шекилли. Тэм Стобо ҳам элтиб қўйиши мумкин-у, аммо унга унчалик ишонмайман. Мен унинг қандайдир ширакайф кимсалар билан пичирлашиб турганини кўрдим; агар обрў-эйтиборли шахс ҳақида гап кетаётган бўлса, Тэм билан олди-берди қилмаган дуруст.

— Робин, ўша одамнинг боши учун икки юз фунт ваъда қилинган,— деди Стюарт.

— Худойим-эй, наҳотки у Алан Брек бўлса?! — деб хитоб қилди хизматкор Робин.

— Худди ўзи.

— Парвардигори олам! Бу ниҳоятда жиддий масала,— деди хизматкор.— Ундай бўлса, Энди билан маслаҳатлашиб кўраман; Энди жуда ишончли киши...

— Сезишимча, ишингиз кўп экан,— дедим.

— Мистер Бэлфур, у бош қашлашга ҳам фурсат тополмайди,— деб жавоб берди Стюарт.

— Хизматкорингиз Хозисон номини тилга олди,— деб давом этдим.— Янглишмасам, мен уни танийман шекилли. У «Васият» кемасининг дарғаси эди. Сиз унга чинакамига ишонасизми?

— У сизлар билан аҳмоқона муомала қилибди,— деди қози Стюарт.— Умуман, мен у ҳақда яхши фикрдаман. Агарда у муайян шартномага кўра, Аланни кемасига чиқариб олса, шубҳам йўқки, ваъдасига вафо қилади. Роб, сен нима дейсан?

— Элидан кўра ҳалолроқ дарғани топиш амримаҳол,— деди хизматкор.— Элининг сўзларига худди Шevalга ёки Эпинга ишонгандек ишонаман.

— Уша пайтда докторни ҳам у олиб келган эди, тўғрими? — деб сўради қози.

— Ҳа, ўзи бошлаб келган,— деб тасдиқлади хизматкор.

— Назаримда, ўзи қайтариб олиб кетганди шекилли? — давом этди қози.

— Ҳа. Бундан ташқари, докторнинг ҳамёни бақувватлигидан Эли хабардор эди,— деди Робин.

— Кўриниб турибдики, бир қарашда одамнинг қандай эканини билиб бўлмас экан,— дедим.

— Мистер Бэлфур, сиз ҳузуримга ташриф буюрган чоғингизда камина шу ҳақда сира ўйламаган эканман,— деди қози.

Учинчи боб

МЕН ПИЛРИГГА КЕТАПМАН

Эртаси куни эрталаб янги бошланамда уйғонишим биланоқ ўрнимдан сапчиб турдим-дە, топ-тоза уст-бошимни кийдим ва чала-чулпа нонушта қилиб, дарҳол навбатдаги саргузаштлар сари отландим. Энди Аланнинг тақдиридан хавфсирамаса ҳам бўларди, лекин Жеймс ҳамон хавф остида эди; мен беихтиёр барча саъй-ҳаракатларим жуда қимматга тушмаса гўргайди, деб кўрқардим, чунки режаларимдан хабардор кишилар шундай дейишарди. Гўё пастликка ўзимни ташлаш учунгина атайлаб тоғ чўққисига эмаклаб чиққан эдим; мен жуда оғир синовларни бошимдан кечирдим, бойликка эришдим, ўз ҳақ-ҳуқуқларимни — шаҳарликлардай кийиниб, ёнимда қилич осиб юриш ҳуқуқини қўлга киритдим, охир оқибатда эса ўз-ўзимни ўлдириш ҳуқуқига эришибман, холос. Боз устига, ўз-ўзини ўлдиришнинг энг расво усулини, яъни қирол қарорига мувофиқ осиб ўлдирилиш ҳуқуқига эришибман гўё.

«Бу ишлардан менга нима фойда?» деб сўрадим ўзимдан, Хайстрит бўйлаб одимлар эканман. Кейин Ли-Уинднинг шимолий қисмидан кета бошладим. Дастлаб, мен Жеймс Стюартни қутқариб қолмоқчиман, деб ўзимни ишонтиришга уриндим; унинг ҳибсга олинганини, хотинининг хун-хун йиғлаганини, ўша пайтда ўзим айтган сўзларни эсладим ва фикр-мулоҳазаларим хийла асослидек туюлди. Бироқ аслини олганда, мен — Девид Бэлфур учун Жеймс ўз тўшагида жон берадими ёки у дорга осиладими, аҳамияти йўқ. Албатта, у Аланнинг қариндоши; лекин бирор панароқ жойда яшириниб ётса дуруст бўларди, қариндошининг бошини эса қирол, герцог Аргайлский ва кузғунлар қандай истаса, шундай ейишаверсин. Бундан ташқари, бошимизга кулфат тушган чоғда Жеймс на Алан тақдирига, на менинг тақдиримга

жон койитган эди; бу нарса ҳали эсимдан чиқмаганди.

Сўнгра хаёлимга ахир мен адолат юзасидан ҳаракат қиляпман-ку, деган фикр келиб қолди: нақадар чиройли сўз, деб ўйладим. Охири муайян тўхтамга келдим; бахтга қарши, биз сиёсий ҳаёт қозонида қайнаймиз, шунинг учун адолат мезонига қатъиян амал қилишимиз даркор; бегуноҳ инсонни қатл этиш эса жамият бағрига урилган тигдир. Кейин ичимдаги бошқа одам тилга кирди: мен ўзимни муҳим тарихий воқеаларнинг иштирокчиси сифатида тасвирлаганим учун маҳмадона болага ўхшаб кўрина бошладим; Ранкилер билан Стюартга баландпарвоз нутқ сўзладим, энди бўлса мақтанчоқлик қилиб, жуда катта ваъда бериб юборганим туфайли, азбаройи сўзимнинг устидан чиқиш мақсадида ўлиб-тирилишим шарт. Бу ҳам камлик қилгандек, ўша — ичимдан келаётган нотаниш товуш менга янада кучлироқ зарба берарди: гўё ўз хавфсизлигимни таъминлаш учун оз-моз таваккал қиляпман, аслида эса кўрқоқлигимни ниқоблаш илинжида ҳийла ишлатяпман, холос. Ҳа, албатта, мен тезроқ Бош прокурор ҳузурига бориб, жиноятга алоқадор эмаслигимни исботлаб бермасам борми, бир кун бўлмаса, бир куни Манго Кемпбеллга ёки шериф ёрдамчисига дуч келиб қолишим ҳеч гап эмас; улар мени таниб қолишадю дарҳол Эпиндаги қотиллик бўйича айблашади. Агар ўз кўзим билан кўрганларимни гапириб берсам, гувоҳлигим инobatга олинса, кейин енгил нафас олишим мумкин. Бу фикр ўзимга жўялидек туюлди. Бошқалари эса, яъни қолган икки йўл, менимча, охири битта манзилга элтарди. Агар Жеймсни қутқариб қолиш қўлимдан келса-ю, лекин уни осиб юборишса, бу адолатдан бўлмасди; мабодо мен катта ваъдалар бериб қуйиб, сўзимнинг устидан чиқмасам ўзимнинг устимдан кулган бўлардим. Мақтанчоқлигим гленлик Жеймсга қўл келади, айти чоғда менга унчалик зиён-заҳмат етказмасди; чунки энди виждоним буюрганини адо этишим ҳам фарз, ҳам қарз эди. Менинг номим олижаноб жентельменларга хос, мол-дунём ҳам жентельменларникидан кам эмас; шундоқ экан, кўнглим жентельменларники каби тоза бўлмаса, иснодга қоламан. Лекин зум ўтмай фақат мажусийгина шунақа фикр юритади, деб ўзимга танбеҳ бердим ва ичимда калима қайтардим: эй худойим, менга куч-қувват ато этгин, токи жанггоҳдаги аскар мисоли ўз бурчимни бекаму кўст адо этайин, фалокат мендан йироқ бўлсин!

Бундай фикрлар менга мадад берарди, албатта. Айти

чоғда ўзим ҳам жар ёқасида турганимни инкор этолмасдим; агар шу йўлдан кетсам, дор остида лиқиллаб турган оёқ қўйгичга етиб боришим мумкинлигини билардим. Роҳатижон, мусаффо тонг отди; шарқ томондан шамол эсарди, изғириндан баданим жунжикди ва беихтиёр кўз ўнгимда заъфарон куз фасли, сарғайган япроқлару қабристонда ётган жасадлар намоён бўлди. Уйладимки, тақдиримда бахтли бурилиш рўй берган ҳозирги дамларда ўлсам, устига устак, бошқаларнинг гуноҳи учун ўлсам борми, бу фожиа иблиснинг қўли орқали амалга оширилади. Кэлтон тепалигида болакайлар қийқиришиб югуриб юришарди; ҳозир варрак учирадиган мавсум бўлмаса-да, аммо улар шундай эрмак билан машғул эдилар. Кўм-кўк осмонда қоғоз илонлар аниқ-тиниқ кўриниб турарди; шамолда уларнинг биттаси ниҳоятда юқорига ўрладию сариқ гулли ўсимлик тўпига қулаб тушди.

«Дэви, сен ҳам худди шунақа бўласан», деб ўйладим ундан кўзимни узмай.

Маутер тепалигидан ошиб ўтдим. Нишабликдаги далалар бағрида жойлашган мўъжаз қишлоққа йўлиқдим. Ҳар бир хонадондан тўқувчилик урчиғининг товуши эшитиларди, боғларда эса асаларилар визилларди; остоналарда ўтиришган кўни-қўшнилар мен тушунмайдиган нотаниш тилда ўзаро сўзлашардилар; кейин билдимки, бу фаранги тўқувчилари яшайдиган Пикардия қишлоғи экан; улар зиғиркорлик ширкатида ишлашарди. Шу ерда мен борадиган манзилимни — Пилригга элтадиган йўлни кўрсатиб қўйишди. Бир оз юрганимдан сўнг йўл четида турган дорга кўзим тушди: занжирда иккита жасад осиглик турарди. Расм-русумга кўра, уларга қатрон суртиб қўйилган эди: жасадлар шамолда тебранарди, занжирлар жангларди, ўлаксахўр қушлар эса ғалати қўғирчоқлар атрофида чинқирганча чарх урарди. Кутилмаган манзара гўё мени хавф-хатардан огоҳ этарди; кўнглимга гулгула тушди-ю, лекин мен ундан сира кўз узолмасдим. Дорни айланиб ўта бошладиму бирдан бадбашара қишлоқи кампирга дуч келиб қолдим: у устунга суяниб ўтирарди, ўзича бир нималар деб пичирларди; мени қўли билан имлади, таъзим қилди.

— Бувижон, улар кимлар? — деб сўрадим, марҳумларни кўрсатиб.

— Қадрдоним, худойим омадингизни берсин! — деб дуо қилди у.— Улар менинг азиз дўстларим, иккови ҳам менинг азизларим эди, қўзичоғим.

— Нима учун қатл этишди? — деб сўрадим.

— Бекордан бекорга осиггани йўқ, — деди кампир. — Мен уларнинг қисмати борасида фолбинлик қилишим билан шу фалокат рўй берди. Иккита шотланд шиллинг учун, ундан кўп эмас, иккита азамат дорда тебраниб туришибди. Улар броутонлик болалардан тангаларни тортиб олишган экан.

— Йўғ-э! — деб юбордим. Ичимда эса кампир ақлдан озмаганмикан, деб ўйладим. — Наҳотки, арзимаган гуноҳ учун ҳаётдан жудо қилинган бўлса? Мана, буни ҳақиқий фожиа деса бўлади!

— Жоним, қани қўлингни менга бер-чи, — деб ғўнғиллади кампир. — Кел, мен сенинг тақдирингда нималар борлигини айтиб бераман.

— Кераги йўқ, бувижон, — деб жавоб бердим. — Ҳозирча қисматим нима бўлишини ўзим ҳам биламан.

— Сенинг қисматинг пешонангга ёзилган, — деб давом этди кампир. — Пешонангга қуралай кўзли ажойиб қиз битган; сарғиш кийимли кичкина одам ҳам, ясама сочига атир-упа пуркалган катта одам ҳам бор; кўзичоғим, йўлингда дор кўланкаси кўндаланг бўлиб турибди. Жоним, қўлингни кўрсат-чи, кекса Мерриен ҳаммаси қандай бўлса шундайлигича айтиб беради.

Алан билан Жеймс Морнинг қизи хусусидаги гаплари ҳақиқатга айнан мос эди; мен бу даҳшатли махлуққа ярим танга ҳадея этдим; дарҳол жуфтани ростладим. Кампир эса ҳамон дор соясида тангаларни ўйнаб ўтирарди.

Агар тасодифий учрашувни ҳисобга олмасак, Лит-Уок тошйўли бўйлаб одимлаш ёқимли эди. Далаларга қатор-қатор дарахтлар экилганди; мен ҳеч қачон бунчалик қунт билан ишлов берилган ерни кўрмаган эдим. Бундан ташқари, яна овлоқ қишлоққа қадам қўйганимдан бағоят хурсанд бўлиб кетдим. Аммо дорда жаранглаётган кишан садолари сира қулоқларим остидан кетмасди, қари кампирнинг буришган-тиришган қиёфаси ҳам кўз ўнгимга муҳрланиб қолган эди: хуллас, дорга тортилган кишилар гўё ёмон туш мисоли каминани таъқиб этарди. Дорга осилиш — шум тақдир нишонасидир, киши икки шиллинг учун дорга тортиладими ёки мистер Стюарт айтмоқчи, бурч туфайли кишанланиб, қатрон суртилиб сўнгра осиладими, булар ўртасидаги фарқ унчалик катта эмас. Дэвид Бэлфур ҳам худди шундай дорга осилиши мумкин; нарироқдан ўтиб кетаётган қандайдир йигитча жасадни кўриб бирпас ўйга толади; унутади, эс-ҳуши кирди-чиқди бўлиб қолган кампир эса устун остида ялпайиб ўтирган кўйи фол очади, оппоққина

жонон қизлар жасадга кўз ташлайдилар-да, юзларини тескари ўгиришиб, бурунларини беркитишади. Мен «томошабин»ларни яққол тасаввур этдим: кўзлари кўкимтир, бўйинбоғлари Драммонд аҳолисининг шляпалари сингари гулдор бўлади.

Ниҳоятда руҳм тушиб кетди. Лекин қарорим қатъий эди. Ниҳоят, рўпарамда Пилринг — манзарали ниҳолчалар ўртасида қад кўтариб турган тўртбурчак иморат кўринди. Дарвоза олдида хўжайиннинг эгарланган оти турарди. У мени кабинетига бошлаб кирди: хонада ҳар хил китоблар, мусиқа асбоблари жуда кўп эди; чунки у жиддий файласуф бўлибгина қолмай, яхшигина созанда ҳам экан. У мен билан самимий салом-алик қилди, Ранкилернинг хатини ўқиб кўрди ва хушфеъллик билан хизматимга тайёр эканини изҳор этди.

— Хўш, қариндошим Дэвид, шундай қилиб, биз амакиваччалар эканмиз-да? Сизга қандай ёрдамим тегиши мумкин? Престонгрэнжга хат ёзиб берайми? Ўз ўзидан равшанки, бу ишнинг мен учун ҳеч оғирлиги йўқ. Лекин нима деб ёзишим лозим?

— Мистер Бэлфур,— дедим,— агар ўз саргузаштларимни бошдан-охиригача айтиб берадиган бўлсам, менимча (мистер Ранкилер ҳам худди шундай фикрда), у сизга унчалик маъқул бўлмаса керак.

— Қариндошдан бундай гапни эшитиш кишига оғир ботади,— деди.

— Мистер Бэлфур, каминадан бекорга ўпкалаяпсиз,— дедим.— Мен ўзимнинг номимга доғ туширадиган ҳеч қандай гуноҳ қилганим йўқ, буёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин. Мен фақат барча инсонлар каби ожизлик қилдим, холос. «Одам Атонинг илк гуноҳи — тақводорликка хос бўлган камчиликдир ва менинг табиатимдаги ахлоқсизликдир»— гуноҳим ана шундан иборат. Лекин менга кимдан ёрдам сўраш мумкин эканини айтиб қўйишган,— деб қўшиб қўйдим, суҳбатдошимдан кўзимни узмай. Агар диний ақидаларни яхши билишимни англашиб қўйсам, унда яхши таассурот қолдирсам ажаб эмас, деб ўйлардим.— Шаъним хусусида гапирадиган бўлсам, мен ҳеч қандай гуноҳ қилганим йўқ, шунинг учун ўзимдан ўпкалайдиган асосга эга эмасман; оғир шароитда ўз хоҳиш-иродамга қарши боришга мажбур бўлдим, холос. Бироқ бунга мен айбдор эмасман. Бошимга тушган кўргулик шундан иборатки, жуда мураккаб сиёсий ўйинга аралашиб қолдим. Каминага айтишларича, сиз бу ҳақда билмаганингиз маъқул.

— Жуда соз, мистер Дэвид,— деб жавоб берди у.—

Ранкилер сизни қандай тасвирлаган бўлса, худди ўшандай экансиз. Хурсандман. Сиёсий ўйинлар масаласига келсак, сиз жуда тўғри фаҳмлабсиз. Мен шубҳали ишлардан холи бўлишга ҳаракат қиламан ва сиёсий ҳийла-найранглардан узоқроқ юришга интиламан. Фақат бир нарсага сира ақлим бовар қилмаяпти: агар сизнинг ҳақиқий аҳволингизни билмасам, мен қандай қилиб ёрдам беришим мумкин?

— Сэр, агар сиз жаноби Бош прокурорга, мен сизга тавсия этаётган йигитча асилзода оила фарзанди, молмулки ҳам анчагина, деб хат ёзиб берсангиз — бас, менимча, бу гаплар чин ҳақиқатга зид эмас,— дедим.

— Ранкилер ҳам худди шундай деб эътироф этибди,— деди мистер Бэлфур.— Унинг гаплари мен учун энг ишончли кафолатдир:

— Агар сўзларимга ишонадиган бўлсангиз, мен инглиз ибодатхоналарида сажда қиламан, қирол Георгга содиқман: ёшлигимдан ана шундай руҳда тарбияланганман. Хатингизга шу гапларни ҳам илова этишингиз мумкин.

— Бундай қўшимча сизга фойда келтиради,— деди мистер Бэлфур.

— Кейин мен жанобга ул зотнинг хизматларига алоқадор бўлган одил судловни амалга оширилишини истаб, фавқулодда муҳим иш юзасидан мурожаат этаётганимни ҳам қўшиб қўйсангиз ёмон бўлмасди.

— Сиз қандай иш билан мурожаат этаётганингизни билмаганим туфайли, ишнинг аҳамияти ҳақида ҳукм чиқара олмайман,— деди мистер Бэлфур.— Шўнинг учун биз «фавқулодда» сўзини тушириб қолдирамиз, «муҳим» ни ҳам ёзиб ўтирмаймиз. Бошқа ҳамма гапни худди сиз айтгандек тарзда қайд этамиз.

— Сэр, яна битта мулоҳаза бор,— дедим беихтиёр бармоғимни бўйнимга теккизиб,— агар зарур бўлиб қолса, ҳаётимни сақлаб қоладиган битта сўз қистириб қўйишингизни истардим.

— Ҳаётингизни? — деб қайта сўради у.— Сизнинг ҳаётингизни сақлаб қолиш керакми? Э-э, мана буниси менга негадир ёқмаяпти. Ростини айтсам, агар иш ҳақиқатан ҳам шу қадар қалтис бўлса, мен кўзим боғланган ҳолда оёқ остида ўралашиб юришни ўзимга эп кўрмайман.

— Истасангиз, мен икки оғиз гап билан моҳиятни тушунтириб беришим мумкин,— дедим.

— Ҳа, шунда яхши бўларди.

— Эпинда рўй берган қотиллик масаласида гап кетяпти,— дедим.

Мистер Бэлфур қўлларини осмонга чўзди.

— Эй парвардигори олам! — деб хитоб қилди у.

Мен унинг қиёфасидаги ўзгаришга қараб сездимки, энди ўз ҳимоячимни йўқотган эдим.

— Ижозат берсангиз, ҳаммасини тушунтириб бераман...— деб гап бошладим.

— Бағоят миннатдорман, мен ҳатто эшитишни ҳам истамайман,— деди у.— Ҳикоянгизни эшитишдан бош тортаман. Сизнинг фамилиянгиз ҳурмати, Ранкилер ҳурмати ва аҳтимолки, қисман ўзингизнинг ҳурматингиз, қўлимдан келганча сизга ёрдам беришга ҳаракат қиламан, лекин мен ўша иш ҳақида бир оғиз сўз эшитишни ҳам истамайман. Мистер Бэлфур, оғоҳлантириб қўйиш менинг бурчим ҳисобланади, чунки сиз ҳали бўз йигитсиз: бу иш — қаърига тортиб кетадиган чуқур ботқоқлик, сиз бўлсангиз жуда ёшсиз. Ҳушёр бўлинг, етти марта ўлчаб, бир марта қадам ташланг.

— Мистер Бэлфур, айтиш мумкинки, мен етти мартадан ҳам кўпроқ ўлчаб кўрганман,— дедим.— Сизга Ранкилернинг хатини яна бир бора эслатиб қўймоқчиман; у мен танлаган йўлни маъқуллайди; унга ишонаман, ундан умидим катта.

— Хўп, майли,— деди мистер Бэлфур ва яна ўша сўзини такрорлади: — Бўпти, бўпти. Қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан.— У қоғозу қалам олди-да, бир оз жим турди, сўнг ҳар бир сўзни ўйлаб ёза бошлади.— Демак, Ранкилер сизнинг хатти-ҳаракатингизни маъқуллайди-а? — деб сўради бирпасдан сўнг.

— Биз у билан бафуржа маслаҳатлашдик; худодан мадад сўраб, мақсад сари боравер, деди.

— Ҳа, сизга фақат ҳақ таоло мадад бериши мумкин,— деди мистер Бэлфур ва хат ёза бошлади. Ниҳоят, хатга имзо чекди-да, ёзганларини қайтадан ўқиб кўрди. Сўнг менга мурожаат этди: — Хўш, мистер Дэвид, мана сизга тавсиянома: ҳозир муҳр босиб бераман, лекин уни елимлаб ўтирмайман, очиқлигича қўлингизга тутқазаман — одоб юзасидан шунақа қилиш лозим. Аммо мен кўр-кўрона ҳаракат қилаётганим туфайли уни сизга ўқиб бермоқчиман; керакли хат шу эканлигига ўзингиз ишонч ҳосил қиларсиз.

«Пилринг, 1751 йил 26 август.»

Милорд!

Мен сизга фамилиядошим ва қариндошим бўлмиш шослик Дэвид Бэлфурни таништирамоқчиман; у навқирон жентельмен, асилзода оила фарзанди, каттагина мулк эгаси. Бундан ташқари, у қимматли фазилат соҳибидир — тақводор зот қўлида тарбияланган, унинг сиёсий этиқоди шунақаки, сиз бундан яхшисини тушингизда ҳам кўрмайсиз. Мистер Бэлфурнинг ишларидан беҳабарман; лекин билишимча, у сизнинг олижаноб хизматингизга алоқадор бўлмиш одил судлов масаласида баъзи маълумотларни айтмоқчи шекилли. Маълумки, жаноблари кечасию кундузи ҳормай-толмай адолат тантанаси учун хизмат қилмоқдалар. Мен яна қуйидагиларни қўшимча қилишим мумкин; йигитчанинг мақсадидан бир қанча дўстлари хабардор экан: улар ишнинг қандай якунланишини ҳаяжонланиб, умид билан кутишмоқда».

— Кейин одатдагидек садоқатлилиқ изҳори ва имзо қўйилган,— деб сўзида давом этди мистер Бэлфур.— Агар эйтибор берган бўлсангиз, мен «бир қанча дўстлари» деб ёздим; ўйлайманки, мен лоф урмаган бўлсам керак-а?

— Сэр, тўғри ёзибсиз. Менинг мақсадимни, ниятимни бир киши эмас, бир неча киши билади,— дедим.— Энди тавсияномангиз учун, ижозатингиз билан сизга ташаккур айтмоқчиман: мен кутгандан ҳам аълороқ хат битибсиз!

— Кўнглимдан чиқариб ёзганим шу, холос,— деди у.— Сиз бениҳоя қалтис ишга бош қўшяпсиз, бўтам. Бўпти, менинг хатим фойда келтиришини худодан ёлвориб сўрайман.

Тўртинчи боб

БОШ ПРОКУРОР ПРЕСТОНГРЭНЖ

Қариндошим мени биргаликда тушлик қилишга олиб қолди («Хонадон обрўсини туширмаслик учун бирга тамадди қилайлик», деди у), шунинг учун орқамга қайтишимда хийла илдамроқ қадам ташлардим. Мен навбатдаги юмушни тезроқ битириш ҳақида ўйлардим, шоша-пиша хавф-хатар сари борардим; менинг аҳволимга тушиб қолган кишига ишни пайсалга солиб ўтириш имкониятининг йўқлиги ҳам ўзига хос ғалати васвасадек туюлади. Престонгрэнж уйига етиб бордим. Афсуски,

у қаёққадир кетган экан. Бирдан ҳафсалам пир бўлганини тасаввур этиш унчалик қийин бўлмаса керак. Назаримда, менга тўғри гапни айтишганди; ўша дақиқада ҳам, ундан кейинги бир неча соат мобайнида ҳам у уйда йўқ эди. Сўнгра Бош прокурор қайтиб келибди ва қўшни хонада меҳмонларни қабул қилибди; бироқ хизматкорлар қабулхонада ўтирганимни эсларидан чиқариб юборишибди. Агар ўзим биладиган барча маълумотларни унга батафсил сўзлаб беришни жуда ҳам истамаганимда борми, аллақачон изимга қайтиб кетардим, лекин мен кўнглимдаги дардимни тўкиб солиб, кечаси тинчгина ухлашни истардим. Дастлаб, китоб ўқишга уриниб кўрдим: мен ўтирган хонада ҳар хил китоблар муҳайё эди. Аммо мутолаадан бирпасда зерикиб қолдим. Бу орада ҳавони булут қоплаб, одатдагидан хийла эртарақ кеч кирди; хонага эса кичкинагина туйнукдан ғира-шира шуъла тушиб турарди, холос. Мен ягона эрмакдан ҳам (агар китоб ўқишни эрмак дейиш мумкин бўлса, албатта) жон-жон деб воз кечдим. Қолган вақтда бекордан-бекор ўтиравердим. Айтмоқчи, ёлғизлигим унчалик билинмасди; қўшни хонадан ғўнғир-ғўнғир товушлар, қандайдир чолғу асбобининг ёқимли садоси, қўшиқ айтаётган аёлнинг ширали овози қулоғимга чалинарди.

Хона эшиги очилиб, остонада баланд бўйли одам пайдо бўлганда соат неччи эканини билмайман-у, лекин қоронғи тушганига анча бўлиб қолган эди. Унинг орқасидан чироқ ёритиб турарди. Мен дарҳол ўрнимдан турдим.

— Бу ерда биров борми? — деб сўради ичкарига қадам қўйган киши. — У ким?

— Мен лорд Пилригскийдан Бош прокурорга хат олиб келдим, — деб жавоб бердим.

— Сиз анчадан бери шу ерда ўтирибсизми?

— Келганимга қанча бўлганини аниқ айтолмайман, — дедим.

— Бу ҳақда биринчи марта эшитяпман, — деди ичкарига кирган киши пиқ этиб кулганча. — Афтидан, хизматкорим сизнинг келганингизни эсидан чиқариб қўйган, чамаси. Лекин барибир ниятингизга етдингиз, мен Престонгрэнж бўламан.

Шундай деб у қўшни хонага ўтди ва мени ҳам орқасидан юришга имлади: шамни ёқди-да, ёзув столи олдига бориб ўтирди. Бу хийла узун, кенг-мўл хона бўлиб, девор ёнларига китоб жавонлари ўрнатилган эди. Шам нури бурчакдаги Бош прокурорнинг сохт-сумбатини, ғайратли қиёфасини ғира-шира ёритиб турарди.

Унинг юзи қип-қизил эди; стол томон юраётган пайтда қадамлари билинар-билинемас чалкашиб кетди. Кўриниб турибдики, у тўкин-сочин дастурхон неъматларидан мириқиб тановул қилганди, лекин эс-ҳушидан адашмаган эди, тили ҳам ўзига бўйсунарди.

— Қани, ўтиринг, сэр,— деди у.— Пилрингдан келган хатни менга беринг-чи.

У хатнинг бошламасига шунчаки кўз югуртирдию номим қайд этилган жойга етганда менга қараб, бош қимирлатиб қўйди. Назаримда, у охирги жумлаларни диққат билан ўқиди; ҳатто икки марта ўқиганига ҳам кафолат беришим мумкин. Бу пайтда юрагим дукурлай бошлагани ўз-ўзидан тушунарли бўлса керак: чунки мен кўприқдан ўтиб, жанг майдонига чиқиб олган эдим.

— Мистер Бэлфур! Сиз билан танишганимдан ниҳоятда мамнунман,— деди у, хатни ўқиб бўлгач.— Бир стакан май тутишга ижозат берасизми?

— Милорд, маъзур кўрасиз-у, лекин бу унчалик тўғри бўлмаса керак,— деб жавоб бердим.— Хатда айтилганидек, мен ўзим учун жуда муҳим бўлган бир иш юзасидан сизга мурожаат этмоқчиман; илгари май ичиб ўрганмаганим боис ичкилик менга салбий таъсир этиши мумкин.

— Начора, ўзингиз биласиз,— деди.— Агар рухсат этсангиз, мен яна бир шиша ичиб оламан.

У кўнғироқ чалдию хизматкор худди аввалдан келишиб олгандек, бир шиша май билан иккита стакан кўтариб кирди.

— Сиз узил-кесил менга шерик бўлмайсизми? — деб сўради прокурор.— Ундай бўлса, танишганимиз учун ичаман, дўст бўлиб қолайлик! Сизга қандай ёрдам беришим мумкин?

— Назаримда, ўзингизнинг таклифингизга биноан ҳузурингизга ташриф буюрганимдан гап бошласам яхши бўларди шекилли, милорд,— дедим.

— Демак, менга нисбатан маълум устунликка эга экансиз, чунки шу оқшомгача сиз ҳақингизда ҳеч нарса эшитганим йўқ эди. Ишонмасангиз, қасам ичишим мумкин.

— Тўғри, милорд, менинг номим сизга нотаниш,— дедим.— Аммо барибир сиз анчадан бери мен билан учрашишга ҳаракат қилиб юрибсиз, ҳатто шу ҳақда ошкора эълон бердингиз-ку!

— Бошқотирма жумбоқнинг ечимини ўзингиз айтиб қўя қолсангиз дурўст бўларди,— деб жавоб берди у.—

Ахир мен ҳамма нарсани олдиндан биладиган Даниил пайғамбар эмасман-ку.

— Эҳтимол, агар мен ҳазиллашмоқчи эдим, десам борми, дарров енгил тин олардингиз, бироқ мен ҳазиллашмоқчи эмасман; марҳаматингизни дариф тутмай каминага икки юз фунт чўзиб қўйишингизни талаб қилсам нима дейсиз?

— Қандай асосга кўра? — деб сўради.

— Ахир, мени қўлга туширган кишига мукофот бериш хусусида эълон берилган,— дедим.

У илкис стаканни нарироқ суриб қўйди-да, креслода қаддини ростлади; шу пайтгача у талтайиб ўтирарди.

— Буни қандай тушуниш керак? — деб сўради.

— «Ун саккиз ёшлардаги баланд бўйли, чайир йигитча,— деб ёддан эскартишни ўқий бошладим,— тоғликларга ўхшаб эмас, соф тилда сўзлайди, ҳали соқоли чиқмаган».

— Бу сўзлар эсимда бор,— деди у.— Агар сиз ўйлаб-нетиб ўтирмасдан, кимнингдир ғамини ейиш учун ҳузуримга келган бўлсангиз, билиб қўйинг: ўзингиз балога гирифторм бўлишингиз ҳам ҳеч гап эмас.

— Мақсадим жиддий,— деб жавоб бердим.— Чунки ҳаёт-мамот масаласида гап кетяпти; сиз нима демоқчи эканимни жуда яхши тушундингиз. Гленур отилган чоғда у билан суҳбатлашиб турган одам мен бўламан.

— Ўзингиз менинг олдимга келибсизми, демак сиз ўзингизни бегуноҳ деб биласиз, чамамда,— деди у.

— Мутлақо ҳақ гапни айтдингиз,— деб тасдиқладим.— Мен қирол Георгнинг садоқатли хизматкориман, агар бўйнимда зиғирдек айбим борлигини билганимда борми, йўлбарс маконидан узоқроқ юришни афзал кўрардим.

— Бундай сўзларни эшитганимдан хурсандман,— деди прокурор.— Мистер Бэлфур, бу шунақанги даҳшатли жиноятки, афв этиш борасида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас. Ваҳшиёна тарзда қон тўкилди. Қотиллик — олий ҳазратларига қарши кўтарилган қўзғолондир; бизнинг ашаддий душманларимиз томонидан қонунларимиз мажмуасига қарши қаратилган ҳаракат нишонасидир. Назаримда, бу ниҳоятда жиддий иш. Яшириб ўтирмайман, бу жиноят шахсан ҳазрати олийларига қарши йўналтирилган.

— Бахтга қарши, милорд, айна чоқда бошқа бир юқори лавозимли зотга ҳам қарши йўналтирилгандир.

Мен у зотнинг исми шарифини айтиб ўтирмайман,— деб қуруққина эътироз билдирдим.

— Агар сиз кимгадир ишора қилаётган бўлсангиз, садоқатли фуқаро оғзидай гап чиқаётганига ҳайрон қолмасдан иложим йўқ. Агар бу сўзлар омма олдида айтилганда, мен дарҳол керакли чорани кўрган бўлардим,— деди прокурор.— Назаримда, сиз оғир аҳволга тушиб қолганингизни ҳис этмаяпсиз шекилли, акс ҳолда одил суднинг шаънига доғ бўлиб ёпишадиган имо-ишоралардан ўзингизни тийган бўлардингиз. Бизнинг мамлакатимизда одил суд ҳам, унинг камтарин хизматкори бўлмиш Бош прокурор ҳам юз-хотир қилиб ўтирмайди.

— Милорд, беодобчилик қилаётган бўлсам кечирасиз-у, бу гапларни ичимдан тўқиб чиқараётганим йўқ,— дедим.— Мен фақат ҳамма айтиб юрган гапларни такрорладим, холос. Мамлакатнинг ҳамма чеккасида, турфа хил одамлардан шу гапларни эшитиш мумкин.

— Эҳтиёткорлик нима эканини ўрганиб олганингиздан сўнг, бундай гапларни эшитмаслик лозимлигини, боз устига, такрорлаш керак эмаслигини ҳам тушуниб етасиз,— деди прокурор.— Лекин мен сизни ёвуз ниятли киши сифатида айбламоқчи эмасман. Ҳаммамиз ҳурмат қиладиган таниқли жентельмен ҳақиқатан-да, ўша ваҳшиёна жиноятдан озми-кўпми озор чекди, лекин зотнинг мартабаси шу қадар улўғки, қандайдир бўхтон унинг номига доғ туширмаслиги лозим. Сиз билан сичқон-мушук ўйнаб ўтирмайман; герцог Аргайлский ўша воқеани юрагига яқин оляпти, мен ҳам худди шундай фикрдаман; иккаламиз ҳам хизмат вазифамиз тақозо этгандек ҳаракат қиламиз — ҳазрат олийларига муносиб равишда бурчимизни адо этамиз. Бузилган асримизда барчамизнинг қўлимиз у кишиники сингари оилавий қасослар қонига булғанмаган бўлса кошкийди, деб муқаррам зотга ҳавас қилишимиз жоиз, албатта. Аммо бахтга қарши Кемпбелларнинг бири ўз бурчини адо этаётган пайтда ҳалок бўлди. Зеро, Кемпбеллар ҳар доим муқаддас бурчини биринчилар қаторида адо этардилар. Мен Кемпбеллар авлодидан бўлмасам-да, лекин бор гапни айтиб қўймоқчиман! Тақдир тақозосига кўра (бизнинг бахтимизга!) ҳозир ўша таниқли хонадон соҳибларидан биттаси суд палатасининг раиси. Мана, энди оғзига кучи етмайдиган ғаламислар мамлакатдаги арзон-гаров ошхоналарда куракда турмайдиган миш-миш тарқатиб юришибди, мистер Бэлфур каби навқирон жентельмен-

лар эса кўр-кўрона равишда уларнинг сассиқ оғизларидан чиққан бўхтонларни такрорлашяпти.— У бу гапларни худди суд залида тургандек баландпарвоз оҳангда ирод этди. Сўнгра яна одатий маромга тушиб олди.— Етар энди,— деди у.— Хўш, мен сизни нима қилсам экан-а?

— Шу саволга ўзингиздан жавоб эшитмоқчи эдим,— дедим.

— Ҳа, албатта,— деди прокурор.— Ҳа, сиз менинг ҳузуримга ишончли тавсиянома билан келдингиз. Бу хатга жуда ҳалол виг имзо чеккан.— У стол устида ётган қоғозни қўлига олди.— Мистер Бэлфур, суд жараёнидан олдин ҳам доимо шартнома тузиш имконияти бўлади. Бир гапни айтиб қўймоқчиман: эҳтиёт бўлинг, тақдирингиз кўп жиҳатдан менга боғлиқ. Ижозатингиз билан эслатиб ўтмоқчиманки, бундай ишларда мен қирол жанобларидан ҳам қудратлироқман. Сир эмаски, агар тил топиша олсак, фикримиз бир жойдан чиқса, ҳозирги гапларимиз ўртамизда қолади, деб ваъда бераман.

— Буни қандай тушунишимни истайдилар? — деб сўрадим.

— Э-э, бу жуда ҳам жўн гап-ку, мистер Бэлфур. Агар мен суҳбатимиздан қониқсам, сиз менинг ҳузуримга ташриф буюрганингизни бирорта тирик жон ҳам билмайди. Кўриб турибсизки, ҳатто ўз хизматкоримни чақирганим йўқ.

У нимага ишора қилаётганини англадим.

— Менимча, каминанинг ташрифи хусусида кимгадир маълумот беришга ҳожат бўлмаса керак,— дедим.— Лекин бундан менга қанақа наф тегишини ўзим ҳам билмайман. Умуман, ҳузурингизга ўз оёғим билан келганимдан уялмайман.

— Э-э, уялишга ҳеч қандай асос йўқ-ку,— деди у далда бераётгандек.— Айни чоқда, агар сиз оқилона йўл тутсангиз ўзингизни беҳавотир ҳис этишингиз мумкин.

— Милорд, ростини айтсам, мени қўрқитиш осон эмас,— дедим.

— Худо ҳақи, сизни асло қўрқитмоқчи эмасман,— деб эътироз билдирди у.— Келинг, энди терговни бошлай қоламиз. Илтимос қиламан, фақат менинг саволларимга жавоб берсангиз ва ҳеч қандай ортиқча гап қўшмасангиз. Жавобларингиз кўп нарсаларни ҳал этиши мумкин. Тўғри, мен ўз зиммамга оғир масъулият оляпман, аммо ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бўлади.

— Милорд, насиҳатингизга амал қилишга интиланман,— деб жавоб бердим.

У олдига қоғоз кўйди-да, сарлавҳа ёзди.

— Демак, сиз Леттерморск ўрмонидан ўтаётган пайтингизда машъум ўқ товуши эшитилади ва ўша воқеага гувоҳ бўласиз,— деб гап бошлади у.— Тасодифан гувоҳ бўлиб қолдингизми?

— Ҳа, тасодифан,— дедим.

— Нима мақсадда Колин Кемпбелл билан гаплашдингиз?

— Мен ундан Охарнга қандай борса бўлади, деб сўрадим.

Сездимки, менинг жавобимни қоғозга қайд этмади.

— Ҳм, тўғри,— деди у.— Мен бир гапни эсимдан чиқарган эканман. Биласизми, мистер Бэлфур, агар сизнинг ўрнингизда бўлганимда борми, Стюартлар билан бўлган муносабатларим ҳақида камроқ эслатардим. Бу нарса ишни чигаллаштиради, холос. Менимча, майдачуйда тафсилотлар ҳеч нарсага арзимайди.

— Милорд, бундай ишларда ҳар қандай икир-чикир ҳам бирдек қимматга эга бўлса керак, деб ўйлабман.

— Биз ҳозир Стюартларни суд қилаётганимиз эсингиздан чиқиб қолибди шекилли,— деди у маънодор оҳангда.— Агар биз сизни ҳам уларга қўшиб суд қилсак, бошқа гап эди: ўшанда ҳозир ўзимни эшитмасликка солаётган тафсилот ҳақида ҳам қатъият билан сўрардим. Қани, давом этамиз. Мистер Манго Кемпбеллнинг кўрсатмаларида айтилишича, сиз дарҳол қоя тепасига қараб қоча бошлабсиз. Шу гап ростми?

— Дарров қочганим йўқ, милорд. Мен қотилни кўриб қолганимдан кейингина ўша томонга югурдим.

— Демак, сиз уни кўриб қолдингизми?

— Милорд, мен ҳозир сизни қанчалик аниқ кўриб турган бўлсам, уни ҳам шунчалик аниқ-равшан кўрдим. Лекин орамиздаги масофа хийла узоқроқ эди.

— Сиз уни кўрсангиз танийсизми?

— Мен унинг юзидан таниб олишим мумкин.

— Сиз ортидан югурдингиз, аммо унга ета олмадингиз-а?

— Йўқ, етолмадим.

— У ёлғиз эдимми?

— Ҳа, ёлғиз эди.

— Яқин атрофда ҳам ҳеч ким йўқ эдимми?

— Ўша атрофдаги ўрмонда Алан Брек бор эди.

Прокурор қаламни стол устига ташлади.

— Нима бало, биз сичқон-мушук ўйнапмизми? — деди у зарда аралаш.— Бу эрмак сизга жуда қимматга тушиши мумкин.

— Мен ўзингизнинг маслаҳатингизга амал қиляпман; фақат саволларингизга жавоб қайтаряпман, холос,— деб эътироз билдирдим.

— Ҳали вақт борлигида эс-ҳушингизни йиғиштириб олинг. Мен фойдангизни кўзляяпман, лекин сиз яхшиликни билмаяпсиз; агар ҳушёр бўлмасангиз, барча тоат-ибодатларимиз бир пул бўлади.

— Менга кўрсатаётган ёрдамингизни юксак қадрлайман. Лекин ўртамизда қандайдир тушунмовчилик бўляпти,— дедим товушим титраб. Пайқадимки, мана энди ростакам олишув бошланади.— Мен Алан Брек Гленурнинг ўлдирилишига мутлақо алоқадор эмаслиги ҳақида кўргазма бергани, шунга сизни ишонтиргани келганман.

Афтидан, прокурор довдираб қолди: бамисоли жиғига тегилган мушукдек лабларини тишлади, кўзларини қисди; ҳурпайиб олди.

— Мистер Бэлфур, қатъиян эътироф этаманки, сиз ўз манфаатингизга зид ҳаракат қиляпсиз! — деди у.

— Милорд, камина бу ишдан асло манфаатдор эмасман,— деб жавоб бердим.— Тепамда худо шоҳид, ҳузурингизга холис ният билан келдим: мен адолат тантана қилишини, бегуноҳ инсон оқланишини истайман, холос. Агар мен жанобларининг нафратини кўзғатган бўлсам, начора, каминанинг тақдири сизга боғлиқ: ўлдирадиган ҳам, қолдирадиган ҳам ўзингиз.

У креслодан турди-да, иккинчи шамни ёқиб қўйди ва менинг кўзларимга синчиклаб тикилди. Унинг қиёфаси кескин ўзгариб кетганини кўриб, ҳайрон бўлдим: у ниҳоятда жиддий тортиб қолганди, назаримда, ҳатто ранги оқариб кетгандек туюлди.

— Сиз ўтакетган даражада гўлсиз ёки аксинча, қайсарсиз! Сиз билан очиқчасига гаплашиш керак экан,— деди у.— Бу — сиёсий иш...ҳа,ҳа, мистер Бэлфур, биз истаймизми ё истамаймизми, бундан қатъий назар, бу сиёсий ишдир. Бунинг оқибатини ўйлашим билан оқ аъзойи баданимдан совуқ тер чиқиб кетади. Сиздек тарбия кўрган йигитчага, одатий жиноятларга нисбатан сиёсий ишларга мутлақо бошқача муносабатда бўлишимизни тушунтириб ўтиришимизга ҳеч қандай ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлайман. Бу таълимотни минг мақомга солиб талқин этиш мумкин; табиийки барча қонунлар ана шунинг ич-ичига сингиб кетган. Ростини айтсам, куч-

эхтиёждир. Рухсатингиз билан мен батафсилроқ тушунтириб берсам. Истайсизки, мен ҳаммасига ишонишим...

— Милорд, каминани кечирадилар, мен фақат ўзим исботлаб беришим мумкин бўлган кўрғазмаларга ишонингизни истайман, холос,— деб унинг гапини бўлдим.

— Бай-бай-бай, йигитча-я! — деди у.— Ҳадеб қайсарлик қилаверманг-да! Отангиз тенгқур киши ўз гапини (у хатто ноаниқликка йўл қўяётган бўлса-да) тугатгунча қаноат қилиб эшитинг-да! Ахир ўз мулоҳазаларимни тўла-тўқис баён этайин-чи; агар мистер Бэлфур бошқача фикрда бўлса, кейин эшитамиз. Хулласи калом, Брекнинг бегуноҳ эканига ишонишимни истайсиз. Мен эсам, бунга унчалик эътибор бериб ўтирмасдим; боз устига, биз қочоқни ҳали қўлга туширганимиз йўқ. Аммо Брекнинг гуноҳсизлиги масаласи ишни жуда ҳам чигаллаштириб юборади. Агарда бегуноҳ экани тан олинса, демак иккинчи жиноятчини айблашдан ҳам воз кечишга тўғри келади; ваҳолонки, у бошқа тоифадаги одам, қиролга қарши икки марта қурол кўтарган, аммо ҳар гал афв этилган — эски сотқин. У турфа хил норозиликларни кўзгатувчи иблис; ким ўқ узган бўлишдан қатъий назар, шубҳасизки, жиноятчини илҳомлантирган. Гап — Жеймс Стюарт хусусида бораётганини тушунтириб ўтиришимга ҳожат бўлмаса керак.

— Мен жанобларига очиқ-ойдин айтишим мумкинки, ҳузурингизга Алан билан Жеймснинг айбсиз эканини баён этгани келганман. Бундан ташқари, судда ҳам кўрғазма беришга тайёрман.

— Мистер Бэлфур, очиқ-ойдин айтаман, бу иш юзасидан кўрсатма беришингизни асло истамайман; сиз бетараф қолсангиз ёмон бўлмасди,— деди у.

— Сиз мамлакатимиздаги одил судни бошқариб турган инсонсиз-у, лекин мени жиноят қилишга ундаяпсиз!— деб хитоб қилдим.

— Мен ўз мамлакатимнинг манфаатини ҳимоя қилишга сафарбар этилган инсонман; фақат сиёсий зарурият нуқтаи назаридан сизни инсофга чақиряпман, холос,— деб жавоб берди у.— Аслини олганда, ватанпарварлик ҳар доим ҳам ахлоққа мос келавермайди. Бироқ, менимча, сиз хурсанд бўлишингиз керак; бу нарса жонингизга ора киради. Фактлар эса ўзингизга қарши, сизни айблашга асос бўлиши мумкин. Агар

сизни жар ёқасидан қутқариб олишга ҳаракат қилаётган бўлсам, бунинг сабаби — мен ҳалолликни юксак қадрлайман; ўз оёғингиз билан ҳузуримга келиб, ҳалол эканингизни исботладингиз; иккинчи томондан — Пилрингдан жўнатилган хат ҳам маълум салмоққа эга, албатта. Аммо бу ишда мен учун энг муҳим мезон — бу сиёсий баҳодир, судьялик бурчим — кейинги ўринда туради. Мана шу сабабга биноан тақрорлашим мумкин: сизнинг кўрсатмаларингизнинг менга кераги йўқ.

— Милорд, гапларим кўнглингизга оғир ботмасин-у, аммо мен «оқ»ни оқ, «қора»ни қора деяпман, холос, — дедим. — Бироқ агар жаноблари каминанинг кўргазмаларидан воз кечсалар борми, сир эмаски, рақиб томон бениҳоя хурсанд бўлади.

Престонгрэнж ўрнидан турди-да, хона бўйлаб уёқдан-буёққа юра бошлади.

— Сиз ёш бола эмассиз. Қирқ бешинчи йилда мамлакатимиз бўйлаб тарқалган қўзғалонлар ёдингиздан чиқмаслиги лозим, — деди у. — Пилрингнинг хатида қайд этилишича, ибодатхонага бориб сажда қилар экансиз, мамлакатга садоқатли экансиз. Ўша машъум йили уни ким қутқариб қолди? Мен бу ишга жуда қатта ҳисса қўшган қирол ҳазрати олийлари ёки аскарлар ҳақида гапираётганим йўқ; лекин Кемберленд Драммоссини босиб олгунга қадар кураш ғалаба билан яқунланган эди, мамлакат сақлаб қолинганди. Хўш, уни ким сақлаб қолди? Яна қайта сўраяпман: бизнинг протестант мазҳабидаги динимизни, мамлакатимизни ким сақлаб қолди? Биринчидан, марҳум президентимиз Каллоден; у ҳақиқий қаҳрамон эди, лекин бировдан раҳмат эшитмасдан ўтиб кетди; мана, мен ҳам ўз кучимни эзгу ишга сарф этипман, аммо ҳеч қандай мукофот тама қилаётганим йўқ; ўз бурчимни адо этсам кифоя. Президентдан бошқа яна ким? У кишининг ким эканини ўзингиз ҳам мендан кўра яхшироқ биласиз; ҳозир у ҳақда ҳар хил бўхтонлар тарқатиляпти: суҳбатимиз бошида сиз ўша кишига ишора қилган эдингиз, лекин мен сизга танбеҳ бердим. Қисқаси, у киши герцог ва Кемпбелларнинг буюк қабиласидир. Қирол хизматини адо этиб юрган пайтда ўша Кемпбелларнинг биттаси хоинона равишда ўлдирилди. Герцог билан мен — икковимиз ҳам тоғликмиз. Аммо биз маданийлашган тоғликлармиз; бизнинг қабилаларимиз, кўплаб қариндош-уруғларимиз ҳақида бундай дейиш мумкин эмас. Уларда ёввойи одамларга хос хусусиятлар,

қусурлар сақланиб қолган. Улар ҳам худди Стюартлар каби варварлардир; тафовут шундан иборатки, ёввойи Кемпбеллар ҳақ иш учун курашяптилар, ёввойи Стюартлар эса ноҳақлик йўлида жон олиб-жон беряптилар. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг: Кемпбеллар қасос олишни истайдилар; агар қасос олмасалар борми — сизнинг Жеймсингиз жавобгарликдан қутулиб кетса, Кемпбеллар жунбушга келадилар. Яъни бутун тоғли Шотландиядан тартибсизлик бошланади; ваҳоланки, шундоқ ҳам вазият қалтис бўлиб турибди, ҳозирча қуролсизлантиришга эришганимиз йўқ: қуролсизлантириш — кулгили томоша...

— Буни мен ҳам тасдиқлашим мумкин,— дедим.

— Тоғли Шотландиядаги тартибсизлар бизнинг азалий душманларимизга қўл келади,— деди прокурор кўрсаткич бармоғини осмонга ниқтаб: у ҳамон хона бўйлаб уёқдан-буёққа юрарди.— Кафолат беришим мумкинки, мамлакатимизда яна қирқ бешинчи йил бошланади; бу сафар Кемпбелларга қарши курашилади. Хўш, сиз Стюартнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун, айтмоқчи, у бошқа бир қатор жиноятлари учун ҳам жавобгарликка тортилган эди; бундан ташқари, ўшани сақлаб қолиш учун мамлакатни уруш гирдобига ташламоқчимисиз, ота-боболаримиз эътиқодини хавф остида қолдирмоқчимисиз, кўп минглаб бегуноҳ кишиларнинг мол-мулкани, ҳаётини кунфаякун қилмоқчимисиз?.. Мана шунақа мулоҳазаларим бор. Умид қиламанки, мистер Бэлфур, агар сиз ўз мамлакатингизга, одил ҳукуматингизга ва ҳақиқий эътиқодга содиқ бўлсангиз, сўзларимни албатта инобатга olasиз.

— Милорд, мен билан очикчасига гаплашаётганингиз учун миннатдорман,— дедим.— Ўз навбатида мен ҳам дилимдагини рўй-рост айтишга ҳаракат қиламан. Сизнинг сиёсий мулоҳазаларингиз мутлақо тўғри. Жанобларининг зиммасига оғир масъулият юклангани, юқори лавозимни эгаллашдан аввал қасамёд қилганлари менга аён. Тез орада бадном бўлиб, беҳуда ўлиб кетадиган бахтиқаро инсон билан унинг қақшаб йиғлаётган хотини сира кўз ўнгимдан кетмаяпти, ҳатто йиғи товуши қулоқларимга эшитилиб турибди. Мен шундан нарини кўришга қодир эмасман, шундай яратилганман. Агар мамлакат ҳалокатга маҳкум этилган бўлса, барибир ҳалокатга йўлиқади. Ожиз бўлсам, фурсат борлигида тезроқ кўзларим очилишини худодан илтижо қилардим.

У сўзларимни индамай тинглади; хийла вақт ўтган ҳаракатга келиб:

— Мана бу ҳеч кутилмаган тўсиқ! — деди у ўз-ўзига гапираётгандек.

— Жаноблари энди каминани нима қилмоқчилар? — деб сўрадим.

— Азизим, бир им қоқсам, сиз қамоқхонада тунашингиз мумкинлигини биласизми?

— Милорд, мен ундан ҳам баттар жойларда тунаган одамман, — деб жавоб бердим.

— Менга қаранг, йигитча, суҳбатимиз мобайнида бир нарсага имон келтирдим: сизнинг сўзларингизга ишониш мумкин экан. Агар биз бу оқшом гаплашган барча мавзуларни ҳамда Эпин воқеаларига алоқадор барча икир-чикирларни сир сақлайман, деб ваъда берсангиз, сизни озод қилиб юбораман.

— Мен эртагача ёки сиз белгилайдиган ҳар қандай қулай фурсатгача лом-мим демасликка сўз бераман, — деб жавоб қайтардим. — Тагин мени ҳийла ишляпти, деб ўйламанг; ўзимнинг шартимга кўра ваъда бермасам, милорд, сиз кўзлаган мақсадингизга эришишингиз мумкин.

— Мен сизни тузоққа илинтирмоқчи эмасман.

— Гапингизга ишонаман, — дедим.

— Шошманг, ўйлаб олай-чи, — деб давом этди у. — Эртага якшанба. Менинг ҳузуримга душанба куни эрта-лаб соат саккизда келинг, унгача бу ҳақда бировга оғиз очмасликка ваъда беринг!

— Жон-жон деб ваъда бераман, милорд. Сиздан эшитган гапларни то умрингизнинг охиригача (илойим, умрингиз узоқ бўлсин!) сир сақлайман.

— Сизни қўрқитмаётганимни ҳам эътиборга олиб қўйинг, — деди у сўнг.

— Бу ҳол жанобларининг нияти эзгу эканидан нишонандир. Аммо мен сиз сўз билан ифода этмаган қўрқитув воситаларини пайқамайдиган даражада галварс эмасман.

— Хўп, хайрли тун! — деди Бош прокурор. — Мириқиб дам олинг! Афсуски, камина бу кеча мижджа қоқмасам керак.

У хўрсинди-да, шамни қўлига олиб мени эшиккача кузатиб қўйди.

БОШ ПРОКУРОР ХОНАДОНИДА

Эртаси йигирма еттинчи август, якшанба куни кўпдан бери кўнглимга тугиб юрган ниятимни амалга ошириш учун қулай фурсатни қўлга киритдим — мистер Кемпбеллнинг ҳикоялари орқали яқин таниш бўлиб қолган Эдинбург руҳонийлари диний расм-русмларни қандай амалга оширишни кўришга қарор қилдим. Афсуски, Эссендинда ҳурматли мистер Кемпбеллнинг қироатини ҳам хардамхаёллик билан тинглардим. Айти пайтда Престонгрэнжнинг гап-сўзлари хаёлимни тарк этмагани, айқаш-чуйқаш фикрлардан ҳамон қутулмаган эдим; диққатимни бир нуқтага жамлашга ҳарчанд уринсам-да, лекин руҳоний зикр этаётган панд-нисихатлар у қулоғимдан кириб, бунисидан чиқиб кетарди; мен ибодатхонага тўпланган оломонни томоша қилардим, холос. Назаримда, бу жой театрни, аниқроғи, ўша пайтдаги тасаввуримча, суд мажлисини эслатарди. Айтиқса, уч қатор ўриндиқ ўрнатилган Ғарбий ибодатхонага ўтган пайтимда мана шундай тасаввур кўнглимни сира ҳам тарк этмади: устига устак, бу ерда мисс Драммондни учратишдан умидвор бўлмасам ҳам бўларди.

Душанба куни умримда илк бора сартарош хизматидан ниҳоятда мамнун бўлдим. Кейин Бош прокурор ҳузурига бораётиб эшик ёнида қизил мундирли аскарларга кўзим тушди; уй соясида улар худди шоҳи сўзанадаги чипта ямоқдек яққол ажралиб туришарди. Мен беихтиёр навқирон бону билан унинг хизматкорини қидира бошладим, лекин уларни тополмадим. Шанба куни бир неча соат мобайнида юрагим сиқилиб, мезбонни кутиб ўтирган қабулхонага каминани таклиф этишган пайтда бурчакда турган новча Жеймс Морга кўзим тушди. Афтидан, у ниҳоятда хавотирланарди; оёқ-қўллари дағ-дағ титрарди; кўзлари кичик хона деворларида олма-кесак терарди: уни боши берк кўчага кириб қолганини эсладим у бечорага ич-ичимдан ачиндим. Қисман унга раҳмим келганидан, қисман эса қизи мени мафтун этиб қўйгани туфайли беихтиёр у билан саломлашиш истаги уйғонди.

— Сэр, хайрли кун тилашга ижозат этинг! — деди.

— Сэр, ўзингизга ҳам хайрли кун тилайман! — деб жавоб берди у.

— Престонгрэнжни кутяпсизми?

— Ҳа, сэр. Худоё худовандо, сиз у билан мендан кўра кўнгиллироқ мавзуда суҳбатлашинг!

— Умид қиламанки, ҳарҳолда, суҳбатларинг узоққа чўзилмаса керак; чунки сизни биринчи бўлиб қабул қилади, ахир.

— Бу сафар мени охирида қабул қилар экан,— деди у елкасини қисганча қўлларини икки томонга ёзаркан.— Сэр, илгари бундай бўлмасди, лекин замон ўзгаряпти. Йигитча, қилич гурур ҳисобланиб, аскарларнинг фидокорлиги юксак қадрланган кезларда ҳаммаси бошқача эди.

У барча тоғликлардай сўзларни бузиб талаффуз қилар, бу ҳол негадир менинг гашимга тегди.

— Назаримда, мистер Макгрегор, аскар биринчи навбатда сукут сақлашни билиши лозим, унинг энг асосий фидокорлиги — ҳеч қачон нолимасликдан иборат,— дедим.

— Кўриб турибманки, сиз номимни билар экансиз,— деди у ва қўлларини қовуштирганча менга таъзим қилди.— Лекин ўз номимни тилга олиш ҳуқуқидан маҳрум этилганман. Начора, номим хийла машҳур: қолаверса, ҳеч қачон душманларимдан яшириниб юрмаганман. Ҳайрон қоладиган жойи шундаки, бегона кишилар ҳам бунга яхши билишади.

— Ҳа, ҳозирча сиз мени танимайсиз. Агар номимни билмоқчи бўлсангиз, марҳамат, эшитиб қўйинг: менинг исмим — Бэлфур,— дедим.

— Кўпгина шавкатли инсонларники сингари яхши ном,— деди у такаллуф билан.— Қирқ бешинчи йилда менинг батальонимда ёшгина бир табиб хизмат қилгани ёдимда, у сизга фамилиядош бўлган...

— Назаримда, у бэйтлик Бэлфурнинг акаси эди шеклли,— дедим; мен энди ўша табиб ким эканини билардим.

— Худди шундай, сэр,— деб тасдиқлади Жеймс Мор.— Хўш, сизнинг қариндошингиз билан елкама-елка туриб курашганимиз учун муборак қўлингизни қисиб қўйишга ижозат этсангиз! — У гўё туғишган укасини топиб олгандек қувониб, анча пайтгача қўлимни қўйиб юбормади.— Эҳ! — деб хитоб қилди.— Биз қариндошингиз билан жон олиб-жон берган пайтлардан буён жуда кўп нарсалар ўзгариб кетди!

— Узоқ қариндош,— дедим қуруққина.— Ростини айтсам, умримда уни кўрганам ҳам йўқ.

— Ана холос! — деди Жеймс Мор.— Майли, бунинг

унчалик аҳамияти йўқ. Аммо сизнинг ўзингиз ҳам... ахир сиз ҳам курашгансиз-ку? Қиёфангиз бир қарашдаёқ кишининг зеҳнига ўрнашиб қолади, лекин илгари учрашганимизни сира эслай олмаяпман.

— Мистер Макгрегор, сиз айтган йилда мен ҳали бошланғич синфга қатнаб юрардим,— дедим.

— Ўҳ-ҳў, жуда ҳам ёш экансиз-ку! — деб хитоб қилди у.— Ундай бўлса, бу учрашув қанчалик қимматли эканини сиз барибир билмайсиз. Мистер Бэлфур, бошга кулфат тушган дамларда қуролдош дўстнинг қони жўш уриб турган инсонни учратиш кишига куч-қувват бағишлайди; бу худди сибизганинг ҳаётбахш товушига ўхшайди. Сэр, кўпчилигимиз ўтмишни ўкинч билан, баъзан эса кўзда ёш билан эслаймиз. Мен ўз юртимда қирол каби ҳаёт кечирардим; ўз қиличимни, тоғларимни, дўстлариму қариндошларимнинг эътиқодини эъзозлардим; менга шулардан бошқа нарса керак эмасди. Энди бўлса, бижғиб кетган қамоқхонада ётибман. Мистер Бэлфур, ишонасизми,— деб давом этди у қўлтиғимга қўлини ўтказганча хона бўйлаб уёқдан-буёққа юрар экан,— ишонасизми, сэр, ҳатто энг зарурий эҳтиёжим ҳам қондирилмаяпти. Душманларимнинг фисқу фасодлари туфайли мол-мулким мусодара этилди. Ўзингизга маълумки, сэр, мен бўҳтонга учрадим — ёлғон айблов билан зиндонбанд этдилар: аслида, мен ҳам сиз каби бегуноҳман. Улар мени суд қилишга журъат этишмаяпти, лекин пасқам жойда оч-наҳор, юпун аҳволда тутиб туришибди. Афсуски, бэйтлик қариндошингизни ёки унинг укасини учратмадим-да! Биламан, уларнинг иккови ҳам менга дарров ёрдам қўлини узатган бўлишарди; сиз бўлсангиз, нисбатан бегона одамсиз...

У бечораваш кишидай йиғлаб юборди. Унинг сўнгисиз дийдиёларинию ўзимнинг қисқа-қисқа жавобларимни батафсил баён этишга ожизман. Бир ҳисобда, уч-тўрт танга бериб, Жеймс Морнинг товушини ўчириб қўйишни истардим-у, аммо уялганимданми, ғурурим йўл бермасмиди, ўзимни ҳурмат қилганим учунми ёки Катриона учунми, ишқилиб, унга садақа ҳадя этишга қўлим бормасди. Мана, сийқа мақтовлару панд-насиҳатларни эшитишга мажбурман; ёнида дам олдинга-дам орқага қараб одимламоқдаман, ўзимнинг узук-юлуқ жавобларим билан бу қароқчиваччани мот қилишга улгурмаган бўлсам-да, ҳартугул, ҳафсаласини пир қилдим. Шу пайт бирдан остонада Престонгрэнж пайдо

бўлдию шошилмасдан мени ичкарига таклиф этди.

— Бир дақиқалик ишим бор,— деди у,— ёлғиз ўтириб зирикиб қолмаслигингиз учун сизни уч дугонага таништириб қўймоқчиман: эҳтимол; қизларимнинг доврўғини аллақачон эшитган бўлсангиз керак; улар оталарига қараганда хийла машҳур. Марҳамат, буёққа юринг!

У мени юқори томондаги узун хонага бошлаб кирди: бу ерда озғин кампир тўр тўқиб ўтирарди; дераза олдида эса, назаримда, Шотландиядаги энг гўзал қизлар тизилишиб туришарди.

— Бу йигит менинг янги дўстим, мистер Бэлфур,— деб таништирди Престонгрэнж қўлтиғимдан ушлаганча.— Дэвид, бу аёл каминанинг опаси бўладилар — мисс Грант; у хўжалигимни бошқаришни ўз зиммасига олган, ишончим комилки, сизга хизмат кўрсатишдан ниҳоятда хурсанд бўлади. Булар эса,— у қизлар томонга ўгирилди,— учови ҳам менинг ажойиб дўмбоқчаларим. Мистер Дэви, ростини айтинг-чи, сизга қайси биттаси кўпроқ ёқади? Гаров ўйнашим мумкинки, Алан Рамсэй каби у ҳам рост гапиришга журъат этолмайди!

Учала қиз ҳам, кекса мисс Грант ҳам бирданига шовқин-сурон кўтаришиб норозилик билдиришди, қизлар эса ғазаблансалар ҳам ёки ўзларини шундай кўрсатётган бўлсалар-да, гурр кулги кўтардилару мен бундан янада ҳайратга тушдим.

Уйин-кулги бошланишидан фойдаланган Престонгрэнж билдирмай хонани тарк этдию мен қуруқликка чиқиб қолган балиқдай кўзимга ғалати кўринаётган жамоат орасида ёлғиз қолдим. Ҳозир ўшанда нималар рўй берганини эсласам, ўзимни тўнкадек тутганимни инкор этмайман; рисоладагидай тарбияланган хонимчалар қандай қилиб мен билан «овуниб» ўтиришганини ҳалигача тасаввур этолмайман. Хола кашта тўқиш билан машғул эди, фақат гоҳ-гоҳида менга нигоҳ ташлаб, жилмайиб қўярди, холос. Қизлар эса, айниқса, тўнғичи — энг гўзали ҳам шу эди, атрофимда парвона бўлишарди-ю, лекин уларга муносиб равишда муомала қилишга ожиз эдим. Мен галварс, шунчаки қишлоқи йигитча эмас, балки ер-мулк эгаси бўламан, шунинг учун бу қизалоқлар олдида қимтиниб ўтиришим шарт эмас; боз устига, тўнғич қиз мендан бир-икки ёш катта, холос, равшанки, уларнинг бирортаси ҳам мендек билимдон бўлмаса керак, деб ўзимни ишонтирмоқчи бўлардим. Аммо бундай даъволар ҳеч қандай ёрдам бермасди; бари бир шолғомдек қизариб кетаверардим; беихтиёр

бугун умримда биринчи марта соқолимни қирдирганим эсимга тушаварарди.

Улар нечоғли ҳаракат қилишмасин, аммо суҳбатимиз сира қовушмади; менинг тортинчоқлигим жонига теккан тўнғич қиз стулга ўтирдию клавиқорд чала бошлади; очиги, унинг маҳоратига тан бериш лозим эди. У шотландча, италянча ашулалар айтиб мени зериктирмай ўтирди. Ўзимни хийла эркин ҳис эта бошладим, ҳатто тез орада бегонасирашни ҳам унутдимю Алан менга ғорда ўргатиб қўйган (Кэриден яқинида) қўшиқ куйини ҳуштакда ижро этдим ва қизлардан ўша ашулани билиш-билмасликларини сўрадим.

Тўнғич қиз бош чайқади.

— Биринчи марта эшитишим,— деб жавоб берди у.— Қани, охиригача куйни ҳуштакда чалиб беринг-чи... энди яна бир марта такрорланг,— деб қўшиб у мен ҳуштак чалишдан тўхтаган пайтимда.

У бирпасда менинг ҳуштагимга ҳамоҳанг таронани чала бошлади. Куй чалаётиб ўзи ҳам эшилиб-тўлғонарди. Ниҳоят, шотландча талаффузда қўшиқ айта бошлади:

«Мен дўғри дарона танладимми?

Сиз шундай шуштак чалиб бердингизми».

— Кўрдингизми, мен ҳам шеър тўқишни биламан, — деди у.— Фақат қофияси андан ғализроқ, чамамда.— Яна қўшиқ айта бошлади:

«Мен мисс Гранд, прокурорнинг қизиман,

Назаримда, сиз Дэвид Бэлфурсиз».

Мен унинг қобилиятига қойил қолдим.

— Бу қўшиқнинг номи нима?— деб сўради у.

— Билмайман,— деб жавоб бердим.— Мен уни шунчаки «Аланнинг қўшиғи» дейман.

Қиз кўзларимга тикилди.

— Мен уни «Дэвиднинг қўшиғи» деб атайман,— деди у.— Аммо у жуҳуд адашингиз Саул қаршисида ижро этган қўшиққа оз-моз ўхшамаса-да, амирзодага маъқул тушмаган бўлса, мен сира ҳам ажабланмасдим; чунки куй ниҳоятда ғамгин экан. Сиз қўшиққа берган ном негадир менга ёқмаяпти; агар ўша қўшиқни вақти келиб яна эшитишни истасангиз, уни мен айтган ном билан эслатарсиз.

Бу сўзлар маънодор оҳангда айтилгани учунми, билмадим, юрагим дуқурлаб кетди.

— Нима учун, мисс Гранд?— деб сўрадим.

— Сизни дорга осиб юборишса, тавба-тазаррунгни

мана шу оҳангда куйлаб юраман,— деб жавоб берди мисс Гранд.

Шубҳасизки, у менинг ҳаётим, бошимга тушган кулфатлар тўғрисида кўп нарсаларни биларди. Айнан нималарни, қандай қилиб билиб олганига сира ақлим бовар қилмасди. Албатта, у Аланнинг исмини тилга олиш хавfli эканини илғаб олган эди; шунинг учун мени огоҳлантириб қўйди. Бундан ташқари, у мени қотилликда айблашаётганини ҳам эшитган эди. Назаримда, у атайлаб зардали оҳангда гапини якунлади (кейин дарҳол шўх кўйни чалишга киришди), яъни бу мавзудаги суҳбатни давом эттиришни истамасди. Унинг ёнида тик турардим у гўё ўзимни мусиқа тинглаб, унга тасанно айтаётгандек кўрсатардим, аммо, аслида, хаёлларим олис-олисларга сайр этиб кетган эди. Кейинчалик амин бўлдимки, бу қиз сирли-сехрли ҳодисаларнинг ишқивози экан; равшанки, бизнинг дастлабки суҳбатимизни ҳам қандайдир жумбоқларга ўраб ташлади: калаванинг учини топишга ақлим етмади. Орадан кўп йиллар ўтгандан сўнг маълум бўлишича, якшанбадан прокурор унумли фойдаланган экан: ўша куни банк хизматчиси излаб топилибди, тергов қилинибди; у менинг Чарлз Стюарт ҳузурда бўлганимни тан олибди; Дэвид Бэлфур Жеймс ва Алан билан чамбарчас алоқа ўрнатган, ҳатто кейинги нусха билан хат ёзишиб турса ҳам ажаб эмас, деган хулосага келишибди. Шунинг учун куй авжига чиққан чоғда каминага илмоқли луқма ташланган экан.

Кўчага беткай дераза ёнида турган қизлардан бири опаларининг ўйинини бўлдию ҳаммамизни ёнига чақирди:

— Яна кўккўз қиз келди!— деди у.

Опа-сингиллар дераза ёнига ёпирилиб боришди-да, бир-бирларини туртишиб кўчага қарай бошлашди. Улар энгашиб турган дераза хонанинг бурчагида эди: у айнан уйга кириладиган эшик тепасида бўлиб, тор кўча ён томондан баралла кўриниб турарди.

— Мистер Белфур, буёққа келинг!— деб қичқиришди қизлар.— Қаранг, нақадар гўзал! У кейинги пайтларда биз томонларга тез-тез келадиган бўлиб қолди, доимо қандайдир жулдурвоқилар ҳамроҳ бўлишади; лекин ўзига бир қаранг-а, ҳақиқий бонуга ўхшайди!

Тепадан қараб турганимни сезиб қолади, деб хавотирланганимдан унга бир қур кўз югуртирдим. Ҳонадан мусиқа садоси таралаётган эди; қиз уй ёнида турарди: отаси шу тобда кўзда ёш билан ҳаётдан маҳрум этмас-

ликларини ялиниб-ёлвориб сўраётган бўлиши мумкин. Ўзим ҳам ҳозиргина унинг шикоятларини тинглаб, хуноб бўлган эдим. Мен уни кўрганимдан сўнг ўзимни янада дадилроқ ҳис эта бошладим — манави хонимчалар олдида қўл қовуштириб, қисиниб-қимтиниб туришим ўзимга эриш туюлди. Шубҳасизки, бу қизлар ҳам гўзал эдилар, лекин Катриона уларнинг ҳар биридан-да гўзалроқ эди; унинг ажиб оҳанрабоси бор эди; у гўё лов-лов ёнаётган оловга ўхшарди. Агар бу қизлар мени жиловлаб туришган бўлса, Катриона аксинча, жиловимни бўшатиб юборарди. У билан суҳбатлашиш ҳам осон кўчарди. Агар мен маликалар билан очилиб-сочиблиб гаплаша олмаган бўлсам, бунга қисман уларнинг ўзлари айбдор эди. Бирдан кулгим қистади: ўзимни аранг тутиб қолдим, лекин заҳар ханда бари бир лабларимни тарк этмасди; хола кашта тўқишдан тўхтаб, бошини кўтардию менга қараб жилмайиб қўйди, уч қиз эса мени худди ёш боладек овунтиришга киришдилар — уларнинг қиёфасига «отамизнинг хоҳиш-иродаси шуни тақозо этади» деган ёзув битилган эди гўё. Шунинг учун мен беихтиёр мийғимда кулиб қўярдим.

Тез орада прокурор қайтиб келдию яна меҳрибонлик, ёқимтойлик намуналарини намоён этишга киришди.

— Энди, қизларим, мистер Бэлфурни нариги хонага таклиф этмоқчиман,— деди у.— Умид қиламанки, меҳмонни бизникига тез-тез келиб туришга кўндириб қўйган бўлсаларинг керак, албатта. Мен уни доимо қучоқ очиб кутиб оламан.

Қизлар тилёғламалик билан хайр-хўшлашдию Прес-тонгрэнж каминани эргаштириб чиқиб кетди.

Агар менинг ўжарлигимга барҳам бериш мақсадида мана шу оилавий мулоқот уюштирилган бўлса, Бош прокурор узил-кесил муваффақиятсизликка учради, дейиш мумкин. Мен қизларда нохуш таассурот қолдирганимни пайқамайдиган даражада аҳмоқ эмасдим; сездимки, менинг қорам кўринмай қолган заҳотиёқ уларнинг бири қўйиб-бошқаси эснай бошлайдилар. Мен юмшоқ кўнгил, елпатак эмаслигимни исботладим; энди қулай фурсат келган чоғда бошқа хусусиятларим ҳам мавжуд эканини, керак бўлса, тап тортмас, жангари эканимни кўрсатиб қўйишим даркор.

Кўнглимдаги ниятим бирпасда рўёбга чиқди; чунки прокурор мени эргаштириб чиқиб кетгандан сўнг носамимий суҳбат бошланди.

ЛОВЭТНИНГ СОБИҚ СОҲИБИ

Престонгрэнжнинг хонасида ўтирган нотаниш кишига кўзим тушиши биланоқ у кўнглимни айнитиб юборди; сассиқкузан ёки кўршапалак ҳам кишида худди шунақа жирканч таассурот қолдиради. У мажруҳ кимсалар тоифасидан бўлиб, муомаласи босиқ жентельменга ўхшарди, аммо бирданига ғазаби жўшиб, хонада уёқдан-буёққа юра бошларди; палағда товуши тингловчи қулоғига ўқдай қадаларди — у пўписа оҳангида сўзларди.

Прокурор бизни бир-биримизга беписандлик билан таништирди.

— Бу Фрээр,— деди у.— Бу мистер Бэлфур, биз ҳозиргина шу йигитча ҳақида гаплашган эдик. Мистер Дэвид, рўпарангиздаги киши мистер Саймон Фрээр бўладилар, у илгари бошқа ном остида танилган эди... майли, ўтган ишга салавот. Мистер Фрээрнинг сизда иши бор экан.

У хонанинг нариги бурчагига борди-да, китоб жавонидан қалингина дафтарни олиб, гўё зарур юмуш билан банд кишидек, ишчан қиёфага кирди.

Шундай қилиб, мен бу ерда учратишни ҳатто хаёлимга ҳам келтирмаган кимса билан юзма-юз қолдим. Менга таништиришлари бўйича, бу одам Ловэтга эгалик ҳуқуқидан маҳрум этилган бўлиб, қудратли Фрээрлар қабиласининг собиқ йўлбошчиси эди. У ўз қабиласига бош бўлиб қўзғолонда иштирок этганди, отаси — Эсендиннинг аввалги эгаси, ўша тоғларнинг малла тулкиси — қўзғолончи сифатида бошидан айрилганди, сўнгра ерлари тортиб олиниб, ўзлари дворян унвонидан маҳрум этилган эдилар. У Грантнинг уйида қандай пайдо бўлиб қолганига сира ақлим бовар қилмасди; албатта, мен у ҳуқуқшунос унвонига эришганидан мутлақо беҳабар эдим: ўз эътиқодидан юз ўгириб, энди янги ҳукумат ноғорасига ўйнай бошлабди; охири Эпин ишлари юзасидан Бош прокурорнинг ёрдамчиси этиб тайинланибди.

— Хўш, мистер Бэлфур, сиз нима демоқчи эдингиз?— деб менга мурожаат этди у.

— Нима дейишга ҳам ҳайронман,— деб жавоб бердим.— Бош прокурор жаноблари билан камина ҳақида сўзлашиб, нима демоқчи эканимни билиб олган бўлишингиз керак.

— Эътиборингиз учун, мен Эпин иши билан шуғул-

ланяпман,— деб давом этди.— Судда Престонгрэнжнинг ёрдамчиси сифатида қатнашаман; гувоҳларнинг кўрсатмаларини ўрганиб чиққанамдан сўнг, сизнинг позициянгиз нотўғри экан, деган хулосага келдим. Брекнинг айбдор эканлиги яққол кўриниб турибди; қотиллик рўй берган пайтда у тепаликда турган эди, деб берган гувоҳлик кўрсатмангиз уни дорга осиш учун етарли далил бўлади.

— Уни дорга осиш жуда ҳам қийин; чунки Брекни ҳозирча қўлга туширганингиз йўқ ахир,— деб эътироф этдим.— Бошқа масалалар хусусига келсак, сиз ҳам ўз таассуротларингизга ишониш ҳуқуқига эгасиз. Мен буни асло инкор этмоқчи эмасман.

— Герцогни ҳамма гапдан хабари бор,— деб давом этди Фрэзер.— Мен ҳозиргина жаноби олийларининг ҳузурида бўлдим: у ҳақиқий ақобир сифатида барча фикр-мулоҳазаларини очиқ-ойдин айтди. Мистер Бэлфур, у зот сизнинг исмингизни тилга олдилар; агар манфаатингизни ҳимоя қилаётган кишиларнинг маслаҳатларига қулоқ солсангиз, мамлакат тақдири борасида сиздан кўра кўпроқ ташвиш чекаётган инсонларнинг панд-насиҳатини инobatга олсангиз, у зоти мукаррам ниҳоятда мамнун бўлажакларини изҳор этдилар. Герцог мамнун бўлди, дегани қуруқ сафсата эмас: қари билганини — пари билмас, дейдилар. Гап ўртамизда қолсин-у, сиз менинг кимлигимни, қабилам бошига тушган фалокатни, отам кўрнамаклик қилганини ва ит азобида ўлиб кетганини билсангиз керак. Ўзим сарсон-саргардон бўлиб юрганимни қўя турайлик. Ниҳоят, мен олиҳиммат герцог билан ярашиб олдим; у дўстимиз Престонгрэнждан илтимос қилиб, каминани ишга жойлаб қўйди: мана, энди яна отга миниб қирол Георгнинг душманларини суд қилишда иштирок этияпман; илгариги гуноҳларимни ювяпман, ҳазрат олийлари шаънига маломат тошларини билмай отганим учун ич-ичимдан афсусланяпман.

— Нима ҳам дердим, ота ўғил мана шунақа олижаноб ишлар билан шуғулланиши керак-да!— дедим пичинг қилиб.

Фрэзер оқиш қошларини чимирди.

— Сиз истаганингизча устимдан кулишингиз мумкин, — деди у.— Лекин мен ўз хизмат бурчимни адо этияпман, ўзимга топширилган вазифани сидқидилдан бажаришим лозим; сиз бу кишини йўлдан ураман деб беҳуда овора бўляпсиз. Ижозат этсангиз, бир гапни айтиб қўймоқчиман: сиз каби ақли расо, мағрур йигитчаларга

катта ҳаёт бўсағасида битта суюнчиқ бўлса борми, келажаги ярқираб, ўн йиллаб оғир меҳнат остида эзилмайди. Сиз фақат ўша суюнчиқни эътироф этсангиз — бас, кейин қайси соҳада униб-ўсишни ихтиёр этсангиз, герцог сизга оталарча ғамхўрлик қилади.

— Лекин мен қобил фарзанд каби итоатгўй бўлсам керак, деб қўрқаман,— дедим.

— Сэр, наҳотки мамлакат сиёсати қандайдир беодоб бола туфайли дабдала бўлиб кетади, деб ўйласангиз?!— деб қичқириб юборди.— Эпин иши — қиморбозларнинг ошиғи; кимки омадини синаб кўрмоқчи бўлса, ошиқни «чикка» тушишига ёрдам бериши лозим! Мана, мени кўринг: ўйлаисизки, камина ўз манфаатини кўзлаб бир пайтлар елкама-елка курашган дўстларини таъқиб эъпманми, атайлаб уларни ноқулай аҳволга соляпманми? Асло, бошқа иложим йўқ, ахир!

— Сэр, менимча, ўша даҳшатли кўзғолонда иштирок этган пайтингиздаёқ барча имкониятлардан маҳрум бўлгансиз,— деб қайд этдим.— Хайриятки, каминанинг аҳволи бошқача: мен ҳалол фуқароман; герцог билан қирол Георгнинг кўзларига тик қарашим мумкин.

— Сиз шундай деб ўйлаисизми?— деди у мийиғида кулиб.— Эътироз билдиришга рухсат этинг: турдан адашяпсиз. Менинг билишимча, шу чоққача Престонгрэнж кўнгилчанлик қилиб, кўрсатмаларингизни рад этмади; аслида, сизнинг гувоҳлигингиз бизга жуда ҳам шубҳали кўринади. Ўзингизни оппоқ қилиб кўрсатяпсиз. Сэр, қадрдоним, фактлар эса бунинг тескарисини кўрсатяпти: сиз айбдорсиз.

— Мен сиздан шуни кутган эдим.

— Манго Кемпбеллнинг кўрсатмаси; қотиллик рўй бергандан сўнг жуфтакни ростлаб қолишингиз, узоқ вақт мобайнида яшириниб юргангиз — буларнинг ҳаммаси, азиз дўстим, нафақат Дэвид Бэлфурни, ҳатто ювош ҳўкизни дорга юбориш учун етарли далил бўла олади!— деди мистер Саймон.— Мен судда маслаҳатчи сифатида қатнашаман, менга сўз беришади; ана шундан кейин бошқача йўсинда сайраб юбораман: агар бугунги гапларим сизга ёқмаса, ўша куни қулоқларингизни беркитиб ўтиришга мажбур бўлмасангиз гўргайди, иш-қилиб! У, ранг-рўйингиз оқариб кетди-ку!— деб хитоб қилди у.— Жон жойингиздан ушлабман шекилли-а, беҳаё! Юзингиз оқариб кетди, кўзларингиз олма-кесак теряпти, мистер Дэвид! Ниҳоят, қабристон ҳам, дор ҳам сиз ўйлагандан кўра яқинроқ эканини тушундингиз-ку!

— Бу ҳар қандай инсонга хос табиий ожизлик нишонаси,— дедим.— Аммо иснод тамғаси эмас. Иснод...— деб сўзимда давом этмоқчи бўлдим.

— Иснод сизни дор остида кутиб турибди,— деб сўзимни бўлди у.

— Уша ерда сизнинг ҳурматли отангиз билан тенглашаман,— дедим.

— Э-э, қўсангиз-чи!— деб қичқирди.— Сиз ишнинг моҳиятини тушунмаяпсиз. Менинг отам давлат миқёсида жинойт қилгани, қиролнинг ишларига тумшугини тиққани туфайли жазоланди. Сизни эса тубан мақсадларни кўзлаб, ифлос қотилликка қўл ургангиз учун осишади. Сиз қотилликда сотқин сифатида иштирок этгансиз; ўша бечорани гапга солиб, чалғитиб тургансиз, тоғлик жулдурвоқилар тўдаси сизнинг ҳамтовоқларингиз эди. Мистер Бэлфур, ҳаммасини исботлаш мумкин, исботлаб берамиз, менга ишонаверинг: биз исботлаб беришимиз мумкин ва албатта исботлаймиз; сиз эса қилмишингизга яраша жазоланасиз. Мен жинойт белгиларини рақам этиб, ўқимишли йигитча қандай қилиб хиёнат йўлига кириб қолганини; эски-туски кийимлару бир шиша виски, уч шиллингу беш яримта сариқ чақа эвазига сотилганини фактлар асосида исботлай бошлаган пайтимда судьялар бир-бирлари билан кўз уриштириб олишади. Ҳозир ўша манзарани яққол тасаввур этипман!

Туйқус бошимга биров мушт солгандек бўлди; унинг гапларида жон бор эди: кийим-кечак, бир шиша ирланд вискиси, уч шиллингу беш ярим танга сариқ чақа — булар Алан икковимиз Охарни тарк этган пайтимиздаги бойлигимиз эди. Сездимки, Жеймсинг одамларидан биттаси қамоқхонада оғзидан гуллаб қўйганди.

— Кўриб турибсизки, мен сиз ўйлагандан ҳам кўпроқ нарсаларни биламан,— деди у заҳарханда аралаш.— Фаройиб мистер Дэвид, Буюк Британия ва Ирландия ҳукумати ишни тескари томонга буриб юборишга қодир бўлган гувоҳларни топишга қийналади, деб хомтама бўлмайд қўя қолинг. Қамоқхонада бизнинг буйруғимизни бажариш учун қасам ичишга тайёр турган маҳбуслар текилиб ётишибди; хоҳласам, уларга шу заҳоти буйруқ беришим мумкин. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг; агар ўлиб кетишни афзал кўрсангиз, номингизга доғ тушиши турган гап. Бир томонда — ҳаёт, май, жононалар ва сизни ҳар доим қўллаб-қувватлашга ҳозир нозир герцог. Бошқа томонда — бўйнингизга сиртмоқ ташланади, дорда суюқларингиз шақирлаб туради; ёлланган

қотил деган шармандали, ифлос ном — тавқи лаънат авлоддан-авлодга ўтаверади. Мана, кўряпсизми! — У пўписа оҳангига ўтди. — Мана, мен чўнтагимдан қоғоз оляпман! Кўряпсизми, унга кимнинг номи ёзилган экан? Бу Дэвид Ажойибнинг номи; сиёҳи эндигина қуриган, холос. Бу қанақа қоғоз эканини биласизми? Сизни ҳибсга олиш ҳақидаги буйруқ, мен манави кўнғироқни чалсам — бас, фармон бирпасда кучга киради. Сўнгра сизни шу қоғоз билан Тобутга кузатиб қўйишади: худо ёр бўлсин — тақдирингизни ҳал этадиган қуръа ташланган!

Тонмайман, бу палидлик мени ростдан ҳам қўрқитиб юборди; оёқ-қўлларимда мадор қолмади ҳисоб — шармандали ўлим шарпаси ниҳоятда даҳшатли эди. Бир дақиқа аввал мистер Саймон ранг-рўйим оқариб кетганини кўриб қувонганди, лекин ҳозир хийла ўзимни босиб олган эдим; фақат товушим титрарди.

— Бу хрнада олижаноб жентельмен бор! — деб қичқирдим. — Мен унга мурожаат этяпман! Ўз ҳаётимни, шаънимни у кишининг қўлига ишониб топшираман.

Престонгрэнж тап этказиб дафтарни ёлиб қўйди.

— Саймон, боя нима деган эдим? Сиз бор барака қилиб, ўйинни бой бердингиз! — деди у. — Мистер Дэвид, агар ишонсангиз, бу синов каминанинг хоҳиш-иродасига кўра рўй бергани йўқ. Ростини айтсам, сиз синовдан муваффақиятли ўтдингиз. Эҳтимол, нима демоқчи эканимни бирданига англаб етмасиз, шундай бўлса-да, менга жуда катта яхшилик қилдингиз. Агар дўстим кеча камина эришгандан ҳам кўпроқ нарсаларга эришган бўлса, демак у одамларни мендан кўра яхшироқ билар экан. Демак, ҳар икковимиз ҳам — мен ҳам, мистер Саймон ҳам ўз жойимизда ўтирганимиз йўқ. Биламан, дўстимиз Саймон мағрур инсон, — деди у Фрэзернинг елкаларига қоқиб. — Шундай қилиб, кичкинагина томоша ниҳоясига етди; мен сиз томондан, бу кўнгилсиз иш қандай натижа билан тугашидан қатъий назар бошқалар сизга илтифот билан муомала қилишларини таъминлашга уриниб кўраман.

Престонгрэнж менга яхши сўзлар айтди. Бундан ташқари, билдимки, рақибларимнинг муносабати яхши эмас экан, ҳатто улар бир-бирларини ёмон кўришларини фош этиб қўйишди. Шубҳасизки, бу тергов аввалдан пухта ўйланган эди, биргаликда машқ қилинган бўлса-да ажаб эмасди; ўз-ўзидан равшанки, рақибларим барча воситалардан фойдаланишди. Имон-эйтиқод, мақтов,

қўрқитиш билан ҳам таъсир ўтказа олишмади. Энди яна қандай ҳийла-найранг ўйлаб топишлари мумкинлигини фақат тахмин қилардим, холос. Шунча қийноқлардан сўнг кўз олдим қоронғилашиб, тиззаларим қалтирай бошлади ва бояги гапларимни такрорладим:

— Мен ўз ҳаётимни, шаънимни у кишининг қўлига ишониб топшираман.

— Яхши, яхши,— деди Престонгрэнж.— Биз сихни ҳам, кабобни ҳам куйдирмасликка ҳаракат қиламиз. Энди ёқимлироқ ишлар хусусида гаплашамиз. Сиз дўстим мистер Саймондан ўпкаламанг, у фақат буйруқни бажарди, холос. Бу ерда худди унинг қулваччаси сингари ёўдайиб турганим учун каминадан хафа бўлсангиз майли-ю, лекин бегуноҳ оиламга асло ғазабингизни сочманг. Қизларим сизни даврага қўшилишингизни сабрсизлик билан кутишяпти, мен уларни хафа қилишни истамайман. Эртага Хоуп хиёбонига боришмоқчи; агар сиз ҳам биргаликда сайр этсангиз соз бўларди. Лекин дастлаб менинг олдимга бир кириб кетинг; сизга айтадиган янги гаплар чиқиб қолиши мумкин. Кейин мен сизни маликалар ихтиёрига топшираман. Ҳозир эса яна бир марта кечаги ваъдангизни такрорлаб қўйинг: сукут сақлайман, деб сўз беринг.

Афсуски, мен таклифни дарҳол рад этмадим. Ростини айтсам, ўша дақиқаларда жуда қисқа ўйлардим, итоаткорлик билан яна ваъда бердим. Улар билан қай йўсинда хайр-хўшлашганим эсимда йўқ, аммо ташқарига чиққан заҳотим елкамдан тоғ ағдарилгандек бўлдию уй деворига суюнганимча юзимдаги терларни артдим. Мистер Саймон, назаримда қўрқинчли шарпага ўхшарди: у дабдурустдан янграган момогулдурак товуши каби сира хаёлимдан нари кетмасди. Саймоннинг отаси, ўзи ҳақида барча эшитганларим, ўқиганларим хотирамда жонланди: унинг ёлғончилиги, сотқинлиги — буларнинг ҳаммаси ҳозиргина ўзим бошимдан кечирган ҳодиса билан аралаш-қуралаш бўлиб кетди. У менинг бошимга ёғдирмоқчи бўлган бўҳтон ёдимга тушган пайтда бирдан даҳшатга тушардим. Лит-Уок йўлида дорга тортилган кишининг жинояти ҳам каминанинг бўйнига қўйишмоқчи бўлишаётган тухматдан деярли фарқ қилмасди. Равшанки, кап-катта эркаклар болалардан қандайдир сариқ чақаларни тортиб олишиб, тубан иш қилганлар; Саймон Фрэзер судга тақдим этмоқчи бўлаётган менинг «жиноятим» ҳам ўша қабоҳатдан қолишмасди.

Заррин уқали форма кийган икки хизматкорнинг

ғўнғир-ғўнғир товушидан ўзимга келдим; улар Престонгрэнж уйининг остонасида гаплашиб туришарди.

— Мана бу хатни олгину жонингни борича дарға ҳузурига югур!— деди биттаси.

— Уша қароқчини яна буёққа чақирисяптими?— деб сўради бошқаси.

— Афтидан, шунақага ўхшайди,— деди биринчиси. — У Хозисон билан Саймонга керак бўлиб қолган шекилли.

— Назаримда, Престонгрэнж сал-пал ақлдан озяптими, дейман-да,— деди иккинчиси.— Тез орада анави Жеймс Морни ўзига «ичкуёв» қилиб олмаса гўргайди!

— Майли, бу иш бизга тегишли эмас,— деб жавоб берди биринчиси.

Бу ҳол яхшиликдан нишона эмасди. Мен уйдан чиқар-чиқмас улар Жеймс Морга одам жўнатишяпти; назаримда, мистер Саймон, қамоқхонада ўтирган одамлар ўз ҳаётларини сақлаб қолиш учун қасамхўрлик қилишдан ҳам қайтмайдилар, деганда ўша кишига ишора қилган эди. Бирдан сочларим тикка бўлиб кетди, сўнгра миямга қон тепди: беихтиёр Катрионани эсладим. Шўрлик қиз! Унинг отаси ана шунақа шубҳали ишлар туфайли дорга осилиши ҳеч гап эмасди; албатта, унграҳм-шафқат қилиб ўтиришмайди. Бунинг жирканч томони шундан иборатки, ўз ҳаётини шармандали, ифлос суиқасд эвазига — ёлғондакам қасам натижасида амалга ошириладиган суиқасд эвазига сақлаб қолишга ҳам тайёр эди. Бошимизга тушган барча кулфатларнинг ниҳоясида, афтидан, ўзим қурбон бўламан шекилли.

Мен зудлик билан ўрнимдан қўзғалдим; қаёққа кетаётганимни аниқ билмасдим: менга ҳаво етишмаётгандек туюларди, фақат ҳаракат қилишим лозимлигини, баҳаво жойларга чиқиб кетишим кераклигини билардим, холос.

Еттинчи боб

МЕН ЎЗ ВАЪДАМДА ТУРМАДИМ

Ланг-Дайкс¹га — шаҳарнинг қарама-қарши, кўлнинг нариги соҳилида жойлашган қишлоқ йўлига қандай қилиб бориб қолганимни билмайман. Бу ердан Эдинбург

¹Хозир Принс-стрит деб аталади (муаллиф изоҳи).

қорайиб кўриниб турарди; кўл тепасидаги қояда кўрғон омонатгина осилиб қолгандек туюларди, унинг томида қатор-қатор тарновлар бор эди; томлар гирд кесилган бўлиб, мўрилардан буруқсиб тутун чиқарди. Мана шу манзарага қараб туриб, юрагим ортига тортиб кетди. Еш бўлишимга қарамай аллақачон хавф-хатарларга кўникма ҳосил қилган эдим, аммо бугун эрталаб осойишта, хатарсиз шаҳарда дуч келганим, оёқ остидаги фалокатдан чакана ларзага тушмаган эдим. Қулликка тушиб қолиш, кема ҳалокати натижасида ҳалок бўлиш даҳшатидан, қилич тиғидан ёки ўққа учиб ўлиш каби синовлардан муваффақиятли равишда ўтдим, бироқ Ловэтнинг собиқ соҳиби бўлмиш Саймоннинг юракка ништардек қадаладиган товуши, дўқ-пўписалари мени ростакамига даҳшатга солиб қўйди.

Мен кўл бўйига ўтирдим-да, сувга тегиб турган қамишларни сал нари суриб, кўлимни сувга тикдим ва чаққаларимни ҳўллаб олдим. Агар ўзимни ўзим ёмон кўриб қолишимни ўйламаганимда борми, мен охир оқибатини ўйлаб ўтирмасдан бошлаб қўйган ишимдан воз кечган бўлардим. Менинг хатти-ҳаракатларимни жасорат дейсизми, кўрқоқлик дейсизми — ихтиёрингиз-у, назаримда, бошқа бир жиҳатни ҳам ҳисобга олиш даркор эди: бўлар иш бўлган эди — энди ортга қайтиб бўлмасди. Мен анави ярамасларга таслим бўлмадим, ўз сўзимда қаттиқ туришим лозим.

Матонатли йигит эканимни ўйладиму бир оз дадиллашдим, аммо барибир бутунлай асл ҳолимга қайта олмадим. Юрагимнинг тубида гўё бир парча муз борга ўхшарди; бу ҳаёт кўзимга жуда ёмондек кўринарди, яшаш учун курашдан ҳеч қандай наф йўқдек эди. Бирдан бечораҳол кишиларга ич-ичимдан ачина бошладим. Улардан бири ўзим бўлиб, ҳаётим жар ёқасида турарди. Иккинчиси эса — ўша қиз; Жеймс Морнинг фарзанди эди. Мен у билан кўп гаплашганим йўқ, аммо синчиклаб кузатдим, у ҳақда муайян бир тўхтама келдим. Назаримда, у ниҳоятда мағрур эди; номига доғ туширишни асло истамасди; ўлимдан номусни афзал деб биларди. Эҳтимол, айна шу дақиқаларда унинг отаси кимнингдир ҳаёти эвазига ўз бошини қутқариб қолмоқчи бўлаётгандир? Ўйлашимча, энди бизнинг тақдир кўринмас ришталар билан боғланган эди. Шу пайтгача қиз ҳаётимнинг ажралмас қисмини ташкил этмасди; тўғри, мен уни тез-тез эслаб қўярдим; тақдир тақозоси билан умр йўлларимиз туташди: у менинг азалий душманим-

нинг, балки менинг қотилимнинг қизи эди. Нақадар адолатсизлик, деб ўйлардим; энди мен умр бўйи кимларнингдир қилмишлари туфайли азоб тортишим, қувғинда юришим даркор; ҳаёт қувончлари мендан бутунлай юз ўгиради. Мен оч қолганим йўқ, бошпанам бор: агар оғир ўй-хаёллар халақит бермаса, бемалол дам олишим мумкин. Афсуски, бойлик менга ҳеч қандай бахт ато этмади. Агар мени ўлим жазосига ҳукм этишса, беш кунлик умрим қолган, холос. Мабодо гуноҳимни кечиришса, то ажалим етгунча ивирсиб, қийналиб яшай-вераман. Туйқус кўз ўнгимда қизнинг жамоли намоён бўлди: илк марта кўрганимдек, лаблари ғунча мисоли очилай-очилай деб турарди; юрагим тўлқинланиб кетди, оёқларимда куч пайдо бўлдию шахдам одимлар отиб Дин қишлоғи томон йўл олдим. Агар мени эртага осиб ўлдиришса, агар бу кечани қамоқхонада ўтказишим лозим бўлса, охириги марта яна Катрионани кўриб, унинг қўнғироқдай товушини эшитиб қолишим лозим.

Шитоб қадам ташлардим, қаёққа кетаётганимни жуда яхши билардим; кўнглим ҳам бир оз равшанлашди. Дарё соҳилига жойлашган Дин қишлоғида тегирмончидан йўлни сўраб олдим; у менга теп-текис сўқмоқни кўрсатиб қўйди. Сўқмоқ бўйлаб тепаликка кўтарилдим ва мўъжазгина озода уйга яқинлашдим; уй атрофи майсазору олмазор эди. Боғча тўсиғидан ўтган пайтимда юрагим қинидан чиқиб кетаёзди, аммо жун рўмолининг устидан эркакларнинг шляпасини бостириб кийиб олган баджаҳл хотинга дуч келишим билан бирпасда ҳовуримдан тушдим.

— Бу ерда сизга нима керак?— деб сўради у.

Мен мисс Драммонд ҳузурига келганимни айтдим.

— Мисс Драммондда нима ишингиз бор?

У билан ўтган шанба кuni танишганимни, унга арзимас ёрдам берганимни ҳамда бу ерга ўзининг таклифига биноан ташриф буюрганимни баён қилдим.

— Ҳа, сиз Олти-пенс бўласиз-ку! — деб хитоб қилди кекса хоним аччиқ кулги аралаш.— У, мислсиз муруввату бетимсол олижаноб жентельмен! Сизнинг исм-фамилиянгиз борми ёки бутхонада «Олти-пенс» деб чўқинтиришганми?

Мен номимни айтдим.

— Вой худойим-эй! — деди у ҳайратланиб.— Наҳотки Эбenezернинг ҳам ўғли бўлса!

— Ундай эмас, бекам,— дедим.— Мен Александрнинг ўғлиман. Ҳозир Шоснинг эгаси камина.

— Шошманг, ҳали сиз ўз ҳуқуқларингизни тикла-
гунингизча у терингизни шилиб олади,— деб қўйди
хоним.

— Кўриниб турибдики, сиз амакимни танир экансиз,
— дедим мен.— Унда, эҳтимол, ҳамма иш ҳал бўлганини
эшитиб қувонарсиз, албатта.

— Худога шукр. Хўш, сизга нима учун мисс Драм-
монд керак бўлиб қолди? — деб елимдек бояги
саволини такрорлади хоним.

— Бекам, ўзимнинг олти пенсимни қайтариб олмоқ-
чиман,— дедим.— Албатта, мен ҳам ўз амакимнинг
жияни бўлганим учун ниҳоятда қурумсоқман.

— Сезишимча, ичидан пишган йигит экансиз,— деди
хоним ҳазил аралаш.— Мен сизни ландовур бўлса
керак деб ўйлаган эдим: олти пенсингизу «сизнинг бахт-
ли кунингизу» «Белкиддердан унутилмас хотирангиз»
қулоғини ушлаб кетмаган экан-да!

Катриона менинг сўзларимни эсидан чиқармасдан
холасига айтиб бергани учун ич-ичимдан суюниб кет-
дим.

— Маълум бўлишича, пинҳоний ниятингиз ҳам бор
экан,— деб сўзида давом этди.— Нима бало, сиз
совчиликка келдингизми?

— Бемаврид сўроқларни бас қилайлик,— дедим.—
Мисс Драммонд ҳали жуда ёш; афсуски, мен ҳам
ёшман. Мен уни бор-йўғи бир марта кўрганман,
холос. Тонмайман, биринчи учрашувдан бери ҳар куни
уни ўйлаганим-ўйлаган,— дедим, суҳбатдошимни дан-
гал гапларим билан ўзимга оғдириб олмоқчи бўлиб.—
Аммо бу бошқа-ю, ўз оёқ-қўлингни боғлаб бериш —
бутунлай бошқа масала. Мен у қадар аҳмоқ эмас-
ман.

— Кўриб турибманки, тилингиз бурро экан,— деди
хоним.— Худога шукр, мен ҳам сиздан қолишмайман!
Аслида, ўзим ҳам аҳмоқман; аҳмоқ бўлмасам, ўша
ярамаснинг қизини ўз қарамоғимга олармидим! Кош-
кийди, шундан бошқа ташвишим бўлмаса! Лекин унинг
кафолатини бўйнимга олдимми, демак энди қизга ўз
билганимча ғамхўрлик қилишим лозим. Шоснинг хўжа-
йини бўлмиш мистер Бэлфур, мабодо сиз эрта-индин
дорга осиладиган Жеймс Морнинг қизига уйланмоқчи
эмасмисиз, ишқилиб? Йўқми, ундай бўлса, демак ҳеч
қандай борди-келди ҳам бўлмайди; бу гапни қулоғин-
гизга қўрғошиндай қуйиб олинг. Қизлар — ишончсиз
халқ,— деди у бошини силкитиб.— Эҳтимол, ажин

босган юзимга қараб туриб гапларимга ишонмасиз, лекин бир пайтлар мен ҳам кўхликкина қиз бўлганман.

— Леди Аллардайс,— дедим.— Умид қиламанки, мен исми шарифингизни тўғри айтган бўлсам керак. Леди Аллардайс, сиз савол беряпсиз-у, лекин мен учун ҳам ўзингиз жавоб беряпсиз: бу аҳволда биз ҳеч қачон келиша олмаймиз. Сиз жуда ҳам нозик жойимдан ушладингиз: бор-йўғи бир марта кўрган қизга, боз устига, эрта-индин отаси дорга осиладиган бўлса, мен уйланармидим? Сизга боя айтдимки, мен ўз оёқ-қўлимни боғлаб берадиган даражада гўл эмасман. Шундай бўлса-да, биз мунозарани давом эттиришимиз мумкин. Агар қиз менга бундан кейин ҳам ёқса, унинг отаси ҳам, дор ҳам бизни ажрата олмайди. Ана шунақа. Боя сиз эслатган қариндошимни худди йўқотиб қўйилган танга мисоли йўлдан топдим. Амакимдан ҳеч қанақа қарзим йўқ; агар мен қачонлардир уйлансам, фақат ўзимга ёққан қизга уйланаман, вассалом.

— Эҳ-ҳе, мен бунақа оташин нутқларни эшитган пайтимда сиз ҳали туғилмаган эдингиз,— деди миссис Огилви.— Шунинг учун мен баландпарвоз гапларингизни сариқ чақага ҳам олмайман. Лекин ўйлаб кўришга арзийдиган бошқа жиҳатлар бор. Бахтга қарши, ўша Жеймс Мор менга қариндош бўлади. Жафокаш Шотландияда азал-азалдан кимнинг зоти тоза бўлса, ўшанинг авлодидан кўпроқ бошлар кесилган, дорга осилган. Агар Жеймс ҳам дорга осилса, мен ҳатто суюнардим; ундан қутулардим. Кэтрин — ажойиб қиз, у беғубор юрак соҳибаси, лекин кун бўйи мендаин жодугар кампирнинг жаврашларига чидашга мажбур. Айни пайтда камчиликлари ҳам йўқ эмас. Масала унинг отасига — ёлғончи найновга, хушомадгўй, лаганбардор, барча Георгларнинг оёғини ялайдиган муртадною жинояткор кишиларни кўкларга кўтарадиган қирол Жеймс ва ҳоказоларга бориб тақалса борми, эс-ҳушини йўқотиб қўяди. Агар уни қайта тарбиялаб оламан, деб ўйласангиз, қаттиқ янглишасиз. Сиз, қизни бор-йўғи бир марта кўрганман, холос, деяпсиз.

— Мен у билан фақат бир марта гаплашганман,— деб хонимнинг гапини бўлдим.— Лекин бугун эрталаб Престонгрэнж меҳмонхонасининг деразасидан иккинчи бора кўрдим.

Ростини айтсам, мен амалдорлар билан танишлигимни писанда қилиб, кампирни доводиратиб қўйиш учун

шундай деган эдим, аммо дарҳол мақтанчоқлигимга яраша даkki эшитдим.

— Бу қанақаси бўлди?! — деб хитоб қилди хоним бирдан ташвишланиб.— Ахир қизни сиз биринчи марта прокурорнинг уйи олдида кўргансиз-ку?

Мен унинг гапини тасдиқладим.

— Ҳм-м...— деди у маънодор оҳангда ва бирдан шовқин-сурон кўтариб, менга ҳамла қилиб қолди.— Мана, энди кимлигингни билиб олдим! — деб қичқирди.— Сиз, Шосдан келган Бэлфурман, деяпсиз, аммо ким билиб ўтирибди, балки шайтоннинг пинжидан чиқиб келган Бэлфурдирсиз! Мен вигларга ҳеч қачон панд бермайман, доимо тилимни тишлаб ўтираман, қабиламнинг эркаклари бошларидан жудо бўлишини асло истамайман; бироқ мени майна қилишаётганини билиб қолсам, жим туrolмайман! Сизга тўғриси айтиб қўя қоламан: прокурорнинг уйи, деразалари атрофида тез-тез айланиб турар экансиз: демак сиз Макгрегор қизига ошиқу беқарор бўлиб қолган йигитга унчалик ўхшамайсиз. Сизни айғоқчиликка жўнатган прокурорга худди шундай деб айтинг ва унга букчайиб таъзим бажо келтириб қўйинг. Алвидо, мистер Бэлфур! — У менга ғойибона ўпич ҳадея этди.— Илойим, қаёқдан келган бўлсангиз, ўша ёққа омон-эсон етиб олинг!

— Агар мени жосус деб ўйлаётган бўлсангиз...— дедиму нафасим бўғилиб қолди. Мен хонимга ғазабланиб тикилиб турдим-да, сўнг таъзим қилиб, изимга қайтиб кетмоқчи бўлдим.

— У-ў! Ана холос! Ошиқ йигит хафа бўлиб қолди-ку! — деб аюҳаннос солди у.— Ҳа, сизни айғоқчи деб ўйлаяпман! Хўш, сизнинг кимлигингни билмасам, нима деб ўйлашим лозим? Кўриниб турибдики, мен сал-пал янглишибман. Албатта, сиз билан муштлаша олмайман. Шундоқ бўлгач, кечирим сўрашимга тўғри келади. Агар қўлимга қилич ушлашни билганимда-ку, кўрсатиб қўярдим-а! Хўп, майли. Сиз ёмон болага ўхшамайсиз,— деб сўзида давом этди.— Камчилик ҳаммада ҳам бўлади: бенуқсон — парвардигор. Оҳ, Дэвид Бэлфур, қип-қизил қишлоқи экансиз-да! Азизим, сиполикни ўрганишингиз лозим, бундан сўнг мулоимроқ муомала қилинг, ҳадеб ўзингизни мақтайверманг; бундан ташқари, аёл зоти норғул эмаслигини ҳам зинҳор-базинҳор унутманг. Э-э, бари бир қулоғингизга гап кирмайди! Мен чўчқани ахта қилиш ҳақида қандай тасаввурга эга бўлсам, сиз ҳам аёллар тўғрисида шундан ортиқ нарсани билмасдан ўтиб кетасиз.

Мен ҳеч қачон аёл зотидан бунақа сўзларни эшитмаган эдим; қолаверса, фақат иккита аёлни яқиндан билардим — ўзимнинг онам билан миссис Кемпбеллни: иккаласи ҳам тақводор, ниҳоятда кўнглинчан эдилар. Назаримда, менинг ҳайратланганим юзимдан аниқ билиниб турарди шекилли, миссис Огилви бирдан хахолаб юборди.

— Вой худойим-эй! — деди ўзини кулгидан тўхтата олмасдан.— Мунча уятчансиз-а, тагин тоғлик қароқчининг қизига уйланмоқчи бўлиб юрибсиз! Дэви, азизим, сизни албатта уйлантириб қўйиш керак ва сиздан қанақа болалар бино бўлишини бир томоша қилиш лозим!— Сўнг қўшиб қўйди:— Майли, энди бу ерда ўралашиб туришингиздан фойда йўқ, чунки кўнглинғиз тусаётган гулруҳсор уйда эмас, кампир, Огилви эса сиз билан қиқирлашиб ўтиришга ярамайди. Боз устига, номусим борасида ўзимдан бошқа кимса қайғурмайди; мен бир пайтлар жўшқин, йигитлар билан жуда кўп тунларни ёлғиз ўтказганман. Олти пенсни ундириб олиш учун бошқа сафар келарсиз,— деб қичқирди у ортимдан.

Кекса қизиқчи билан даҳанаки жанг кўнглимни хийла кўтариб юборди. Аслида, менга оз-моз дадиллик етишмай турган эди. Икки кундирки, Катрионанинг тимсоли хаёлимдан нари кетмасди; қиз ўйларимга озуқа берарди, ўзимни ундан ажралган ҳолда тасаввур эта олмасдим: у доимо хаёлимнинг бир четида турарди. Ҳозир эса у менга янада яқинроқ бўлиб қолди, гўё унга қўл чўзсам етадигандек эдим, аммо шу пайтгача қизнинг кийимини ҳам ушлаб кўрмаган эдим. Мен ўзимга эрк бериб юбордим, ширин хаёллардан ҳаприқаётган юраккинам у томон интиларди; атрофимга, орқа-олдимга назар ташлаб билдимки, дунё бўм-бўш эди. Афтодаҳол эди, одамлар жанги жадал пайтидаги аскарлардай собит туриб, ўз бурчларини адо этишлари лозим эди, вассалом. Фақат яккаю ягона Катрионагина бу дунёда менинг қалбимга қувонч бахш этиши мумкин эди, холос. Ўзим хавф-хатару иснод ёқасида туриб, ширин хаёллар қай йўсинда юрагимга ошно бўлаётганидан ҳайрон эдим; ҳали мен ўзимни обдан тафтиш этмоғим, эр йигит эканимга амин бўлмоғим, буни исботламоғим зарур; келажакда дучор бўладиган илоҳий дамлару бурчимни ўйласам, беихтиёр юзим чўғдай қизиб кетарди. Кўз ўнгимда ўзим тарбияланган муҳит жонланди: мен тўкис оилада эмас, пешона тери билан тирикчилик ўтказадиган қашшоқ

оилада вояга етдим. Билардимки, ота бўлишга тайёр бўлмаган киши, эр бўлиши ҳам мумкин эмасди; мен каби оғзидан она сути кетмаган йигитчанинг бирдан ота бўлиб қолиши эса кулгили туюларди.

Ана шундай ўй-хаёллар билан ярим йўлга етган чоғимда мен томон келаётган қизга кўзим тушдию эс-ҳушимни йўқотиб қўйишимга бир баҳя қолди. Назаримда, қизга айтадиган гапларим жуда кўп эди, аммо нимадан бошлашни билмасдим; бугун эрталаб прокурорнинг меҳмонхонасида дудуқланиб қолганим эсимга тушдию ҳозир яна бутунлай тилдан қолсам керак, деб ўйладим. Бироқ у менга яқин келган заҳотиёқ барча ҳадик-хавотирдан фориг бўлдим, ҳатто ич-этимни кемираётган ўйларим парвойимга ҳам келмади. Маълум бўлишича, худди Алан билан гаплашганимдек, қиз билан ҳам ҳеч тортинмасдан суҳбатлашиш мумкин экан.

— Ў! — деб хитоб қилди у.— Сиз олти пенсингизни ундириб олиш учун келибсиз-да! Пулингизни олдингизми?

— Олганим йўқ, — деб жавоб бердим,— лекин сизни учратиб қолдим-ку, демак бекорга йўл босиб келмаган эканман. Мен сизни боягина кўрган эдим,— дедим ва қачон, қаерда кўрганимни ҳикоя қилиб бердим.

— Афсуски, мен сизни кўрмадим,— деди у.— Кўзларим кичкина эмас-у, лекин узоқни яхши кўрмайман. Мен фақат кўшиқни эшитдим.

— Ҳа, мисс Грант кўшиқ айтган эди: у Престонгрэнж қизларининг тўнғичи, энг гўзали ҳам ўша,— дедим.

— Айтишларича, ҳамма қизлари чиройли экан.

— Мисс Драммонд, улар сиз ҳақингизда ҳам худди шундай фикрдалар,— деб жавоб бердим.— Улар сизнинг жамолингизни кўриш илинжида дераза олдига ғуж бўлиб олишди.

— Афсуски, узоқни яхши кўролмайман-да,— деди Катриона.— Демак, сиз ҳам ўша ерда эдингиз-а? Балки, ёқимли мусиқаю ёқимтой хонимчалар қуршовида вақтингизни хуш ўтказгандирсиз?!

— Йўқ, сиз янглишяпсиз,— дедим.— Ўзимни худди баланд қоя устига чиқиб қолган денгиз балиғи мисоли ҳис этдим. Ростини айтсам, менга ёқимтой хонимчалар даврасидан кўра, дали-ғули эркаклар кўпроқ маъқул бўлади.

— Ҳа, менга ҳам шундай туюлади,— деди у ва икковимиз ҳам бирданига кулиб юбордик.

— Ғалати ҳол,— дедим.— Сиздан асло қўрқмайман, лекин Грант хонимчаларидан тезроқ қочиб қутулгим келаверди. Мен анави қариндошингиздан ҳам ҳайқаман.

— Э-э, ахир ундан ҳамма эркаклар қўрқишади-ку! — деб хитоб қилди Катриона.— Ҳатто менинг отам ҳам қўрқади!

У отасини эслатиши билан тилимни тишладим. Катриона билан ёнма-ён борар эканман, ўша киши ҳақида ўйлардим: у ҳақда биладиган оз-моз нарсаларни ҳар хил тахминларимга таққослаб кўрдим. Аммо булар тўғрисида лом-мим демасам, сотқинлик қилган бўлишимни тушундим.

— Айтмоқчи, отангиз хусусида,— дедим.— Мен уни ҳам бугун эрталаб кўрдим.

— Ростданми? — деди у тўлқинланиб, гўё менга таъна қилаётгандек оҳангда сўзлади.— Сиз Жеймс Морни кўрдингизми? Эҳтимол, у билан гаплашгандирсиз-а?

— Гаплашдим,— дедим.

Шу пайт ҳаммаси мен учун жуда ёмон томонга — чаппасига айланиб кетди. У менга миннатдорлик билан назар ташлади.

— У, сизга жуда катта раҳмат! — деди у.

— Раҳмат айтишнинг сира ҳожати йўқ,— деб гап бошладим у тилимни тийдим. Бирдан оғзимга талқон солиб олсам, хунук иш бўларди, ҳарҳолда унга нимадир дейишим лозим эди.— Мен у билан аччиқ-тизиқ гаплашдим. У менга унчалик ёқмади, шунинг учун кескин гапиришга мажбур бўлдим-у, унинг жаҳли чиқиб кетди.

— Ундай бўлса, сиз нима учун ўша кишининг қизи билан гаплашиб турибсиз, нега бу ҳақда менга айтяпсиз?! — деб қичқирди Катриона.— Мен уни ёмон кўрадиган, қадрламайдиган одамлар билан ош-қатиқ бўлишни асло истамайман!

— Бари бир мен яна икки-уч оғиз гапирмоқчиман,— дедим, вужудимга титроқ кира бошлаганини ҳис этиб.— Назаримда, сизнинг отангиз ҳам, мен ҳам Престонгрэнж қабулхонасида ўзимизни жуда ёмон ҳис этардик. Иккаламиз ҳам ташвишманд эдик, чунки у хавфли уй. Отангизга раҳмим келдию биринчи бўлиб гап бошладим... Тўғри, мен бамаънироқ мавзуда суҳбатлашишим мумкин эди. Сизга бир гапни айтиб

қўймоқчиман: менимча, тез орада ўзингиз ҳам амин бўласиз, унинг ишлари юришиб кетади.

— Лекин сизнинг шарофатингиз туфайли эмасдир, албатта,— деди.— Ҳамдардлингиз учун у сиздан миннатдор бўлади.

— Мисс Драммонд! — деб хитоб қилдим.— Дунёда мени ҳеч кимим йўқ...

— Бу сираям ҳайратланарли эмас,— деди.

— У, бир-икки оғиз гапиргунимча жим турсангиз-чи! — дедим.— Кўнглимдаги гапимни айтиб бўлганимдан кейин, агар сиз шуни хоҳласангиз, мен бутунлай кетаман. Бугун олдингизга яхши гап эшитиш илинжида келган эдим; бир оғиз ширин сўзга зорман! Биламан, отангиз ҳақида айтган гапим сизга оғир ботди, шунақа бўлишини олдиндан сезган эдим. Тилёғламалик қилиш, ёлғон гапириш осон; наҳотки, бундай гаплар бир пулга қиммат эканини тушунмасангиз?! Наҳотки, мени чин дилдан гапираётганимни сезмаётган бўлсангиз?

— Мистер Бэлфур, ўйлашимча, бунақа гапларга ақлим етмаса керак,— деди у.— Назаримда, икки марта кўришганимиз етади; биз энди олижаноб инсонлардек ажралишимиз мумкин.

— Кошкийди менга ҳеч бўлмаса битта инсон ишонса! — дедим ялинчоқ оҳангда.— Акс ҳолда, мен учун ҳаётнинг қизиғи қолмайди-ку! Гўё бутун дунё менга қарши тил бириктиргандек. Агар қисматим шунчалар забун бўлса, мен бурчимни қандай қилиб адо этаман, ахир? Биров менга ишонмаса, қўлимдан бирор иш келмайди. Бекордан бекорга битта бегуноҳ инсон нобуд бўлади, чунки мен унга ёрдам беролмайман.

У бошини мағрур тутган кўйи олға қараб борарди; лекин сўзларимни эшитдию тўхташга мажбур бўлди.

— Нима дедингиз?— деб сўради у.— Нималар ҳақида гапиряпсиз ўзи?

— Битта бегуноҳ одамни ўлимдан сақлаб қолишим мумкин. Қўлимда далил-исбот бор,— дедим.— Аммо менга гувоҳ бўлишга руҳсат беришмаяпти. Хўш, менинг ўрнимда бўлганингизда ўзингиз нима қилардингиз? Отангиз ҳам жар ёқасида турганини биласизми? Сиз бошига кулфат тушган одамни ёлғиз ташлаб кетардингизми? Ҳар хил йўллар билан мени аврашга уриниб кўришди. Сотиб олмоқчи бўлишди, олтин тоғлар ваъда қилишди. Бугун эса занжирбанд битта кўппак, се-

нинг ҳаётиг — менинг қўлимда, деди; қай тарзда мени хароб этмоқчи эканини, шаънимга доғ туширмоқчилигини очиқ айтиб берди. Мени қотилликда айблашяпти; гўё эски-туски кийимларгаю бир неча танга эвазига ёлланган эмишман, Гленурни гап билан чалғитиб турганмишман; энди мени дорга осишади, шарманда қилишади. Агар итдай хор бўлсам (ахир, мен дунёга келиб нима кўрдим?), Шотландияга мен ҳақимда бўлмағур мишмишлар тарқалса, шунақа гапларга сиз ҳам ишонсангиз; менинг номим шаллақилар оғзидан тушмай қолса, Катриона, бу аҳволда қандай қилиб ишимни охирига етказа оламан? Бунга бирорта ҳам инсон боласи дош беролмайди-ку!

Сўзлар ўз-ўзидан оқиб келаверди, нафас олмасдан ҳамма гапимни айтиб ташладим; ниҳоят, мундоқ қарасам, у кўзларини катта-катта очиб менга тикилиб турибди.

— Гленур! Бу ахир Эпиндаги қотиллик-ку! — деди ҳайратомуз оҳангда.

Мен боя ярим йўлда қизни учратиб, изимга қайтган эдим; биз ҳозир деярли Дин қишлоғи юқорисидаги адирлик чўққисига чиқиб қолгандик. Гапларимни тугатганимдан кейин эс-ҳушимни йўқотдим у жадаллаб кетдим, унинг олдига ўтдим-да:

— Худойим!..— деб хитоб қилдим.— Вой, худойим! Нима қилиб қўйдим, ахир?! — Чаккаларимга муштладим.— Менга нима бўлди ўзи? Қандай қилиб оғзимдан гуллаб қўйдим-а! Шайтон мени йўлдан урди!

— Ие, нима бўлди? — деди у ҳайратланиб.

— Ҳалол одам бундай қилмайди,— дедим ихраб.— Мен сўз берган эдим, лекин сўзимда турмадим! У, Катриона!

— Тушунтириброқ айтинг-да, нима гап ўзи? — деб сўради.— Сиз нимани айтмаслигингиз лозим эди? Наҳотки, менга ҳам ишонмасангиз? Еки мени ўз дўстига хиёнат қиладиган хоин, деб ўйлаяпсизми? Мана, мен ўнг қўлимни кўтариб, қасам ичаман!

— У, биламан, сиз сўзингизда қатъий турасиз,— дедим.— Гап ўзим ҳақимда кетяпти. Бугун эрталаб мен уларга ваъда берган эдим. Ваъдага вафо қилмагандан кўра, шармандали равишда дорга осилишни афзал, деб биламан. Во дариғ, орадан бир неча соат ўтдию оғзимдан гуллаб қўйдим: ғуруримни ер билан яксон қилдим-а! «Сухбатимиздан сўнг бир нарсага ишонч ҳосил қилдим,— деган эди у,— яъни, сизга суяниш мумкин экан». Хўш,

ўша ваъданинг қадри неча пул бўлди? Энди менга ким ҳам ишонарди? Ахир, ҳатто сиз ҳам менга ишонмай-сиз-ку! Нақадар тубанлашиб кетдим-а! Ундан кўра, ўлганим яхши эди!

Бу гапларни йиғламсираб айтдим, аммо кўзларимдан ёш оқмади.

— Сизга қараб туриб, юрагим эзилиб кетяпти,— деди у.— Лекин, биласизми, ўзингизга нисбатан ниҳоятда талабчанлик қиляпсиз. Энди мен сизга ишонмайманми? Мен сизга ҳар доим ишонаман. Анави одамлар-чи? Агар сизнинг ўрнингизда бўлганимда борми, улар ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмасдим! Ахир улар сизни тузоққа туширишиб, хароб этишмоқчи-ку! Пуф! Ҳали ўшаларнинг олдида паст кетяпман, деб кўрқяпсизми?! Э-э, бошингизни баланд кўтарсангиз-чи! Биласизми, мен сизни ҳақиқий қаҳрамон сифатида эъозлашга тайёрман! Хўш, сизга хиёнат қилгандан кўра, ўлимни афзал деб биладиган дўстингизга сирингизни айтиб қўйганингиз учун ўзингизни қийнаб ўтиришингиз шартмикан?! Келинг, яхшиси бу ҳақда энди эсламайлик.

— Катриона, наҳотки шу гапларингиз рост бўлса? — дедим унга гуноҳкорона назар ташлаб.— Сиз ҳали ҳам менга ишонасиз-а?

— Сиз сўзларимни эшитдингизми? Нима бало, менга ишонмаяпсизми?! — деб хитоб қилди у.— Мистер Дэвид Бэлфур, сизни ниҳоятда ҳурмат қиламан. Майли, сизни дорга осишсин, аммо мен дўстимни ҳеч қачон унутмайман, ҳатто қари кампир бўлиб қолган чоғларимда ҳам эслаб юраман. Ахир сиз қаҳрамонларча ҳалок бўласиз-ку; осиб ўлдирганлари учун доимо сизга ҳавас қиламан!

— Эҳтимол, мен ёш боладай шунчаки ваҳима қилаётгандирман,— дедим.— Балки улар устимдан кулишгандир.

— Шунинг учун ҳам мен ораларингда нима гап бўлганини батафсил билишим лозим,— деди Катриона.— Сиз менга ҳаммасини гапириб беришингиз керак. Нима бўлганда ҳам, ўзингиз гап бошлаб қўйдингиз, энди охирига етказинг.

Мен йўл четига ўтирдим, у ҳам ёнгинамдан жой олди; унга ҳаммасини бир бошдан сўзлаб бердим; фақат отаси шармандали равишда анавилар билан ош-қатиқ бўлиб кетиши мумкинлиги хусусидаги мулоҳазаларимни баён этмадим, холос.

— Ҳа,— деди у охири ўйчан қиёфада.— Албатта, сиз

қахрамонсиз, лекин мен ҳеч қачон бундай деб ўйламаган эдим. Назаримда, ҳақиқатан ҳам ҳаётингиз хавф остида экан. Оббо, аблаҳ Саймон Фрэзер-эй! У қанақа одам экан-а! Пул туфайли, ҳаётимни сақлаб қоламан, деб ифлос ишларга ўралашиб ўтирса-я! — Шу пайт мен ундан ғалати иборани эшитдим; кейин билсам, бу унинг тез-тез такрорлаб турадиган сўзи экан.— Мана, жазо!— деб хитоб қилди. Сўнг:— Қаранг, қуёш қаерда турибди!— деди.

Дарҳақиқат, қуёш тоғларга бош қўяётган эди.

Катриона мени яна меҳмон бўлиб келишга таклиф этди, сўнг қўлимни қисди-да, кўнглимга ғулғула солиб жўнаб кетди. Мен ётоғимга қайтишга шошилдим; борган заҳотим қамоққа олишади, деб қўрқардим; карвонсаройда тамади қилиб олдим-да, тун бўйи арпазор далаларда сарсари кезиб юрдим: гўё ўзимни Катрионани қўлларимда кўтариб кетаётгандек ҳис этардим.

Саккизинчи боб

ЕЛЛАНГАН ҚОТИЛ

Эртаси куни, йигирма тўққизинчи августда мен келишилган соатда бош прокурор ҳузурига яп-янги уст-бошимни кийиб бордим.

— Ўҳ-ҳў, бугун жуда ясаниб олибсиз-ку; қизларимнинг ажойиб хуштори бўлар экан-да! — деди Престонгрэнж.— Бу илтифот нишонаси. Мистер Дэвид, бағоят илтифотли экансиз! Ў, биз сиз билан тил топишиб кетамиз; умид қиламанки, барча ғам-ташвишларингиз тез орада барҳам топади.

— Сиз менга бирор янги гап айтмоқчимисиз?

— Ҳа, мутлақо кутилмаган гап айтмоқчиман,— деб жавоб берди у.— Охир-оқибатда сизга кўрсатма беришга рухсат бўлди; агар истасангиз, келаси оянинг йигирма биринчи куни Инверэридаги судга мен билан бирга боришингиз мумкин.

Ҳайратланганимдан тилимга бир калима ҳам сўз келмасди.

— Айни пайтда яна бир бора ваъдангизни олмаётган бўлсам-да, лекин барибир сизни огоҳлантириб қўймоқчиман: сиз бизнинг шартимизга қатъий амал қилмоғингиз лозим, деб давом этди.— Эртага кўрсатма берасиз; умид қиламанки, ўзингиз ҳам тушунсангиз керак, май-

да-чуйда тафсилотларга камроқ тўхталсангиз яхши бўларди.

— Оқилона иш тутишга ҳаракат қиламан,— дедим.— Марҳаматингиз учун, назаримда, ташаккур айтишим лозим: сиздан чин дилдан миннатдорман. Милорд, кечаги тортишувлардан сўнг гўё бугун менга жаннат дарвозаси очилгандек бўлди. Ҳатто бу гапларнинг рост эканига ҳам зўрға ишоняпман.

— Рисоладагидек ҳаракат қилсангиз — бас, кўнглингизда ишонч туғилади, ишонасиз,— деди у юпатувчан оҳангда.— Ўзингизни каминадан қарздор деб ҳисоблаётганингизни эшитиб, хурсанд бўлдим. Эҳтимол, тез орада қарзингиздан қутулишга қулай имконият яралса ажаб эмас...— У қув-қув йўталди.— Балки ҳозир ўшандай имконият бордир... Вазият кескин ўзгариб кетди. Мен бугун сизни безовта қилмоқчи эмасдим-у, лекин гувоҳ сифатидаги кўрсатмаларингиз шубҳасизки, бу ишга алоқадор кишиларни бефарқ қолдирмайди, уларга янги ташвиш орттиради. Ростини айтганда, битта масала юзасидан сиз билан келишиб олишимиз керак.

— Милорд, кечирасиз-у, қандай қилиб рухсат олишга эришдингиз? — деб сўрадим, унинг сўзини бўлиб.— Сиз менга шанба куни айтган гаплардан кейин қўлимни ювиб, қўлтиғимга артиб қўйган эдим. Қандай қилиб ғовларни енгиб ўтдингиз?

— Қадрли мистер Дэвид, мен ҳукумат кенгашида бўладиган гапларни ҳатто сизга айтиш ҳуқуқига ҳам эга эмасман; афсуски, сиз охири хулосани эшитиш билан қаноатланишга мажбурсиз,— деди.

У патқаламни ўйнаб ўтирганча менга қараб жилмайиб қўйди; прокурор ёлғон гапириши мумкин эканини ҳатто хаёлимга ҳам келтирмасдим. Бироқ у тоза қоғозни столга қўйиб, патқаламни сиёҳга ботириб, яна менга мурожаат этган чоқда кўнглимда шубҳа уйғонди, ташвишга тушиб қолдим.

— Мен битта ҳолатга аниқлик киритиб олмоқчиман,— деб гап бошлади у.— Илгари атайлаб бу ҳақда сўрамаган эдим, лекин ҳозир сукут сақлашга ҳожат йўқ. Бу, албатта, тергов эмас, сизни бошқа шахс тергов қилади; фақат каминани қизиқтирадиган мавзуда шунчаки ўзаро суҳбатлашмоқчиман, холос. Сиз, Алан Брекни тепаликда учратгансиз-а?

— Ҳа, милорд,— деб жавоб бердим.

— Бу ҳодиса қотиллик рўй бергандан сўнг бўлган эдими?

— Ҳа.

— Сиз у билан гаплашдингизми?

— Ҳа.

— Менимча, уни илгари ҳам танир эдингиз-а? — деб сўради прокурор эҳтиёткорликни унутиб.

— Милорд, нима учун сиз бундай деб тахмин қилаётганингиздан ҳайрон бўляпман, — деб жавоб бердим. — Лекин, ҳақиқатан ҳам, мен уни илгари ҳам танир эдим.

— Қачон сиз у билан хайрлашдингиз?

— Мен ҳозир бу саволга жавоб бериб ўтирмайман, — дедим. — Бундай саволни менга судда беришади.

— Мистер Бэлфур, тушунсангиз-чи, бундан сизга зиғирча ҳам зарар етмайди, — деди Престонгрэнж. — Мен сизнинг ҳаётингизни, ор-номусингизни сақлаб қопаман, деб ваъда бердим. Ишонаверинг, сўзимда қаттиқ гураман. Шунинг учун буюғидан асло ҳавотир олманг. Афтидан, Аланга ёрдам беришим мумкин, деб ўйлаяпсиз шекилли. Боя менга миннатдорлик изҳор этдингиз: эостини айтсам, мен раҳматга арзигулик иш қилдим. Аммо ҳамма саъй-ҳаракатлар битта нуқтага бориб тақалаверади: ишончим комилки, агар сиз истасангиз, бизга Аланни қўлга туширишда ёрдам беришингиз мумкин.

— Милорд, чин сўзим шуки, ҳозир Алан қаерда юрганини тасаввур ҳам этолмайман, — деб жавоб бердим.

У хийла муддат сукут сақлаб турди. Ниҳоят:

— Ҳатто уни қай йўсинда излаш лозим эканини ҳам билмайсизми? — деб сўради.

Мен унинг рўпарасида қаққайиб ўтиравердим.

— Мистер Дэвид, демак хизматга тухмат экан-да! — деди у ва яна бир муддат жим турди. — Начора, омадим юришмади, биз бир-биримизни тушунмас эканмиз, — деди у ўрнидан кўзгалар экан. — Бу ҳақда бошқа гаплашмаймиз. Қачон, қаерда, ким тергов қилажagini сизга айтишади. Ҳозир қизларим сизни сабрсизлик билан кутиб ўтиришган бўлишса керак. Агар уларнинг хушторини ушлаб ўтирсам, мени асло кечиришмайди.

Кейин каминани уч соҳибжамол ҳузурига кузатиб қўйишди; улар ғайритабиий равишда ясан-тусан қилиб олишган эди ва дафъатан ранг-баранг гулдастани эсла-тишарди.

Биз эшикдан ўтаётган пайтимизда арзимаган ҳодиса рўй берди, кейин у ниҳоятда муҳим аҳамият касб этди. Кимдир баланд товушда бўлиб-бўлиб хуштак чаларди, гўё имо-ишора қиларди; мен атрофга назар солдим: шу яқин орадан томлик Дунканнинг ўғли бўлмиш Нийлнинг

жингалак сочли боши кўринди. Бирпасдан сўнг у ғойиб бўлди, мен ҳатто Катрионанинг кўйлагини ҳам кўролмаи қолдим: табиийки, хизматкор бекасини кузатиб келган бўлса керак, деб ўйладим.

Ажойиб йўлдош-соқчиларим мени Бристо, Брантсфилд-Линкс томон бошлаб бордилар, у ердан шағал тўкилган йўлка бўйлаб ўриндиқлару суҳбатгоҳлар ўрнатилган ажиб Хоуп хиёбонига ўтиш мумкин эди; бу жойларни қоровул назорат қилиб турарди. Йўлимиз хийла олис эди: иккита кенжа сингил бирпасда чарчаб қолишди; мен хижолат чекардим, албатта. Тўнғич қиз эса гоҳ-гоҳ менга қарардию жилмайиб кўярди; мен ўзимни яхши ҳис этаётган бўлсам-да, аммо барибир кўнглимнинг чигили бутунлай ёзилиб кетмаганди. Хиёбонга қадам қўйган заҳотимиз саккиз ёки ўнта ёш жентельмен бизни қуршаб олди. Бир-иккита сипоҳийни ҳисобга олмаганда, ҳаммаси адвокатлар эди. Улар соҳибжамолларга ҳамроҳ бўлишга ишқивоз эдилар; каминани илтифот билан таништиришганларига қарамай, тез орада мени унутиб юборишди. Ешлар жамоатчилик орасида худди ёввойи ҳайвонларга ўхшардилар: улар бегона кишиларга бирдан ҳамла қилиб қолишадди ёки беписанд муносабатда бўлишадди; ҳар қандай назокатни, ҳатто айтиш мумкинки, инсонийликнинг ҳар қандай кўринишини эсларидан чиқариб қўядилар; ишончим комилки, агар мен иттумшуқ маймунлар орасига тушиб қолсам ҳам худди шундай манзарага дуч келардим. Адвокатлар илмоқли гап ота бошладилар; сипоҳийлар баланд товушда вайсашарди, бу нусхаларнинг қайси бири кўпроқ жаҳлимни чиқараётганини билмасдим. Ҳаммаси ғўдайганча қиличларининг дастасини силаб-сийпалашарди, кийимларининг жийилган жойларини текислардилар; ич-ичимдан уларга ҳасад қилардим, барчасини хиёбон дарвозасидан ташқарига итқитиб ташлашни истардим. Назаримда, ўз навбатида улар ҳам менга тишларини қайраб туришарди; гўзаллар билан бирга юрганимга ҳасад қилишарди; бир оздан сўнг мен қувноқ кишилар даврасидан ортда қолдим у чуқур хаёлга толдим.

Аҳмоқсифат, айёр битта сипоҳий хаёлларимни тўзғитиб юборди; талаффузига қараганда, у тоғда туғилганга ўхшарди: ростдан ҳам сизнинг исмингиз Пэлфурми, деб сўради. Унинг гап оҳанги мулоим лутфдан йироқ бўлганлиги учун мен ҳам қуруққина, сиз янглишмадингиз, деб жавоб қайтардим.

— Во-ҳа, Пэлфур,— деб такрорлади.— Пэлфур, Пэлфур!

— Сэр, назаримда, менинг номим ёқмаяпти шекилли?— дедим йўнилмаган таёқдан бекорга ўпкалаётганим учун ўзимни ўзим ичимда койиб.

— Йўқ,— деб жавоб берди у.— Мен фақат ўйладимки...

— Сэр, мен сизга ўт билан ўйнашмасликни маслаҳат берардим,— дедим.— Ишончим комилки, кейин пушаймон қиласиз.

— Алан Грегор қаердан қисқич топиб олганини биласисми?

Мен ундан, нима демоқчисиз ўзи, деб сўраганимда шарақлаб кулиб юборди: «Назаримда сис худди ўша жойдан косов топиб олибсиз-да, уни ямламай ютиб юборибсиз», деди.

Нимага шама қилаётганини тушундим, бирдан миямга қон тепди.

— Агар ўрнингизда бошқа одам бўлганида, жентельменни ҳақорат қилишдан илгари инглиз тилида сўзлашни ўрганиб оларди,— дедим.

У менинг енгимдан ушлади-да, номаълум томонга ишора қилди ва мени астагина хиёбондан ташқарига бошлаб чиқиб кетди. Биз кишилар кўзидан йироқлашган заҳотимиз унинг турқи-атвори ўзгариб кетди.

— Мана сенга, қурбақа! — деб қичқирдию зарб билан даҳанимга мушт солди.

Мен унга янада зарбалироқ мушт туширдиму у ортига чекиниб, бошидан шляпасини ечиб, бир оз таъзим қилиб қўйди.

— Етар, ҳадеб қўлимизга эрк беравермайлик,— деди.— Сис одамни ҳақорат қилдингиз. Қирол хизматидаги сипоҳийга, сен инглизча гапиришни билмайсан, дейиш — бу ўтакетган сурбетликдан бошқа нарса эмас! Иккаламизнинг ҳам қиличимиз бор, ёнгинамизда эса Қирол хиёбони жойлашган. Сис олдинда юрасизми ёки мен сисга йўл кўрсатиб борайми?

Мен ҳам унга таъзим бажо келтирдим-да, уни олдинда юришга таклиф этдим. Орқада борар эканман, у ҳамон «инглиз тили» борасида бир нималар деб ғўнғиллаётганини эшитиб қолдим, сўнгра қироллик мундири ҳақида ҳам гап сўқди. Бундан билиш мўмкин эдики, унинг иззатнафсига жиддий равишда путур етказилган эди. Лекин суҳбатимиз бошида у қандай қилиб бўлса-да, атайлаб жанжал чиқаришга уринди, ҳаммасини ўзи бошлади. Шубҳасизки, жанжал чиқариш учун муҳсус жўнатилган эди; мен душманларим томонидан қўйилган тузоққа

илинган эдим: қиличбоз сифатида ҳеч нарсага арзимас-лигимни эътиборга олганда, олишувдан тирик чиқишим амримаҳол эди.

Биз ўнқир-чўнқир, кимсасиз Қирол хиёбонига кириб борар эканмиз, зудлик билан жуфтакни ростлаб қолсам-микан, деб ўйлардим. Чунки кўлимдан ҳеч иш келмас-лигини билдириб қўйишни, бекордан бекорга мени ўлдир-иб ёки ярадор қилиб кетишларини асло истамасдим. Бироқ агар душманларим мени бирёқли қилишга аҳдлаш-ган бўлсалар, демак энди ҳар қандай тубанликдан қайтиш-майди: қолаверса, дорда осилиб ётгандан кўра, қилич тигидан ўлган афзал-ку, деб ўзимни ишонтиришга уринар-дим. Боз устига, унинг кўполлигига кўполлик билан, муштига мушт билан жавоб берганимдан сўнг, энди орани очик қилиб қўйишим шарт эди. Агар жуфтакни ростлаб қолган тақдиримда ҳам, душманим барибир мени қувиб етади ва барча кулфатлар камлик қилгандек, яна шарман-да бўлардим. Буларнинг ҳаммасини хомчўт қилиб кўрдим-му ҳаётдан умидимни узиб, олий жазога ҳукм этилган маҳбус жаллодга эргашиб бораётгани каби мен ҳам унинг орқасидан кетавердим.

Биз тепаликлар ёнидан ўтиб, Овчи ботқоқзорига яқин-лашдик. Устини юмшоққина ажриқ босган ботқоқлик устига қадам қўйгач, душманим қиличини қинидан суғуриб олди. Бу ерда бизни қушлардан бошқа жонзот кўрмасди; мен ҳам рақибим каби қиличимни қинидан суғурдим-да, худди ўзимга бино қўйган қиёфада жанговор ҳолатга кирдим. Лекин, афтидан, мистер Дункансбига нимадир маъқул бўлмади шекилли; назаримда, у хатти-ҳаракат-ларимда қайдайдир хатолик мавжуд эканини сездию шовилмасдан менга қаттиқ тикилиб қўйди ва ортига бир сакраб, қиличининг учи билан каминага ҳамла қилди. Алан менга бундай олишув усулини ўргатмаган эди; боз устига, мен муқаррар ўлим шарпасидан эс-ҳушимни деярли йўқотиб қўйгандим. Шунинг учун тақдирга тан бериб, бир жойда қимирламай туравердим: фақат қандай қилиб жуфтакни ростлаб қолсам экан, деб ўйлардим, холос.

— Сисга нима бўлди, жин урсин?! — деб қичқирди лейтенант ва чапдастлик билан кўлимда турган қили-чимни уриб юборди: қилич ҳув наридаги қамишзор то-монга учиб кетди.

У мана шундай саъй-ҳаракатларни икки марта такрор-лади; мен шармандаю шармисор бўлиб, учинчи бора ботқоқзордан қуролимни топиб келган пайтимда рақи-

бим қиличини қинига тиқиб қўйибди: у қўлларини орқасига чалиштирган кўйи нафратланганча менга тикилиб турарди:

— Агар мен сизга қўл кўтарсам, бошим тагимда қолсин! — деб қичқирди ва қилич тиғи билан дастасининг фарқига бормайдиган пандавақи, жентельмен билан олишгани қандай қилиб рози бўлди, деб сўради кесатиб.

Бунга менинг тарбиям айбдор, деб жавоб бердим. Сўнгра, адолат юзасидан айтинг-чи, энди муродингиз ҳосил бўлдими, афсуски, шунга яраша жавоб қайтаришим мумкин: лекин мен эркакчасига чидадим-ку, дедим.

— Бу туври,— деди у.— Ўзим ҳам арслон каби довурак, жасур инсонман. Лекин сизга ўхшаб қилич ушлашни ҳам билмаган ҳолимда, қаққайиб туриб беришга, ростини айтсам, юрагим дов бермасди! Мушт туширганим учун кечирим сўрайман, аммо ўзингиз ҳам боглаб қайтимини бердингиз: ҳозирга қадар бошим гангиб турибди. Иш шунақа тус олишини билганимда борми, ҳеч қачон илакишмаган бўлардим!

— Яхши гап айтдингиз,— дедим.— Ишончим комилки, бундан кейин сиз менинг душманларим қўлида қўғирчоқ бўлишни хоҳламасангиз керак.

— Пэлфур, худо сақласин энди! — деди у қичқириб.— Тўғрисини айтганда, улар мени ёш бола билан қиличбозлик қилишга юборишибди. Афсуски, бундай бўлишини билмаган эдим! Унга худди шундай деб айтаман. Худо ҳақи, унинг ўзини яккама-якка олишувга чақираман!

— Агар нима учун мистер Саймон мени ёмон кўриб қолганини билганингизда, сизни бу ишга тортганидан янада кўпроқ хафа бўлар эдингиз,— дедим.

У, сизга ишонаман, деб қасам ичди. Чунки ҳамма Ловэтлар битта иблис тайёрлаган лойдан ясалганлар. Кейин у менинг қўлимни қаттиқ сиқди-да, умуман, сиз ажойиб йигитча экансиз; афсуски, ҳеч ким тарбиянгиз билан жиддий шуғулланмабди, агар вақтим бўлса, мен албатта тарбиянгизни ўз зиммамга оламан, деди.

— Сиз ундан кўра муҳимроқ ишда менга ёрдам беролмайсизми? — деб сўрадим. У, айнан қанақа ёрдим керак, деди. Сўнгра қўшиб қўйдим:— Мен билан биргаликда душманнинг уйига борамиз, мен бугун ўзимни қандай тутганимни гапириб берасиз. Бу ҳақиқий хизмат бўлади. Ҳартугул, мистер Саймон биринчи марта мени ўлдиргани олижаноб рақибни жўнатган бўлса-да, аммо у мени ўлдиришни кўнглига тугиб қўйган: демак, энди у иккинчи, учинчи жаллодни ҳам жўнатади; мени қа-

нақа қиличбоз эканимни эса ўзингиз кўрдингиз: охири ажалимдан беш кун бурун ўлиб кетаман, вассалом!

— Агар мен ҳам сиздек қиличбоз бўлганимда борми, бундан қувонмаган бўлардим! — деб хитоб қилди у. — Лекин мен бор ҳақиқатни гапириб бераман! Кетдик!

Агар бу лаънати хиёбонга оёқларимни аранг судраб кириб келган бўлсам, изимга қайтишимда Тавротдаги ажойиб қўшиқ оҳангига мос равишда одимлардим: «Ажал тили мени четлаб ўтди». Эсимда бор, мен тоқат қилиб бўлмайдиган даражада сувсаб кетгандим: йўл ёқасидаги муқаддас Маргарита чашмасидан тўйиб-тўйиб сув ичиб олдим. Сув бениҳоя шириндек туюлди.

Йўл-йўлакай биз нималарни гапиришимиз ҳақида батафсил келишиб олдик. Ибодатхона ёнидан ўтиб, сўнгра Кэнонгейт ва Низербау тепалигига кўтарилдик-да, Престонгрэнж уйининг рўпарасидан чиқдик. Хизматкор, жаноби олийлари уйдалар, деди, лекин бошқа жентельменлар билан биргаликда қандайдир махфий ишлар устида бош қотириб ўтирибдилар, ҳузуримга ҳеч кимни киритмагин, деганлар, деб айтди.

— Мен фақат уч дақиқа вақтларини оламан, холос,— дедим.— Бу ишни орқага суриб бўлмайди. Унга, иши махфий эмас экан, ҳатто гувоҳлар иштирок этсалар ҳам хурсанд бўлар экан, деб қўйинг.

Хизматкор истамайгина ахборот бергани кетди, биз унинг ортидан қабулхонага йўналдик: бу ерда ичкаридан бўғиқ товушлар эшитилиб турарди. Стол атрофида уч киши ғуж бўлиб ўтиришган экан — Престонгрэнж, Саймон Фрээр, Перт ҳокими мистер Эрскин; улар айнан Эпин ишини муҳокама қилишаётган, туйқусдан бостириб борганимдан норози қиёфада мени қабул қилишга кўнишди.

— Ў, мистер Бэлфур, қайси шамоллар учирди? Яна кимни эргаштириб келдингиз? — деб сўради Престонгрэнж.

Фрээр столга тикилганча миқ этмай ўтираверди.

— Милорд, бу киши гувоҳликка ўтгани келди, назаримда, унинг гапларини эшитсангиз ёмон бўлмасди,— деб жавоб бердим-да, Дункансбига юзландим.

— Бир нарсани айтаман, холос,— деди лейтенант.— Бугун бис Пэлфур билан Овчи ботқоқзорида қиличбозлик қилдик. Мен энди афсусланяпман, лекин у ўзини ҳақиқий жентельмен мисоли тутди. Мен Пэлфурни жуда ҳурмат қиламан,— деб қўшиб қўйди у.

— Рост гапирганингиз учун миннатдорман,— дедим.

Сўнгра, келишиб олганимизга мувофиқ, Дункансби ҳаммага таъзим қилдию хонани тарк этди.

— Худо ҳақи, бунга менинг нима алоқам бор? — деди Престонгрэнж.

— Милорд, ҳозир сизга икки оғиз сўз билан тушунтириб бераман, — деб жавоб бердим. — Мен бу жентельменни, ҳазрати олийлари қўшинининг сипоҳийсини шунинг учун ҳам ҳузурингизга бошлаб келдимки, у сизнинг олдингизда мен ҳақимдаги ўз фикрини баён этишини истадим. Назаримда, энди каминанинг лафзи ҳалол эканлиги тасдиқланди; маълум муддатга қадар — жаноби олийлари қайси муддат назарда тутилаётганини биладилар, изимдан сипоҳийларни юбориш фойдасиз. Мен гала-гала аскарлар билан олишишни асло хоҳламайман.

Престонгрэнжнинг чакка томирлари бўртиб кетди, кўзларида ғазаб учқунлари чақнади.

— Чин сўзим шуки, шахсан иблисининг ўзгинаси бу болани менга қарши гижгижлаяпти! — деб бақирди ва қутуриб кетгандек бир алфозда шерикларига ўгирилди. — Саймон, бу сизнинг ишингиз бўлса керак, — деди у. — Кўришиб турибдики, сизнинг қўлингиз бор. Ростини айтсам, мен сиздан буни кутмаган эдим! Шартнома тузилгач, зимдан хиёнат қилган киши ҳалол бўлмайди. Сиз каминага хиёнат қилдингиз. Наҳотки! Мен ўз қизларимни ўша ёққа мана шу йигитча билан юборганимни ҳам ўйламабсиз-да! Уйлагансиз! Мен аҳмоқ сизга ишониб, бу ҳақда олдингизда гапириб... Ҳайф-э, сэр, бошқаларни ҳийла-найранг комига тортманг!

Саймон мурдадек оқариб кетди.

— Бундан кейин мени копток мисоли отиб ўйнашларингни асло истамайман! — деб хитоб қилди у. — Мунозара қиласизларми ёки бир битимга келасизларми — бу сизларнинг ишларинг. Аммо мен энди югурдаклик қилишни мутлақо истамайман, қарама-қарши кўрсатмалар жонимга тегди: тагин икковларингдан дакки эшитганим ортиқча! Агар мен Ганноверлар билан биргаликда қилаётган ишларингиз ҳақида билганларимни тўкиб солсам борми, қулоқларингиз остида жуда узоқ вақтгача қўнғироқ жаранглаб турарди!

Шу пайтгача пинак бузмай ўтирган шериф Эрскин, ниҳоят, суҳбатга аралашди.

— Аини замонда, менимча, биз мистер Бэлфурнинг жасоратига яна бир марта қойил қолганимизни таъкидлаб қўйишимиз лозим, — деди босиқ товушда. — У энди бежавотир ухлаши мумкин. Маълум муҳлатга қа-

дар унинг довюраклиги бошқатдан синовга дучор қилинмайди.

Унинг совуққонлиги бошқаларни эс-ҳушини жойига келтириб қўйди: улар бир оз шошилиш равишида мен билан хайр-хўшлаша бошлашди: тезроқ каминани уйдан чиқариб юборишни иштарди, албатта.

Тўққизинчи боб

АРЧАГУЛЛАР ЕНГИНИ

Илк бора Престонгрэнждан нафратланиб, бу уйни тарк этдим. Маълум бўлишича, прокурор устимдан кулаётган экан. У менинг кўргазмаларим судда эшитилди, сизга ҳеч нарса хавф солаётгани йўқ, деб ёлғон гапирган эди. Фақат Саймон тоғлик сипоҳий ёрдамида жонимга қасд қилиб қўя қолмасдан, айти пайтда, Престонгрэнж ҳам, унинг сўзларидан маълум бўлдики, ёвуз ниятни кўнглига тугиб қўйганди. Мен душманларимни санаб кўрдим. Престонгрэнж ва қирол ҳукумати, герцог ва унга тобе бўлган ғарбий Шотландиянинг тоғлик ўлкалари, унинг шундоқ биқинида Ловэт бор: у мамлакат шимолидаги қудратли кучларнию яқобинчиларнинг эски айғоқчиларини, уларга ёлланган аблаҳларни ўз тарафига оғдириб олиши мумкин. Жеймс Мор билан Дунканнинг ўғли бўлмиш малласоч Нийл эсимга тушдию менга қарши уюштирилаётган фитнага улар ҳам бош қўшиши мумкин-ку, деб ўйладим. Роб Рой қабиласининг қолдиқлари, болтадан ҳам қайтмайдиган қароқчилар бирлашса борми, додимни худога ҳам айтолмай қолишим ҳеч гап эмасди. Шу тобда қудратли дўстга, оқил маслаҳатчига муҳтож эдим! Назаримда, мамлакатимизда менга ёрдам бериши мумкин бўлган, ёрдам беришни истайдиган кишилар кўпдек эди. Акс ҳолда, Ловэт, герцог, Престонгрэнж ўлиб-тирилиб менадан қутулиш воситаларини қидиришмасди. Хуллас, кўча-кўйда дўстимни туртиб ўтиб кетсам-да, лекин уни мутлақо танимаслигим ҳам мумкин, деган қарорга келдим.

Гўё оҳ-нолам ҳақ таолонинг қулоғига етиб боргандек, шу пайт битта жентельмен елкаси билан туртиб ўтиб кетдию каминага маънодор назар ташлаб, тор кўчага

бурилди. Кўз қирим билан бу қози Стюарт эканини пайқаб қолдим, ичимда шукроналар айтиб, унинг орқасидан эргашдим. Тор кўчада у қандайдир уйга кириладиган зинапояга оёқ қўйиб турарди: менга имошора қилдию ғойиб бўлди. Бир неча қават юқори кўтарилдиму уни зинапоя майдончасида учратдим: ичкарига киришимиз билан у эшикни қулфлаб қўйди. Квартира бўш эди, ҳеч қандай мебель кўринмасди: афтдан, Стюарт бирор кимсага ижарага бериш учун ажратган уйларнинг бирига ўхшарди.

— Ерга ўтиришга тўғри келади,— деди у.— Бу ерда бежавотир гаплашишимиз мумкин. Мистер Бэлфур, мен сизни учратиш учун жонимни жабборга бердим.

— Алан қалай?— деб сўрадим.

— Зўр,— деди қози.— Эртага, чоршанба куни Энди уни Жиллан саёзлик жойида кемага чиқариб олади. У сиз билан хайрлашмоқчи, лекин ҳозирги шароитда бир-бирларингдан узоқроқ юрсаларинг яхши бўларди. Энди асосий мавзуга ўтайлик: хўш, ишларингиз қандай кетяпти?

— Мана, тез орада гувоҳ сифатидаги кўргазмаларим судда эшитилади: Инверэрига шахсан Бош прокурор билан жўнашим лозим экан,— деб жавоб бердим.

— Ха-ха-ха!— деб кулиб юборди қози.— Э-э, бунчалик эмасдир-ку!

— Бу ерда бир гап бўлса керак деб, ўзим ҳам гумонсираб турибман,— дедим.— Лекин сизнинг мулоҳазаларингизни ҳам билмоқчиман.

— Ростини айтадиган бўлсам, ғазабим қайнаб ётибди!— деб деярли қичқириб юборди Стюарт.— Агар ҳукумат одамлари қўлимга тушиб қолганда борми, худди чириб қолган олма мисоли ерга бир уриб, ялпоғини чиқариб ташлардим! Мен Эпин билан Жеймс Гленскийнинг ваколатли вакилиман; ўз-ўзидан равшанки, қариндошимнинг ҳаёти учун курашмоғим даркор. Лекин нималар бўлаётганини бир эшитиб қўйинг-да, кейин ҳукм чиқаринг. Аввало, улар Аланни бирёқли қилишмоқчи. Алан асосий айбдор сифатида жавобгарликка тортилмас экан, Жеймсни қонун бўйича айблаша олмайдилар: қонун шунақа — аравани отдан олдинга қўшиш мумкин эмас.

— Ахир Алан қўлга тушмаган бўлса, уни қандай қилиб жавобгарликка тортишади?— деб сўрадим.

— Қонуннинг шу томонига чап бериб ўтиш ҳам мумкин,— деди у.— Бунинг учун бошқа қонун бор.

Агар жиноятчилар гуруҳидан биров қочиб кетса, бошқаларни жазосиз қолдириш мумкин бўлганда, бундан осон иш йўқ эди. Бироқ ҳозирги қонунга кўра, қочиб юрган асосий айбдор судга чақирилади: агар у судга келмаса, сиртдан ҳукм чиқарилади. Чақириқ қоғози тўрт жойга жўнатилади: яшаш жойига, энг камида қирқ кун турган қўналғага, у туғилган графликнинг энг катта шаҳрига ва ниҳоят, агар Шотландияни тарк этган дейишга асос бўлса, икки ой мобайнида Эдинбургнинг Бош майдонига, бандаргоҳга, бўғозга келиши талаб қилинади. Охири тадбирдан кўзланган мақсад ўз-ўзидан тушунарли: узоқ сафарларга кетаётган кемалар бандаргоҳ божхоналарига хабар беришга улгурадилар: қолаверса, бундай чақириқ фақат расмиятчилик учунгина амалга оширилмайди. Хўш, энди Алан нима қилиши керак? Аланнинг ўз уйи борлигини эшитганим йўқ. Агарда кимки қирқ бешинчи йилдан сўнг у бир жойда қаторасига қирқ кун яшаганини менга кўрсатиб берса, ўша кишидан жуда миннатдор бўлардим. У доимий равишда ёки вақтинча истиқомат қиладиган графлик ҳам йўқ: умуман уни қандайдир бошпанаси бўлса, ўша макон фақат Фарангистонда бўлиши мумкин; унинг ҳарбий қисми ҳам хорижда турибди: агар у Шотландияни тарк этмаган бўлса (биз буни аниқ биламиз, лекин улар бу ҳақда фақат тахмин қилишяпти, холос), ҳар қандай аҳмоқ ҳам унинг нияти нимадан иборат эканини билади. Қаерда, қай йўсинда уни чақириш мумкин? Мен буни айнан сиздан — қонун васвасасига ўралашиб қолмаган инсондан сўраяпман.

— Ўзингиз ҳозиргина шу саволга жавоб бердингизку, — дедим. — Шу ерда — Бош майдонда, бандаргоҳда, бўғоз соҳилида икки ой мобайнида чақириқ янграса керак.

— Кўрдингизми, сиз Престонгрэнжга қараганда зийракроқ қонуншунос экансиз! — деб хитоб қилди қози. — У илгари ҳам Аланни чақирган — бу воқеа йигирма бешинчида, сиз ҳузуримга келган куни рўй берган эди. Фақат бир марта чақирган, холос. Кейин дами чиқмай кетди. Сизнингча, уни қаерга чақиришди? Кемпбелларнинг маъмурий маркази бўлмиш Инверэри шаҳри майдонига чақиришди, албатта. Мистер Бэлфур, сизга битта сирни айтиб қўймоқчиман: афсуски улар Аланни қидиришмаяпти.

— Бу қанақаси бўлди? — дедим ҳайрон бўлиб. — Қидиришмаяптими?

— Менимча, қидиришмаяпти,— деди у.— Фикримча, Аланни қўлга туширишни хоҳлашмаяпти. Назаримда Алан ўзини судда оқлаб кетиши ҳам мумкин, деб ўйлашяпти: кейин Жеймс ҳам қутулиб кетади: аслида, улар Жеймсни бирёқлик қилишмоқчи. Кўриб турибсизки, бу одил суд эмас, балки фитнадир.

— Бироқ Престонгрэнж Аланнинг қаерда эканини қаттиқ туриб сўраб-суриштирди,— дедим.— Энди ўйлаб кўрсам, жавоб беришдан осонгина бош тортган эканман.

— Ана, кўрдингизми!— деди қози.— Хўп, майли, гапларим тўғри ёки нотўғри эканини бир чеккага қўйиб турайлик, чунки буларнинг ҳаммаси шунчаки тахмин, холос. Келинг, фактларга мурожаат этайлик. Эшитишимга қараганда, Жеймс билан гувоҳлар (гувоҳлар, деяпман, мистер Бэлфур!) жуда қаттиқ назорат остида сақланаётган экан: улар Вильям бандаргоҳининг ҳарбий қамоқхонасида оёқларига кишан солинган ҳолда ўтиришибди, дейишяпти. Ёнига оқловчилар ҳам киритилмас эмиш, хат ёзишга ҳам рухсат йўқ экан. Мистер Бэлфур, лекин улар гувоҳ, ҳолос. Умрингизда шунақа бўлганини сира эшитганмисиз! Сизни ишонтириб айтаманки, харомхўр Стюартлар ҳам қонунни бу даражада сурбетлик билан бузган эмас. Ахир, минг етти юзинчи йили парламент чиқарган қарорда кўрға ҳассадек қилиб қонунсиз равишда қамоққа олиш тақиқланади, деб ёзиб қўйилган-ку! Мен Жеймс билан гувоҳларнинг аҳволи тўғрисида эшитган заҳотим Олий суднинг лорд-котибига норозилик билдириб хат ёзиб юбордим. Бугун ундан жавоб келди. Мана сизга қонун! Мана сизга адолат!

У менинг қўлимга қоғоз тутқазди. Тилёғламалик билан, мунофиқона равишда бўлмағур гаплар битилган ўша ҳужжат кейинчалик алоҳида рисолада «Ҳорижий кузатувчиларга» дастурамал сифатида, сарлавҳада айтилишича, Жеймснинг «бахтсиз беваси ва беш боласи» томонидан эълон қилинди.

— Кўрдингизми, у мени ўз мижозим билан учрашувимга тўсқинлик қилолмайди, шунинг учун «комендантдан шу зотни ичкарига киритишга рухсат беришингизни сўрайман». Рухсат беришини сўраяпти! Шотландия Олий судининг лорд-котиби рухсат сўраяпти?! Наҳотки, бу сўзларнинг асл маъноси тушунарли бўлмаса? Комендант жуда аҳмоқ ёки жуда ақлли бўлса, рухсат бермаслиги мумкин, деб умид қилишяпти. Сўнгра Вильям бандаргоҳидан икки қўлимни бурнимга тикиб, орқамга қайтиб келаман-да! Кейин йўлимга янги тузоқ қўйишади: мен

юқори лавозимли шахсга шикоят қилсам, ҳамма айб комендантга ағдарилади: жин урсин, аскарлар қонуннинг «қ» ҳарфини ҳам билишмайди! Ахир, бунақа ашулаларни кўп эшитганман-ку! Охири камина учинчи марта ўша тузоқдан омон-эсон ўтиб оламан, ўз мижозимдан дастлабки фармойишни қўлга киритаман-у, аммо тез орада суд бошланади. Бу ҳолни мен фитна деб атаяпман, тўғри эмасми?

— Шунақа шекилли,— дедим.

— Ҳозир буни исботлаб бераман,— деди қози.— Улар Жеймсни қамоқхонада ушлаб туриш ҳуқуқига эга, лекин оқловчини у билан учрашувига тўсқинлик қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Уларда гувоҳларни қамаш ҳуқуқи ҳам йўқ; гувоҳлар ҳам худди лорд-котиб каби озодликда сайр этиб юришлари лозим эмасми? Мана, ўқинг: «Энди бошқалар масаласига — ўз хизмат бурчини ижро этиш чоғида қонунбузарликка йўл қўймаган, қонунбузарликда айбланмаган кишилар масаласига келсак, лорд-котиб қамоқхона назоратчисига бирор кўрсатма беришдан бош тортади». Қонунбузарликка йўл қўймаган эмиш! Худойим-эй! Минг етти юзинчи йилдаги парламент қарори-чи? Мистер Бэлфур, энди юрагим ёрилиб кетса ажаб эмас, мамлакатимнинг арчагуллари эмас, юрак-бағрим лов-лов ёняпти!

— Бу гапларни оддий тилга таржима қилсак, демак гувоҳлар қамоқхонадан чиқарилмайдими. Сиз улар билан учраша олмайсизми?— дедим.

— Инверэрида суд бўлгунча мен уларни кўролмайман!— деб хитоб қилди у.— Судда эса Престонгрэнж «юқори лавозим билан боғлиқ бўлган масъулият ва қалб қийноқлар» ҳақида, «оқловчилар учун яратиб берилган фавқулодда қулай имкониятлар» борасида вайсақилик қилади! Мистер Дэвид, лекин уларни барибир чув тушираман! Мен гувоҳларни кўчада тутиб олишни режалаштириб қўйдим, мана кўрасиз, маҳбусларни қўриқлаб борадиган ўша «қонуннинг «қ» ҳарфини ҳам билмайдиган» аскарлардан ҳеч бўлмаса, зиғирдек ҳақиқатни билиб олишга эришаман.

Охири худди шундай бўлди: сипоҳий ёрдамида мистер Стюарт гувоҳлар билан илк марта Тиндрам яқинидаги кўчада учрашди.

— Энди мен асло ҳайратланмайман,— деб қўйдим.

— Йўқ, мен токи ҳаёт эканман, сизни кўп бора ҳайрон қолдираман!— деди қози тўлқинланиб.— Мана, кўрясизми?— У менга сиёҳи қуримаган, ҳозиргина босмахона

дастгоҳидан олинган варақани кўрсатди.— Бу айбнома: кўрјасизми, гувоҳлар рўйхатининг остида Престонгрэнж номи турибди, лекин улар орасида негадир Бэлфур деган номни учратмадим. Гап бунда ҳам эмас. Сизнингча, бу қоғоз кимнинг пулига чоп этилган?

— Қирол Георг ҳисобидан бўлса керак,— дедим.

— Тасаввур этолмайсиз, ахир бу менинг ҳисобимдан чиқди-ку! Яъни, улар — Грантлар, Эрскинлар, кечаси қароқчилик қиладиган Саймон Фрээрлар ўзлари учун варақа босишаётган экан. Хўш, мен ҳам нусха олишим мумкин эдим? Йўқ, мен кўркўрона равишда оқловчилик қилишим лозим эди; айбномани маслаҳатчилар қаторида илк бора судда эшитардим, холос.

— Бу қонунга хилоф-ку?!— дедим.

— Сизга нима десам экан,— деди у.— Илгари бунақаси бўлмаган. Уларнинг нуқтаи назаридан қаралса, бу табиий ҳолга ўхшайди: чунки қонуншунослар тажрибасида бунақа камёб ҳодиса рўй бермаган. Энди адолат пешволарига яна бир бора таъзим қилингиз!.. Нотаниш кимса Флеминг босмахонасига кириб борса, ерда қандайдир варақа ётган экан: уни менга келтириб берди. Хўш, нима бўпти? Маълум бўлишича, бу айбнома экан! Мен варақани яна босмахонага топширдим, ҳимоячи ҳисобидан ҳам нусхаларини кўпайтириб беришларини илтимос қилдим: мендан қайтмаса, худодан қайтади-ку! Умрингизда шунақа ҳодисани эшитганмисиз? Мана, уни хоҳлаган киши ўқиши мумкин: буюк сир фош бўлди, пинҳоний ишни ҳамма билади. Хўш, сизнингча, ўз қариндошининг ҳаёти ишониб топширилган мен каби оқловчи энди хурсанд бўладими?

— Уйлашимча, хурсанд бўлишга ҳали эрта,— дедим.

— Ана, сиз эс-ҳушингизни йиғиштириб олибсиз: атрофингизда нималар бўлаётганини пайқабсиз: менга судда кўргазма беришимга рухсат берилди, деган пайтингиз бекорга ҳаҳолаб юбормаган эдим.

Энди менга навбат келди. Мен унга мистер Саймоннинг дўқ-пўписалари, ширин-шакар ваъдалари, орқамдан қўйилган қотил билан рўй берган ҳодиса, кейин Престонгрэнж уйида бўлиб ўтган ҳангомалар хусусида қисқача гапириб бердим. Бош прокурор билан қилган дастлабки суҳбатимиз ҳақида ваъдалашганимизга мувофиқ унга лом-мим демадим: гапириб ўтиришга ҳеч қандай ҳожат ҳам йўқ эди. Сўзларимни тинглар экан, Стюарт доим бошини қимирлатиб ўтирарди — мурвати бураб қўйилган қўғирчоққа ўхшарди. Гапимни тугатга-

нимдан сўнг у бир оғиз билан ўз фикрини изҳор этди:

— Яширининг!— деди қатъий оҳангда.

— Нима демоқчи эканингизни тушунмадим,— дедим хайратланиб.

— Бўпти, мен ҳозир тушунтириб бераман,— деди қози.— Назаримда, сиз зудлик билан яширинмасангиз бўлмайти. Бу борада мунозара қилиб ўтиришга ҳожат йўқ. Ҳозирча сал-пал виждони қолган прокурор ҳаётингизни Саймон билан герцог чангалидан қутқариб олибди. У сизни жинойи жавобгарликка тортишларига қарши бўлган, сизни ўлдиришларига ҳам розилик бермаган, кейин икки ўртада жанжал чиққан; Саймон билан герцог дўстга ҳам, душманга ҳам хиёнат қилаверишади. Энди сизни судга беришмайди, ўлдиришмайди ҳам, лекин агар Грэнж бону мисоли ўғирлаб, узоқларга олиб қочиб кетишмаса, майли, менинг юзимга туфланг! Бошимни гаровга тикиб, қасам ичишим мумкин — уларнинг нияти мана шунақа!

Мен яна баъзи нарсаларни эсладим ва ноҳос ҳуштак товушини эшитиб қолганимни, кейин малласоч Нийлга, Жеймснинг хизматкорига кўзим тушганини унга гапириб бердим.

— Жеймс Мор бор жойда албатта қандайдир фитна содир бўлади,— деди қози.— Аммо унинг отаси ҳақида ёмон гап айта олмайман: тўғри, у қонунга хилоф ишлар қиларди, бизнинг авлодимизга ҳам дўстона муносабатда эмасди, хуллас, уни ҳимоя қилиш учун қўлимни совуқ сувга урмасдим. Бироқ Жеймс қип-қизил аблаҳ, мақтанчоқ лўттивоз. Малла Нийлнинг пайдо бўлиб қолиши менга ҳам ёқмаяпти. Туф-э, у бекордан бекорга тентираб юрмайди: ундан разилликнинг ҳиди келади. Ахир Грэнж бону ишини ҳам кекса Ловэт уюштирган эди; агар ёш Ловэт сизни бирёқлик қилишга бел боғлаган бўлса, демак у ҳам отасининг изидан кетибди. Жеймс Мор нима учун қамоқхонада ўтирибди? Ушанақа иш учун — ўғирликда иштирок этгани туфайли, албатта. Унинг одамлари ўғри-каззоб, бу жабҳада устаси фаранг бўлиб кетишган. У ўша уддабурон кимсаларни Саймонга тортиқ қиладию биз тез орада Жеймс оқлаб юборилганини ёки қочиб кетганини эшитамиз; сиз Бенбекулда ёки Эплкроссда ётган бўласиз.

— Демак, ишлар чатоқ экан,— деб унинг фикрини қўллаб-қувватладим.

— Биласизми, мен нимани истайман?— деб сўзида давом этди.— Сизни қўлга туширмаган фурсатдан фой-

даланиб, тезроқ жуфтакни ростлаб қолишингиз керак. Суд бошлангунча яшириниб юринг, сўнги дақиқаларда — улар сира ҳам кутмаган бир пайтда лоп этиб саҳнада пайдо бўласиз, вассалом! Мистер Бэлфур, агар кўрсатмангиз бирор мушкулотни енгиллаштиришга хизмат этсагина таваккал қилишга бел боғлашингиз мумкин.

— Сизга битта гапни очиқ-ойдин айтишим мумкин,— дедим.— Мен қотилни кўрганман, у Алан эмас.

— Ундай бўлса, худо ҳаққи қасам ичишим мумкинки, қариндошим омон қолади!— деб хитоб қилди Стюарт. — Унинг ҳаёти суддаги кўргазмаларингизга боғлиқ: сиз судда иштирок этишингиз учун вақтни ҳам, пулни ҳам аямаслик керак, таваккал қилишдан қайтмаслик лозим.— У чўнтакларидоги бор пулларини ерга тўкди. — Ёнимда бори ана шу,— деди.— Олинг, ишларингиз бир ёқли бўлгунча булар сизга асқатиб қолади. Энди анави тор кўчадан тўғрига қараб юрсангиз, уёқда Ланг-Дайксга чиқиладиган сўқмоқ бор; сиздан ялиниб-ёлвориб илтимос қиламан, мана шу ур-йиқитлар тугамагунча Эдинбургда қорангизни кўрсатманг!

— Мен қаёққа бораман, ахир?— деб сўрадим.

— Ҳў! Ҳзим ҳам шуни билмоқчиман-да!— деди қози.— Мен сизни яшириб қўядиган жойларни улар албатта ағдар-тўнтар қилишади. Йўқ, ўз ғамингизни ўзингиз ейишингиз даркор, худонинг ўзи сизга йўл кўрсатади! Суд бошланишига беш кун қолганда, ўн олтинчи сентябрь куни Стирлингга хабар бериб қўйинг, мен ўша ердаги «Қирол нишони» меҳмонхонасида бўламан. Агар ўшангача соғ-саломат бўлсангиз, мен сизни Инверэрига олиб бориб қўйиш учун қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан.

— Яна битта саволимга жавоб берсангиз: мен Аланни кўришим мумкинми?

Афтидан, у иккиланарди.

— Эҳ, кўришмасангиз яхши бўларди-да,— деди у. — Тўғрисини атсам, Алан ҳам сиз билан учрашишни жуда-жуда хоҳлаяпти, ҳар эҳтимолга қарши бугун кечаси у сизни Силвермилз ёнида кутиб туради. Мистер Бэлфур, агар изингиздан айғоқчи пойлаб келмаётганига ишончингиз комил бўлсагина: эсингиздан чиқмасин, фақат орқангиздан айғоқчи келмаётганига қатъий ишонганингиздан сўнгина бирорта чуқурчага ётиб олиб, бир соат мобайнида йўлни обдан кузатинг. Мабодо қалтис хатога йўл қўйсангизлар борми, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даҳшатли ҳодиса рўй беради!

МАЛЛА НИЙЛ

Ланг-дайкс кўчасига чиққан пайтимда соат уч яримлар бўлган эди. Дин қишлоғи оҳанрабодек ўзига тортарди. Чунки у ерда Катриона яшарди; қариндошлари — гленгайллик Макгрегорлар ортимдан исковуч ит мисоли эргашиб қолишлари ҳам ҳеч гап эмасди; хуллас, хосиятсиз жойлардан ўзоқроқ юрганам маъқул эди. Лекин мен ҳали жуда ёш эдим ва назаримда, қизни чинакамига севардим, шунинг учун ўйлаб-нетиб ўтирмасдан қишлоқ томон бўрилдим. Тўғри, кейин пушаймон қилмаслик учун эҳтиёт бўлиб қадам ташлашга интилардим. Йўл тепаликка кўтарилиши билан бирдан арпазорга ўзимни ташладиму нафасимни ичимга ютиб, пойлаб ётдим. Бирпасдан сўнг ёнгинамдан битта нота ниш тоғлик киши ўтиб кетди. Тез орада малласоч Нийл ҳам ўтди. Кейин тегирмончининг араваси, унинг кетидан эса ҳар хил тоифадаги қишлоқ аҳолиси ўта бошладилар. Бу ҳол ҳар қандай довюрак йигит учун ўз ниятидан қайтишга етарли асос бўларди, аммо менда Дин қишлоғига бориш истаги янада кучайди, холос. Йўлда Нийлнинг пайдо бўлиб қолиши табиий, деб ўзимни ишонтиришга уринардим, чунки бу йўл унинг хўжайинининг қизи яшайдиган уйга олиб борарди; дастлаб ўтган йўловчи масаласига келсак, шуни айтишим мумкинки, агар камина ҳар бир тоғликдан кўрқиб юрсам, ўзоққа боришим амримаҳол. Ўзимга таскин-тасалли бердим-да, шитоб йўлга тушдим ва ҳадемай миссис Драммонд-Огилвиңинг чорбоғ эшиги олдига етиб бордим.

Иккала хоним ҳам уйда экан; очиқ турган эшикдан уларга кўзим тушиши биланоқ бошимдан шляпамни ечдим.

— Ҳой, олти пенсани ундириб олгани келдим! — дедим ҳазиломуз гапим бевага маъқул бўлса керак деган умидда.

Катриона истиқболимга югуриб чиқди-да, самимий сўрашди; каминани ҳайратга солиб, хоним ҳам теваргимда парвона бўла бошлади. Орадан анча вақт ўтгандан сўнг билдимки, у ўша куни эрта тонгда битта отлиқ чопарни Куинсферрига — Шос кўрғони бўйича каминанинг ваколатли вакили бўлмиш Ранкилер ҳузурига жўнатган экан; шу тобда унинг чўнтагида меҳрибон

дўстимдан келган мақтовлардан иборат мактуб бор эди. Аммо мен унда ғаройиб хат борлигини билмасдим. Эҳтимол, ростдан ҳам «қишлоқи» бўлсам керак, аммо мен бева хоним ўйлаганчалик гўл эмасдим; сездимки, у ўз қариндошининг қизини нақ Лотиандаги ер-мулк хўжайини бўлган, ҳали мўйлови сабза урмаган мишиқи болага никоҳлаб беришни мўлжаллаб қўйган эди.

— Кэтрин, Олти-пенсамизни ёвғон шўрва билан сийлашсин,— деди у.— Ичкарига кириб, хизматкорга тайинлаб қўйгин, айланай!

Биз ёлғиз қолган маҳалда у қандай қилиб бўлса ҳам кўнглимни овлашга ҳаракат қиларди: мулоҳаза юритиб гапирарди, ҳазил-ҳузул қилишга интиларди, ҳамон мени «Олти-пенса» деб атарди, лекин шундай бир оҳангда сўзлардики, гапини эшитиб тўё бир қоп семириб кетардим. Катриона қайтиб келгач, кекса хонимнинг нияти яққол кўриниб қолди: у қизни кўкларга кўтариб мақташга киришди, худди отини сотаётган лўлига ўхшарди бояқиш. У мени шунчалар бўш-баёв деб ўйлаётганидан юзларим қизариб кетди. Содда қизгина эса кўз-кўз қилинаётганидан мутлақо беҳабар эди, деб ўйлайман ичимда. Охири кекса жанжалкашни таёқ билан бир туширгим келди-ю, шайтонга ҳай бердим: балки улар биргаликда мени тузоққа илинтириш режасини тузиб олишгандир, деб шубҳалана бошладим. Бирдан ҳафсалам пир бўлди ва икковининг ўртасида қовоқ-тумшугимни осилтириб, жиним қуришиб ўтиравердим. Ниҳоят, пихини ёрган совчи яна бир зўр воситани ишга солди, яъни бизни юзма-юз қолдирди. Агар кўнглимда гумон пайдо бўлдим— тамом, кейин ичимга чироқ ёқса ёришмасди. Бироқ Катриона ўғриваччалар авлодига дохил эканини билсам-да, аммо ундан тона олмасдим.

— Мен сизга савол бермаслигим керакми? — деб сўради у ёлғиз қолганимизда.

— Йўқ, бугун ҳамма нарса тўғрисида бемалол гапиришим мумкин,— деб жавоб бердим. Кимгадир ваъда бериб, оёқ-қўлимни боғлаб қўйганим йўқ; агар мендан яна ваъда беришни сўраганларида ҳам, бўлиб ўтган воқеалардан сўнг асло қасам ичмасдим.

— Ундай бўлса ҳаммасини гапириб беринг,— деди у шошириб.— Ҳадемай холам қайтиб келади.

Лейтенант билан бўлиб ўтган ҳодисани бошидан охиригача гапириб бердим; ҳангомани иложининг бориचा кулгилироқ тарзда сўзлашга ҳаракат қилдим:

аслида ҳам, бу шу қадар бемаъни эдики, беихтиёр кишининг кулгисини қистарди.

— Маълум бўлишича, дали-ғули эркаклар ҳам худди ёқимтой хонимчалар каби сизга тўғри келмас экан-да! — деб хитоб қилди гапимни тугатганимдан кейин. — Аммо нима учун отангиз сизга қиличбозликни ўргатмаган-а? Умримда бундай йигитни илк бора кўриб турибман. Бу ниҳоятда ярамас қусур-ку!

— Тўғри, фазилат эмас, — дедим. — Менинг отам ҳалол инсон эди! Афтидан, у осмони фалакда парвоз этиб юрган, акс ҳолда менга қиличбозлик ўрнига лотин тилини ўргатмаган бўларди. Лекин кўриб турибсизки, қўлимдан келганча ҳаракат қиляпман: мен худди Лотнинг рафиқаси мисоли туз устунга айланиб қолдим; энди тилка-пора қилсалар ҳам индамай туравераман.

— Биласизми, нега кулгим қистаяпти? — деди Катриона. — Аслида, мен ўғил бола бўлиб туғилишим лозим экан. Кўпинча ўзимни ўғил бола деб тасаввур этаману ҳар хил саргузаштларни ўйлаб топаман. Аммо иш курашга бориб тақалган пайтда бирдан бошимни чангаллаб қоламан; қиз бола эканим эсимга тушиб қолади, ахир мен қилич ушлашни ҳам билмайман-ку, лоақал бошлаб мушт солишни ўринлата олмайман; сўнгра саргузаштларимни шундай йўсинга буриб юбораманки, курашни четлаб ўтаман: худди сиз анави лейтенант устидан «ғалаба» қозонганингиз каби охири омадим келишига ишонаман; мен ўғил боламан, доимо битта гапни пичирлаб юраман: мистер Дэвид Бэлфурнинг исми шарифи сира ҳам тилимдан тушмайди.

— Сиз қасоскор қизсиз, — дедим.

— Биламан, аввало, чок тикишни, ип йигиришни, кашта тўқишни қойиллатиб қўйишим лозим, — деди у. — Лекин фақат ана шунақа майда-чуйда юмушлар билан шуғулланганингизда борми, буни қанчалик зерикарли эканини билиб олардингиз. Бироқ бу деганим — мен албатта кимнидир ўлдиришни истайман, деган маънони англамайди. Сиз умрингизда одам ўлдирганмисиз?

— Ўлдирганман, ҳатто иккитасини гумдон қилганман. У пайтда мен ёш бола эдим, — дедим. — Аммо аш ишим учун асло уялмайман.

— Шунда... ундан кейин кўнглингиздан нималар кечган эди? — деб сўради.

— Ўтириб олиб, хўнграб йиғлаганман, — дедим.

— Тушунаман! — деди у ҳаяжонланиб. — Нима учун одамнинг йиғлагиси келишини биламан. Ҳарҳолда, би-

ровни ўлдиришни истамайман. Мен Кэтрион Дуглас бўлишни хоҳлайман: эшик лўкидонини синдиришган чоғда у тутқич дасталари орасига ўз қўлини тикади. У менинг севимли қаҳрамоним. Сиз ўз қиролингиз учун жонингизни фидо этармидингиз?

— Ростини айтсам, қиролни (пучуқ жаноби олийларига худо мададкор бўлсин!) чин дилдан яхши кўрмайман: боз устига, бугун мен ажал билан юзма-юз келдим, энди ҳаётнинг қадр-қимматини биламан,— дедим.

— Бу яхши, эркак киши айнан шундай мулоҳаза юритиши лозим! — деди.— Лекин қиличбозликни барибир ўрганиб олишингиз керак. Агар менинг дўстим жанг қилишни билмаса, ноқулай аҳволга тушиб қолишим мумкин. Балки анови кимсаларни қилич билан ўлдирмаган бўлсангиз керак-а?

— Йўқ,— дедим.— Ушанда қўлимда бир жуфт тўп-пончам бор эди. Бахтимга, улар ёнгинамда эдилар. Мен қиличбозликка қанчалик укувсиз бўлганим каби мерганлик қўлимдан келмайди.

У шу заҳотиёқ кемада бўлиб ўтган олишув тафсилотларини сўраб олди; илгари — илк бора ўзим тўғримда гапирган пайтимда бу хусусида лом-мим демаган эдим.

— Ҳа, сиз жуда ҳам довюрак экансиз,— деди у.— Дўстингизга қойил қолдим, мен уни яхши кўраман.

— Унга қойил қолмаслик мумкин эмас,— дедим.— Ҳаммада ҳам бўлганидек, унда ҳам камчиликлар бор, албатта. Лекин у довюрак инсон, садоқатли дўст, кўнгли тоза одам. Ишқилиб, унга худо ёр бўлсин! Бир кун келиб, Аланни бутунлай унутиб юборишимга сира ақлим бовар қилмайди.— Энди бирдан Алан эсимга тушиб қолди; бугун кечаси учрашиш-учрашмаслигимиз ўзимга боғлиқ эди.

— Худойим-эй, эсим қаёқда ўзи, янгиликни айтишни унутиб қўйибман-ку! — деб хитоб қилди Катриона. Кейин у менга отасидан хат олганини ҳикоя қилиб берди: унинг ёзишча, Жеймсни Қўрғонга ўтказишибди, қизи эртага уни бориб кўриши мумкин экан, ишлари аста-секин яхшиланиб бораётган эмиш.— Назаримда, бундай гапларни эшитиш сизга ёқмаса керак,— деди у.— Лекин отамни яхши билмай туриб, уни қоралаш мумкинми?

— Мен бировни қоралашни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ,— деб жавоб бердим.— Чин сўзимни айтсам, кўнглингиз равшан тортгани учун бағоят хурсандман. Агар мен тумтайиб олган бўлсам (қиёфам ўзгариб

кетганидан сездингиз, чамамда), ишонаверинг, бунинг сабаби — ҳозир мурасасизлик қиладиган пайт эмас; ҳукумат кишилари бу тоифага кирмайдилар. Саймон Фрэзер билан учрашганимдан сўнг ҳалигача ўзимга келганим йўқ.

— Ахир уларни тенглаштириб бўладими! — деб хитоб қилди.— Бундан ташқари, Престонгрэнж билан менинг отам битта уруғдан эканини ҳам унутманг-да.

— Бу ҳақда биринчи марта эшитяпман,— дедим.

— Ажабки, сиз умуман кўп нарсани билмас экансиз,— деди Катриона.— Баъзилар ўзини Грантлар деб, бошқалар эса Макгрегорлар деб аташади, лекин ҳаммаси битта қабиланинг одамлари-ку. Барчаси Эпин фарзандлари ҳисобланади: бизнинг мамлакатимиз ҳам шундай ном билан аталади.

— Қайси мамлакат? — деб сўрадим.

— Мен билан сизнинг мамлакатингиз,— деб жавоб берди Катриона.

— Кўришиб турибдики, бугун мен учун кашфиёт куни бўлди,— дедим.— Чунки доим бизнинг мамлакатимиз Шотландия деб аталади деб юрардим.

— Аслини олганда, Шотландия — ҳозир Ирландия деб аталадиган мамлакатнинг номи,— деб эътироз билдирди у.— Биз юрган, бизнинг суяқларимиз ясалган қадимий тупроқнинг ҳақиқий номи — Эпин. Ота-боболаримиз миллий мустақиллик учун Искандарга, римлик боқинчиларга қарши курашган замонларда ҳам унинг номи Эпин эди. Сиз аллақачон унутиб юборган онангизнинг тилида шу пайтга қадар ўша қадимий ном ўзгарган эмас!

— Тўғри, мен ўз она тилимни билмайман,— дедим. Искандар Зулқарнайн хусусида ҳам лом-мим дея олмадим.

— Аммо бизнинг ота-боболаримиз, авлод-аждодларимиз азал-азалдан ўша илоҳий тилда сўйлашганлар, ўша тилда алла айтганлар,— деди у чўрт кесиб.— Ҳатто бизнинг исмларимизда ҳам она тилимизнинг белгилари ҳалигача сақланиб қолган. Эҳ, агар биз ҳам ўз тилимизда сўйлаша олганимизда борми, сиз менинг бутунлай бошқача эканимни билар эдингиз! Бу тил — юрак таржимонидир!

Хонимлар мени мазали таомлар билан меҳмон қилишди: стол устига чиройли-чиройли қадимий идиш-товоқлар териб қўйилган эди, май ҳам ғаройиб экан. Назаримда, миссис Огилви бадавлатга ўхшарди.

Дастурхон атрофида очилиб-сочилиб хангамалашиб ўтирдик. Ниҳоят, кўёш уфққа бош қўяётганини, оқшом чўка бошлаганини кўрдиму дарҳол ўрнимдан туриб, мезбонларга ташаккур айтдим. Мен Алан билан учрашишга қарор қилдим; ҳали қоронғи тушмасдан бурун келишилган жойни кўздан кечиришим лозим эди. Катриона мени чорбоғ эшигигача кузатиб чиқди.

— Сизни яна узоқ кутаманми? — деб сўради у.

— Аниғини айтолмайман, — деб жавоб бердим. — Эҳтимол, узоқ кутишингизга тўғри келар, балки энди ҳеч қачон мени кўрмасиз.

— Ҳа, шунақа бўлиши ҳам мумкин, — деди. — Афсусланмайсизми?

Бошимни эгиб, унга тикилдим.

— Мен ниҳоятда афсусланаман, — деди у. — Биз жуда кам бирга бўлдик, лекин қадрингизни билиб олдим. Сиз довюрасиз, ҳалол инсонсиз; эҳтимол, вақти келиб ҳақиқий эркак бўларсиз: ўшанда хурсанд бўламан, албатта. Агар ёмон воқеа рўй берса, агар сиз ҳалок бўлсангиз... на чорам бор! Фақат жонажон дўстингиз бор эканини унутмасангиз — бас! Вафот этганингиздан кейин умр бўйи, кампир бўлиб қолган чоғларимда ҳам невараларимга Дэвид Бэлфур ҳақида ҳикоя қилиб беришдан толмайман, тинмасдан йиғлайвераман. Мен уларга биз қандай хайрлашганимиз ҳақида, ўзим сизга нималар деганимни, нималар қилганимни айтиб бераман. «Илойим, худо ўз паноҳида асрасин, деб сизнинг ёшгина севгилингиз ҳақ таолога илтижо қилади». Мен сизга охириги марта айтган гап шу бўлади. Мана, сўнгги бора бундай қиламан...

У қўлларимдан тутиб ўпиб-ўпиб олди. Бундай хатти-ҳаракатдан шу қадар эс-ҳушимни йўқотиб қўйдимки, гўё оғриққа чидай олмагандек қичқириб юбордим. Унинг ёноқлари қип-қизариб кетди, кўзларимга тикилиб туриб, бош силкитди.

— Ҳа, мистер Дэвид, мен сиз ҳақингизда шундай фикрдаман, — деди. — Мен ўпич билан қўшиб сизга жонимни ҳам топширдим.

У завқ-шавққа тўлиб турарди, юзида қўрқмас боладек фидокорлик балқирди. Бир замонлар — одамлар ҳис-ҳаяжонларини жиловлай олмаган пайтларида шаҳзода Чарлининг қўлларини ўпганлари каби у ҳам менинг қўлларимни ўпди. Бундай ҳолатни хашаки тоифага мансуб кишилар асло идрок этолмайдилар. Эндигина

уни қанчалик қаттиқ яхши кўриб қолганимни англаб етдим; у мени севган ёри мисоли эъозлаши учун оғир йўлни босиб ўтишим лозим: бу кундай равшан эди. Аммо, ҳарҳолда, ана шу йўналишда бир оз олға силжиганимни ҳис қилардим: у мени ўйласа ҳаяжонланиб кетарди, юзлари дув қизарарди.

Қизнинг марҳаматидан сўнг тилим калимага келмай қолди. Ҳатто, оғзимни очишга ҳам қийналардим: шу қадар таъсирчан оҳангда сўзладики, кўзларимдан потирлаб ёш отилиб кетишига озгина қолди.

— Худойимга шукр! Азизам, сиз жудаям яхшисиз,— дедим.— Хайр, менинг севгилим! — Мен уни ўзи айтган ном билан атадим; сўнгра таъзим қилдим-да, боғ эшикдан кўчага чиқдим.

Менинг йўлим водий бўйлаб ястаниб ётарди; Лит, Стокбриж ва Силвермилз дарёлари ёқалаб юришим лозим эди. Сўқмоқ водийнинг чеккароғидан ўтарди, ўртароқда дарё ҳайқирарди: ғарб томондан қуёш қирмизи нур сочарди, соялар узайиб кетганди: сўқмоқнинг ҳар бир бурилишидан сўнг кўз ўнгимда ажиб манзаралар намоён бўларди— гўё янги дунё кашф этардим. Ортимдан Катриона кузатиб қолди; олдинда каминани Алан кутиб турарди: худди қанот чиқариб учиб бораётганга ўхшардим. Бу жойлар ниҳоятда жозибали эди: қуёшнинг ботиши ҳам, сувларнинг шарқираши ҳам мафтункор эди; қадамимни секинлатдим-да, атрофга разм солдим. Кўнглим сезган эканми, ишқилиб, хавотирланиб, ортимга бурилдиму бутазор орасида бировнинг бошини кўриб қолдим.

Бирдан ғазабим қайнаб кетдию шартта бурилиб, яшириниб ётган кимса устига бостириб боравердим. Сўқмоқ бутазор ёнидан ўтарди. Пистирмага яқинлашган пайтимда бирдан ҳамла бўлишини кутиб, ҳужумни бартараф этиш учун мушақларимни таранг қилдим. Лекин бахтсиз ҳодиса рўй бермади: бутазор ёнидан бемалол ўтдим-у, юрагимни қўрқув эгаллади. Қуёш ҳамон нур сочиб турарди, атрофда зоғ учмасди. Агар мени пойлаб юрган кимсалар шундай қулай фурсатни бой беришган бўлишса, демак улар Дэвид Бэлфурдан ҳам муҳимроқ ўлжани қўлга киритишмоқчи экан. Алан билан Жеймснинг ҳаётига жавобгарлик масъулияти елкамдан оғир тошдек босиб турарди.

Катриона боғда ёлғиз юрган эди.

— Катриона, кўряпсизми, мен қайтиб келдим,— дедим.

— Мунча ранг-рўйингиз оппоқ оқариб кетибди?! — деди у ҳаяжонланиб.

— Уз бошимдан айрилсам майлиди, аммо яна икки кишининг ҳаётига ҳам жавобгарман,— дедим.— Эҳтиёт бўлмасам жиноят қилган бўлардим. Билмайман, сизнинг ҳузурингизга қайтиб келиб тўғри иш қилдимми ёки йўқми?! Агар орқамдан фалокатни эргаштириб келган бўлсам, ниҳоятда афсусланаман.

— Мен ҳам жуда афсусланаман; сизнинг сўзларингизни эшитиб мулзам бўлиб қолдим,— деди у.— Жилла курса, ростини айтинг-чи, мен нима ёмонлик қилдим?

— Ў, жоним! Сиз ҳеч қандай ёмонлик қилганингиз йўқ,— деб жавоб бердим.— Аммо ушбу хонадонни тарк этган пайтимда кимдир изимдан тушган экан; ўша айғоқчининг кимлигини айтишим мумкин. У Дунканнинг ўғли Нийл; отангиз билан сизнинг хизматкорингиз.

— Назаримда, сиз янглишибсиз,— деди қиз ва юзи оқариб кетди.— Нийл Эдинбургда, отам унга қандайдир топшириқ берган.

— Мен мана шундай бўлишидан қўрққан эдим,— дедим.— Сизнинг охириги сўзларингизни эшитиб, ноқулай аҳволга тушиб қолдим. Агар уни Эдинбургга кетган деб ўйлаётган бўлсангиз, назаримда, ундай эмаслигини исботлаб беришим мумкин. Фавқулодда ҳолат рўй берган пайтда шартли сигнал берсангиз, у дарҳол ёрдамга етиб келса керак: шартли сигналингиз борми?

— Сиз қаёқдан билдингиз? — деб ҳайратланиб қичқириб юборди Катриона.

— Туғилган пайтимда ҳақ таоло томонидан каминага ҳадя этилган сеҳргар тумор ёрдамида сирингизни билиб олдим: у фаҳм-фаросат деб аталади,— дедим.— Энди марҳаматингизни дариғ тутманг-да, сигнал беринг, мен сизга Нийлнинг малласоч бошини кўрсатиб қўяман.

Шубҳасизки, сўзларим жуда аччиқ, кескин эди. Чунки юрагим қон бўлиб кетганди. Мен ўзимни ҳам, қизни ҳам айбдор деб билардим: иккаламизни-да кўргани кўзим йўқ эди. Уни ана шу ифлос тўдага мансуб бўлгани учун, ўзимни эса енгилтаклигим туфайли оқибатни ўйламасдан ари уясига чўп тиқиб қўйганим учун ёмон кўриб қолдим.

Катриона бармоқларини лабига босди-да, баланд товушда, қулоқни тешиб юборадиган даражада ҳуштак чалди; назаримда, фақат чўпонларгина мана шундай кучли ҳуштак чалишлари мумкин эди, холос. Биз бир дақиқа кутиб турдик: ундан яна бир бора ҳуштак чалишни илтимос қиламан деган пайтимда, кимдир қоя пойи-

даги бутазор оралаб келаётганини пайқадим. Мийғимда кулганимча қизга ўша томонни кўрсатдим у бирпасдан сўнг Нийл боғ ичкарисига сакраб тушди. Унинг кўзлари чақнарди, кўлида, тоғликлар таъбири билан айтганда, «қора пичоқ» тиғи ялтирарди; у мени бекаси ёнида кўрдию жойида таққа тўхтади.

— У сизнинг чақириғингизга биноан келди,— дедим.— Сўранг-чи, у Эдинбургга борганмикан, отангиздан қандай топшириқ олганини ҳам айтиб берсин. Унинг ўзидан сўранг, ахир! Агар ҳаётлари бевосита менга боғлиқ бўлиб турган анави икки киши қабиладошларингиз кўлида қурбон бўлиши лозим бўлса, жила қурса, ўлимни очиқ юз билан қарши олишимга ижозат берарсиз, деб ўйлайман.

Катриона титроқ товушда хизматкорига гэл тилида мурожаат этди. Бундай шароитда Алан ниҳоятда назокат билан муомала қилиши эсимга тушдию заҳарханда аралаш кулиб юборишимга озгина қолди: у айнан шу тобда — мени гумонсираётганимни билгани сабабли ҳам фақат инглиз тилида сўзлаши лозим эди.

Улар икки-уч оғиз фикр алмашишди ва мен сездимки, Нийл итоатгўй бўлишига қарамасдан, туйқус жуда ғазабланиб кетди.

Сўнгра Катриона мен томон ўгирилди.

— У, бу гаплар ёлғон, деб қасам ичяпти,— деди.

— Катриона, ўзингиз мана шу одамга ишонасизми?— дедим.

— Мен қаяқдан биламан?— деди у бармоқларини қисирлатиб.

— Аммо бир иложини қилиб билиш лозим,— дедим.— Икки кишининг ҳаётини хавф остида қолдириб, бамайлихотир тентираб юролмайман-ку, ахир! Катриона, ўзингизни менинг ўрнимга қўйиб кўринг-чи, худо ҳаққи! Қачонлардир сиз билан ана шунақа тарзда гаплашаман деб, сира-сира ўйламаган эдим; юрагим қон бўлиб кетди! Уни мана шу ерда тунги соат иккига қадар ушлаб ўтирсангиз — бас, менга бундан бошқа ҳеч нарса керак эмас. Хизматкорни кўндиришга ҳаракат қилиб кўринг-чи.

Улар яна гэл тилида сўзлаша бошлашди.

— У отамнинг топшириқ берганини айтяпти,— деди Катриона ва ранги янада оқариб, товуши титради.

— Энди ҳаммаси тушунарли,— дедим.— Ёвуз ниятли кишиларни худонинг ўзи кечирсин!

Қиз лом-мим демасдан менга тикилиб тураверди; юзи докадек эди.

— Бўпти, жуда яхши,— дедим.— Демак, мен ҳам, анави йкки киши ҳам ўлишимиз керак экан-да?

— У, нима қилай ахир!— деб хитоб қилди у.— Мен отамнинг хоҳишига қарши боролмайман-ку, боз устига, у қамоқхонада ётибди: ҳаёти қил устида турибди-ку!

— Эҳтимол, вазият биз ўйлаётгандан бошқачароқдир-а?— дедим.— Эҳтимол, у яна ёлғон гапираётгандир, балки ҳеч қандай топшириқ олмагандир; буларнинг ҳаммасини отангиз билан келишмасдан туриб, ўша аблаҳ Саймон уюштирган бўлиши ҳам мумкин-ку?

У бирдан йиғлаб юбордию юрагим ўртаниб кетди: бу қиз ҳозир оғир аҳволга тушиб қолганини билардим.

— Менга қаранг, уни фақатгина бир соат ҳеч қаёққа жилдирмасдан ўтирсангиз бўлди: мен таваккал қилиб кўраман ва сизга худодан мадад сўрайман!— дедим.

У менга қўлини узатди.

— Бир оғиз ширин сўзга зорман,— деди ҳиқиллаб.

— Шундай қилиб, роппа-роса бир соат,— дедим унинг қўлини сиқар эканман.— Азизам, ана шу вақт ичида уч кишининг тақдири ҳал бўлади!

— Бир соат!— деди у ва ҳақ таолодан уни кечиришини сўраб, баланд товушда дуо ўқий бошлади.

Ўйладимки, энди бу ерда ўралашиб туриш мумкин эмасди — шитоб йўлга тушдим.

Ун биринчи боб

СИЛВЕРМИЛЗДАГИ ЎРМОН

Мен ғанимат фурсатни бой бермасдан Стокбриж ва Силвермилз ёнидан ўтиб, водий бўйлаб югуриб кетдим. Ҳар кеча соат ўн иккидан иккига қадар келишилган паккада — «Силвермилзнинг шимолий ва тегирмон тўғонининг жанубий томонидаги тўқайда» Алан мени кутиши лозим эди. Тўқайни осонгина топиб олдим — тик нишабликдан то тез оқар дарё соҳилига қадар қалин тўқай экан; ҳар бир ҳаракатимни обдан ўйлаб, шошилмасдан борардим. Англадимки, Катриона билан зимдан келишиб қип-қизил бемаъниликка йўл қўйибман. Ахир фақат битта Нийлнинг ўзига шунақа топшириқ берилмаган бўлиши ҳам мумкин-ку! Лекин, эҳтимолки, у Жеймс Мор ишонадиган ягона одамдир?! Ундай бўл-

са, мен Катрионанинг отасини дорга осишлари учун юз фоиз замин яратибман-да, жин урсин! Бироқ шундан бошқа йўл билан ўзим қутулиб қололмасдим. Ростини айтсам, илгари бундай гаплар хаёлимга ҳам келмаганди. У Нийлни авраб-алдаб ўтиргани туфайли отаси ҳалок бўлганини билиб қолса борми, умрининг охиригача ўзини кечирмаса керак. Агар ҳозир менинг орқамдан бошқа бир айғоқчи изма-из келаётган бўлса, Аланга жуда ажойиб совға элтардим! Кейин ҳолимга маймунлар йиғламасмикан?

Турфа хил ўйлар билан ич-этимни еб борарканман, ўрмоннинг ғарбий чеккасига қадам қўйганимни ҳам сезмай қолдим. Бирдан юришдан тўхтадим. «Нега мен аҳмоқона ўйинни бошладим?» деб ўзимга савол бердим ва шартта ортимга бурилдим дуч келган томонга қараб қочишни мўлжалладим.

Кўз ўнгимда Силвермилз намоён бўлди; сўқмоқ қишлоқни ярим доира шаклида айланиб ўтарди: мен турган жойдан ҳамма нарса кафтдагидек яққол кўринарди: мени бирор кимса пойлаб келаётган бўлса-да, аммо сўқмоқда ҳеч ким йўқ эди. Мана қулай фурсат, қулай имконият. Стюарт айнан шундай шароитдан фойдаланишни маслаҳат берганди: мен тўғон бўйлаб югуриб кетдим: ўрмоннинг шарқий чеккасидан ўтдим, кейин унинг ўртасидан кесиб чиқдим-да, шип-шийдон майдонда пайдо бўлиб қолдим. Энди сўқмоқни бемалол кузатиб туришим мумкин эди, лекин ўзимни биров кўрмасди. Сўқмоқ ҳамон кимсасиз эди; мен бир оз энгил тортдим.

Дарахт панасига яшириниб олиб, бир соатдан мўлроқ ўтирдим: назаримда, қуён ҳам, лочин ҳам теварак-атрофни мендан кўра синчиклаброқ кузатиш имкониятига эга эмасди. Бир соатча аввал қуёш ботганди, осмон тилла рангида товланарди, ҳали қоронғи тушмаган эди; сўнг оқшом чўкди, нарсалар қоронғиликка қоришиб кетди ва узоқ масофани кузатиб туриш қийинлашди. Бу вақт мобайнида Силвермилздан шарқ томонга бирор кимса ҳам ўтмади, ғарбий йўналиш бўйлаб қишлоқнинг ҳалол аҳли — эр-хотинлар уйларига қайтардилар. Агар орқамдан Оврўпонинг энг айёр жосуслари пойлаб юришган бўлса-да, улар менинг қаерда эканимни барибир билишмасди, деб ўйладим. Ўрмоннинг бир оз ичкарасига кирдим эрга чўзилганимча Аланни кута бошладим.

Мен фақат сўқмоқни эмас, балки кўзим етган масофадаги далаларни, тўп-тўп дарахтларни ҳам диққат

билан кузатардим. Кейин бунга ҳеч қандай эҳтиёж қолмади: шох-шаббалар орасида бир тилим қовундай ой кўринди: атроф сокин эди. Уч-тўрт соат давомида бамайлихотир осмонга тикилиб ётганимча ўз ишларимни тарозига солиб кўришим мумкин.

Энг аввало, икки вазият асло шубҳа уйғотмасди: мен бугун Дин қишлоғига қадам босмаслигим даркор эди; агар мардлигим кўзиб, у ерга борсам, демак Алан келиши лозим бўлган ушбу ўрмонда осмонга қараб ётишга ҳаққим йўқ. Сирасини айтганда, Шотландиянинг бепоён ўрмонлари қўйнидаги мана шу жой бежиз танланмаганди: келишувга биноан йўлимиз барибир туташарди; мен буни билсам-да, ҳозир ҳайрон бўлиб ётардим. Уйладимки, бугун Катрионага қаттиқ гапирдим, тўғри, менга икки кишининг ҳаёти боғлиқ эди, аммо қизнинг отасини хавф остида қолдирдим; энг ёмони шундаки, енгилтаклигим туфайли — шу ерга келганим учун ўша икки кишининг ҳаётига зомин бўлишим ҳеч гап эмасди. Мен ўзимни гўё гала-гала душман қуршовида қуролсиз қолгандек ҳис этардим. Туйқус қаддимни кўтардим. Агар ҳозир тўппа-тўғри Престонгрэнж ҳузурига борсам-да (бирпасда етиб бораман), у ҳали ўринга кирмай туриб, итоаткорлик билан таслим бўла қолсам, нима бўлади? Шундай қилсам, ким мендан ўпкалайди? Ахир Стюарт каминани қораламас: унга, орқамдан қувлашди; қутулиб кетишимга кўзим етмагач, таслим бўлдим, десам, олам гулистон! Албатта, Катриона ҳам мени тўғри тушунади, унга айтадиган жавобим тайёр: сизни ўз отангизга хиёнат қилишингизга йўл қўя олмадим, дейман. Бирпасда барча кулфатлардан фориг бўлардим. Аслида, ҳали бошимга кулфат тушмаган эди: Эпиндаги қотиллик муносабати билан бошланган жанжалдан чиқиб олишим лозим, мамлакатимиздаги Стюартлару, Кемпбеллару, виглару эски тослар тазйиқидан қутулмоғим ва ўз билганимча яшамоғим даркор, мол-мулкимнинг ҳузурини кўришим керак, бойлигимни кўпайтириш йўлларини қидиришим зарур: ёшлигимни Катрионанинг кўнглини овлашга бахшида этсам, бу иш менга ярашади. Хўш, яна сарсон-саргардон кезишимдан, худди ўғрига ўхшаб яшириниб юришимдан нима фойда бор? Алан билан биргаликда қочиб юрган чоғларимда тортган азоб-уқубатларим ҳам етиб-ортади-ку!

Дастлаб, қуролимни қўлимдан ташлаб юборсам, шарманда бўлмайман, деб ўйладим: фақат шу пайтгача нега бу ҳақда сира бош қотириб кўрмаганимдан ҳайрат-

ландим. Сўнгра, нега бирдан ўзгариб қолдим, деб ўзимдан сўрай бошладим. Чамамда, руҳим чўкиб кетгани туфайли шундай бўлганди; бу ўйламасдан қилинган ишнинг оқибати бўлиб, у ўз навбатида ҳаммамизга юққан эски касал — иродасизликдан келиб чиққан эди. Шу тобда Инжилда айтилган ибора эсимга тушди: «Шайтон шайтонни қандай қилиб ҳайдасин?» Наҳотки иродасизлигим туфайли, ўзим истаган йўлдан юрганлигим туфайли ва жонон қизга мафтун бўлиб қолганлигим туфайли ор-номусимни йўқотиб Алан билан Жеймсни хароб этишга ҳам тайёр бўлсам? Энди яхшиликка ёмонлик билан жавоб қайтаришим керакми? Йўқ, ўзимга бино қўйганим натижасида вужудга келган хавф-хатарни жонимдан кечиб бўлса-да, бартараф этишим лозим; ўзим пиширган ошни ўзим ичмоғим даркор. Мушкул ишларга чоғланиб турардим. Аланни кутиб ўтирмасдан, зудлик билан ўрмонни тарк этиб, азоб-уқубатларни назар-писанд этмасдан пешонамга битилган тақдири азал томон якка ўзим — ёлғиз боришдан ҳайиқмасдим.

Фикр-мулоҳазаларимни батафсил баён этишдан мақсадим шуки, буларни ёшларга фойдаси тегиб қолиши мумкин. Нақл қилишларича, карам экишнинг ҳам йўл-йўриғи бор экан. Ҳатто ахлоқ ва эътиқод ҳам фаҳм-фаросат билан чамбарчас боғлиқдир. Алан келадиган вақт яқинлашарди, ой ботди. Агар мен ўрнимдан туриб, шартта жўнаб юборсаму жосуслар қоронғиликда мени сезмай қолишса (ахир, мен, азаматлар, орқамдан югуринглар-чи, деб ҳуштак чалмайман-ку!), улар янглишиб бирдан Аланга ташланиб қолишлари ҳам мумкин. Мабодо ўзим шу ерда бўлсам, жила курси, уни огоҳлантириб қўяман, шу тариқа Аланни қутқариб қоламан. Кўнгил кўчасига юриб, бошқаларнинг ҳаётини хавф остида қолдирдим; уларнинг бошига кулфат келтирдим. Бу гал гуноҳимни осонликча юволмасам керак. Ўрнимдан турдим у яна жойимга ўтирдим: ниятим бутунлай ўзгариб кетган эди: иродасизлигимдан ҳайратландим — хотиржам бўлиб қолдим. Ич-ичимдан қувонардим. Қалай!

Кўп ўтмай қовжироқ майсаларнинг чирт-чирт сингани қулоғимга чалинди. Ерга қапишганимча Алан ўргатган қўшиқ куйини узиб-узиб ҳуштакда чалдим: у ҳам худди шундай оҳангда жавоб қайтарди ва бирпасдан кейин қоронғиликда Алан иккаламиз бир-биримизга тўқнашдик.

— Дэви, наҳотки бу сен бўлсанг?— деб шивирлади у.

— Худди ўзимман,— деб жавоб бердим.

— Худойим-эй, сени шунчалар соғиндимки!— деди.— Вақт ўтиши жуда қийин бўлди. Бир неча кун пичан ғарамида ўтирдим, у ерда ҳатто ўз бармоғингни ҳам кўра олмайсан; кейин шу жойда икки соат йўлингни пойлардим: лекин қоранг кўринмасди! Худо ҳаққи, сен ҳеч шошилмаганга ўхшайсан, ахир мен эртага эрталаб йўлга чиқаман. Э-э, нималар деяпман ўзи: бугун кетаман-ку!

— Ҳа, дўстим Алан, албатта бугун йўлга чиқасан,— дедим.— Ахир соат бир бўлди, янги кун бошланди. Ўҳ-ў, ҳали сен жуда узоқ йўл юришинг лозим!

— Биз тўйганимизча гаплашиб оламиз,— деди Алан.

— Албатта,— дедим.— Мени сенга айтадиган гапларим кўп!

Унга тегишли ҳамма янгиликларни узўқ-юлуқ сўзлаб бердим: нима демоқчи эканимни тушунди. У жимгина ўтириб, ҳуда-беҳуда савол бермасдан сўзларимни эшитди, баъзан ичаги узулгудек бўлиб роса кулди; ҳатто бир-биримизни ҳам аниқ кўрмаётган қоронғиликда унинг қаҳқаҳаси ҳайратомуз тарзда қалбимга кўр бағишларди.

— Дэви, ҳартугул, сен ноёб боласан,— деди у ҳикоямни охиригача эшитиб.— Тентаксан, вассалом! Сенга ўхшаганлар билан тўқнаш келишдан худо асрасин! Бояги гапларинг хусусида шуни айтишим мумкин: Престонгрэнж ҳам қавмингдан — у ҳам виг: шунинг учун у ҳақда маъруза ўқиб ўтирмайман, лекин худо ҳаққи, агар унга ишонсанг борми, у садоқатли дўст бўлиб қолади. Бироқ Саймон Фрэзер билан Жеймс Мор менинг уруғимдан, шу сабабли кўнглимдаги гапларимни баён этмоқчиман. Жамики Фрэзерлар иблисдан тарқалганлар — буни ҳамма билади; Макгрегорлар эса... мен тетапоя бўлган пайтимдан бери уларнинг номи қулоғимга чалинса — бас, бошим айланади. Эсимда бор, ҳали тузуккина оёғим чиқмаган пайтимда биттасининг бурнини ёриб қўйган эдим: йиқитиб олиб, роса дўппослаганман. Ушанда отам (илло, у зот гўрида тинч ётсин!) жуда мамнун бўлган эди; ҳа, бекорга қувонмаганди. Шубҳасизки, Робин сибизғачига ўхшаган инсонлар кам учрайди,— деб қўшиб қўйди у.— Лекин Жеймс Морни тириклайин ер ютса ҳам парвойимга келмайди.

— Биз битта масалани ҳал қилиб олишимиз лозим,—

дедим.— Хўш, Чарлз Стюарт ҳақ эдими ёки ноҳақмиди? Улар фақат мени қўлга туширишмоқчими?

— Узинг нима деб ўйлайсан, ахир ёш бола эмассан-ку?— деб сўради.

— Ҳайронман,— дедим.

— Мен ҳам ҳайронман,— деди Алан.— Сенингча, қиз ваъдасида турармикан?

— Албатта.

— Яна ким билади дейсан,— деди Алан.— Умуман, энди бемалол айтиш мумкинки, ўша малласоч аллақачон ҳамтовоқлари ҳузурига етиб борган.

— Сенингча, улар кўпчиликми?— деб сўрадим.

— Ҳамма гап уларнинг ниятида,— деб жавоб берди Алан.— Агар фақат сени қўлга туширишни исташса, иккита-учта эпчил йигитчаларни ишга солишади: мабодо Аланни қўлга туширсак ҳам ёмон бўлмасди, деб ўйлашса борми, ўн-ўн иккита каллакесарни изимиздан жўнатишади.

Мен беихтиёр кулиб юбордим.

— Назаримда, мавриди келса ўз кўзинг билан кўрарсан-у, агар улар икки баробар кўп бўлишса ҳам олдимга тушишиб қочишади!— деб хитоб қилди Алан.

— Бундай ноёб томошани кўриш менга насиб этмайди,— дедим.— Чунки бу сафар уларни чалғитиб келдим.

— Билиб бўлмайди,— деб эътироз билдирди Алан.— Агар мана шу ўрмонда писиб ўтиришган бўлишса ҳам, мен заррача ажабланмайман. Биласан-ку, Дэвид, дўстим, ахир улар тоғликлар! Сафида Фрэзерлар ёки Макгрегорлар қавмидан ҳам кимдир бўлиши мумкин: шубҳасизки, айниқса, Макгрегорлар ақлли кишилар, тажрибали. Мол подаларни одамлар гавжум яшайдиган йўллар бўйлаб ўнлаб чақиримга кимлар ҳайдаб боришган эди, ахир! Орқаларидан бераҳм қоровуллар етиб олишини билсалар-да, лекин қўрқмай кетаверишган. Шунинг учун ғафлатда қолмаслик керак. Э-э, нимасини айтасан, бу урушдан ҳам яхшироқ сабоқ бўлади; аммо уруш кўп нарсага ўргатиши мумкин. Аслида, уруш бемаънилик албатта. Хуллас, Макгрегорлар — ниҳоятда тажрибали кишилар.

— Мен айнан мана шу жабҳада ғўрроқман,— дедим.

— Ҳамма гап шунда,— деди Алан.— Биласанми, ўқимишли кишиларнинг қайси хусусияти менга эриш туюлади: сизлар нодон бўласизлар, лекин буни ўзларинг сезмайсизлар. Мен, масалан, на грек тилини, на эски яҳудий тилини биламан, лекин билмаслигимни ўзим

жуда яхши биламан — бизнинг фарқимиз ҳам мана шунда. Сен-чи? Сен манави ўрмонда эшакка ўхшаб ағнаб ётибсан-у, аммо Фрэзерлару Макгрегорлардан қутулиб кетдим, деб мени ишонтирмоқчи бўляпсан. Нима учун? «Негаки, мен уларни кўрганим йўқ», деб жавоб беришинг мумкин. Пандавақисан-да, ахир улар яширинишни қойил қилганлари туфайли тирикчилик қилишади-ку!

— Майли, шунақа бўла қолсин. Хўш, энди нима қилишимиз лозим?— деб сўрадим.

— Мен ҳозир шу ҳақда бош қотирыпман,— деб жавоб берди Алан.— Биз ҳар томонга кетишимиз мумкин. Лекин бундай тактика менга ёқмаяпти. Назаримда, бу оқилона эмас. Биринчидан, зимистондан фойдаланиб, қуршовдан чиқиб кетамизу бир йўналишга қараб юрамиз; ажралсак турли томонга равона бўламиз: бирортамиз анави жентельменларга тўқнаш келишимиз ҳам ҳеч гап эмас. Иккинчидан, агар улар бизнинг изимизга тушишса борми, албатта муштлашув рўй беради: Дэви, ростини айтсам, сен билан елкама-елка туриб олишсам, ўзимни хотиржам ҳис этардим. Уйлайманки, ёнингда бўлсам, сен ҳам хотиржам бўлсанг керак. Шундай қилиб, менимча, тезроқ ўрмондан чиқиб олишимиз, шарқ томонга — Жиллан сари юришимиз лозим: ўша ерда мени кемага чиқариб оладилар. Утган кунлардагидек, Дэви, агар вақтимиз бўлса, сен бундан кейин нима қилишинг ҳақида келишиб олишимиз керак. Дэви, сени ёлғиз ташлаб кетишга кўзим қиймаяпти.

— Бўпти, сен айтганча бўла қолсин,— деб розилик бердим.— Янги бошпананга кириб ўтмоқчимисан?

— Худо сақласин!— деди Алан.— Уй эгалари менга яхши муносабатда бўлдилар, бироқ яна турқи-атворимни кўришса, суюнишмаса керак. Ҳозир мени биров қучоқ очиб кутиб олмайди. Боз устига, Шос соҳиби бўлмиш мистер Дэвид Бэлфур, сизни ҳам эргаштириб бораман, ахир! Энди пешонангизга муштлашингиз мумкин! Биз Корсторфайнда ажралишганимиздан бери мум тишлаб юрдим. Албатта, ўрмонда Чарли Стюарт билан икки оғиз гаплашганимни бу ҳисобга киритмаймиз.

У ўрнидан турдию биз товуш чиқармасдан ўрмон бўйлаб шарқ томон йўл олдик.

ЯНА АЛАН БИЛАН ЙУЛГА ТУШДИМ

Соат тунги иккига яқинлашиб қолган эди. Ой ҳам аллақачон ботганди. Кутилмаганда ғарб томондан кучли шамол эса бошлади: осмонда уада мисоли титилиб кетган қоп-қора булутлар пайдо бўлди. Биз зимзиё қоронғиликда йўлга тушдик: бундай зимистонликни қочоқлар фақат орзу қилиши мумкин, албатта. Оқаришиб кўриниб турган сўқмоқ бизни ором олаётган Браунтон шаҳарчасига бошлаб келди: уёқдан Пикардия орқали менга таниш бўлган жойга — иккита ўғри дорга осиб қўйилган жойга қараб юрдик. Бир оз йўл босганимиздан сўнг биз учун ниҳоятда зарур бўлган маёққа кўзимиз тушди: Лохэндадаги қандайдир уйнинг юқоридаги деразасида чироқ ёниб турарди. Уша тарафга таваккал қилиб кетавердик, оёқларимиз остида экин-тикинлар топталарди, гоҳида алламбалоларга қоқилиб кетиб, чуқурчаларга юмалаб тушардик; кейин битта қишлоқни айланиб ўтдик-да, Фигиейт Дрока деб аталадиган сирпанчик нишабликка етиб бордик. Шу ерда сариқ гулли дуккакли ўсимликлар остига ёнбошладик-да, тонгга қадар мизғиб олдик.

Соат бешда қуёш нури устимизга тушиб қиздиргач, уйғондик. Сокин тонг отган эди. Ҳамон ғарб томондан шамол эсарди, лекин булутлар Оврўпога учиб кетганди. Алан ерга чордона қурганча ўзича жилмаярди. Биз ажралишганимиздан бери мен эндигина дўстимнинг қиёфасини аниқ кўриб турардим; унга термилар эканман, кўнглим тоғдек кўтарилди. Эгнида ҳамон ўша кенг плаш бор эди; тиззагача тортиб олинадиган тўқима пайпоқни илгари киймасди. Пайпоқ, шубҳасизки, айғоқчиларни чалғитиш учун хизмат қиларди, бироқ кун иссиқ бўлиши кутилаётгани туфайли у мавсумга мос тушмасди.

— Кўрјасанми, Дэви, ажойиб тонг отди! — деди у. — Худойимга маъқул кун бўлади. Ҳартугул, пичан ғарами устида ўтиргандан кўра, шу ер минг марта афзал! Хуррак отиб ухлаб ётганимда мен умримда қилмаган иш билан машғул бўлдим.

— Қанақа иш экан? — деб сўрадим.

— Кўзларимни чирт юмдим у ибодат қилдим.

— Узингнинг иборанг билан айтганда, менинг «жентельменларим» қаёқда қолишди? — деб сўрадим.

— Ким билади дейсан,— деди у.— Қисқаси, улар кўринмай турган қулай фурсатдан фойдаланиб қолиш даркор. Дэви, тезроқ ўрнингдан тургин! Биз ҳозир мириқиб сайр этамиз. Омад ёр, олға, бизни орқангдан эргаштир-чи!

Биз соҳил бўйлаб шарққа қараб, Эск деб аталадиган дарёнинг қуйилиш жойига томон йўл олдик: ўша ерда туз юкланган кемалар юрарди. Эрталабки қуёш шуъласида Стул Артур билан кўм-кўк Пентлаенд тепаликлари ниҳоятда ғаройиб кўринарди: лекин, афтидан, тонг гўзаллиги Аланни фақат ғуссага кўмарди, холос.

— Шундай кунда Шотландияни тарк этиш учун одам беҳис эшак бўлиши лозим,— деб ғудирлади.— Сира ҳам кетгим келмаяпти: майли, мени шу ерда дорга осишларига ҳам розиман. Менга қолса, шуниси яхши эди.

— Йўқ, Алан, бу сираям яхши эмас.

— Мен Фарангистон ёмон демоқчи эмасман, аммо бегона мамлакат,— деб изоҳ берди.— У ерлар манави жойлардан ҳам гўзалроқ, лекин барибир Шотландия эмас-да! Мен Фарангистонда юрганимда у ер ёқади: шунга қарамай Шотландия чимзорларини, тезак тутунларини соғинавераман.

— Агар гап фақат тутунда бўлса, бу ҳали кулфат дегани эмас,— деб қўйдим.

— Энди пичан ғарами орасидан чиққан одамнинг кўрнамаклик қилиши гуноҳ, албатта,— деди.

— Назаримда, ўша ғарам меъдангга тегибди шекилли-а?— деб сўрадим.

— Меъдага тегиш ҳам гапми!— деди у.— Мен бекорга тушкунликка тушмайман, аммо менга тоза ҳавою бошим узра беғубор осмон керак. Камина худди кекса Қора Дуглас каби сичқонларнинг чийиллашидан кўра, тўрғайларнинг сайрашини кўпроқ яхши кўраман. Дэви, ўша ғарам ичида тонгдан шомгача худди гўрдагидай зимистон бўларди. Албатта, ундан афзал пана жойни топиш амримаҳол эди. Баъзи тунлар менга худди қиш мавсумидек узун туюларди.

— Учрашувга борадиган вақт бўлганини сен қандай қилиб билиб олардинг?— деб сўрадим.

— Соат ўн бирларда хўжайин менга озиқ-овқат билан кичкинагина шам қолдигини келтириб берарди; ёруғликда овқатлансин, дерди-да. Шундан, овқатланиб бўлганимдан сўнг ўрмонга жўнайдиган вақт бўлишини билардим. Дэви, мен чалқанча ётардим у сени жуда

соғинганимни ҳис этардим,— деди у қўлини елкамга ташлар экан.— Чарли Стюарт соатини кўтариб келгунча икки соат ўтдимикан ёки ҳали вақт бормикан, деб ўзимча фол очардим. Кейин яна ўзимнинг лаънати ғарамимга қайтиб кетардим. Йўқ, бошпана ниҳоятда расво эди, худога шукрки, у ердан омон-эсон қутулиб чиқдим.

— Ўтган вақт мобайнида сен нима қилдинг?

— Э-э, қўлимдан келган ҳамма ишни қилдим! Баъзан сичқон-мушук ўйнардим. Мен сичқон-мушук ўйнашни қотираман: лекин ўйинни биров томоша қилиб турмаса, унчалик қизиқ бўлмайди. Баъзан қўшиқ тўқирдим.

— Нималар ҳақида қўшиқ тўқир эдинг? — деб сўрадим.

— Айтайлик, буғулар ҳақида, арчагуллар ҳақида,— деди Алан.— Қадим замонларда яшаб ўтган йўлбошчилар ҳақида ва умуман, қўшиқларда нималар ҳақида куйланса, ўшалар тўғрисида қўшиқ тўқирдим. Баъзан қўлимда сибизға бору ўзмни соз чалаётгандай тасаввур этардим. Мен ажойиб қўшиқларни эслардим, назаримда, ваҳшат билан ўйнашаётгандек бўлардим; чин дилдан айтишим мумкинки, ҳатто ўзим чалаётган сибизға товушини эшитардим! Буларнинг ҳаммасидан қутулганимга ниҳоятда хурсандман!

У мени яна ўз саргузаштларим ҳақида гапириб беришга мажбур қилди; ҳикояларимни бошидан-охиригача эринмасдан тингларди: тафсилотларини сўрарди, баъзан қизғин маъқулларди, гоҳида мен «камёб довюррак инсонлар тоифасидан бўлсам-да, лекин тентаксимон эканим» учун мириқиб қийқириб қўярди.

— Демак, Саймон Фрээрдан қўрқиб кетибсан-да? — деб сўради бир сафар.

— Ростини айтсам, қўрқдим!

— Дэви, агар сенинг ўрнингда мен бўлганимда ҳам қўрқардим,— деди Алан.— Албатта, у қип-қизил аблах, лекин адолат юзасидан айтиш керакки, жанг пайтида ўзини мардонавор тутган эди.

— У қўрқоқ эмас экан-да? — деб сўрадим.

— Қўрқоқ эмиш! — деди Алан киноя билан.— Худди менинг қиличим янглиғ таптортмас-ку!

Мени дуэлга чиққанимни эшитиб, фиғони фалакка кўтарилиб кетди.

— Ақлга сиғмайди! — деб қичқирди.— Ахир мен Коринэкида шунақа усулни ўргатган эдим-ку! Уч марта қиличингни қўлингдан уриб, тушириб юборса ҳам қараб

ўтираверибсан-а, уч марта-я! Энди иснодга қолдим — ахир сени қиличбозликка мен ўргатган эдим! Қани, қиличингни қинидан суғур-чи, рўпарамга келиб тур: токи шаънимизга тушган доғни ювмагунингча биз бу ердан ҳеч қаёққа жилмаймиз!

— Алан, менимча, сени офтоб урганга ўхшайди! — дедим.— Ахир ҳозир қиличбозлик дарси билан шуғулланадиган вақт эмас-ку!

— Тўғри айтасан,— деди у муросасозлик билан.— Дэви, уч марта қиличингни учуриб юборса ҳам қараб ўтираверибсан-да! Гўё бир қоп сомонга ўхшаб қаққайиб туравергансан, сўнгра рўмолчани келтириш учун югурадиган кучукдек қиличингни қидиргани боргансан! Дэви, ўша Дункансби, назаримда, азамат йигит шекилли! Демак, беназир қиличбоз экан-да! Агар менда оз-моз фурсат бўлганда борми, ҳозироқ орқамга қайтиб бориб, у билан куч синашиб кўрардим. Маълум бўлишича, у устаси фаранг экан!

— Аҳмоқ одамсан,— дедим.— Эсингдан чиқмасинда, ахир у мен билан ярашиб олди-ку.

— Гапинг тўғри, албатта,— деди.— Лекин уч марта-я!

— Ўзинг биласан-ку, мен бир пулга қиммат қиличбозман,— дедим.

— Барибир умримда бунақа бемаъни гапни эшитганим йўқ!

— Алан, сенга чин дилдан ваъда беришим мумкин: агар биз яна тўқнашадиган бўлсак, албатта яхшироқ қиличбозлик қиламан,— дедим.— Қилич ушлашни билмайдиган дўстинг энди сени зинҳор-базинҳор шарманда қилмайди.

— Келгуси сафар! — деб хўрсинди Алан.— Хўш, келгуси сафар қачон ўзи, айтолмайсанми?

— Алан, ўзим ҳам шу ҳақда бош қотирыпман,— дедим.— Менинг ниятим — келажакда адвокат бўлиш!

— Дэви, дунёда бундан зерикарлироқ машғулот йўқ,— деб эътироз билдирди Алан.— Боз устига, турган-битгани ишқалбозликдан иборат. Йўқ, сенга қироллик мундири кўпроқ ярашади.

— Ундай бўлса, биз яна учрашамиз! — деб хитоб қилдим.— Мабодо сен қирол Людовикнинг мундирини кийсанг, мен эсам — қирол Георгнинг мундирини кийиб олсам борми, ажойиб учрашув бўларди-да!

— Назаримда, гапларинг тўғрига ўхшайди,— деди Алан.

— Яхшиси, адвокат бўламан,— деб давом этдим.— Менимча, қўлидан уч марта қиличи учириб юборилган жентельмен учун айнан мос келадиган машғулот шу. Аммо ҳамма гап шундаки, қариндошим Пилриг сабоқ олган ва умуман адвокатлар тайёрлайдиган энг яхши ўқув юрти Голландиядаги Лейден коллежидир. Алан, сен нима дейсан? Хўш, шотландлардан тузилган қирол полкининг кўнгилли аскарлари отпускаи олиб, шундоқ чегарадан Лейдендаги талабани кўриб келолмайдимиз?

— Бўлмасам-чи, албатта кўргани боради! — деб хитоб қилди.— Биласанми, менинг кўмондоним бўлмиш полковник, граф Драммонд-Мелфорт каминани жуда эркалатади, энг муҳими — қариндошларимдан бири Голландиядаги шотландлар полкида подполковник. Халкетлик подполковник Стюартни кўриб келиш учун рухсат сўрашдан осон иш йўқ. Лорд Мелфорт зиёли киши, у худди Цезарь каби китоб ёзаяпти: агарда мен ҳам унга ўз кузатишларимни гапириб берсам, шубҳасиз мамнун бўларди.

— Демак, лорд Мелфорт ёзувчи экан-да? — дедим қувончимни яшира олмасдан. Алан дунёдаги ҳамма нарсадан ҳам аскарларни юксак қўйса, мен китоб ёзадиган жентельменларни кўпроқ ҳурмат қилардим.

— Худди шундай, Дэви,— деб тасдиқлади у.— Кўпчиликнинг фикрича, полковник бундан кўра муҳимроқ ишлар билан шуғулланиши лозим экан. Лекин нима ҳам дердим, ахир ўзим ҳам қўшиқ тўқийман-ку!

— Хўп, майли,— дедим,— энди адресингни ёзиб берсанг бас, Фарангистоннинг қаерига хат ёзишимни билишим керак; Лейденга борган заҳотим адресимни жўна-таман.

— Менимча, қабиламиз йўлбошчиси номига хат ёзганинг маъқул бўлса керак,— деди у.— Фарангистон Мелон шаҳри, ардшиллик эсквайр Чарлз Стюартга, деб ёзасан. Эртами-кечми хат албатта менинг қўлимга тегади.

Биз Масселборода қовурилган балиқ билан нонушта қилдик: мен дам-бадам Аланни мазахлаб ўтирдим. Эрталабданоқ қуёш қиздириб турган кунда Аланнинг плашию жун пайпоғи беихтиёр одамларнинг эътиборини тортарди. Эҳтимол, бундай уст-бош кийиб олганининг сабабини шунчаки изоҳлаб қўйса, олам гулистон эди. Лекин Алан ўзини оқлаш учун жонини жабборга бериб, бутун бошли саҳна томошасини намоён этди. У тамадди-хона соҳибасини балиқни яхши қовургани учун роса

кўкларга кўтариб мақтади, кейин то биз ўрнимиздан кўзгалгунимизга қадар, шамоллаб, қорни оғриб қолганини батафсил гапириб берди: касалликнинг белгиларини миридан-сиригача тасвирлади ва соҳибанинг маслаҳатларини диққат билан тинглади.

Почта ташийдиган арава Масселборога келгунча биз бу ердан жўнаб қолишга ҳаракат қилдик. Негаки, Аланнинг гапларига қараганда, нохуш учрашувга чап берганимиз дуруст экан. Кучли гармсел эсарди, қуёш аёвсиз олов пуркарди, Алан эса иссиқдан жонини қўярга жой тополмасди. Престонпансда у мени Глэдсмюр майдонига олиб ўтдию бир четда туриб, бу ерда бўлган жанг тафсилотларини икир-чикирларигача ҳикоя қила бошлади. Уёқдан жадал юриб Кокенсига жўнадик. Ба-лиқ овлайдиган кемалар қуриладиган миссис Кэделлнинг корхонаси кўплаб вайрона уйлардан иборат хароба шаҳарчада жойлашган бўлса-да, лекин қаҳвахона ниҳоятда озода экан: Алан бир шиша пиво келтиришларини сўради-да, қаҳвахона хўжайини бўлмиш кекса кампирга шамоллаб қолган қорни тарихини сўзлай бошлади, лекин бу гап оғриқ белгилари мутлақо бошқача эди.

Мен индамай ўтириб унинг гапларини эшитавердим ва бирдан у аёл зотиға сира ҳам жиддий гапирмагани эсимга тушиб қолди: у доимо пичинг қиларди, мазахларди, зимдан уларнинг устидан куларди: аммо бундай машғулотни берилиб, куч-ғайратини аямасдан амалга оширарди. Соҳибамизни тасодифан кимдир ташқарига чақириб қолган пайтда унга шу ҳақда эслатиб қўйдим.

— Хўш, нима демоқчисан ўзи? — деди.— Эркаклар ҳар доим турли-туман бўлмағур гаплар билан аёлларнинг кўнглини кўтариши лозим, бечора кўзичоқларни овунтириши керак! Дэвид, сен ҳам нима қилиб бўлса-да, шуни ўрганиб олишинг шарт: ҳар хил усулларни ўргангин: бу ҳам ҳунарга ўхшайди. Албатта, ёшгина, кўҳликкина жувон бўлганда борми, қорин оғригим ҳақида лом-мим демасдим. Агарда жазманлик ёшидан ўтиб қолган кекса кампирга дуч келсанг, унинг қорнини тўйғазмагин — бефойда, фақат қандайдир касалликни даволашни топширсанг кифоя. Нима учун? Буни мен қаёқдан биламан? Худо аёлларни шунақа яратган. Уларнинг кўнглини тополмаган эркак бамисоли тўнқадир.

Шу пайт хонага кампир қайтиб кирдию у мендан юз ўгирди; гўё қизғин суҳбатни давом эттиришни сабр-сизлик билан кутарди. Кампир маълум муддат Аланнинг қорнига эътибор бермай қўйди ва Эберледида яшайди-

ган қайнағасининг касаллиги, ўлими тафсилотларини узундан-узун ҳикоя қилиб берди. Ҳикоя ниҳоятда зерикарли эди; гоҳида ҳам зерикарли, ҳам жирканч туюларди: чунки кампир тафсилотларни сўзлаётганда ҳузур қиларди. Охири мен ўйга толдим: ёнимда ўтирган одамларга парво қилмасдан, деразадан кўчани томоша қила бошладим. Агар шу тобда кимдир мени зимдан кузатиб турганида бирдан титраб кетганимни кўрган бўларди.

— Унинг оёқларига шўр пахта ҳам босдик,— деб ҳикоя қиларди кампир.— Қорнига тошни қиздириб ҳам босдик, қайнатма шўрва пишириб ичирдик, ялпизни қайнатиб ичирдик, топ-тоза олтингугуртли малҳам қўйдик...

— Сэр, ҳозир шу уйнинг ёнгинасидан битта дўстим ўтиб кетди,— деб суҳбатга аралашдим.

— Наҳотки? — деди Алан беписандлик билан, гўё арзимас нарса ҳақида гап кетаётгандек.— Хўп, кейин нима қилдиларинг, холажон? — деб мурожаат этди у эзма кампирга: кампир эса яна ўз ҳикоясини давом эттирди.

Тез орада Алан ярим танга узатдию кампир қайтимини олиб келиш учун нариги хонага чиқди.

— Уша малласоч келдими? — деб сўради Алан.

— Тўғри топдинг,— деб жавоб бердим.

— Ўрмонда мен нима деган эдим! — деб хитоб қилди.— Лекин бемаврид пайдо бўлиши жуда ғалати. У ёлғизмиди?

— Менимча, ёлғиз эди.

— У уй ёнидан ўтиб кетдими?

— Ҳа,— дедим.— Ўннга ҳам, сўлга ҳам қарамади.

— Бу ҳол янада ғалати,— деди Алан.— Менимча, Дэви, биз жуфтакни ростлаб қолишимиз даркор. Лекин қаёққа кетамиз? Жин урсин! Худди ўтган кунларга ўхшайди-я! — деди у товушини баландлатиб.

— Йўқ, унчалик ўхшамайди,— деб эътироз билдирдим.— Ҳозир бизнинг чўнтагимизда пулимиз бор.

— Мистер Бэлфур, яна битта тафовут шундан иборатки, энди ортимиздан исковуч итлар қувлашяпти,— деди Алан.— Улар изимизга тушишди: бир-бирларига маташтирилган итлар орқамиздан югуряпти.— У ўтирган жойида қаддини ростлаганида қиёфасида менга таниш бўлган зийраклик нишонаси намоён бўлди. Бирпасдан сўнг хонага қаҳвахона соҳибаси кириб келди ва Алан унга мурожаат этди: — Менга қаранг, бувижон, карвонсаройга чиқиладиган бошқа эшик борми?

Бор, деб жавоб берди кампир ва ўша йўлдан қаерга бориш мумкин эканини тушунтирди.

— Сэр, менимча, шу йўл бизнинг манзилимизга хийла яқинроқ экан,— деди у менга.— Хайр, меҳрибоним — бувижоним, сиз айтган шўрпахтани асло унутмайман.

Биз карам эгатларини оралаб ўтиб, далалар ўртасидаги сўқмоққа чиқиб олдик. Алан теварак-атрофга синчиклаб разм солди ва биз унча чуқур бўлмаган жарликда тўхтадик; қишлоқ томондан ҳеч ким кўрмаслигига ишонч ҳосил қилгач, у ерга ўтирди.

— Дэви, энди ҳарбий кенгаш ўтказмасак бўлмайди,— деди. Авваламбор, сенга арзимас сабоқ бериб қўймоқчиман. Агар мен ҳам ўзимни худди сен каби тутганимда қаҳвахона соҳибаси биз тўғримизда нималарни эслаб қоларди? Фақатгина томорқадан кетганимизни эслаб қоларди, холос. Энди-чи? Келишган, қувноқ, меҳрибон, маҳмадона битта йигит ташриф буюрди: уни қорни оғриётган экан, дейди. Кўрдингми, шўрлик бизни орқа эшик томон эргаштириб бораётган чоғда ўзини ниҳоятда ноқулай ҳис этди. Мана, Дэви, азизим, ўйлашни ўрганиш керак!

— Бўпти, ҳаракат қиламан, Алан,— дедим.

— Энди малла ҳақида,— деди Алан.— У жадал кетаётган эдими ёки имиллабми?

— Унақа ҳам, бунақа ҳам эмас,— деб жавоб бердим.

— Сезмадингми, шошилмас эдими?

— Йўқ, мен негадир буни сезмадим,— дедим.

— Ҳм-м!.. Ажаб ҳол. Эрталаб Дрокада биз уларни кўрмадик: у ёнгинамиздан ўтиб кетди, гўё бизни қидириб юрмагандек, лекин у барибир шу ерда — йўлимизга кўндаланг бўлиб турибди!.. Жин урсин, Дэви, назаримда, гап нимада эканини англадим шекилли. Менимча, улар сени эмас, мени қидиришяпти: улар қаерга бориш лозим эканини жуда яхши билишади.

— Билишади? — деб қайта сўрадим.

— Ўйлашимча, энди Скаугел мени сотган шекилли: ўша ёки баъзи нарсаларни биладиган унинг таниши сотган, ёхуд Чарли Стюартнинг хизматкори бўлмиш бўз йигитча сотган — агар шундай бўлса, ниҳоятда ачинарли ҳол рўй берибди,— деди Алан.— Ушбу сўзларим ёдингда бўлсин: Жиллан саёзлигида бир неча кишининг боши кетиши аниқ.

— Алан! — деб хитоб қилдим.— У ерда одамлар кўп,

кучлар тенг бўлмайди. Ерда юмалаб ётган бир нечта бошлар ишимизни фақат чигаллаштиради, холос.

— Барибир оз-моз қониқиш ҳосил қиламиз-ку,— деди Алан.— Шошма, шошма-чи... ҳа, эсимга тушди — ғарбдан эсаётган шамолга шон-шарафлар бўлсин! Мен бемалол юзиб кетишим мумкин! Дэви, қандай қилиб, дейсанми? Уша Скаугел билан қоронғи тушгандан сўнг учрашишга келишганман. «Лекин агарда ғарбдан шамол эса бошласа, эртароқ келаман-да, лангар ташлаб, сизни Фидр оролининг нариги томонида кутиб тураман», деган эди. Шундай қилиб, агар жентельменларинг учрашув жойимизни билишса, демак учрашув вақтини ҳам шубҳасиз билишади. Дэви, нима демоқчи бўлаётганимни тушундингми? Жонни Коуп ва қизил мундирли каллаварамлар шарофати билан мен бу жойларни беш қўлимдай билиб олганман; агар сен Алан Брек билан яна қочишни истасанг, биз ҳозир соҳилдан тескари томон буриламизу Дирлтон ёнида яна қирғоққа яқинлашамиз. Агар ўша ерда кема турган бўлса, унга чиқиб олишга уриниб кўрамиз. Агар кема ҳали келмаган бўлса, мен яна-тагин жонимга теккан пичан ғарамига қайтиб боришга мажбурман. Уйлайманки, нима бўлганда ҳам биз анави жентельменларни маймундек ўйнатамиз.

— Назаримда, ҳали умид бор,— дедим.— Майли, сен айтганча бўла қолсин, Алан!

Ун учинчи боб

ЖИЛЛАН САЕЗЛИГИ

Алан чин дилдан ҳаракат қилган бўлса-да, мен барибир бу жойларни беш қўлимдай билиб ололмадим, лекин унинг ўзи генерал Коуп кўмондонлиги остида жанг қилган чоғида маҳаллий ўлкани жуда яхши ўрганган эди. Мен эса ҳатто қайси йўл билан келганимизни ҳам сезмай қолдим. Ўзимни оқлаш учун ниҳоятда шошилиб юрганимизни баҳона қилишим мумкин. Йўлнинг бир қисмини югуриб, яна бир қисмини йўртиб, қолганини эса жадал одимлаб босиб ўтдик. Жон-жаҳдимиз билан чопиб кетаётган пайтимизда икки марта деҳқонларга тўқнаш келиб қолдик: биринчи сафар бурилишда туйқус нотаниш деҳқонга дуч келдик, аммо Алан худди ўқланган тўппонча мисоли ҳар қандай тасодифга тайёр турарди.

— Сиз мабодо отимни кўрмадингизми? — деб сўради у хансираганча.

— Йўқ, худо ярлақагур, мен ҳеч қандай от-потни кўрмадим, — деб жавоб берди деҳқон.

Алан вақтини аямай, шеригим билан навбатма-навбат отга миниб келаётган эдик, лекин отимиз қаёққадир қочиб кетибди, ишқилиб уйимизга — Линтонга қайтиб кетмаган бўлса кошқийди, деди. Аммо унга бу ҳам камлик қилди шекилли, нафасини аранг ростлаб олгач, ўзининг омадсизлигидан нолий бошлади ва агар сал ҳушёр бўлганингда шу кўргулик бошимизга тушмасди, деб мени лапашангликда айблади.

— Агар рост гапиришнинг сира ҳам иложи бўлмаса қойиллатиб, худди ростга ўхшатиб ёлғон гапириш керак, — деб давом этди йўлга тушганимиздан сўнг. — Дэви, агар одамлар сенинг бегона жойда нима қилиб юрганингни билишмаса борми, қизиқувчанликдан ўлар ҳолатга етишади: бордию мақсадингни биламиз деб ўйлашса, қайрилиб ҳам қарашмайди. Яъни бултурги қор мени қанчалик қизиқтирса, улар ҳам сен билан худди шунчалик қизиқишади, холос.

Дастлаб, денгиздан узоқлашиб, шимол томонга қараб юрганимиз туфайли чап қанотимиздаги — Эберледидаги кўҳна ибодатхонаю ўнг қанотимиздаги Бервик Ло тоғининг чўққилари бизга гўё ишорат қозиғи вазифасини ўтарди. Шундай қилиб, Дирлтон яқинида яна денгиз соҳилига чиқиб олдик. Шимолий қирғоқнинг ғарбий қисмида то Жиллан бурунигача тўртта оролча — Крэйглит, Лэм, Фидра, Айбро сочилиб ётар ҳамда шакл-шамойили жиҳатидан бир-биридан жуда ҳам фарқ қиларди. Фидра — туркум орасида энг ўзига хос оролча бўлиб, ундаги иккита тепалик ажабтовур кулранг тусда эди. Бундан ташқари, оролда қандайдир вайроналарни илғаш мумкин эди. Унга яқинроқ борган пайтимизда ўша вайроналарнинг биттасининг эшигиданми, деразасиданми қандайдир одамнинг ялтираб турган кўзи кўрингани ҳали-ҳамон эсимда. Орол билан соҳил ўртасида ғарбий шамоллардан муҳофаза этиб турадиган қулайгина бандаргоҳ мавжуд экан: биз олисдан лангар ташлаганча чайқалиб турган «Репейник» кемасини кўрдик.

Оролчаларнинг рўпарасидан яйдоқ соҳил бошланарди. Бу ерларда одамлар яшайдиган бошпана учрамас, фақат тиниб-тинчимас бола-бақралар ўйнаб юришарди, холос. Буруннинг нариги томонида мўъжазгина Жиллан қишлоғи жойлашган бўлиб, Дирлтон аҳолиси денгиздан

йирокда, далаларда меҳнат қилар, Шимолий Бервик балиқчилари эса ўзларининг бандаргоҳларидан овга чиқишар, қисқаси, бутун денгиз бўйлаб мана шу ерга ўхшаш кимсасиз соҳилни учратиш амримаҳол эди. Лекин эсимда бор, биз юрагимизнинг дукурлашини эшитиб, тева-ракни саноқсиз баланд-пастликлар ўзра эмаклаб борар-канмиз, қуёш чарақлаб нур сочиб турар, денгиз ойна ка-би ялтирар, майсалар майин-майин чайқалар, қуёнлар чопқиллаб инларига кириб кетар, балиқчи қушлар гурр этиб осмонга кўтарилар, бир сўз билан айтганда бу жойларда гўё ҳаёт қайнар эди. Шубҳасизки, кемага яширинча чиқиб олиш учун жуда яхши жой танланганди. Фақат сир очилиб қолмаган бўлса кошкийди, лекин ҳо-зир қирғоқ зимдан қузатиларди, албатта, бизни кимдир сотганди; шундай бўлса-да, денгиз қадар ястаниб ётган қумтепалар ёнига эмаклаб боришга эришдик.

Алан бирдан жойида тўхтади.

— Дэви, бу ердан ўтолмаймиз,— деди у.— Биз ерга қапишиб ётган пайтимизда хавф-хатардан холимиз, ле-кин кема ҳам, Фарангистон ҳам бизга яқин келмайди-да. Агар ўрнимиздан туриб кемани имо-ишоралар билан чақира бошласак, бундай хатти-ҳаракатларнинг охири нима билан тугагини биров билмайди. Хўш, сенингча, ҳозир анави жентельменлар қаерда экан-а?

— Балки ҳали келишмагандир,— дедим.— Агар шу ерда бўлишса ҳам, барибир устунлигимиз бор. Улар бизни қўлга тушириш мақсадида кутиб ётишибди, тўғрими? Бироқ улар душман шарқдан келади, деб ўйлашяпти, биз эса ғарб томондан келдик.

— Тўғри,— деди Алан.— Агар кўпчилик бўлганимиз-да борми, ўртада жанг бошланиб кетарди-да, кейин уларнинг ҳолига маймунлар йиғларди. Дэви, лекин биз икки кишимиз, холос. Аҳволимиз Алан Брекни унчалик шод этаётгани йўқ. Нима қилишга ҳам ҳайронман.

— Алан, вақт ўтяпти,— деб эслатиб қўйдим.

— Биламан, лекин фарангилар таъбири билан айт-ганда, шундан бошқа ҳеч нарсани билмайман,— деб жа-воб берди Алан.— Фақат ошиқ чикка ёки пукка тушга-нини билолмай, гарангсиб ўтираверасан. Эҳ, анави жен-тельменлар қаерда эканини билсайдим!

— Алан, бунақа қилиқ сенга ярашмас экан,— де-дим.— Ҳаммасини ҳозироқ ҳал этиш керак, кейин кеч бўлади.

— «На менга, на сенга, деди у...»— деб Алан хиргойи қила бошлади ва афтини шундай буруштирдик, на

хижолат чекаётганини, на шўхлик қилаётганини билиб бўларди.

На менга, на сенга, деди у, на менга, на сенга!
Азизим Жонни, худо ҳаққи, на менгаю на сенга!

У бирдан ўрнидан турди-да, ўнг кўлидаги рўмолчасини баланд кўтариб ҳилпиратганча қирғоққа туша бошлади. Мен ҳам ўрнимдан турдим у шарқ томондаги қумтепаларни зимдан кузатганимча унга эргашдим. Дастлаб, Аланнинг пайдо бўлиб қолганини ҳеч ким сезмади; Скаугал уни бунчалик эрта келади, деб ўйламаган эди, «менинг жентельменларим» эса бизнинг йўлимизни бошқа томонда пойлаб ўтиришарди. Сўнг «Рапейник» палубасида ҳаракат бошланди; афтидан, у ерда ҳамма нарса олдиндан тайёрлаб қўйилган эди шекилли, дарҳол кўйруқ томондаги қайиқлар сувга туширилдию соҳил сари шитоб юзиб кела бошлашди. Худди шу тобда Жиллан буруни томондаги қумтепада, биздан ярим чақиримларча нарида кимдир ўрнидан турди-да, бир-икки бор қўлларини силкитдию дарҳол ғойиб бўлди, лекин ўша томонда бирмунча муддат балиқчи қушлар бесарамжон учиб юришди.

Кема билан қайиқлардан кўзини ўзмай кетаётган Алан атрофида рўй бераётган ҳодисаларни пайқамасди.

— Э-э, нима бўлса бўлар! — деди у, кўрганларимни гапириб берганимдан сўнг. — Эҳ, анави қайиқлардаги эшкакчилар жадалроқ ҳаракат қилишса бўлмасмикан, акс ҳолда ҳозир бошимга болта келиб тушади-я!

Соҳил бўйлаб саёзлик чўзилиб ётганидан тўлқин орқага қайтган чоқда текислик узра одимлаш жуда қулай эди; худди шу ерда денгизга ирмоқ қўйилар, қумтепалар эса ирмоқ узра худди кўрғон деворлари мисоли кўр тўкиб турарди. Албатта, қумтепаларнинг нариги томонида нималар бўлаётганини билмасдик, устига устак шошилганимиз билан қайиқларнинг тезлиги ошиб қолмасди: бизга гўё вақт тўхтаб қолгандек туюлар, кутиш дамлари бениҳоя азобли эди.

— Анави жентельменлар қанақа буйруқ олишганини билиб қўйсам ёмон бўлмасди. Икковимизнинг нархимиз — тўрт юз фунт! Дэви, агар улар бизга қаратиб ўқ уза бошласалар нима бўлади? Ахир ўша қумтепага ётиб олиб, милтиқ отиш жуда қулай-да.

— Бунақа бўлиши мумкин эмас, — дедим. — Авваламбор, уларда ҳеч қандай милтиқ йўқ. Улар ҳамма ишни зимдан ҳал қилишмоқчи: балки тўппончалари бордир, аммо зинҳор-базинҳор милтиқлари йўқ.

— Илойим, гапларинг рост бўлсин-да,— деди Алан.—
Барибир, анави қайиқ тезроқ келганда эди, эҳ!

У бармоқларини қарс-қарс этказиб, сўнг худди итни чақираётгандек ҳуштак чалди.

Қайиқчилар йўлнинг учдан икки қисмини босиб ўтишган бўлиб, биз ҳам сув бўйига яқин бориб қолган, менинг бошмоғим эса аллақачон нам қумга тўлган эди. Энди яқинлашаётган қайиқларни сабр-тоқат билан кутмоқ ва балиқчи қушлар чарх ураётган тизим-тизим қумтепаларга (шубҳасизки, уларнинг ортида душманларимиз бизни пойлаб ётишарди) камроқ қарашимиз лозим эди.

— Бундай ажойиб ғир-ғир шабада эсаётган, серқуёш жойда пешонангдан ўқ есанг, кишига жуда алам қилади! — деди Алан.— Мен сенинг матонатингга қойилман, оғайни!

— Алан! — деб хитоб қилдим.— Сал ўйлаб гапиргин, ахир! Сен дунедаги энг довурак инсон, матонат тимсолисан: мен буни ҳар қандай одамга исботлаб беришим мумкин!

— Исботлаш барибир қўлингдан келмасди,— деди у.— Мен фақат сенга нисбатан тажрибалироқ бўлиб, узоқни кўра оламан, холос. Агар теран, қатъий, собит матонат ҳақида гап кетса, сенга супурги бўлишга ҳам ярамайман. Мана, боядан бери қандай қилиб тезроқ жуфтасанг ростласан экан, деб ўйлаётман: сен эса бир иложини топиб, шу ерда қолишни мўлжаллаётсан. Сен, агар у хоҳласа шу ерда қоларди, деб ўйлайсан. Аммо мен, ҳеч қачон қололмайман. Биринчидан, бунга журъат этолмасдим — матонатим етмасди; иккинчидан, мен жуда зийрак одамман — ўзимнинг қора курсида ўтирганимни олдиндан кўрган бўлардим.

— Сен ҳали шунга ишора қилаётган экансан-да! — дедим.— Алан, азизим, сен қари кампирларнинг бошини айлантиришинг мумкин, лекин мени асло лақиллата олмайсан!

Ўрмонда бошимдан кечирган васвасалар оқибатида мен темир каби мустаҳкам қарорга келган эдим.

— Мен учрашув тайинлаб қўйганман,— деб давом этдим.— Биз сенинг қариндошинг Чарли билан учрашишга келишиб олганмиз, унга ваъда берганман.

— Сен у билан туянинг думи ерга текканда учрашсан! Чунки шу ердан тўппа-тўғри анави қумтепалар орқасида пойлаб ётишган жентельменлар билан уч-

рашгани жўнайсан. Хўш, нима учунлигини биласанми?— деди у дағдаға оҳангида. Кейин негадир: — Сени худди леди Гренж каби ўғирлаб кетишларини истайсанми? Ёки оч биқинингдан дарча очишиб, қумтепаларга кўмиб кетишларини хоҳлайсанми? Эҳтимол, ўзингни Жеймс билан биргаликда суд қилишларини истарсан-а? Э-э, ахир уларга ишониб бўладими? Наҳотки Саймон Фрээрга ўхшаган вигларнинг кундасига бошингни тутиб бермоқчи бўлсанг? — деди у алам билан.

— Алан! — дедим ўзимни тутолмай.— Гапларинг тўғри: уларнинг ҳаммаси аблаҳ, муттаҳам! Шунинг учун ҳам мана шу ўғриваччалар маконида ҳеч бўлмаса битта ҳалол одам қолиши шарт! Мен ваъда бериб қўйганман, сўзимда туришим лозим. Боз устига, аллақачон аммангга мени ҳеч қандай хавф-хатар тўхтата олмайди, деб катта кетиб қўйганман. Малла Колин ўлдирилган ўша тун эсингдами? Ҳақиқатан ҳам, мени ҳеч нарса тўхтата олмайди, шу ерда қоламан. Престонгрэнж ҳаётимни сақлашга ваъда берган. Бордию у хоин чиқса, ҳалок бўламан.

— Бўпти, бўпти! — деди Алан.

Бўлиб ўтган шу суҳбат давомида бизни пойлаб ётган қимсаларнинг қораси ҳам кўринмади, товушлари ҳам эшитилмади. Кейинчалик билсам, туйқусдан келганимиз туфайли улар довдираб қолишган бўлиб, тўда бошлиғи ҳали келишга улгурмаган; аввалроқ пистирмага жўнатилган азаматлар эса Жиллан атрофидаги тепаликларга тарқалиб жўнатилган экан. Уларни бир жойга тўплаш осон эмасди, лекин аксига олиб қайиқлар тобора соҳилга яқинлашарди. Боз устига, улар бор-йўғи тоғликларнинг мол-қўйларини ўғирлар, тирикчилик қилиб юришган кўрқоқ ўғрилар бўлиб, аслида ҳар хил қабиланинг вакиллари йиғилган, битта ҳам эркак кўмондони йўқ тўда эди. Назаримда, улар кузатишганлари сари тобора юраклари пўкилларди; кўринишимиз кўнгилларига ғулғула соларди.

Аланга ким хиёнат қилганини билмайман, лекин ҳарҳолда дарға эмаслиги аниқ эди: у қайиқда ўтирганча тинмасдан эшкакчиларни шошириб ўз бурчини чин дилдан адо этаётгани яққол кўриниб турарди. Қайиқ шитоб билан қирғоққа яқинлашар, озодликнинг жамоли деярли кўриниб қолган, Аланнинг юзи ҳис-ҳаяжондан, қувончдан қизариб кетган эди. Аммо шу пайт қумтепалар ортида ётган «дўстларимиз» Эндени кўрқитиш умидидами ёки ўлжа қўлларидан чиқиб кетаётганидан

алам қилганлари учунми, қулоқларни қоматга келтиришиб, шовқин-сурон кўтаришди.

Хувиллаб ётгандек туюладиган қумлоқ биёбонда туйқус эшитила бошлаган шовқин ростдан ҳам даҳшатли туюларди; қайиқдаги эшкакчилар эшкак эшишдан тўхтаб қолишди.

— Нима гап? — деб қичқирди дарға. Бу вақтда қайиқ соҳилга шу қадар яқин келиб қолганидан энди биз ўзаро бемалол гаплашишимиз мумкин эди.

— Менинг дўстларим, — деб жавоб берди Алан сувга тушиб, қайиққа қараб юраркан. — Дэви! — деди у сал ўтмай юришдан тўхтаб. — Дэви, мен сени бу ерда ёлғиз ташлаб кетолмайман. Юрмайсанми?

— Мен кетмайман, — дедим.

У тиззасигача сувга ботган кўйи бирпас нима қиларини билмасдан, жойида туриб қолди.

— Хўп, қисматдан барибир қочиб қутулиб бўлмайди, — деди у кейин ва йўлида давом этди. Кўкрагигача сувга кирган пайтда қайиқдагилар уни кўтаришиб ёнларига чиқариб олишди-да, зудлик билан кема томонга қайрилишди.

Мен бўлсам ҳамон жойимда қўлларимни орқамга қилиб турардим: қирғоқ томонга бурилиб олган Алан мендан кўз узмас, қайиқ эса чайқалиб-чайқалиб тобора узоқлашиб борарди. Бирдан кўзларимга ёш қўйилиб келаётганини сезиб қолдим: назаримда, бутун Шотландияда мендан-да ёлғизроқ, мендан-да бахтсизроқ кимса йўқ эди. Денгиздан юз ўғирдиму қумтепаларга назар ташладим. Атроф сокин, кимсасиз бўлиб, қуёш намчилу, қуруқ қумларга бирдай нур сочар, тепаликлар орасида шамол увиллар, балиқчи қушлар зорланиб-зорланиб қичқирарди. Денгиздан сал узоқлашдим: кўлмакларда сув бургалари эпчиллик билан осмонга сапчиб-сапчиб қўйишарди — бу касофат соҳилда шу жониворлардан бошқа тирик махлуқ йўқ эди. Лекин, кимлардир мени зимдан синчиклаб кузатаётганини ич-ичимдан сезиб турардим. Албатта, ўша кимлардир аскарлар эмасди, аскарлар аллақачоноқ югуриб келишиб бизни ушлаб олишган бўлишарди: афтидан, улар қандайдир ёлланма кимсалар шекилли; ҳойнаҳой энди мени бирёқли қилишади: эҳтимол, ўғирлаб кетишади: эҳтимол шу ернинг ўзидаёқ ўлдириб қўя қолишади. Ўзларини тутишларига қараганда, улар дастлабки йўлни танлашган бўлишса ажабмасди, лекин мен бундай ёлланган аблаҳларнинг саъй-ҳаракатларинию жонларини жаббор-

га бериб буйруқни бажаришга интилишларини билганим учун иккинчи тахминимни маълум кўрсалар-да, ҳайрон бўлмаслигим лозим эди. Аъзойи баданимдан совуқ тер чиқиб кетди.

Ғазабим қўзиб, бирдан қиличимни суғуриб олгим келди: мен қоида бўйича жентельменлар билан қиличбозлик қилишни билмасам-да, лекин олишув пайтида рақибимни тасодифан ярадор этсам ажаб эмас-ку! Бироқ, шу заҳотиёқ қаршилиқ кўрсатиш бемаънилиқ эканини англадим. Престонгрэнж билан Фрэзер айнан ана шундай «восита» борасида келишган бўлишлари ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Ишончим комилки, прокурор менинг ҳаётимни сақлаб қолишни ёқлаб чиққан, Фрэзер эса Нийл ва унинг ҳамтовоқларига, бундай қилиш шарт эмас, деб им қоқиб қўйган бўлиши турган гап, албатта. Шунинг учун ҳам бордию қиличимни суғурсам, ашаддий душманамга қулай имконият яратган бўлардим, холос. Яъни, ўлим жазосига маҳкум этилганим ҳақидаги қарорга ўзим имзо чеккан ҳисобланардим.

Ана шундай ўй-хаёллар билан мен деярли қумтепалар пойига бориб қолдим. Денгиз томонга қарадим: қайиқ кемага яқинлашган эди, Алан рўмолчасини силкитиб, мен билан хайрлашарди, унга жавобан бир қўлимни кўтардим. Тез орада Алан мендан ниҳоятда йироқлашиб гўё денгиз қаърига сингиб кетди ва элас-элас кўзга ташланадиган қора нуқтага айланиб қолди. Шляпамни бостириброқ кийдим у тишларимни ғичирлатганимча машъум тепалиқ томон дадил одимладим. Тик тепалиқка кўтарилиш мушкул эди: оёқ остидаги қум шув-шув этиб сочилиб кетаверарди — худди сувда юргандай бўлардим. Ниҳоят, мен қандайдир ўсимликнинг ерда ётган поясидан ушлаб олиб, юқорига ўрлайвердим. Охири шибаланган майдончага чиқдим. Шу заҳоти ўнгу сўл томонимдаги ўт-ўланлар қисир-қисир этдию ханжар тутган олти ёки еттита қароқчинусха жулдурвоқилар қад-қоматларини тиклашди. Ростини айтсам, ўтакам ёрилиб кетишига сал қолди ва беихтиёр калима қайтардим. Кўзларимни очган маҳалда аблаҳлар ломим дейишмасдан, аста-секин мен томон яқинлашмоқда эдилар. Улар мендан нигоҳларини узишмасди: кўзлари чақнаб, хавотирланишган кўйи яқинлашишарди. Юрагим дукурлай бошлади. Мен қуролсиз эканимни кўрсатиш учун қўлларимни юқорига кўтардим. Шундан сўнг улардан биттаси тоғликларга хос талаффузда, таслим бўляпсанми, деб сўради.

— Ўз ихтиёримга зид ўлароқ таслим бўляпман,— дедим.— Агар сен бунинг маъносини тушунганингда кошкийди! Афсуски, тушунмайсан-да!

Мен сўзларимни тугатар-тугатмас улар бирдан устимга ёпирилишди — бамисоли ўлимтикка ёпирилган қарғага ўхшардилар: дарҳол қиличимни, чўнтагимдаги бор пулимни тортиб олишди ва пишиқ арқон билан оёқ-қўлимни боғлашдию майсалар устига ётқизиб қўйишди. Кейин ярим доира қуриб ўтиришди-да, худди йиртқич ҳайвонга — ҳар дақиқада ҳамла қилиб қолиши мумкин бўлган арслонгами, йўлбарсгами тикилишаётгандек, миқ этишмасдан, хавотир аралаш ўз тутқунларидан нигоҳларини узмай тураверишди. Афтидан, бирпасдан сўнг улар бекорга хавфсираётганларига амин бўлишди. Бир жойга ғуж бўлишдию гэл тилида сўзлаша бошладилар ва уят-пуютни ҳам йиғиштириб қўйишиб, кўз олдимда мендан тортиб олинган ўлжаларни ўзаро тақсимладилар. Бахтимга, нохуш манзарадан тескари томонга юзимни буриб олишим мумкин бўлиб, ётган жойимдан Алан қочиб кетаётган сарҳадларни кўздан кечириш қулайгина эди. Мен қайиқнинг кемага яқин борганини, уни тепага тортиб чиқаришганини, кейин елканлар шамолда ғумбарак бўлганини ва кема оролчаю Шимолий Бервик ёнидан ўтиб, очик денгиз сари йўл олганини аниқ-таниқ кузатиб турдим.

Икки соат ичида жулдурвоқи уст-бошли бошқа тоғликлар ҳам етиб келишди. Хуллас, йигирма кишидан иборат тўда пайдо бўлди. Малла Нийл биринчилар қаторида ҳозир бўлган эди, албатта. Ҳар бир янги жулдурвоқи келган чоқда қизғин баҳс-мунозаралар бошланарди; кимдир шикоят қиларди, кимдир ўзини оқларди. Аммо, сезишимча, кечиккан ялоқхўрлар ўлжадан зиғирдек ҳам улуш ололмадилар. Охир оқибатда улар ўртасида шунақанги оташин, ғазабнок тортишув авж олиб кетдики, мен, мана, ҳозир улар жиққамушт бўладилар, деб ўйладим. Шундан сўнг тўда дарҳол икки гуруҳга бўлинди: кўпчилик галалашиб ғарб томон йўл олишди, фақат уч киши — Нийл ва яна иккитаси ўз асирларини қўриқлашга қолдилар, холос.

— Нийл Дункан ўғли, сенинг бугунги ишларингдан жуда-жуда норози бўладиган зотнинг номини айтайми? — дедим бошқалар жўнаб кетишгач.

Бунга жавобан у, сизга яхши муомала қилишади, акс ҳолда, унинг «леди олдида жавоб беришига

тўғри келади», деб каминани ишонтира бошлади.

Шу билан бизнинг суҳбатимиз тугади; соҳилда бирорта ҳам тирик жон пайдо бўлмади. Қуёш Шотландия тоғлари орқасига ботиб кетгач, аста-секин қоронғи туша бошлади ва худди шу пайтда офтобда юзи қорайиб кетган, қотмагина, давангирдай одам жайдари қирчанғисига миниб, қумтепалар оша биз томон келаверди.

— Эй, биродарлар, сизларда мана шунақа нарса борми? — деб қичқирди у қўлидаги қоғозни силкитиб.

Нийл унга бошқа қоғозни узатди; у банди суякдан ясалган кўзойнагини тақди-да, қоғозга кўз югуртирди ва ҳаммаси тўғри, сизлар айнан камина излаётган одамлар экансизлар, дедию шошилиб отдан тушди. Мени унинг ўрнига ўтказишди, оёқларимни отнинг қорнига маташтириб боғлаб қўйишди, сўнгра шу ерлик кишининг орқасидан йўлга тушдик. Афтидан, у йўлни жуда яхши биларди: чунки бизга бир жуфт ошиқ-маъшуқлардан бошқа ҳеч ким учрамади; анави бечора севишганлар эса бизни давлат чегарасидан яширинча ўтиб олган ўғрилар, деб ўйлашди шекилли, зудлик билан жуфтакни ростлаб қолишди. Биз Бервик Лони жанубий томондан айланиб ўтдик; тепаликлардан ошиб ўтганимиздан сўнг нариги тарафда қандайдир қишлоқнинг чироқларию дарахтзор ўртасида қад кўтарган ибодатхонанинг қўнғироқхонаси кўринди. Чамамда, агар мен одамларни ёрдамга чақирган тақдиримда ҳам, товушим барибир уёққа етиб бормасди. Ниҳоят, яна денгизнинг шовуллаши қулоққа чалина бошлади. Кўройдин эди: учта пурвиқор минора, кўҳна Зебо Дуглас қалъасининг, Тантелло деворларининг тўкилиб қолган кунгуралари элас-элас кўзга ташланди. Отни хандақ ёнидаги қоziққа боғладилар-да, сувлиғини оғзидан чиқариб, ўтлаб туриш учун қолдирдилар ва мени қўрғон ҳовлисига олиб киришдилар-да, сўнг ярим вайрона қалъа арки томон бошладилар. Тун совуқ эди. Кузатувчиларим дарҳол тош тўшалган ерга гуруллатиб гулхан ёқиб юборишди, қўлларимдаги арқонни ечишиб девор ёнига ўтқазишди; шу ерлик киши улар учун келтирган озиқ-овқатларни чиқариб қўйди: менга бир бўлак зоғора нон билан бир кружка фаранги майи беришди. Кейин яна учта тоғликлар даврасида қолдим. Улар гулханга яқин ўтиришганча ичкилик ичишиб ўзаро суҳбатлаша бошладилар. Девор ёриқларидан увиллаб шамол кирар, ҳар

томонга учқун сачратар, даврадошларнинг юзларига тутун уриларди. Минораларнинг тепаларида худди гўдак йиғлаётгандек туюларди — шамол нохуш чийилларди. Мен пастликда, қоялар пойида денгизнинг гувранишини эшитиб турардим; энди ҳаётимдан хавотирланмасдим: боз устига кун давомида бошимдан ўтган воқеалар ҳам руҳан, ҳам жисмонан ҳолдан тойдирган эди: ёнбошладиму мудрай бошладим.

Мени уйғотишганда соат неча эканини аниқ билмайман, лекин ой ботган, гулхан ҳам ўчиб қолган эди. Оёқларимни бўшатишдию харобалар оралаб эргаштириб кетишди ва қоя ёнидаги айланма сўқмоқ бўйлаб денгиз соҳилига тушишга мажбур этишди: харсанглар ўртасидаги қўлтиқчада бизни балиқчилар қайиғи кутиб турарди. Биз унга ўтирдик-да, юлдузлар шуъласи остида қирғоқни тарк этдик.

Ун тўртинчи боб

БАСС ҚОЯСИ

Мени қаёққа олиб кетишаётганига сира ақлим бовар қилмасди, фақат атрофга аланг-жаланг назар ташлардим, холос. Рансомнинг «йигирма фунтликлар» деган ибораси мудом қулоқларим остида жаранглаб турарди. Агар мени яна мустамлака ўлкаларга қўл қилиб сотиб юборишмоқчи бўлишса борми, ишлар пачава: бу гал иккинчи Аландан ҳам, такрорий кема ҳалокатидан ҳам, ёғоч бўлагидан ҳам умид қилолмасдим. Мени тамакизорларда ишлатиш учун орқамга қандай қилиб қамчи билан савалашаётганини кўз олдимга келтирдиму бирдан баданим жунжикиб кетди. Сув сатхи совуқ эди, қайиқ ўриндиқларини қалин қиров қоплади ва мен бошқарувчи ёнида ўтирар эканман, беихтиёр қалтирай бошладим. Қайиқни ўша шу ерлик киши бошқариб борарди; унинг лақаби Қора Энди бўлиб, асл исми эса Дэйл экан. У қалт-қалт титраётганимни сезиб, дўстона равишда балиқ тангалари ёпишган дағал куртқасини узатди ва мен миннатдор бўлиб, уни эгнимга ташлаб олдим.

— Меҳрибончилигингиз учун раҳмат,— дедим кейин унга.— Эвазига сизни хавф-хатардан огоҳ этиб қўймоқчиман. Бу ишингиз ҳали жуда қимматга тушиши мумкин. Сиз анави нодон, ёввойи тоғликларга ўхша-

майсиз: Балки қонун ва қонунни бузган кишилар гирифтор этиладиган жазо сизга маълум эмасдир-а?

— Ҳеч қачон қонунга муккасидан кетган инсон эмасман,— деди у.— Боз устига, менга мўмайгина чойчақа беришди.

— Сиз мени нима қилмоқчисиз? — деб сўрадим.

— Кўнглимда ёмон ниятим йўқ,— деб жавоб берди у,— ростдан ҳам шундай. Кўриниб турибдики, ғамхўрларингиз бор экан. Сизга ҳеч нарса бўлмайди, тезда манзилга етиб борамиз.

Денгиз аста-секин бўзара бошлади, шарқ томондаги булутлар қизғалдоқ тусига кирди — улар худди чўғ бўлиб турган кўмирга ўхшарди; шу пайт Басс қояси тепасидаги қушлар уйғонишдию сайрай бошлашди. Маълумки, Басс қояси якка-ёлғиз қаққайиб турган тошқўрғонга ўхшайди, лекин унинг шу қадар улканлигидан харсангларидан бутун бошли шаҳар барпо этиш мумкиндай туюларди. Денгиз ниҳоятда сокин эди, аммо қоя пайига урилаётган майин тўлқинлар садоси дараларда гувраниб акс қайтарарди.

Тонг отди. Энди мен денгизга осилиб турган қояларни бемалол томоша қилишим мумкин бўлиб, харсанг тошлар қушлар ўтириб кетгани учун худди қалин қиров қоплагандек кўринар, нишабликларда кўм-кўк майса барқ уриб ётар, чор атрофдан қора бузовларнинг қичқириви эшитилар, қамоқхона харобалари эса денгиз сатҳига туташиб кетган эди.

Бирдан кўзларим ярқ этиб очилгандай бўлди.

— Сиз мени шуёққа олиб келдингизми?! — деб қичқириб юбордим.

— Оғайни, тўппа-тўғри. Бассга олиб келдим,— деди у.— Қадим замонларда бу ерда қутлуғ қадам зотлар азоб тортиб ётишган, аммо сиз бекордан-бекорга буёққа келмаган бўлсангиз керак, албатта.

— Бироқ, ҳозир бу ерда ҳеч ким йўқ-ку! — деб қичқирдим яна.— Зиндон аллақачон бузилиб кетган.

— Начора, қорабузов қушлар сиз билан мириқиб чақчақлашиши мумкин,— деди Энди қуруққина оҳангда.

Тонг ёруғлигида қайиқда балиқчиларга посанги вазифасини ўтайдиган тошлар билан бирга бир нечта бочкачалару саватлар ва боғлам-боғлам ўтинлар борлигини кўрдим. Бу юкларнинг ҳаммаси қояга ташиб ўтилди: Энди, мен ва учта тоғлик жўраларим (аслида, мен уларнинг маҳбуси эдим) ҳам соҳилга тушдик. Қайиқ ортига қайтиб кетаётган пайтда ҳали қуёш

чиқмаган эди: эшкак қулоқларининг гижирлашидан қоялардан акс садо қайта бошлади. Биз хосиятсиз жойда қолдик.

Мен Энди Дийлга, Басс қоясининг ҳокими, деб лақаб қўйдим: у мана шу мўъжазгина, бой масканда чўпон ҳамда овланадиган қушлар назоратчиси эди. У ўнлаб қўй-эчкиларга кўз-қулоқ бўлиб юрарди: тик қоялар ёнбошидаги майсазорларда ўтлаётган семиз қўйлар худди ибодатхона томига чизилган ҳайвонларни эслатарди. Бундан ташқари, қояларга ин қурган қорабовуз қушлар ҳам унинг қарамоғида бўлиб, мўмайгина даромад манбаи сифатида хизмат қиларди. Қорабовуз қушларнинг гўшти ниҳоятда мазали таом ҳисобланарди; харидорлар ҳар бир қушни икки шиллингдан пул тўлаб, сотиб олишарди. Қушларнинг мойи ҳам, патлари ҳам қимматбаҳо эди: тушган даромаднинг бир қисми руҳонийларга бериларди, шунинг учун уларнинг баъзи бирлари Шимолий Бервикдан келадиган ана шу қарзини ундириб олиш билан шуғулланарди. Энди кун бўйи, кўпинча тунлари ҳам қоядан тушмас, турли вазифаларни бажарарди, қушларни тажовузкор кимсалардан қўриқлар, хуллас, у бу ерда ўзини худди ер-мулк хўжайинидек ҳис этар эди. Мана ҳозир ҳам у юкларни кўтариб олишимизни буюрди-да (мен дарҳол унинг амрини бажардим, албатта), оролга кириладиган бирдан-бир эшикни қўлфлади ва кўрғон харобалари бўйлаб бизни қоровулхона томон бошлаб кетди. Учоқдаги кулга ва бурчакда турган каравотга қараганда, у бу ерда доимий яшарди. Энди каравотини менга таклиф этаркан: «Ахир сен ўзингни олижаноб жентельмен, деб ғашга тегяпсан-ку!»— деди ғулдираб.

— Мен қаерда ухлашимдан қатъий назар, барибир олижаноб жентельмен бўлиб қоламан,— деб жавоб бердим.— Худонинг қудрати билан, шу пайтга қадар менинг тўшагим тошдек қаттиқ эди ва ҳозир ҳам жон-жон деб ерда ётавераман. Мистер Энди (янглишмасам, исмингиз шунақа шекилли?), токи шу ерда эканман, ҳамма билан бирдек яшайман. Лекин бундан кейин мени мазахламаслигингизни илтимос қиламан, чунки пичингларга тоқатим йўқ.

У яна бир оз ғудур-ғудур қилдию сўнг мулоҳазага борди шекилли, сўзларимни маъқуллади. Назаримда, у фаҳм-фаросатли, ақлли киши эди, Энди рисоладагидек виг, художўй бўлганидан ҳар куни чўнтакбоп Тавротни мутолаа қилар, дин тўғрисида жиддий суҳбатлаша

олар, шу мавзуда гаплашишни яхши кўрар ва Камероннинг қатъий ақидаларига мойил эканини яшириб ўтирмас эди. Шунга қарамай, унинг маънавий дунёси мен учун барибир шубҳали бўлиб қолаверди. У зўр бериб контрабанда билан шуғулланарди ва Тантеллон харобаларини давлат чегарасидан яширинча олиб ўтилган маҳсулотлар сақланадиган омборхонага айлантириб юборган эди. Божхона назоратчилари масаласига келсак, назаримда, Энди уларнинг ҳаётини бир чақага ҳам олмасди. Қолаверса, Лотиан соҳилининг бу қисми ҳозирга қадар ҳам Шотландиядаги энг овлоқ ўлка ҳисобланади, у ерларда энг таптортмас халқ истиқомат қилади.

Мен қояда яшаб турган пайтимда битта ҳодиса рўй бердики, кейинчалик бу ҳақда эслашга тўғри келди. Ушанда Фортда «Денгиз йўрғаси» деган ҳарбий кема турарди, Пэллисен номли кимса унинг дарғаси эди. Сентябрь ойида кема Файф ва Лотиан орасида айланиб, сув остидаги хавфли қояларни топиш учун денгиз чуқурлигини ўлчаш билан машғул бўлди. Кунларнинг бирида субҳидам пайти кема биздан икки чақиримча нарида, шарқ томонимизда пайдо бўлиб қолди ва қайиқни сувга туширди: назаримда улар Уайлдфайр қояларини ва Шайтон галасини тадқиқ этишга киришдилар: бу жойлар қатнов учун жуда катта хавф туғдирарди. Тез орада қайиқлар кемага чиқариб олиндию кема шамол йўналиши бўйлаб тўппа-тўғри Басс томон кела бошлади. Энди билан тоғликлар хавотирга тушиб қолишди: агар дарға қояда пайдо бўлса борми, менинг ўғирланганим ҳақидаги хабар овоза бўлиши турган гап албатта. Эҳтимол, бундан ҳам ёмон ҳодиса рўй бериши мумкин эди. Мен бу ерда ёлғиз эдим, боз устига Аланга ўхшаб бир йўла бир неча кишига ҳамла қилолмасдим: бундан ташқари, ҳарбий кема денгизчилари ёнимни олишларига унчалик ҳам ишонмасдим. Ичимда шундай мулоҳаза юритдим: Эндига ўзимни хотиржам кўрсатаман ва сенга итоат этишдан бош тортмайман, деб ваъда бердим: мени тезда қоя тепасига олиб чиқиб кетишди, биз қоя чеккасида ерга ётиб олдик ва бир-биримиздан олис жойларда кемани пойлай бошладик. «Денгиз йўрғаси» тўппа-тўғри биз томон келарди. Назаримда, у худди қояга келиб уриладигандек туюларди. Бош айланадиган баландликдан кемадаги барча денгизчиларни кўрардик ва денгиз чуқурлигини ўлчайдиган асбоб олдида турган мутахассиснинг узук-юлуқ қичқириғи қулоғимизга чалинар эди.

Тўсатдан кема шамол йўналишига қарама-қарши томон бурилдию бирваракайига бир нечта замбаракдан ўқ узди. Гумбурлаган товушдан қоялар титраб кетди, бошимиз устида тутун пайдо бўлди, қорабузовлар галаси гурр этиб осмонга кўтарилди. Қушлар қаноти ялт-юлт этиб товланаркан, чуғур-чуғури оламини тутиб кетди, лекин кема дарғаси Пэллисер қоя яқинига фақат болаларча қизиқиши туфайли келмагани аниқ эди, албатта. Вақти келиб, у бунинг учун тавбасига таянади. Ҳозир эса «Денгиз йўрғаси» тобора қояга яқинлашарди, мен кемани шунчалар яқиндан кўрдимки, орадан анча-мунча вақт ўтгандан сўнг ҳам бир неча қақиримдан, унинг жиҳозларига қараб туриб, бемалол танирдим: худонинг қудрати билан, мана шунинг шарофати, дўстимни балои қазолардан асраб қолдим ва дарға Пэллисернинг ҳафсаласини пир қилдим.

Биз қояда ёмон яшамасдик. Бизда пиво, май, сули уни бор эди: ҳар куни эрталаб ва кечқурун бўтқа пиширардик. Баъзан Каслтондан қўй гўштининг чорак бўлагини қайиққа юклаб келтиришарди; бу ердаги қўйларни сўйиш тақиқланган эди, улар сотиш учун сўқимга боқиларди. Афсуски, қорабузовларни овлайдиган мавсум аллақачон ўтиб кетганди: шунинг учун уларни ўз ҳолига қолдиришга мажбур эдик. Ўзимиз балиқ овлардик, кўпинча қорабузовлар овлаган балиқларни тортиб олардик: балиқни чўқиб олганча қояга келиб қўнган қушларни пойлаб туриб, чўчитиб юборардик ва улар ўлжасини ташлаб қочардилар, еб олишга улгурмасдилар.

Басс қоясининг неъматлари, ўзига хос кўринишларию ҳар хил ёввойи жониворлари билан ўзимни овутиб юрардим. Бу ердан қочиб кетишнинг сира ҳам иложи йўқ эди: шунинг учун тўла-тўкис эркинлик бериб қўйишди: қояда мен кириб кўрмаган бирорта ҳам тешик қолмади. Ҳатто қамоқхонанинг қаровсиз қолган боғини ҳам кезиб чиқдим: бу ерда гуллар ҳам, дарахтлар ҳам ёввойилашиб кетган бўлиб, қари гилос устида фарқ пишиб ётган меваларни узиб ейиш мумкин эди. Боғдан озгина этак томонда ташландиқ қоровулхонами ёки дарвишнинг хужрасими бор бўлиб, уни ким қургани ҳам, ким яшагани ҳам номаълум эди, фақат кўҳна кўриниши кишини беихтиёр ўйга толдирарди. Ҳатто мен тоғлик мол ўғрилари билан яшириниб ётган қамоқхона ҳам дунёвий ва диний тарихий воқеаларнинг ёдгорлиги эди. Бу ерда азоб тортиб яшаган жуда кўп азиз зотлару бандаи бечора-

лар ўзларидан кейин Тавротнинг бирор варағини ҳам ёки тошларга ўйиб ёзилган номларини ҳам қолдиришмаганди. Лекин миноралар устида қоровуллик қилишган кўпол аскарлар қояларни эсдаликлар билан тўлдириб ташлашганди: энг ажабланарлиси шундаки, ҳамма жойдан трубкаларнинг синиғини, мундирдан тушиб қолган тугмаларни топиш мумкин эди. Назаримда, гоҳ-гоҳ ертўлалардан диний кўшиқлар эшитилаётгандек, гўё жафокаш зотлар худога нола қилаётгандек, кўрғон қоровулхоналарида эса аскарлар трубка буруқситиб ўтиришгандек туюлар экан, ҳув нарида, Шимолий денгиз ортидан аста-секин қуёш бош кўтарарди. Ўз-ўзидан равшанки, Энди ўз ҳикоялари билан мени хаёлпарастликка ундарди. У Басс қояси тарихини майдачуйда тафсилотларигача биларди: ҳатто бир замонлар отаси ҳам хизмат қилган ҳарбий қисмдаги оддий аскарларнинг исмларини бирма-бир санаб берарди. Бундан ташқари, Энди тугма ровий эди; ҳикояларини тинглаб ўтирган чоқларимда худди тирик инсонларни кўриб, товушларини эшитиб тургандек бўлардим ва ўзим ҳам улар билан биргаликда барча ишларда қатнашардим.

Унинг мана шу иқтидорию сўзларига соатлаб қулоқ солиб ўтиришим натижасида биз охири сирдош бўлиб қолдик. Ростини айтганда, Энди менга чинакамига ёқиб қолди ва тез орада амин бўлдимки, мен ҳам унга маъқул тушибман: тўғриси айтсам мен биринчи кундан уни ўзимга оғдириб олишга уринган эдим. Сизга сал кейинроқ айтиб бермоқчи бўлаётган битта ғалати ҳодиса у мени ўзим ўйлагандан ҳам зиёда яхши кўриб қолганига ёрқин мисол бўлди. Лекин дастлабки пайтларда ҳам бизнинг муносабатимиз ёмон эмасди: ҳарҳолда, мен ўзимни асир ёки маҳбусдек ҳис этмасдим.

Агар мен Басс қоясидаги ҳаётим зулмат ичра кечарди, деб айтадиган бўлсам, кўрнамаклик қилган бўлардим. Мен бу ерда ўзимни хотиржам ҳис этардим: гўё бу қояга дунё ташвишларидан қочиб келгандек эдим. Улар қаттиққўллик билан муомала қилишмасди: қоялар, денгиз қочиб кетишим мумкин бўлган барча имкониятлардан маҳрум этганди: менинг ҳаётимга, шаънимга ҳеч нарса хавф солмас, вақти-вақти билан яшириб қўйилган ширин мева-чевалардан ўғирлаб еб турардим. Баъзи кунлари бошимни бутунлай бошқа фикр-мулоҳазалар банд этиб оларди. Мен Ранкилер билан Стюартга айтган қатъий сўзларимни

эслардим: ўйлардимки, Файф ва Лотиан соҳиллардан унча йироқ бўлмаган Басс қояларига сургун қилинганим кимларгадир ўйдирмадек туюлиши мумкин ва ҳеч бўлмаса иккита жентельменнинг кўзига худди мақтанчоқдек, кўрқоқдек кўринишим ҳеч гап эмас. Тўғри, бундай хаёллар унчалик қайғуга солмасди: чунки Катриона Драммонд мен тўғримда яхши фикрда эканини билардим, бошқаларнинг фикр-мулоҳазалари эса мен учун сариқ чақага ҳам арзимасди ва шу туфайли беихтиёр ошиқ юрагимга малҳам бўладиган ширин-ширин ўйларга чўмардим. Бундай хаёллар ўқувчига мисли кўрилмаган даражада зерикарли туюлса-да ажаб эмас. Лекин кўп ўтмай кўнглимга ғулғула тушиб қоларди: мени шафқатсизларча жазолашлари мумкин эканини ўйласам, бирдан ғазабим кўзиб кетар, назаримда, бундай адолатсизликка асло бардош бериб бўлмасди. Дарҳол хаёлимга бошқа нарсалар келарди, одамлар мен тўғримда нима деб ўйлаши мумкин, Жеймс Стюартнинг қопқоронғи уйи кўз ўнгимда жонланарди, хотинининг хўнграб йиғлаётганини эслардим. Шундан сўнг бирдан юрагим ҳаприқиб кетардию қўл қовуштириб ўтирганим учун ўзимни асло кечира олмаслигимни ич-ичимдан ҳис этардим: агар ҳақиқий эркак бўлганимда борми, бу ерда жонимнинг ҳузурини кўзлаб юрмасдан, аллақачон қанот чиқариб учиб кетардим ёки денгизга ўзимни отардим. Бундай пайтларда ўзимга ўзим таскин бериш мақсадида Энди Дэйлни оғдириб олиш йўллари-ни қидирардим, албатта.

Ниҳоят, қуёш эндигина нур тарата бошлаган эрта тонгларнинг бирида биз қоя чўққисидан юзма-юз қолдик ва гап орасида агар у менга ёрдам берса яхшигина ҳақ тўлашга қодир эканимни қистириб ўтдим. Энди менга нигоҳини қададию сўнг бошини орқага ташлаб, хахлаб юборди.

— Ҳа, сизга ҳаммаси кулгили туюлади, мистер Дэйл! — дедим. — Лекин манави қоғозни бир кўздан кечирсангиз борми, сўзларимга бошқача муносабатда бўлар эдингиз.

Қумтепада аҳмоқ тоғликлар фақат чўнтагимдаги тангаларни тортиб олишган эди, холос. Аммо Эндига кўрсатган қоғозга тегишмаганди: бу Зиғиркорлик жамияти томонидан менга берилган тилхат бўлиб, шунга кўра, камина катта миқдорда пул олиш ҳуқуқига эга эдим.

— Тўғри, сиз қашшоқ одам эмасга ўхшайсиз, — деди у.

— Назаримда, бу нарса сизни менга нисбатан бошқача муносабатда бўлишга ундаши лозим,— дедим.

— Ҳа-я! — деди у.— Кўриниб турибдики, сиз ҳар қандай одамни сотиб олишингиз мумкин, лекин мен унақа одамлар тоифасидан эмасман.

— Биз бу ҳақда кейин гаплашиб оламиз,— дедим.— Дастлаб, гап нимада эканини исботлаб бераман. Мени йигирма биринчи сентябрь — пайшанба кунига қадар ушлаб туриш топширилган сизларга.

— Сиз деярли адашмадингиз,— деб жавоб берди Энди.— Агар йигирма учинчи сентябрь — шанба кунига боз топшириқ олмасам, мен ҳаммангизни озод қилиб юборишим даркор.

Мен дарҳол бу нақадар бадбин, ният эканини англадим, чунки айнан ҳамма нарса ҳал бўлгандан кейин озодликка чиқарилаётган эдим, боз устига жуда хоҳлаган тақдиримда ҳам, гапларим ёлғонга ўхшаб эшитиларди. Ҳазабим ниҳоятда қўзиб кетдию таваккал қилишга қарор қилдим.

— Энди, сиз кўпни кўрган кишисиз: шунинг учун гапларимни эшитинг-да, ўзингиз танангизга бир кенгашиб кўринг,— деб гап бошладим.— Мен биламан, бу ишга катта амалдорлар аралашган; шубҳасизки, уларнинг номлари ҳам сизга яхши маълум. Иш бошлангандан кейин мен уларнинг баъзи бирлари билан учрашганман ва ўзимнинг фикр-мулоҳазаларимни юзларига очиқ-ойдин айтганман. Хўш, айбим нима? Улар мени нима қилишади? Уттизинчи август кuni мени қандайдир қаланғи-қасанғилар ушлаб олишди ва тоғу тошлар орасига элтиб қўйишди: бу ер на қўрғон, на қамоқхона, бор-йўғи Басс қоясининг қоровули истиқомат қиладиган жой, холос. Сўнгра мени йигирма учинчи сентябрь кuni гўё ҳеч нарса рўй бермагандек астагина озодликка қўйиб юборишади. Сизнингча, бундай саъй-ҳаракатдан муддао нима? Хўш, адолат қаерда қолди? Бу қандайдир ярамас, ифлос фитнага ўхшамаяптими? Балки бу ишдан уни бошлаган кимсаларнинг ўзлари ҳам ор қилишар? — Шос, мен мунозара қилиб ўтирмайман, назаримда бу ерда қандайдир сир борга ўхшайди,— деди Энди — Агар ўша одамлар яхши виглару ҳақиқий художўй кишилар бўлмаганда борми, жин урсин, башарасига тупурардим, бу ишга аралашмасдим.

— Лорд Ловэт — ажойиб виг! — дедим заҳарханда аралаш.— Боз устига, ҳақиқий диндор!

— Мен ундай кимсани танитайман,— деди Энди.— Мен Ловэт билан апоқ-чапоқ эмасман.

— Ҳа, тўғри, ахир сиз Престонгрэнж билан савдолашгансиз-ку! — дедим.

— Э-э, йўқ, мен сизга барибир ҳеч нарсани айтмайман,— деди Энди.

— Керак эмас, ҳаммасини ўзим биламан,— деб эътироз билдирдим.

— Шос, шу гапни қулоғингизга қўрғошиндек қўйиб олинг: мен барибир сиз билан алоқа қилмайман, бекорга овора бўлманг! — деди Энди.

— Начора, Энди кўриниб турибдики, сиз билан очиқчасига гаплашишга тўғри келади,— дедим-да, унга айтиш мумкин бўлган ҳамма гапни тўкиб солдим.

— Шос, мен гапнинг индаллосини айтиб қўя қоламан,— деди у ниҳоят.— Буларнинг барчаси аблаҳона, албатта. Аммо шу гапларнинг рост эканига унчалик ишонгим келмаяпти: балки, жуда бунчалик эмасдир, биламан, сиз ҳалол йигитсиз. Лекин сиздан йигирмата-ўттизта кўйлакни кўпроқ йиртганман, тажрибалиман: сиз калта ўйлашингиз мумкин, мен эсам узоқни кўраман. Шунинг учун кўнглимдаги гапларни рўй-рост айтиб қўймоқчиман: агар белгиланган пайтгача сизни шу ерда ушлаб ўтирсам ҳеч қандай ёмон иш бўлмайди, аксинча, ҳатто яхши бўлади. Мамлакатимизга бу ишнинг ҳеч қандай зарари тегмайди, ошиб борса сизнинг ўша тоғлик дўстингизни дорга осишади, холос. Нима бўпти, битта нонхўр камаяди, вассалом! Бироқ сизни қочириб юборсам, мени соғ қўйишмайди. Бу гапларни ҳалол виг сифатида, чин дўстингиз, яна ҳам аниқроғи ўзининг дўстим сифатида айтяпман: шу ерда Энди ва қорабузовлар даврасида уч-тўрт кун меҳмон бўлсангиз, олам гулистон!

— Энди, ўша тоғлик киши мутлақо бегуноҳ, ахир! — дедим ялинчоқ товушда, унинг тиззаларига қўлимни қўйиб.

— Афсус, минг афсус,— деди у бош чайқаб.— Биз нима ҳам қила олардик; ҳар доим биз истаган нарсалар бўлавермайди — худо дунёни шундай яратган-да!

ҚОРА ЭНДИ ГАПИРИБ БЕРГАН

ЛЭПРАЙК НОМЛИ ТУЛКИ ТАРИХИ

Шу пайтгача мен ўзимнинг тоғликларим ҳақида деярли ҳеч нарса демадим. Уларнинг учови ҳам Жеймс Мор тарафдорлари эдилар, шунинг учун менинг сургун этилишимда унинг ҳам қўли борлигига шубҳаланмасдим. Ҳаммаси инглизча икки-учта сўзни билишарди, холос. Аммо Нийл бу тилда бемалол гаплаша оламан, деб ўйларди, аммо бир марта суҳбатлашган одам унинг инглиз тилини яхши билмаслигига дарҳол ишонч ҳосил қиларди. Тоғликлар фаросатсизроқ, мўмин-қобил кишилар бўлиб, бадбашара афт-ангорларига қараганда ўзларини хийла одамшаванда тутишарди; Энди иккаламизнинг хизматларимизни югуриб-елиб бажаришга киришардилар.

Назаримда улар бу кимсасиз жой — қадимий қамоқхона харобаларида, ўзлари учун нотабий туюладиган денгизнинг шовиллашию қушларнинг тинмасдан қичқиришлари қуршовида аллақандай хурофий бидъатлардан жуда қўрқишарди. Иш йўқ пайтларда ерга уймалашиб ухлашар (уйқучилик бобида уларга тенг келадиган одам топилмаса керак!) ёки Нийлнинг даҳшатли ҳикояларини тинглаб ўтиришарди. Агар уларнинг ухлаб қолган биттасининг ёлғиз ўзи Нийлнинг уйдирмаларини тинглаётган бўлса дам-бадам теваракка олазarak назар ташлаб қўяр, титраб-қақшар, ранги оқариб, қўлларини мушт қилар, мисоли таранг тортилган камон торига ўхшарди. Қанчалик уринмайин, барибир бунинг сабабини билолмадим, лекин қўрқув ўлатдек юқумли эди. Боз устига, биз қўноқ бўлган гўша ҳам беихтиёр киши юрагига ваҳима соларди. Бу ҳолни ифодалаш учун инглиз тилидан муносиб сўз тополмасдим, аммо Энди шотландчаб доимо битта иборани такрорларди.

— Ҳа, бизнинг қоямиз юракка ваҳима солади, — дерди у.

Мен ҳам шундай фикрда эдим. Дарҳақиқат гўшамизнинг тунлари ҳам, кундузлари ҳам ваҳимали кечар, атрофимизда қўрқинчли товушлар — қорабузовлар ноласи сира тинмас, денгиз доимо шовуллар, қоялардан акс садо қайтар эди. Айтганча, ҳаво очиқ пайтлари шундай бўларди. Денгиз кўпириб турган чоқларда эса

тўлқинлар зарб билан шовуллаб қояга урилардию худди осмонда момогулдурак гулдурегандек ёки сонсаноксиз дўмбиралар чалинаётгандек товуш эшитиларди: бундан кўнгил ваҳимага тушар ва айни пайтда таъриф қилиб бўлмас қувончга тўлар эди. Аммо осойишталик бошланган вақтларда товушга қулоқ солиб ўтирган одам бирдан ақлдан озиб қолиши ҳам ҳеч гап эмасди: туйқус кишини ваҳима босарди. Нафақат тоғликлар, ҳатто ўзим ҳам даҳшатга тушиб қолардим: аллақайлардан хилма-хил бўғиқ, нотаниш товушлар таралардию қояларда акс садо берарди.

Бу менга Бассада эшитганим ва охир-оқибатда каминанинг озод бўлишида катта аҳамият касб этган, бизнинг турмуш тарзимизни тубдан ўзгартириб юборган ҳодисани (унда ўзим ҳам иштирок этганман) эслатди. Бир кеча мен гулхан атрофида ўйга толдим ва бейхитёр Алан яхши кўрадиган битта кўшиқ куйини ҳуштакда чала бошладим. Кутилмаганда кимдир елкамга кўлини қўйди ва Нийл, бас қил, бу худо яратган кўшиқ эмас, деди.

— Нега худо яратмаган экан? — деб сўрадим ҳайрон бўлиб.— Нима учун?

— Худо яратмаган,— деб такрорлади у.— Бу арвоҳларнинг кўшиғи: у кесилган бошларни қайтариб қўйишларини истайди.

— Аммо бу ерда арвоҳлар яшамайди-ку, Нийл,— дедим.— Қорабузовларни қўрқитиш уларга зарур келибдими?!

— Йўғ-э?! — деди Энди.— Сиз шунақа деб ўйлайсизми? Мен сизга айтсам, арвоҳлар экан-у, бу ерда арвоҳлардан баттарроқлари ҳам яшайди.

— Энди, арвоҳлардан ҳам баттарроқ нима бор? — деб сўрадим.

— Жодугарлар,— деди у.— Айтмоқчи, жодугар... Бу ерда жуда қизиқ бир воқеа рўй берган эди,— деб кўшиб қўйди у.— Агар эшитишни хоҳласаларинг, ҳозироқ айтиб бераман.

Ўз-ўзидан равшанки, биз бир овоздан рози бўлдик, ҳатто инглиз тилини яхши тушунмайдиган битта тоғлик ҳам овоз берди.

ЛЭПРАЙК НОМЛИ ТУЛКИ ВОҚЕАСИ

Жойи жаннатда бўлгур отам — Том Дэйл ёшлигида ниҳоятда ўтюррак, шўх йигит бўлган эди; хаёли сира

бир жойда турмасди, умрининг охиригача тақводорликни бўйнига олмай ўтиб кетди. У бир шиша ароқ ичишни кизларга тегажоғлик қилишни, айқириб-ҳайқиришни биларди, холос. Меҳнат билан шуғулланишга асло бўйни ёр бермасди. Дайдишдан зериккач, аскарликка ёзилади, уни мана шу ердаги ҳарбий қисмда хизмат қилишга жўнатишади. Уша пайтгача бизнинг авлодимизда биров Басс қоясига оёқ кўймаган эди. Мен сизга айтсам, бу ерда хизмат қилиш ҳавас қиладиган даражада эмасди. Шу ерлик бошлиқнинг ўзи пиво қиларди, лекин жуда расво ичимлик қилиб тайёрларди. Озиқ-овқатларни нариги соҳилдан ташиб келтиришарди: аскарлар балиқ тутишмасин ёки қорабузовларни қириб ташлашмасин, дейишарди-да. Бўлмаса, тишининг кирини сўриб ўтиришса ҳам, улар билан бировнинг бир пуллик иши бўлмасди! Уша пайтларда айнан эътиқод учун қувғин қилиш авж олганди: Басс қоясида — гўё тошхалта ичида жафокашлару авлиёлар сақланарди. Аслида, улар жавоҳир, зийнат эдилар, лекин бу юрт уларга муносиб эмас. Том Дэйл эса шу ерда милтиқ кўтариб юрарди, бор-йўғи оддий аскар эди, холос. Аммо унинг юраги ўша-ўша олижаноб кишилар қавмидан эмасди: ҳамон ароқ ичишни, кизларга тегажоғлик қилишни яхши кўрарди. У маҳбусларни кўриб қолади. Қараса, бизнинг имон-эътиқодимизнинг яловбардорлари шу ерда экан: авлиёларни азоблашаётган пайтларда унинг қони қайнаб кетарди ва бундай бадбин ишлар билан шуғулланаётган кимсалар қўлида хизмат қилаётганидан (ахир, у қурол кўтариб юрарди) уяларди. Баъзан у тунлари соқчиликда турарди: атрофда зоғ учмасди, совуқ суяк-суякдан ўтиб кетарди. Шундай кунларнинг бирида маҳбуслардан бирови диний кўшиқ айтишга тушади-ю, бошқалар ҳам унга жўр бўлишди: мана, ҳамма камералардан, аниқроғи, ҳамма даҳмалардан илоҳий кўшиқ эшитила бошлайди. У ўзини денгиз ўртасидаги қоя устида соқчиликда тургандек эмас, арши аълоларда учиб юргандек ҳис этади. О, шундай ҳаёт кечираётган учун ўзидан ниҳоятда нафратланади ва хаёлида гуноҳлари Басс қоясидан ҳам улкан кўринади; чунки у муқаддас ибодатхона қавмини қийноққа солишлари ва ҳалок этишлари учун шароит яратиб бераётгандек туюлади. Тўғри, отам бундай руҳий ҳолатдан тезда фориғ бўлади. Тонг отади, ошна-оғайнилари уйғонишади ва барча олижаноб ниятлари осмонга учиб кетади — гўё ҳеч нарса рўй бермагандек.

Уша пайтларда Бассда битта художўй инсон яшар-

ди, уни Педен пайғамбар дейишарди. Ҳойнаҳой, сиз ҳам Педен пайғамбар тўғрисида эшитган бўлсангиз керак. Унга ўхшаган зотлар ҳозир ер юзида битта ҳам қолмаган ва қасам ичишим мумкинки, илгари ҳам бўлмаган. У худди ёввойи қушқўнмасга ўхшаганидан тик қараш ҳам даҳшатли туюларди. Гапларини эшитиш эса янада ваҳималироқ эди. Худо қарғаган бу каснинг товуши қорабузов қичқириғини эслатар, сўзлари анча вақтгача қулоқ остида жаранглаб турар ва кўмир чўғидай куйдирарди.

Уша пайтда бу қоятда битта қиз яшарди; нима иш билан шуғулланганлигини билмайман, чунки Бассда рисоладагидек аёл зоти бажарадиган бирор юмуш борлигини эслолмайман. Айтишларига қараганда, у ниҳоятда гўзал бўлиб, тез орада Том Дэйл била тил топишиб олибди. Ва бир куни Педен боғда ёлғиз ўзи худога илтижо қилаётган маҳалда, Том қиз билан қўлтиқлашиб унинг ёнидан ўтиб қолибди. Қиз бирдан илтижо қилаётган авлиёни мазахлабди, кейин бу ҳам камлик қилгандек, ҳиринглай бошлади. Педен ўрнидан турибди-да, уларга шундай бир нигоҳ ташлабдики, беихтиёр Томнинг тиззалари қалт-қалт титрай бошлабди.

— Сен бечорасан, бечора!— дебди у ва қизга тикилибди.— Қандай чинқиришингнию хахолашингни эшитдим, лекин худойим сенга ҳалокатли бир зарба ҳозирлаб қўйганки, тўсатдан унинг қарғиши теккан чоқда фақат бир марта чинқиришга аранг улгурасан, холос!

Кўп ўтмай у уч-тўртта аскарлар билан биргаликда қоя бўйлаб сайр этгани жўнайди. Уша куни шамол эсиб турган эди. Бирдан шундай бир кучли бўрон бошланади-да, кўйлақларининг этақларини шишириб юборади ва бирпасда уни денгизга улоқтириб ташлайди. Воқеани кўриб турган аскарларнинг ҳикоя қилишича, қиз бори ўғи бир марта чинқиришга аранг улгурибди, холос.

Албатта, бундай воқеадан сўнг Том хийла ғамгин бўлиб қолади, лекин тезда ўзига келади-ю, бироқ аҳволи бутунлай яхшиланиб кетмайди. Кейинроқ бир аскар билан жанжаллашиб қолади.

— Э-э, мени жин урсин!— деб қичқиради Том, у худога шак келтиришга ишқивоз эди.

Шу пайт рўпарасида худди осмондан тушгандек кўзлари чақноқ, елкасига чўпонларнинг қўпол чопонини ташлаб олган ваҳимали Педен пайдо бўлади-да, тирноқлари қорайиб кетган кўлларини олдинга чўзади: у худди гўлаҳларга ўхшаб доимо кир-чир юрарди.

— Туф, туф, вой, бечора-ей!— деб қичқиради у.—

Эх, шўрлик, нодон-эй! «Мени жин урсин», дейди-я! Мен эсам кўриб турибман: ана, жин орқангда турибди!

Шу чоқ гўё Томнинг кўзи ярқ этиб очилади, ўзининг жуда катта гуноҳларини аниқ кўради — оллоҳ таоло марҳамат кўрсатади: у қўлидаги найзасини отиб юборади ва:

— Ҳеч қачон Исо пайғамбар таълимотига қарши қурол кўтармайман!— деб қасам ичади ва ўз сўзига қатъий амал қилади.

Дастлабки пайтларда Том жуда ҳам қийналади. Аммо бошлиқ мундоқ разм солиб қараса, иш чатоқ — унинг ҳеч ўзгарадиган сиёғи йўқ: шундан сўнг, бор-э, деб истеъфога чиқариб юборади. Том Шимолий Бервика қайтиб боради, уйланади ва ҳалол одамлар орасида яхши ном қозонади.

Бир минг етти юзу олтинчи йили Басс қояси Далримплар қўлига ўтадию улар назоратчи вазифасига икки кишини таклиф этишади. Хуллас, иккита муносиб номзод топилади; уларнинг ҳар иккаласи ҳам бир пайтлар шу ердаги ҳарбий қисмда хизмат қилишган бўлиб, қорабузовларга қандай муомала қилишни — қачон овлаш, неча пулдан сотиш мумкинлигини яхши билишарди. Хуллас, ўша назоратчиларнинг биринчиси Том Дэйл, яъни менинг отам эди. Иккинчисини эса Лэпрайк, тўғрироғи Лэпрайк Тулки деб аташарди. Бу унинг исми эдими ёки тулкисифат киши бўлганидан шунақа дейишардим — аниғини билмайман. Бир гал Лэпрайкка отамнинг иши тушиб қолади-да, уникага каминани ҳам эргаштириб боради: ўшанда мен ҳали ёш бола эдим. Тулки ибодатхона билан қабристон ўртасидаги узун, кўрқинчли ҳамда қоронғи тор кўчада яшарди. Боз устига, ибодатхона Олтинчи Яков замонидан бери ёмон ном чиқарган бўлиб, у ерда қироллик даврида ҳам сеҳргар ёвуз кучлар бор эди. Тулкининг уйи энг қоронғи бурчакда жойлашгандан ақли расо кишилар иложи борича уёққа бормасликка ҳаракат қилишарди. Ўша куни эшик лўкидони солинмаган экан, отам иккаламиз остонадан ҳатлаб ўтдик-да, ичкарига кирдик. Ҳа, сизларга айтиб қўйишим лозимки, Лэпрайк тўқувчилик касби билан шуғулланарди: шундоқ кираверишдаги ҳужрада йигирув дастгоҳи жойлаштирилган эди. Ўзи ҳам ана шу ҳужрада ўтирган экан: Тулки миқтигина, худди чўчқанинг ёғига ўхшаш — оппоқ эди: девона мисоли тиржайи-иб турарди. Кўришим билан аъзойи баданимдан чумоли ўрмалаб кетди. У тўқув дастгоҳининг моқисини ушлаб олган,

лекин кўзлари юмуқ эди. Биз астагина уни чақирдик, биз унинг қулоқлари остига бориб туриб бақирдик, биз унинг елкаларидан тутиб, силкидик. Ҳеч қандай нафи бўлмади! У ўриндиқда ўтирганча мокини қўймас ва девонаваш қиёфада тиржайрди, холос.

— Э-э, худойим, ўзинг мадад бергин!— деди Том Дэйл.— Бунга бир бало бўлганга ўхшайди.

Отам сўзини тугатар-тугатмас Лэпрайк Тулки ўзига келди.

— Том, бу сенмисан?— деди у.— Салом, оғайни! Келганинг жуда яхши бўлди-да! Баъзан ҳушим бошимдан учиб кетади, бу ошқозон хасталигининг касофати, албатта.

Кейин улар Басс қояси тўғрисида гап сотишга тушиб кетишди: назоратчининг жойи кимга тегиши борасида гаплашишди, оғизларидан боди кириб-шоди чиқди ва охири бир-бирларини еб қўйгудек алфозда хайрлашишди. Жуда яхши эсимда бор: уйга келгунимизча отам Лэпрайк Тулкини ҳам, унинг ҳардам хаёллигини ҳам жинидан баттар ёмон кўришини такрорлади.

— Хотираси йўқ!— деди у.— Э-э, бунақа хотираси йўқ одамларни гулханда куйдиришади!

Кўп ўтмасдан отам Басс қоясида ишга тайинландию Тулки иккала қўлини бурнига тиқиб қолаверди. У отамга нима деганини одамлар узоқ вақтгача эслаб юришди.

— Том, сен яна бир марта мендан устун чиқдинг. Хўп, сенга Басс қоясидан излаётган нарсани топишингни тилайман!— деди у.

У бу гапларни бекорга айтмаган эди, дейишарди кейинчалик одамлар. Мана, ниҳоят, Том Дэйл полапонларни уяларидан оладиган пайт келди. Сирасини айтганда бу иш янгилик эмасди: у болалик чоқлариданоқ қояма-қоя изғиб юрганидан бошқа бировга бундай юмушни ишониб топширмасди. Том ўзини арқон билан боғлаб, энг тик, хавфли қоядан пастга қараб туша бошларди. Тепада туришган бошқа овчилар арқонни ушлаб олишган бўлиб, отамнинг имо-ишораларини сўзсиз ижро этишарди. Отам осилиб турган жойда фақат қоялар ва уларга пишқириб урилаётган денгиз бор эди, холос. Атрофида эса қорабузовлар фиғон кўтаришиб, учиб юришарди. Тонг беғуборлигидан худди эрта баҳорни эслатарди; Том ўзича ҳуштак чалганча полапонлар билан овора эди. У менга бу ҳақда неча марта гапирмасин, ҳар сафар пешонасида реза-реза тер пайдо бўларди.

Ишонасизми, Том тасодифан юқорига қараб қоладию тумшуғи билан арқонни узмоқчи бўлаётган улкан қорабузовга кўзи тушади. У ҳайратдан донг қотиб қолади: умрида бунчалик баҳайбат қорабузовни кўрмаган экан. Арқоннинг юмшоқлиги эсига тушади, бунинг устига қорабузовнинг тумшуғи ҳам, Басс қоялари ҳам ниҳоятда мустаҳкам бўлиб, қолаверса, икки юз футлик баландликдан денгизга қулаб тушиш одам учун унчалик кўнгилли иш эмас.

— Киш!— деб қичқиради буни ҳис қилган Том.— Бор йўқол, лаънати!

Қорабузов пастга — Томга назар солади: унинг кўзлари қандайдир даҳшатли экан. У бир марта қараб қўядию кейин яна чўқийверади, жазавага тушиб арқоннинг тити-питисини чиқара бошлайди. Илгари қорабузов арқонни чўқиганини ҳеч ким кўрмаган. Бу қуш эса нима қилаётганини жуда яхши билганидан юмшоқ арқонни қоянинг ўткир қиррасига ишқалашга тушади.

Кўрққаниданми, Томнинг оёқ-қўли музлаб кетади. «Бу қуш эмас», деб ўйлайди. У орқасига қарайдию кўз олди қоронғилашади. «Агар мен ҳозир хотирамни йўқотиб қўйсам борми, алвидо, Том Дэйл!» деб қўяди ўзича. Кейин овчиларга, мени юқорига тортиб олинглар, деб ишора қилади.

Қорабузов эса Томнинг ишорасини гўё тушунади. Шу вайдан дарҳол арқонни тумшуғига қистириб қанотларини потирлатганича юқорига кўтарилади ва қулоқни қоматга келтирар даражада қичқиради: сўнг Томнинг кўзларини ўйиб олиш учун бўлса керак, унинг тепасида айлана бошлайди. Бироқ Томнинг ёнида пичоқ бўлиб, зудлик билан уни қўлга олади. Афтидан, қорабузов пичоқнинг нима эканини ҳам биларди: пўлат қуёш шуъласида ялтираган заҳоти у яна бир бор, лекин бу гал негадир паст товушда қичқирадию худди афсусланаётгандек қоя ортига кетади. Шундан кейин Том уни бошқа кўрмайди. Шу пайт Томнинг боши «шилқ» этиб елкасига тушади ва токи уни юқорига олишгунларича жонсиз жасад каби қоя узра осилиб тураверади.

Унга бир қултум арақ ичиришгандан кейин (у қояга албатта арағини ғамлаб чиқарди) ҳушига келади-ю, лекин хаёли барибир жойида эмасдек туюлади.

— Жорди, қирғоққа югур, қайиққа кўз-қулоқ бўлиб тур!— деб қичқиради.— Бўлмаса, анави қорабузов опқочиб кетади!

Овчилар бир-бирларига қарашади, уни тинчлан-

тиришга уринишади. Лекин Том тинчланмайди, охири кимдир қайикни қўриқлаш учун пастликка тушиб кетади. Бошқалар эса, яна қоядан пастга осилиб тушасанми, деб сўрайдилар.

— Йўқ,— дейди Том.— Ўзим ҳам тушмайман, сизларни ҳам туширмайман. Оёқларимга дармон кириши биланоқ биз манави қарғиш теккан қоядан жуфтакни ростлаб қоламиз.

Ўз-ўзидан равшанки, овчилар тортишиб ўтирмаганлар ва тўғри қилганлар: улар то Шимолий Бервикка етиб боришгунча Томнинг иситмаси кўтарилиб кетади. Кейин бутун ёз бўйи тўшакдан турмайди. Хўш, сизнингча, меҳрибон қўшни сифатида ким унинг ҳолидан кунда-кунора хабар олиб турди? Лэпрайк Тулки! Кейинчалик одамларнинг айтишларига қараганда, Тулки уйимизга яқинлашган чоқда Томнинг иситмаси янада зўрайиб кетар экан. Мен буни эслолмайман, лекин ҳаммаси нима билан якунланганини жуда яхши эслайман.

Кунлардан бир куни, тахминан йилнинг худди ҳозирги мавсуми эди, бувам оқ балиқ овлашга жўнайдиган бўлиб қолди: билмадим — мен қанақа бола эканманки, унинг этагига маҳкам ёпишдим. Ниҳоят, мени ҳам бирга олиб кетди. Эсимда, овимиз бароридан келди: биз балиқ галаси ортидан сузиб кетавердик ва бир пайт Басс қояси яқинига бориб қолибмиз. У ерда каслтонлик Сэнди Флетчернинг қайиғини учратдик. У яқинда вафот этди; агар ҳаёт бўлганида ҳаммасини ўзи гапириб берарди. Хуллас, Сэнди бизни чақириб қолди.

— Ҳув анави Басс қояси устида турган нарса нима? — деб сўради у.

— Басс устидами? — деб сўради бувам ҳам.

— Ҳа-да,— деб жавоб берди Сэнди,— кўм-кўк қияликда турибди.

— У ерда нима бор экан? — деди бувам.— Бассда қўй-қўзилардан бошқа ҳеч нарса йўқ.

— Назаримда, худди одамга ўхшайди,— деди Сэнди; унинг қайиғи бизникига нисбатан қояга яқинроқ турарди.

— Одам! — дедик биз ҳайратланиб ва бу ҳол кўнглимизда аллақандай шубҳа уйғотди.

Ўша кимса қандай қилиб юқорига чиқиб олди экан: қоя пойида ҳеч қандай қайиқ кўринмас, қамоқхонага кириладиган эшик калити эса бизнинг уйимизда — отам ётган йиғма каравот тепасида осиглиқ турар эди.

Биз қайиқларимизни бир-бирига яқинлаштирдикда, қоя томонга сузиб кетдик. Бувамнинг дурбини бор

эди. У илгари денгизда, кемада хизмат қилган, ҳатто балиқчиларнинг дарғаси ҳам бўлган: сўнг кема Тэйск саёзлигида чўкиб кетган. Биз бирин-кетин дурбин билан қояга назар ташладик: ҳақиқатан ҳам у ерда одам бор эди. Кўм-кўк қияликдаги шаршара ёнида, соқчихонадан салгина пастроқда битта одам дикир-дикир сакрар, худди тўйларда ўйнайдиган овсарлар каби тиззалаб рақсга тушарди.

— Ие, ахир у Тулки-ку!— деди бувам, дурбинни Сэндига узатар экан.

— Худди ўзгинаси,— деди Сэнди.

— Ёки кимдир Тулкига айланиб қолган бўлса керак,— деди бувам.

— Унчалик фарқи йўқ,— деб жавоб берди Сэнди.— Шайтоннинг ўзими ёки афсун билан бошқа тусга кирганми, қани, унга милтиқдан ўқ узиб кўрайлик-чи!— Шундан кейин у доим ёнида олиб юрадиган милтиғини аста қўлига олди: Сэнди бизнинг юртимизда энг мерган киши ҳисобланарди.

— Сэнди, шошмай тургин,— деди бувам.— Яна бир марта қараб кўрайлик, тагин бирорта фалокатга йўлиқиб ўтирмайлик.

— Шуниси етмай турган эди ўзи,— деди Сэнди.— Худойимнинг хоҳиш-иродаси шунақа — у яратган эгамнинг қарғишига учраган.

— Эҳтимол, шундайдир, эҳтимол, бундай эмасдир,— деди бувам. У киши фаҳм-фаросатли эди.— Фақат ўлка прокурори ҳам ёдингдан чиқмасин: янглишмасам, сен у билан танишга ўхшайсан-а?

Бувам айна нуқтага урган эди: Сэнди бир оз каловланиб қолди.

— Бўпти, Энди,— деди у.— Хўш, сенингча нима қилишимиз керак?

— Мана бундай қиламиз,— деди бувам,— менинг қайиғим тезроқ сузади: ҳозироқ Шимолий Бервикка қайтиб бораман, сен эса шу ерда, анавидан кўзингни узмай тургин. Агар Лэпрайк уида бўлмаса, дарҳол қайтиб келаман ва биз у билан гаплашиб кўямиз. Мабодо уида ўтирган бўлса, бандаргоҳда байроқ кўтараман: шундан сўнг сен уни отишинг мумкин.

Шундай қилиб, улар бир тўхтамагга келишди ва мен зумраша тезда Сэндининг қайиғига ўтиб олдим: назаримда, бу ерда жуда қизиқ ҳодисани томоша қилишим мумкин эди. Бувам Сэндига кумуш танга берди: милтиқни қўрғошин бўлаклари ва ана шу билан ўқлаб

қўйгин, деди. Шайтон қиёфасидаги лўттибозларга бу энг яхши малҳам бўлади. Кейин битта қайиқ Шимолий Бервик томон йўл олди, бошқаси жойида қолди: биз унда кўм-кўк қияликдаги иблисни кузатиб ўтирдик.

Биз кузатиб турган пайда у тинмасдан сакрайверди, гир-гир айланаверди, худди бизбизакка ўхшарди, баъзан чинқириб ҳам қўярди. Мен гоҳида қизлар қиш кечалари муккасидан кетишиб рақсга тушишганини ва ҳатто тонг отгандан кейин ҳам ўйинни давом эттиришганларини кўрганман. Лекин ундай пайтларда атрофда томошабинлар кўп бўлишарди; боз устига, йигитлар қизларни гиж-гижлаб туришарди. Анави иблис эса яккаю ёлғиз эди. Томоша пайтида ўчоқ ёнига ўтириб олган скрипкачи шўх куй чалиб турарди; бу ерда эса у мусиқасиз ўйинга тушарди, фақат қорабузовлар тепасида чинқиришиб, чарх уриб учишарди, холос. У ерда қизлар ҳали қуйилмаган бўлишиб, томирларида қон гупурарди. Бу ерда эса кекса, семиз одам: шарти келиб, парти қолган лапашанг ўйнарди. Сизлар қандай ўйлайсизлар, билмадим-у, лекин мен кўнглимдаги гапимни айтаман: ўша иблис қувончини ичига сиғдира олмай дикир-дикир сакрарди: эҳтимол, у шайтоний қутқуга учиб, қувонарди, лекин барибир нимадандир қаттиқ мамнунлиги аниқ эди. Мен кўпинча нима учун жодугарлар ва жодуланганлар ўзларининг энг бебаҳо бойлигини — қалбларини иблисларга сотиб юборишар экан-а, деб ўйлайман. Улар юзларини ажин қоплаган, юпун кампирлар ёки дармонсиз, қоқшол чоллар бўлгани туфайли шундай қилишадими? Эсимда бор, Лэпрайк Тулки юрагига шайтон ўрнашиб олгани учун қувониб, бир неча соат давомида тўхтовсиз ўйинга тушди. Шубҳасизки, уларнинг ҳаммаси дўзахда қовуриладилар, лекин бу ёруғ дунёда, шаккоклик қилаётган бўлсам худо кечирсин-у, улардан бахтлироқ одам бўлмайди.

Ниҳоят, биз бандаргоҳ узра байроқ ҳилпираётганини кўриб қолдик. Сэнди фақат шуни кутиб турган эди. У милтиқни қўлига олди-да, эҳтиёткорлик билан мўлжални тўғрилади ва тепкини босди. Ўқ узилди ва қоя томондан нола товуши эшитилди. Биз бўлсак, кўзларимизни уқалаганимизча бир-биримизга тикилардик: ишқилиб, ақлдан озиб қолмадикмикан, деб ўйлардик. Чунки ўқ товуши янграши билан иблис чинқирганча ер тагига кириб кетган эди. Қуёш ҳамон нур сочиб турарди, ҳамон бир маромда шамол эсарди. Бир сония аввал иблис ўйинга тушаётган жой эса бўм-бўш эди.

Мен уйга етиб боргунимча хўнг-хўнг йиғлайвердим, кўрқувдан дағ-дағ титрардим. Катталар ўзларини бир оз яхшироқ ҳис этишарди: Сэндининг қайиғида лом-мим демадик ва фақат ичимизда худойимга илтижо қилиб борардик, холос. Бандаргоҳга яқинлашган пайтимизда тумонат одам тўпланган экан: ҳамма бизни кутиб турарди. Қоя эса қоп-қорайиб кетибди. Маълум бўлишича, Лэпрайкни яна қўлида моккини ушлаганча хотирасини йўқотган, девона мисоли тиржайи-иб турган ҳолатда учратишибди. Битта болани байроқни кўтаришга жўнатишибдию одамлар тўқувчининг уйи атрофида йиғилишибди. Ўз-ўзидан равшанки, бу манзара ҳеч кимга ёқмасди, лекин юраги ачишган бир неча киши шу ерда турарди, ичида худога илтижо қиларди (товушини чиқариб худога илтижо қилишга бировнинг юраги дов бермасди) ва моккини ушлаб ўтирган даҳшатли махлуқдан кўз узмасди. Кутилмаганда Тулки кўрқинчли даражада қичқирганча сапчиб оёққа турадию қип-қизил қонга бўялган кўйи дастгоҳ устига қулайди: жони узилади.

Жасадни кўздан кечиришди. Маълум бўлишича, кўрғошин парчалари худди кўтоснинг чайир терисига урилгандек, жодуланган танага тегиб, қайтиб кетибди, лекин бувамнинг кумуш тангаси тўппа-тўғри юрагига санчилиб қолибди.

Шундай қилиб, Энди ниҳоятда бемаъни воқеани ҳикоя қилиб берди. Хайриятки, кейин бирор кор-ҳол рўй бермабди. Мен юқорида эслатиб ўтганимдек, Нийл ҳам кўрқинчли воқеаларни сўзлаб беришни яхши кўрарди. Кейинчалик эшитишимга қараганда, у тоғли Шотландиянинг барча афсоналарини ёддан билар экан; шунинг учун ўзини энг билимдон одам деб ҳисобларкан. Бошқалар ҳам у ҳақда худди шундай фикрда эдилар. У Эндининг ҳикоясини тинглаб бўлгач, бу воқеани илгарй ҳам эшитганини эътироф этди.

— Меники бу ҳикояни аввал ҳам биларди,— деди у.— Уларнинг номлари Уистин Мор Макжилли Фодриг ва Гэвер Воур эди.

— Вой ёлғончилар-эй!— деди Энди жаҳли чиқиб.— Бу воқеа менинг отамнинг бошидан ўтган, ишқилиб, у гўрида тинч ётсин ва Лэпрайк Тулки ҳам шу воқеанинг иштирокчиси бўлган. Нега сен ёлғон гапиряпсан-а? Ў, кўзларини лўқ қилиб туришини қаранглар! Тилингни

ёвуз ниятли анави тоғлик ҳамтовоқларинг учун асраб қўйсанг бўларди!

Шотландия пасттекисликларида яшайдиган жентельменлар тоғликлар билан яхшигина тил топишиб кетадилар, лекин оддий кишиларнинг тоғликлар билан ошна-оғайни бўлиб кетиши ақлга сиғмайдиган ҳодиса. Бунга ишонч ҳосил қилиш унчалик мушкул эмас: қолаверса, жуда кўп тарихий мисоллар ҳам келтириш мумкин. Мен доимо Энди анави учта Макрегорлар билан ади-бади айтишиб қолса керак, деб ўйлардим. Мана, ҳозир ўртада жанжал чиқиши турган гап.

— Жентельменга бундай дейишга қандай ҳаддингиз сиғди!— деди Нийл.

— Жентельмен эмиш!— деб қичқирди Энди.— Э-э, сизлар қандай қилиб жентельмен бўласизлар ахир, сизлар мол, подага ўхшайсизлар-ку! Четдан ўзларингга бир назар солсаларинг-чи, иннайкейин, димоғларинг-даги қуртлар бирпасда тўкилиб кетарди!

Нийл гэлчалаб болаҳонадор оҳангда сўкиндию бирдан учовининг қўлида ялт-юлт қилаётган пичоқ пайдо бўлди. Ўйлаб ўтиришга фурсат йўқ эди: мен тоғликнинг оёғига шартта ёпишдим уни йиқитиб, пичоқ тутиб турган қўлини остимга босиб олдим. Нима қилаётганимни ўзим ҳам билмасдим. Оғайнилари унга ёрдам беришга шошилишди. Энди иккаламиз қуролсиз эдик: учта Грегорваччага қарши икки киши турардик. Назаримда, биз нажотсиз қолган эдик. Лекин шу тобда Нийл шерикларига гэл тилида қичқирди: бошқалар бу ишга аралашмасин, деб буйруқ берди. У сизга сўзсиз итоат этаман, дея тавба-тазарру қила бошлади. Эртаси кўни ўша ваъдасини яна бир марта такрорлатдим-да, кейин пичоғини ҳам қайтариб бердим.

Биринчидан, ранг-рўйи бўздай оқарганча, жанжал қандай тугашини деворга суюнган кўйи кутиб турган Эндига унчалик ишониб бўлмаслигини жуда яхши билардим. Иккинчидан, тоғликлар устидан муайян даражада ҳукм юритишим мумкин эди, чунки уларга менинг хавфсизлигимни таъминлаш топширилганди. Аммо мен Эндининг иродаси бўш эканига амин бўлдим, демак у каминадан ҳар қанча миннатдор бўлиши мумкинлигига умид қилсам, янглишмасдим. Энди раҳматлар айтавериб, жонимга тегмади. Бироқ менга бошқача муомала қила бошлади ва камина хусусидаги фикри ўзгарган бўлса ҳам ажаб эмасди. Шундан сўнг у менинг ҳамроҳларимдан қўрқиб қолди. Боз устига, биз доимо бирга бўлардик.

ИҶҚОЛГАН ГУВОҲ

Үн еттинчи сентябрь куни — мен қози Стюарт билан учрашишга келишган вақтда ўз тақдиримга қарши бош кўтардим. Унинг «Қирол нишони»да кутиб турганини эсласам, юрак-бағрим эзилиб кетарди; энди мени ким деб ўйлайди, учрашган пайтимизда нима дейди, ахир! Тан олмоғим лозимки, у мен айтган гапларга барибир ишонмайди. Лекин бу қандай адолатсизликки, мен унинг кўз ўнгида қўрқоқ, ёлғончи бўлиб қолсам! Аслида, қўлимдан келган ҳамма ишни қилдим, албатта. Мен имкон қадар мана шу сўзларга дардуаламимни жо этиб, ичимда пичирлардим ва шу мезон асосида барча хатти-ҳаракатларимни текшириб кўрдим. Назаримда, Жеймс Стюартни ўз акамдек кўрардим; ўтмишдаги ишларимдан мамнун бўлдим, энди ҳозирни ўйлаш даркор эди. Мен денгизда юзиб кетолмасдим, қуш мисоли осмонда учолмасдим, аммо менинг ёнимда Энди бор эди. Ночор қолганида ёрдам бердим, у мени ёқтириб қолди — мана шу имкониятдан фойдаланиш мумкин! Ҳа, ҳеч бўлмаса, виждоним қийналмаслиги учун ҳам Энди билан гаплашмоғим лозим эди.

Кеч кириб борар, денгиз сокин, Басс қояси ҳам сукунатга чўмган, фақат тошлар орасидан оқаётган сувнинг оҳиста жилдираши эшитилиб турарди, холос. Менинг оғайниларим ҳар томонга тарқалишган эди: учта Макгрегор қоя тепасига чиқиб кетишди. Энди бўлса офтобшувоқда Тавротини мутолаа қилиб ўтирарди. Мен уни харобалар орасида ухлаб ётган жойида топдим, кўзини очган заҳоти қатор-қатор сабабларни кўрсатиб, ишонтиришга урина бошладим.

— Шос, шундан сўнг сизнинг аҳволингиз яхши бўлишини билганимда эди! — деди у кўзойнаги устидан менга назар ташлар экан.

— Ахир мен битта инсонни қутқариб қолишим, ўз ваъдамнинг устидан чиқишим мумкин-ку! — дедим ўжарлик билан. — Аҳволимнинг яхши бўлгани шу эмасми? Энди, Муқаддас китобда нималар ёзилганини наҳотки билмасангиз? Ахир Таврот қўлингизда турибди-ку! Унда: «Хўш, ўз қалбини яралаган одам учун дунёга эга бўлишдан не фойда бор?» дейилмаганми?

— Ҳа, — деди у, — сизга шундай бўлгани маъқул, албатта. Менга-чи? Мен ҳам ўз сўзимда туришим ке-

рак-ку, ахир. Сиз ўзи мандан нимани талаб қиялпсиз? Сизнингча, ўз лафзимни кумуш тангаларга сотишим лозим экан-да!

— Энди! Ахир мен «кумуш» деган сўзни оғзимга олганим йўқ-ку! — деб хитоб этдим.

— Майли-да, моҳият сўзда эмас, — деб жавоб берди у. — Ҳаммаси шундоқ ҳам тушунарли. Гап шундаки, агар мен сизнинг талабингизга кўнсам борми, оғзимда чайнаб турган насибамдан айриламан. Албатта, сиз мен кўрган зарарни тўлашингиз лозим; олижаноблик юзасидан оз-моз қўшиб беришингиз ҳам мумкин. аммо бу ҳол сотқинлик ҳисобланмайдими? Мен сизнинг пулингизни оламанми, ахир! Э-э, йўқ! Ақлим етгани шуки, агар сизни дорга осиб юборишса, менга нима бўлади? Йўқ, бу иш каминанинг қўлидан келмайди. Азизим, боринг, ишингизни қилинг: Энди бор бобни охиригача ўқиб олсин, халақит берманг.

Эсимда, таклифимни рад этганига ичимда қувондим: бир дақиқадан сўнг эса қонунга хилоф равишда, зўравонлик йўли билан эса-да, мени барча хавф-хатарлардан, нодонликлардан қутқаргани учун Престон-грэнждан ҳам миннатдор бўлдим. Аммо бундай ҳис-туйғулар дарҳол қалбимни тарк этдию Жеймс ҳақидаги фикрлар ҳаёлимни чулғаб олди. Чунки кўрқоқ, бачкана одамларгина ўз бошларини ўйлайдилар, холос. Йигирма биринчи сентябрь — суд белгиланган куни ўзимни қўярга жой тополмай қолдим, бошимни қайси тошга уришни билмасдим: фақат Иррейд оролидагина шундай аҳволга тушган эдим. Куннинг кўп қисмини майса қоплаган нишабликда ётиб ўтказдим, эс-ҳушим ҳам жойида эмасди: қимир этмай ётавердим, миямда эса ҳар хил фикрлар ғужғон ўйнардди. Баъзан кўзим уйқуга кетиб қоларди, лекин тушимда Инверэридаги суд зали ҳол-жонимга қўймасди: маҳбус ҳар томонга аланглаб дом-дараксиз йўқолган гувоҳни қидирарди; мен чўчиб уйғониб кетардим, дилим хуфтон, аъзойи баданим латта мисоли илвираб турарди. Афтидан, Энди тез-тез менга зимдан назар ташлаб қўярди, лекин мен унга мутлақо эътибор бермасдим. Асал ичсам — заҳар бўладиган, дақиқалар чексиз чўзиладиган изтиробли кунларни бошимдан кечирардим.

Эртаси куни, йигирма иккинчи сентябрь — жума куни тонг пайтида қайиқда озиқ-овқат олиб келишдию Энди менинг қўлимга битта пакет тутқазди. Унда ҳеч қандай унвон қайд этилмаган эди, лекин давлат муҳри босилганди. Пакетнинг ичидан иккита хатча чиқди.

Биринчи хатчада: «Мистер Бэлфур, аралашиш кеч бўлганини энди ўзим ҳам тушундим. Унинг саъй-ҳаракатлари кузатилади, обдан ўйлаб қадам ташласа, албатта муносиб тақдирланади», дейилган эди. Бу хат чираниб-кучаниб чап қўлда ёзилганга ўхшарди. Ўз-ўзидан равшанки, хатда уни ёзган муаллиф шаънига доғ туширадиган ҳеч нарса йўқ, агар у фош этилганда ҳам, жазолаш асоссиз бўлиб, имзо ўрнига (алоҳида оқ қоғозга) дабдабали муҳр босилганди. Демак, мен иқрор бўлишим лозимки, душманларим нима қилишаётганини жуда яхши билишарди; шунинг учун, жумлалардан кўриниб турган дўқ-пўписаларга, муносиб тақдирланиш тўғрисидаги ишорага парво қилмаслигим шарт эди.

Иккинчи хат мени кўпроқ ҳайратга солди. «Мистер Бэлфурга хабай бейамизки, кўм-кўк кўзли дўсти ундан жудаям хавотийланяпти». У аёл кишининг қўли билан битилган эди. Бу хатча ҳозирги дақиқаларда, боз устига, давлат муҳри босилган пакетда қўлимга текканидан ниҳоятда ҳайратландим, турган жойимда қотиб қолдим. Рўпарамда Катрионанинг мовий кўзлари намоён бўлди. У — менинг жонажон дўстим эканини ўйладиму юрагим қинидан чиқиб кетар даражада дукурлай бошлади. Лекин бу хатчани ким ёзган ва қандай қилиб Престонгрэнжнинг хабарномасига қўшиб қўйган экан? Энг ҳайратланарлиси шунда эдики, бу хушxabарни, Басс қоясида ҳеч қандай наф келтирмайдиган хушxabарни менга жўнатишни ким лозим топди экан? Мен тахмин қилишим мумкин бўлган бирдан-бир инсон мисс Грант эди. Уч қиз Катрионанинг кўзларига доимо таҳсинлар ўқишарди, ҳатто унинг кўзларининг тусига монанд равишда лақаб ҳам қўйиб олишганди. Мисс Грант эса менга атайлаб бузуқ талаффузда мурожаат этарди; қишлоқиларга хос тўпорилигимдан ўзича куларди. Бундан ташқари, у манави биринчи хабарнома жўнатилган уйда истиқомат қиларди. Яна битта жумбоқнинг ечимини топиш лозим эди: Престонгрэнж нима учун уни шунчалар махфий ишдан хабардор қилди экан, нега ўзининг хатига шундай енгил-елпи хатчани қўшиб юборишга рози бўлди экан? Назаримда, жумбоқнинг калитини топгандек бўлдим. Биринчидан, бу навқирон хоним кишини уялтириш илмини бекорга эгалламаган кўринадди: у отажони устидан мен ўйлагандан-да кўпроқ ҳукмронлигига ажабланмаса ҳам бўлади. Иккинчидан, прокурорнинг доимий усулини назардан четда қолдир-

маслик даркор: у ниҳоятда ғазабланган чоғларда ҳам юзидан «дўстона қиёфадаги» ниқобини ечмасди, ҳар доим суюмли бўлишга ҳаракат қиларди. Афтидан, у мен ўзимнинг ҳозирги ҳолатимдан — асирга тушиб қолганимдан нечоғли қутуриб кетганимни англаб турганга ўхшайди. Эҳтимол, мана шу ҳазиломуз, дўстона мазмундаги хатчани юбориб, мени ғазабдан туширмоқни кўзлагандир?

Ростини айтсам, аслида ҳам шундай бўлди. Эринмасдан менга ғамхўрлик кўрсатган дилбар мисс Грантга нисбатан кўнглимда илиқ туйғу уйғонди. Катриона эсимга тушдию мурасозлик, кўрқоқлик йўлини танла-саммикан, деган хаёлга бордим. Бордию Бош прокурор қиз ҳақида ва менинг у билан танишлигимни билиб қолса... агар хатда айтилганидек, «обдан ўйлаб қадам ташласам» ва унинг кўнглига йўл топсам, оқибати нима бўлади? «Барча қушлар кўриб турган жойга тузоқ қўйишдан ҳеч қандай наф бўлмайди», дейилади муқад-дас Китобда. Начора, демак қушлар одамлардан ақллироқ экан! Менимча, камина прокурорнинг ҳийла-найрангини билиб қолдим-у, лекин барибир унинг тузоғига илиндим.

Мен ниҳоятда тўлқинланиб кетдим, юрагим дукурларди, Катрионанинг кўзлари рўпарамда чўлпон юлдуз мисоли чарақлаб турарди. Лекин шу тобда Энди хаёлларимни паришон қилиб юборди.

— Янглишмасам, хушхабар келганга ўхшайди,— деди у.

Қарасам, у қизиқсиниб менга тикилиб турибди. Шу заҳотиёқ худди тушдагидек Жеймс Стюарт, Инверэридаги суд зали кўз ўнгимда намоён бўлди: хаёлларим мисоли ошиқ-мошиқдаги эшик каби тескари томонга бурилди-қолди. Суд мажлислари баъзан белгиланган муддатдан ҳам чўзилиб кетиши мумкин, деб ўйлардим ўзимча. Агар мен Инверэрига жуда кечикиб етиб борсам-да, лекин Жеймсни барибир қўллаб-қувватлашим ва ўз номимга тушган доғни ювишим мумкин, албатта. Бирпасда, ўйлаб-нетиб ўтирмасдан қандай ҳаракат қилишим лозим эканини англаб етдим.

— Энди, демак сиз мени эртага озод қилиб юборасиз-а?— дедим.

У, ҳеч нарса ўзгаргани йўқ, деб жавоб берди.

— Соати ҳам аниқ кўрсатилганми?— деб сўрадим.

У, менга кундузги соат иккида озод қилиб юбориш топширилган, деди.

— Қаерда? — дедим бұш келмасдан.

— Нима «қаерда?»

— Сиз мени қаерга элтиб кўясиз?

Энди бу ҳақда ҳеч нарса дейилмаганини тан олди.

— Бўпти, жуда соз! — дедим.— Ундай бўлса, қайиқдан қаерда тушишимни ўзим айтаман. Шарқ томондан шамол эсяпти, мен ғарбга қараб кетишим лозим; хув, анави қайиқни тўхтатинг, ўшани ёллаيمان. Биз бугун кун бўйи Форт йўналиши бўйича сузиб кетаверамиз, роппа-роса соат иккида ғарб томоннинг қаерига етиб борсак, ўша жойда мени қирғоққа қўйиб юборасиз.

— Ақлдан озиб қолибсиз! — деб қичқирди у.— Сиз барибир Инверэрига боришни хоҳлаяпсиз-ку!

— Энди, жуда тўғри топдингиз,— деб унинг гапини тасдиқладим.

— Қайсар одам барибир тузалмас экан-да! — деди Энди.— Ростини айтсам, кеча сизга раҳмим келди,— деб қўшиб қўйди у.— Фақат, биласизми, аслида токи кечаги кунга қадар сизнинг ниятингиз нима эканини яхши билмасдим.

Зудлик билан гулханга мой сепиб юбориш лозим эди.

— Энди, гап ўртамызда қолсин-у, лекин сизга битта сирни айтиб қўймоқчиман,— деб гап бошладим.— Кўнглимга тугиб қўйган ниятимнинг афзал томони ҳам бор. Биз тоғликларни қояда қолдириб кетамиз, уларни эртага Каслтондан келадиған қайиқда олиб кетишаверади. Анави Нийл сизга ёмон кўз билан қараб юрибди; ким билади дейсиз, жўнаб кетишим биланоқ у яна пичоққа ёпишса ҳам ажаб эмас; бу жулдурвоқилар ниҳоятда кекчи бўлишади. Бордию тергов қилишса, сиз бемалол ўзингизни оқлашингиз мумкин. Бизнинг ҳаётимиз хавф остида қолди, боз устига бошим учун шахсан жавобгарсиз; шундай қилиб, мени ёввойи одамлардан узоқроқ жойга олиб кетасиз, қолган вақтда қайиқда ушлаб туришга қарор қиласиз. Энди, биласизми, яна нима демоқчиман? — дедим қўлимсираб.— Менимча, сиз оқилона йўл танлагансиз.

— Бор ҳақиқатни айтадиған бўлсам, Нийлга унчалик ачинмайман. Сир эмаски, у ҳам мени хушламайди: сал узоқроқ юрган маъқул. Том Энстер бу ҳайвонларнинг додини бериб қўйган бўларди, албатта (қайиқчи Энстер Файфда туғилган бўлиб, у ернинг аҳолиси гэл тилида сўзлашарди). Ҳа, ҳа, Том улар билан

қандай гаплашишни билади. Агар сал-пал каллани ишлатиб кўрсак, бизни осонликча ҳеч ким қўлга тушира олмайди. Мен ақлдан озган бўлишим мумкин, лекин улар қоя ҳақида ўйлаб кўришни ҳам аллақачон унутиб юборишган. Сиз бўлсангиз, Шос, истасангиз довжурак бўлар экансиз. Ҳаётимни сақлаб қолганингиз тўғрисида гапирмасам ҳам бўлади,— деди у жиддий йўсинда ва розилик аломати сифатида менга қўлини узатди.

Биз ортиқча гап сотиб ўтирмасдан қайиққа ўтирдикда, елканларни кўтариб, қирғоқни тарк этдик. Макгрегорлар ўчоқ атрофида куймаланишиб нонушта ҳозирлашарди, овқатимизни ҳар доим ўшалар пиширишарди, лекин уларнинг биттаси тишдор девор устига чиқди-да, биз қоядан юз футча узоқлашган пайтимизда қочиб кетаётганимизни сезиб қолди — учови худди ини бузилган чумоли мисоли ҳар томонга югура бошлашди, довдираб қолишди: харобалар атрофида зир-зир чопишди, сўнг бандаргоҳга тушишиб, орқага қайтишимизни талаб қилишди. Биз ҳозирча шамолдан пана жойда, Басс қоясининг соясида эдик — сув бетиде улкан доғ лопиллаб турарди. Бироқ кўп ўтмай офтобга чиқиб олдик ва шу заҳоти елканлар шамолда шишиб қайиқ белдамчасигача сувга ботиб кетди ва тез орада қоядан шу қадар узоқлашдикки, уларнинг қичқириви ҳам эшитилмай қолди. Маданиятли кишиларнинг ҳомийлигидан, Таврот ҳимоясидан маҳрум бўлиб қолган кимсалар бошларидан қандай даҳшатларни кечирганларини тасаввур этиш қийин; улар ҳатто ичкилик билан ҳам ўзларига таскин бериша олмасди: чунки шошилинич равишда, яширинча жуфтакни ростлаб қолган бўлсак-да, лекин Энди қўлтиғига коньяк қистириб олишни унутмаган экан.

Бизнинг дастлабки ишимиз шу бўлдики, қайиқчи Энстерни Глейнтей қояси яқинидаги кўрфазда қолдирдик: эртагаёқ қояда қолган кишиларни қутқариб олиш вазифасини унинг зиммасига юкладик. Ўзимиз эса Фортнинг юқори томонига қараб йўл олдик. Эндигина бошланган шамол хийла секинлашди, лекин бутунлай тиниб қолмади. Кун бўйи елкан ёрдамида суздик, аммо тезлик унчалик юқори эмасди, фақат оқшом чўка бошлаган пайтдагина Куинсферрига етиб бордик. Энди ўз бурчига хилоф иш қилмаслигини кўзлаб (албатта, унинг ваколати кучини йўқотмаган бўлса-да!), мен қайиқдан тушмаслигим лозим эди. Аммо соҳил билан хат орқали

алоқа боғлашнинг ҳеч қандай бемаъни томони бўлмас керак, деб ўйладим. Престонгрэнж жўнатган қоғозга чироқ шуъласида бир неча керакли жумла битдиму Энди хатимни Ранкилерга элтиб берди: у жуда ҳам ҳайратланган бўлиши турган гап. Энди ҳамени тўла ақча билан бир соатдан сўнг қайтиб келди. Ундан эртага кундузги соат иккида Клэкманон-Пулада каминани эгарланган саман от кутиб туришини тайинлаб юборишибди. Сўнгра биз арқонга боғланган тошни сувга ташладик — у лангар вазифасини бажарарди; устимизга елканни ёпиниб, уйқуга кетдик.

Эртаси кунни биз Пулага келишилган вақтдан анча илгари етиб бордик ва қиладиган бошқа ишим қолмаганидан кутиб ўтиришга мажбур бўлдим. Мен кўнглимдаги ниятимни амалга оширишга унчалик зўр бермасдим. Агар пичоққа илинадиган баҳона топилса ниятимдан воз кечиб қўя қолардим, лекин ҳеч қандай баҳона йўқ эди: мен орзиқиб кутилган учрашувга кетаётгандек ҳаяжонланардим. Соат бирдан ўтгандан сўнг соҳилда от кўринди: юрагимни ҳовучлаб ўтирганам. туфайли қайиқ олдинга-орқага юзиб, қирғоққа яқинлашгунча тоқатларим тоқ бўлди. Энди менинг озодликка чиқишимни аниқ ҳисобга тўғрилашга интилар, бу билан гўё ваъдасига вафодор эканини кўрсатмоқчи бўларди. Бундан ташқари, у лозим бўлган вақтдан кейин қолишни истамасди ҳам; шунинг учун соат иккидан эллик сония ўтар-ўтмас эгарга миндиму отни қамчилаб, Стирлинг томон қуюндай учиб кетдим. Бир соатдан мўлроқ йўл юрганимдан сўнг, бу шаҳарча ортимда қолди ва Алан-Уотер соҳили бўйлаб кета бошладим. Кутилмаганда бўрон турди, шаррос ёмғир қўйиб берди; кўзимни зўрға очиб борардим, шамол мени эгардан учириб юборай дерди. Бэлкиддернинг шарқий томонидаги ҳувиллаган жойга етиб борган пайтимда қоронғи тушди. Энди мен қайси йўналиш бўйича юришни билмасдим. Боз устига, остимдаги от ҳам ҳолдан тойган эди.

Шу чоққача Алан билан бирга юриб, доимо йўл кўрсатувчиларга қарам бўлиб қолмасликка интилардим. Ниҳоятда шошилиб турганим туфайли ҳозир ҳам вақтимни беҳуда исроф қилишни асло истамасдим. Мен ўзига бино қўйган чавандоз каби жўрттага қайсарлик қилардим. Албатта, адашиб қолишим мумкинлигини билардим. Бўрон ҳам тезда попугимни пасайтириб қўйди.

Мен Уом Вар яқинида ўзимга таниш бўлган жойларни охирги марта кўрган эдим. Янглишмасам, ўшанда кечки соат олтилар бўлганди. Тунги ўн бирларда кўзлаган манзилимга — Дункан Ду уйига етиб олганимни шу пайтгача омадим бароридан келганининг шарофати, деб ҳисоблайман. Мен бир неча соат мобайнида қаерларда тентираб юрганимни фақат от айтиб бериши мумкин холос. Эсимда, от икки-уч марта тойиб, ерга қуладим; бир гал эгардан учиб ҳам кетдим ва мени сел оқизиб юборишига озгина қолди.

Хуллас, от ҳам, чавандоз ҳам қулоқларигача балчиққа ботишди.

Суд ҳақида мен Дункандан эшитдим. Бутун тоғли ўлка суднинг боришини ниҳоятда синчковлик билан кузатиб борарди; Инверэридан чопағон одам тезлигида янгилик тарқаларди. Шанба куни кечқурун ҳам суд тугамаган экан, одамларнинг фикрича, душанбада ҳам суд давом этиши лозим эди. Мен бундан хурсанд бўлдим. Янгиликни эшитганимдан сўнг, овқатланишга ям унамадим: шошилиш керак эди. Дункан йўл кўрсатувчилик қилишга рози бўлдию йўлга тушдим. Йўл-йўлакай ўзим билан олган оз-моз егуликни кавшай бошладим. Дункан бир шиша ароқ билан қўл чироқни бўғчага тугиб олибди: уйлар орасидан ўтаётган пайтимизда у кўчани ёритиб борди, кейин — шамол кучайиши билан чироқ ўчиб қолди. Тун бўйи тинмасдан ёмғир қўйди ва биз тимирскиланиб юришга мажбур бўлдик. Тонг отган маҳалда ҳам тоғлар орасида бемажол адашиб юрардик. Кўп ўтмай биз ирмоқ ёқасидаги кулбага дуч келдик: мезбонлар қорнимизни тўйдиришди-да, тўғри йўлни кўрсатиб қўйишди. Ҳали ибодат бошланишидан анча аввал Инверэри ибодатхонасининг остонасига етиб бордик.

Уст-бошим ёмғирда ивиб қолган, тиззамгача лойга ботган эдим: эгнимдан тинмасдан сув томарди; бениҳоя ҳолдан тойгандим, оёқларимни аранг кўтариб босардим, худди арвоҳга ўхшардим. Уз-ўзидан равшанки; менга христианликнинг барча эзгу ишларидан кўра, қуп-қуруқ уст-бош билан иссиқ ўрин минг марта афзал эди. Лекин айна пайтда энг муҳими одамларга кўриниш, деб ҳисоблаганим туфайли эшикни очдим у лойга беланган Дункан билан бирга ибодатхонага кирдим ва пойғаҳ томондаги бўш ўриндиққа ўзимни ташладим.

— Биродарларим, кези келган пайтда қонун меҳр-шафқат қуроли сифатида талқин этилмоғи лозим, — деди

руҳоний. Назаримда у ўз сўзларидан ҳузур қиларди.

Судья ҳурмат юзасидан ибодат инглиз тилида ирод этиларди. Судьяларни қуролли соқчилар ўраб олишган эди. Эшик ёнидаги бурчакларда ойболталар ялтирарди; одатий ўриндиқлар рўпарасида тизилишиб ҳуқуқшунослар ўтиришарди. Афтидан, руҳоний жуда тажрибали эди шекилли; ибодат пайтида атайлаб римликларга Му-рожаатномадан парчалар ўқир ва Аргайлдан келганлару элгизлик, килкерранлик милордлар, ойболта ушлаган соқчилар, хуллас, бирча қавм унинг сўзларини қошларини чимирганча ҳанг-манг бўлишиб тинглашарди. Бизнинг кириб борганимизни руҳоний билан эшик яқинида ўтирган уч-тўрт киши пайқади, холос. Аммо дарров уларнинг ҳам эсидан чиқиб кетдик. Бошқалар эса қадам товушимизни ҳам эшитишмади ёки унга эътибор беришмади. Қисқаси, камина дўстлару душманлар орасидан жой олдим, бироқ улар менинг ташрифимдан беҳабар эдилар.

Мен Престонгрэнжни таниб қолдим. У ўриндиқда худди от чоптириб кетаётган чавандоз мисоли, олдинга энгашиб ўтирарди: гоҳ-гоҳ руҳонийдан нигоҳини узиб, ҳузур қилиб тамшаниб қўярди — чамаси, ибодат хийла маъқул тушган эди. Чарли Стюарт эса, аксинча, мудрар, юзи оқариб кетган, гапидан, ниҳоятда қийналаётганга ўхшарди. Саймон Фрээр бўлса, диққат-эътиборини бир нуқтага жамлаб турган оломон орасида жонсараклиги билан кўзга яққол ташланиб турарди: у дам-бадам чўнтақларини кавлар, оёқларини чалкаштириб олар, маънодор томоқ қириб қўяр, сийрак қошларини учирар, ўнгу сўл томонига бетоқатланиб назар ташлар, баъзан эснар, баъзан мийиғида илжаяр эди. Гоҳида у тиззасига Тавротни қўйиб, варақлаб кўрарди ва бир неча жумлага кўз югуртирарди, сўнг муқаддас китобни тагин варақлай бошларди-да, охири уни ёпиб қўйиб, оғзини катта очиб эснарди: назаримда зерикканидан нима қиларини билмасди.

Бирдан тиниб-тинчимас Фрээрнинг нигоҳи менга тушиб қолди. Бирпасгина каминадан кўзини узмай, қотиб турдию кейин Тавротдан ярим саҳифани йиртиб олди-да, унга қалам билан нималардир деб ёзди ва ёнида ўтирган кишининг қулоғига алламбалоларни шивирлаб варақни узатди. Хатчани Престонгрэнжга беришди. Престонгрэнж менга тезгина бир қараб қўйди: кейин хатча мистер Эрскиннинг қўлига тушди, ундан герцог

Аргайлскийга ўтди — у икки судьянинг ўртасида ўтирарди: жаноби олийлари ҳам ён томонга ўгирилди-да, беписандлик билан менга нигоҳини қадади. Каминага энг охири қизиқиш билан назар солган киши Чарли Стюарт бўлди: у ҳам қоғозга алламбалоларни битди-да, ёнида ўтирган шеригига узатди, аммо мен хат оломон орасида ўтирган қайси зот қўлига бориб тушганини кўролмадим.

Шундай бўлса ҳам хатча ҳамманинг эътиборини жалб этди: нима учун одамларнинг диққати чалғиётганини билган кишилар (ёки бу нарсадан ўзларини хабардордек кўрсатаётган кимсалар) ёнларида ўтиришган шерикларига шивирлашарди, улар бошқаларга пичирлаб хабар етказишарди: руҳоний эса ибодатхонадаги кутилмаган бесарамжонликдан, хатти-ҳаракатлардан, шивир-шивирлардан норозидек кўринарди. У товушини пасайтириб сўйлай бошлади, сўнгра гапидан адашиб кетди ва ўзига бўлган ишончидан ном-нишон ҳам қолмади: энди руҳонийнинг товуши хотиржам оҳангда жарангламасди. Афтидан, у умрининг охиригача тўртдан уч қисми муваффақиятли ўтган ўша ибодат нима учун охир оқибатда парокандаликка юз тутганини билолмасдан, шу жумбоқнинг ечимини тополмасдан ўтган бўлса ажаб эмас.

Мен эсам уст-бошим шалаббо, ўлардек ҳолдан тойган кўйи ўтирардим: энди нима бўлар экан, деб ташвишланардим. Лекин ташрифим одамлар кўнглига шунчалар ғулғула солиб қўйганидан мамнун эдим.

Ўн еттинчи боб

АФВ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА СЎРОВ

Руҳоний сўзларини тугатар-тугатмас Стюарт менинг қўлимдан ушлаб олди. Бошқалардан аввалроқ ибодатхонани тарк этиш лозим эди: у мени шунчалик қатъият билан эргаштириб кетдики, то одамлар гурас-гурас бўлиб кўчага чиққунларича биз қандайдир уйга кириб олишга улгурдик.

— Хўш, қалай, мен ўз вақтида етиб келдимми?— деб сўрадим.

— «Ҳа» десам ҳам бўлади, «йўқ» десам ҳам бўлади,— деб жавоб берди у.— Жиноий иш кўриб чи-

қилди. Маслаҳатчилар қандай қарорга келганликлари ҳақида бизга фақат эртага эрталаб хабар берадилар. Аммо бу кулгили томоша қандай натижа билан якунла-нишини мен уч кун олдин айтиб беришим ҳам мумкин. Аввал-бошиданоқ ҳаммаси тушунарли эди. Буни судла-нувчи ҳам жуда яхши биларди. «Нима қилсаларинг — ихтиёр ўзларингда,— деб ғудурлади у аввалги куни эшитилар-эшитилмас қилиб.— Герцог Аргайлский ҳо-зиргина мистер Макинтошга айтган гаплардан менинг тақдирим ўзимга ҳам аён бўлди». Э-э, бундан кўра, ўл-ган афзал-ку!

Қудратли Аргайл қаршимизда қаддини ростладию бошимизга палахмон тошин отди, уйимизни куйдирди!

Ҳаттоки, суд назоратчиси ҳам «Офарин!» деб юбор-ди. Худога шукр, мана, ўзингиз келиб қолдингиз: энди мен ноумид бўлмайман. Эман дарахти барибир хушбўй ўсимликлар устидан ғолиб келажак! Кемпбелларнинг додини ўз мулкида берамиз. Шу кунларга омон-эсон етиб келганим учун худога минг қатла шукр!

У бениҳоя ҳаяжонланаётгани учун ўзини йўқотиб қўйдими, нима бало, жомадонидаги лаш-лушларини тўкиб юборди: уст-бошларимни алмаштириб олишимга ёрдам қиламан, деб фақат халақит берар, оёқ остида ўралашарди, холос. У энди мен қандай ҳаракат қилишим лозимлиги ҳақида ҳам лом-лим демади. Афтидан бу борада ўйламасди ҳам. Унинг фикр-ёди: «Кемпбелларнинг додини ўз мулкида берамиз», деган ҳаёл билан банд эди. Мен беихтиёр англадимки; суд дафъатан ўта жиддий ва муросасиз туюлса-да, асли-да бу шунчаки қасосга ташна иккита ёввойи қабиланинг ўзаро низоси эди, холос. Назаримда, менинг дўстим бўл-миш қози ҳам бошқалар каби ёввойи одамга ўхшарди. Қозини ўлка судьяси даврасидаги ҳуқуқшунослар би-лан биргаликда ёки гольф¹ ўйналадиган майдонда эп-чиллик билан човгонда копток ураётган пайтда учратган одам унинг ҳозир ўз қабиласини ҳимоя қилиб сўзлаёт-ганини, жазавага тушаётганини кўрганда борми, на қу-лоқларига ишонарди, на кўзларига!

Жеймс Стюартнинг ҳимоячилари тўрт кишидан иборат бўлиб, улар колстоунлик шерифлар Браун билан

¹Гольф — атрофи чегараланган махсус майдонда човгон билан ўйналадиган копток ўйини бўлиб, Буюк Британияда кенг тарқалган (тарж. изоҳи).

Миллер, Стюарт-Холлдан ташриф буюришган мистер Роберт Макинтош ҳамда кенжа Стюарт эдилар. Ибодатдан сўнг қози уларни нонуштага таклиф этгани, энди эса каминани ҳам илтифот билан даврага қўшилишимни сўради. Дастурхон йиғиштирилгач, шериф Миллер қадаҳидаги майни назокат билан қориштиради экан, бизни қизиқтирган мавзуда суҳбат бошланди. Мен қисқача қилиб ўзимни қандай йўсинда қўлга туширишгани ва асирликда сақлашганини гапириб бердим. Сўнгра улар қотиллик тафсилотининг икир-чикирларини ҳам қайта-қайта сўрадилар. Ростини айтсам, мен илк бора ҳуқуқ-шунослар олдида ўз фикр-мулоҳазаларимни баён этиш, очиқ-ойдин гаплашиш имкониятига эришган эдим. Охири улар энг тушкун хулосага келишдию ўзимнинг ҳам ҳафсалам пир бўлди.

— Қисқаси, Алан қотиллик рўй берган жойда бўлганини тасдиқлаяпсиз,— деди Колстоун,— У Гленурни қандай қўрқитаётганини эшитгансиз. Албатта, сиз у ўқ узмаган эди, деб бизни ишонтиришга ҳаракат қиляпсиз, лекин сўзларингиздан шундай бир тасаввур пайдо бўляптики, гўё у қотил билан тил бириктирган ҳамда унинг йўл-йўриқлари асосида ҳаракат қилган. Эҳтимол, Алан унга бевосита ёрдам берган бўлса ҳам ажаб эмас. Кейин сизнинг сўзларингиздан шу нарса кўриняптики, гўё асир тушиб қолишдан қўрқмасдан, жиноятчи қочиб кетиши учун қўлидан келган ҳамма ишни қилган эмиш. Қандайдир аҳамиятга эга бўлган бошқа кўрсатмаларингиз эса Аланнинг сўзларига ёки Жеймсининг гапларига асосланган, холос. Ваҳолонки, уларнинг иккаласи ҳам айбланувчилардир. Тўғриси айтганда, биз ўз ҳимоя-мизга олган судланувчини қотил билан боғлаб турган занжирни узиб ташламадингиз, балки унга яна битта ҳалқа қўшиб қўйдингиз, холос. Аввал-бошдан ишимизга халақит бераётган — суиқасд ҳақидаги тахминни учинчи шерик тимсолида фақат мустаҳкамлаш мумкин экани хусусида гапириб ўтирмасам ҳам бўлади.

— Фикрингизга қўшиламан,— деди шериф Миллер.— Менинг назаримда, ҳаммамиз энг чатоқ гувоҳни четга суриб ташлагани учун Престонгрэнждан миннатдор бўлишимиз лозим. Уйлайманки, ҳаммадан ҳам кўпроқ ундан мистер Бэлфур хурсанд бўлиши керак. Мана, сиз ҳозир учинчи шерик тўғрисида гапирдингиз: назаримда, мистер Бэлфур тўртинчи шерикка ўхшайди.

— Жентельменлар, менга ҳам гапиришга рухсат этинглар, ахир! — деб қози Стюарт суҳбатга аралашди.—

Қани, бу ишга бошқа томондан ёндошиб кўрайлик-чи! Бизнинг олдимизда бу ишни ўз кўзи билан кўрган гувоҳ турибди: унинг кўрсатмаларини бир четга қўйиб турайлик, аммо у гленгайллик Макгрегорларнинг ифлос, ярамас тўдаси томонидан ўғирлаб кетилган, Басс харобаларида деярли бир ойга яқин тутқунликда сақланган-ку. Агар сизлар шу воқеани ошкор этиб юборсаларинг борми, ундан кейин суднинг бадном бўлишини кўрасизлар! Жентельменлар, ахир бу дунёни остин-устун қилиб юборадиган жанжал бўлади-ку! Бордию қўлимизда шундай кўзиримиз бор ҳолида уларни менинг мижозимни кечиришга мажбур этолмасак, лапашанглик қилган бўламиз, холос.

— Хўп, майли, биз эртагаёқ мистер Бэлфурни ишга солиб юборамиз, дейлик,— деди Стюарт-Холл.— Сизларни ишонтириб айтишим мумкинки, суд бизнинг гапларимизни эшитишга рози бўлгунча Жеймсни дорга ошишга улгуришади. Чунки йўлимизга қатор-қатор ғов қўйилиши аниқ. Албатта, бир оз лоф уриб гапиряпман, аммо умид қиламанки, бундан ҳам кўпроқ шов-шув бўлган воқеани ҳамма эсласа керак: мен леди Грэнж ишини назарда тутяпман. Уша аёл зиндонда ётган пайтда ранкилерлик дўстим мистер Хоуп инсон боласининг қўлидан келадиган ҳамма ишни қилди. Хўш, оқибатда нимага эришди? У ҳатто ўша аёл номидан ҳаракат қилишга рухсат ҳам ололмади. Ҳозир яна худди ўшандай ҳодиса рўй беради: улар эски воситаларни ишга солиб юборадилар. Жентельменлар, биз қабиладараро кураш билан юзма-юз турибмиз. Камина ғурурланадиган қавм-қариндошларимга нисбатан ҳозир бениҳоя нафрат кучайиб кетган. Бу нарса Кемпбелларнинг очиқ-ойдин ғазабию яна ўша Кемпбелларнинг ифлос фисқ-фасодларидир.

Ишонаверинг, шундан сўнг ҳамманинг қулфи дили очилиб кетди: мен ҳуқуқшунос олимларнинг оташин нутқларини тинглаб, жуда узоқ ўтирдим-у, деярли ҳеч қандай наф кўрмадим. Охири қози қизиша бошлади: Колстоун уни силтаб ташлади — попугини пасайтириб қўйди: бирови эса ёнини олди, бошқаси — Колстоунни ҳимоя қилди, хуллас ҳаммаси тинмасдан шовқин-сурон кўтарарди. Кейин улар худди гиламнинг чангини қоқаётгандек бирданига герцог Аргаилскийни савалай бошладилар: албатта, кимдир сийқа усулда қирол Георгни ҳимоя қилишга уринган бўлса-да, аммо у ҳам ўз улушини олди: назаримда сўхбат аҳли фақат бир кишини эси-

дан чиқариб қўйгандек туюларди, яъни Жеймс Гленни ҳеч ким тилга олмасди.

Бу вақт мобайнида шериф Миллер сукут сақлади. Ўрта ёшлардаги қотмагина бу кишининг юзи қирмизи тусда бўлиб, кўзлари чақнаб турарди; унинг товуши босиқ эди, ҳар бир сўзни илмоқли қилиб гапирарди — худди томошабинни лол қолдиришга тиришаётган актёрга ўхшарди. У ҳозир жимгина ўтирарди: бошидан ясама сочини олиб; бир четга қўйиб, қадахни икки қўли билан сиқимлаганча иягини олдинга чўзиб, лабларини буриштирарди, бир сўз билан айтганда шу туришда ҳийла-найрангнинг ёрқин намунаси эди. Унинг ҳам айтадиган гапи бор эканлиги сезилиб турар, фақат қулай фурсат келишини кутарди.

Кўп ўтмасдан ўша қулай фурсат ҳам келди. Шериф Колстоун ўзининг навбатдаги баландпарвоз нутқини судланувчи олдидаги бурчни эслатиш билан якунлади. Назаримда, унинг ошнаси мавзу ўзгарганидан хурсанд бўлиб, қўл ҳаракатлари ва нигоҳлари билан ҳамманинг диққатини ўзига жалб этди.

— Менинг назаримда, битта асосий мулоҳазани эътибордан четда қолдирдик. Ўз-ўзидан равшанки, биз биринчи галда мижозимизнинг манфаатини ўйлашимиз лозим. Лекин ҳозир Жеймс Стюартнинг бошида қилич ўйнатилаётгани йўқ,— деди у ва бизга маънодор нигоҳ ташлаб қўйди.— Мен, мисол учун, айти пайтда қандайдир Жорж Браун, мистер Томас Миллер, мистер Дэвид Бэлфурлар манфаатини ҳам ўйлаш тарафдориман. Менимча, жентельменлар, агар биз мистер Дэвид Бэлфурнинг ўтмишини рисоладагидек акс эттирсак, кўпчилик вигларнинг мазаси қочиб қолади ва мистер Бэлфур шикоят қилиш учун барча асосларга эга бўлади.

Стал атрофида ўтирганларнинг ҳаммаси буйруқ берилгандек бирданига унга ўгирилишди.

— Агар бу тарихни мақсадга мувофиқ равишда дўндириб тортиқ қилсак борми, албатта натижасиз қолмайди,— деб давом этди у.— Қўйдан юқоригача бўлган барча суд ҳокимияти узил-кесил бадном бўлади. Сўнг-ра, менинг назаримда кўпчилик истеъфо беришга тайёргарлик кўриши турган гап.— У сўзлаётиб гўё макр-ҳийласини чархларди.— Мистер Бэлфурнинг ишига қўл урилса, бениҳоя фойдали бўлишини сизларга тушунтириб ўтиришимга ҳеч қандай ҳожат йўқ деб ўйлайман.

Шу заҳотиёқ улар бирданига янги мавзуга ёпишиб

олишди: мистер Бэлфурнинг ишини қандай йўсида олиб бориш лозим, қандай нутқлар тайёрланиши даркор; қайси амалдорлар мансабидан ажраладию уларнинг ўринларига кимлар тайинланади?... Мен фақат иккита мисол келтираман, холос. Саймон Фрэзер билан музокара бошлаш таклиф этилди: агар у кўрсатма беришга розилик билдирса, шубҳасизки, Престонгрэнж гуруҳидаги Аргайл учун ҳалокатли зарба бўларди. Миллер бундай саъй-ҳаракатни бажонидил қўллаб-қувватлади.

— Бизнинг олдимизда лаҳм гўшт турибди,— деди у.— Агар анқайиб ўтирмасак, ҳаммамизга етади.

Назаримда, ҳаммаси лабини ялаб қўйди шекилли. Судланувчини эса унинг ўрнига тавсия этишди. Қози Стюарт ўзининг энг асосий душмани бўлмиш герцогдан қасос олажагини кўз олдига келтириб, ниҳоятда тўлқинланиб кетди.

— Жентельменлар! — деб қичқирди у ўзи қадаҳига ароқ қуяр экан.— Келинглар, шериф Миллернинг соғлиги учун ичайлик! У қонуннинг нечоғли истеъдодли хизматқори эканини ҳаммамиз биламиз. Ичкилик тайёрлаш борасида эса унга тенг келадиган йўқ: мана, қадаҳнинг ўзи бунга далил. Гап сиёсатга бориб тақалса...— Шундан сўнг у қадаҳини бўшатди.

— Ҳа, лекин бу сиёсат сиз назарда тутаётган сиёсат маъносида эмас, дўстим,— деди мақтовни эшитиб эриб ўтирган Миллер.— Керак бўлса, ҳақиқий инқилобдир ҳам, ишонтириб айтишим мумкинки, тарихчилар буни мистер Бэлфур ишининг дастлабки босқичи, деб баҳолайдилар. Мистер Стюарт, эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилинса, бу тинч йўл билан амалга оширилган инқилоб бўлади.

— Мен бунга ҳам розиман, фақат лаънати Кемпелларнинг таноби тортиб қўйилса бас! — деб хитоб қилди Стюарт ва столга мушт туширди.

Ростини айтсам, булар менга унчалик маъқул бўлмади. Аммо бу пихини ёрган фитначиларнинг гўллигидан мийиғимда кулиб ўтирардим. Бироқ мен шериф Миллер бирор мансабга эришиши ва парламентда инқилоб рўй бериши учун уқубатли сарсон-саргардонликларни бошимдан кечирмаган эдим; шунинг учун ўзимни эркин тутиб, суҳбатга аралашдим.

— Жентельменлар, маслаҳатларинг учун сизлардан ниҳоятда миннатдорман,— дедим.— Ҳозир эса, ижозатларинг билан сизларга бир нечта савол бермоқчиман. Биз негадир битта муҳим ҳолатни назардан четда қолдир-

япмиз: бу иш бизнинг Гленлар қабиласидан бўлмиш дўстимиз Жеймсга қандайдир фойда келтириш-келтирмаслигини билишни истардим. Хўш?

Уларнинг ҳаммаси маълум даражада каловланиб қолишди ва ҳар хил жавоб қайтаришди; охир оқибатда Жеймс фақат қиролнинг меҳр-шафқатидан умид қилиши мумкин, деган хулосага келинди.

— Сўнгра, бу иш Шотландияда фойда келтирадими? — дедим. — Уз уясини булғайдиган қуш — ёмондир, деган мақол бор. Болалик чоғларимда Эдинбургда қўзғолон кўтарилганини эшитганман, ўшандан кейин раҳматли марҳума қироличага мамлакатимизни «ёввойи» деб аташ учун баҳона топилган экан; биз бу билан ҳеч нарсага эришмаганимизни, фақат кўп нарсадан маҳрум бўлганимизни мен аллақачон англаб етганман. Кейин қирқ бешинчи йил воқеалари бошландию ҳамма Шотландия тўғрисида гап сотишга тушиб кетди: лекин биз қирқ бешинчи йилда қандайдир ғалабага эришганимиз борасида ҳеч кимнинг фикрини эшитганим йўқ. Мана, энди ўзларингнинг ибораларинг билан айтганда, мистер Бэлфур ишини қўзғатапмиз. Шериф Миллернинг айтишича, тарихчилар буни «дастлабки босқич» деб баҳолашар экан: мен бунга шубҳаланмайман. Фақат уни кулфату умумий шармандалик даврининг дастлабки босқичи, деб баҳолашмаса кошкийди, ана шундан қўрқаман.

Миллер фаҳм-фаросатли бўлгани учун гапни қаёққа бураётганимни пайқаб қолдию дарҳол фикрларимни қўллаб-қувватлади.

— Жуда тўғри айтдингиз, мистер Бэлфур! — деди у. — Ниҳоятда бамаъни фикр.

— Бундан ташқари, бу иш қирол Георгга фойда келтирадими-йўқми, деган масала борасида ҳам ўйлаб кўришимиз лозим, — деб давом этдим. — Афтидан, шериф Миллер бунга алоҳида аҳамият бермаяпти шекилли. Аммо мен жаноби олийларига зарар етказиш мумкинлигига унчалик ишонмайман: аксинча, ўз бошимизга бало орттириб оламиз, холос. Кейин ўзимизни ўнглаб олишимиз даргумон бўлади. — Мен бирортаси эътироз билдирар эканмикан, деб бирпас кутиб турдим, аммо ҳеч ким лом-мим демади. — Шериф Миллер бу ишдан фойда кўрадиган кишиларнинг номларини айтди, — деб сўзимда давом этдим. — Жумладан, бошқалар қаторида каминани ҳам эслатиб ўтди. У киши мени кечирсинлар-у, лекин фикрларига қўшилмайман. Сизларни

ишонтириб айта оламанки, битта инсонни қутқариш масаласи кўндаланг турган пайтда мен бу ишдан бир қадам ҳам орқага чекинганим йўқ, лекин очигини айтсам, менимча, ҳали йигирма ёшга ҳам тўлмаган йигит: боз устига, у келажакда ҳуқуқшуносликни орзу қилиб, кўзғолончи ёки радди мардум деган ном чиқарса қандоқ бўлар экан? Жеймс масаласига келсак, айтиш мумкинки, энди ҳукм ўқилди: унинг фақат битта умиди бор, холос — яъни, афв этилишидан умидвор бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда юқори мансабли амалдорнинг ҳаром-ҳариш ишларини овоза қилмасдан ва мени моҳият-эътибор жиҳатидан ҳалокат ёқасига келтириб қўймасдан туриб, тўғридан-тўғри жаноби олийларига мурожаат этган афзал эмасмикан?

Ҳаммаси қадаҳларига тикилган кўйи миқ этмай ўтираверди: билдимки, менинг таклифим уларга мутлақо ёқмади. Аммо Миллер, одатдагидек, ўзини йўқотиб қўймади.

— Ижозатларинг билан мен ёш дўстимнинг нуқтаи назарини ҳуқуқшунослар тилига таржима қилиб берсам,— деди у.— Каминанинг фикрича, йигит ўзининг ўғирланиш ҳолатини баён этишимизни таклиф этяпти, яъни, унинг гувоҳлигидан маълум маънода афв этиш йўлида фойдаланишимизни ва қирол номига худди шу маъмунда мурожаат қилишимизни ёқлаяпти. Бу таклиф умидимиз пучга чиқмаслигига гаров бўлиши мумкин. У ёмон эмас, эҳтимолки, ҳимоямизга олган судланувчи учун энг яхши восита сифатида хизмат қилар. Ким билади, балки қирол жаноблари афвга муштоқ инсонларга шафқат кўрсатса ажаб эмас, лекин илтимосномани итоатгўйлик руҳида ёзиш керак. Менимча, ўша эслатилган ҳужжатни тайёрлаётган чоқда бунини албатта эътиборга олмақ даркор.

Ҳамма бошини қимирлатдию хўрсиниб-хўрсиниб бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди: чунки дастлабки йўл уларга хийла маъқул эди-да.

— Шундоқ экан, мистер Стюарт, марҳамат қилиб, бизга қоғоз берсангиз: умид қиламанки, шу ердаги беш киши судланувчининг ваколатли вакили сифатида илтимосномага имзо чекишга тайёр бўлса керак.

— Умуман олганда, бундан бирортамизга ҳам зарар етмайди,— деди Колстоун ва яна бир марта уф тортиб қўйди: чунки у ўн дақиқа аввал ўзини Бош прокурор креслосида ўтиргандек тасаввур этаётган эди.

Дастлаб, улар лоқайдлик билан ҳужжат тайёрлашга

киришдилар, аммо бир өз ўтгач, эҳтирослари жўшиб кетди: мен эсам томоша қилиб ўтирардим, фақат баъзи бир саволларига жавоб берардим, холос. Қойилмақом ҳужжат тайёрланди: биринчи галда каминага алоқадор вазият баён этилди: мени қўлга туширган одамга қандай қилиб мукофот ваъда қилингани, қай тарзда ўзимни ҳокимият вакиллари қўлига топширганим, қай йўсинда виждонимга хилоф равишда ҳаракат қилишга мажбур этишгани, қандай қилиб ўғирлаб кетишганию Инверэрига кечикиб етиб келганим ҳақида: кейин тож-тахт ва жамият манфаатини кўзлаб қонуний ҳуқуқлардан фойдаланишдан воз кечилгани хусусида ва қиролдан Жеймсни афв этиш қатъиян сўралаётгани тўғрисида гап кетарди.

Назаримда, бу ишга қурбон бўлган эдим, улар мени худди фитначидек тасвирлашган бўлиб, ўзлари гўё каминани зўрға бадбин хатти-ҳаракатлардан қайтариб қолишган эди. Бунга қўл силтадим, фақат илтимосномага ҳар қандай ҳайъат олдида кўрғазма беришга тайёр эканимни ва бошқа гувоҳларни ҳам чақиришим мумкинлигини илова қилиб қўйишларини таклиф этдим. Шунингдек, менга дарҳол афв этиш ҳақидаги ҳужжатнинг нусхасини беришларини талаб қилдим.

Колстоун гангиб қолди ва бир нималар деб дўнғиллаб қўйди.

— Бу ҳужжат овоза қилинмаслиги лозим,— деди у.

— Бироқ мен Престонгрэнж билан алоҳида ҳисобкитоб қилишим керак,— деб эътироз билдирдим.— Шубҳасизки, дастлаб учрашган пайтимиздан бошлаб у менга дўстона муносабатда бўлди ва ҳозирга қадар ҳеч қандай ёмонлик қилгани йўқ. Жентельменлар, усиз, мен шу тобда ўлиб кетган ёки шўрлик Жеймс билан биргаликда ҳукм ўқилишини кутиб ўтирган бўлардим. Шунинг учун афв этиш ҳақидаги ҳужжатга имзо чекилиши билан мен унинг битта нусхасини Престонгрэнжга топширмоқчиман. Бундан ташқари, эсларингдан чиқмасинки, ўзимнинг хавфсизлигимни таъминлаш учун ҳам ўша нусха керак. Бу ерда менинг душманларим бор, улар ўз қурбонларини бирпасда нариги дунёга жўнатишлари мумкин: герцог Аргайлский бу ерда ўз мулкида турибди, Ловэтларнинг ҳаммаси унинг ёнини олишади; қисқаси, агар бизнинг ҳаракатларимизда қандайдир хатога йўл қўйилса, эртага эрталаб қамоқхонада уйғонмасам гўрғайди, деб қўрқаман.

— Бундай далилларимга қарши ҳеч қандай эътироз

билдириша олмагач, маслахатчиларим ниҳоят талабимга рози бўлишди. Аммо менга битта шарт қўйишди: яъни, мен бу ҳужжатни Престонгрэнжга топшираётган пайтимда ушбу даврада ўтирган барча жентельменлар ҳақида фақат ижобий фикр билдиришим лозим эди.

Бош прокурор герцог қўрғонида тушлик қилаётган экан. Колстоуннинг хизматкорларидан бири орқали хат бериб юбордим, каминани қабул қилишини сўрадим; у зудлик билан мени кимнингдир шахсий уйига етиб келишимни илтимос қилибди. Бордим, Бош прокурор ёлғиз экан; қиёфасидан бирор маънони ўқиб бўлмасди; бироқ ичкарига кираётган пайтимда остонада ойболта ушлаган соқчилар турганини дарҳол пайқадим: англадимки, агар у лозим топса, мени шу заҳотиёқ ҳибсга олиши мумкин эди.

— Бу сизмисиз, мистер Дэвид? — деди у.

— Милорд, мени кўргани кўзингиз учиб тургани йўққа ўхшайди,— дедим.— Авваламбор, жанобларига каминага кўрсатган меҳрибончиликлари учун миннатдорлик билдириб қўймоқчиман. Бундан кейин ҳам ўшандек муомаладан хафа бўлмасдим.

— Мен сизнинг раҳматларингизни аллақачон эшитганман,— деди у қуруққина оҳангда.— Ўйлайманки, фақат миннатдорчилик изҳор қилиш учунгина каминани зиёфатдан чақириб олмаган бўлсангиз керак. Бундан ташқари, агар сизнинг ўрнингизда бўлганимда борми, оёғимни тираб турган асос ниҳоятда омонат эканини асло унутмаган бўлардим.

— Менинг назаримда, милорд, ҳозир бундай гапларнинг ўрни эмас,— дедим.— Эҳтимолки, агар жаноблари манави қоғозга бир назар ташлаб кўрсалар бас, фикримга тўла-тўқис қўшилсалар ҳам ажаб эмас.

У қошларини чимирганча қоғозни диққат билан ўқиб чиқди, кейин баъзи ўринларини гўё ўзаро қиёслаб, салмоқлаб кўраётгандек қайта ўқиди. Унинг юзи бир оз ёришди.

— Бу унчалик ёмон эмас, баттар ҳам бўлиши мумкин эди,— деди.— Барибир, назаримда, мен Дэвид Бэлфур билан танишлигим учун ҳали кўп аттанг қилсам керак.

— Аниқроғи, бу шўрпешона йигитчага кўнгилчанлик қилганингиз учун афсусланасиз, милорд,— деб қўйдим.

У ҳамон қоғоздан кўзини узмасди: аммо дақиқа сайин кайфияти кўтарилаётгани яққол сезилиб турарди.

— Бунинг учун кимга раҳмат айтишим лозим? — деб сўради у энг аввал.— Бошқа йўллар ҳам муҳокама

этилгани сир эмас-ку ахир? Айнан мана шу йўлни ким таклиф этди? Миллер бўлса керак-а?

— Милорд, бу таклиф мёндан чиқди. Ушалар манфаатини кўзлаб, ўз улушимдан воз кечиб қўя қолайин, десам унчалик эътибор беришмади; шундан сўнг мен уларни жавобгарликдан озод қилиб қўя қолдим. Сизни ишонтириб айтаманки, уларнинг ҳаммаси суд жараёни бошланишини жуда иташарди; суд парламентда жиддий ўзгаришлар рўй беришига таъсир этмай қолмасди, албатта. Ушаларнинг биттасининг ибораси билан айтганда, улар «лаҳм гўштга» эга бўлиши ҳам мумкин эди. Уйлашимча, мен бирпас мунозарага аралашмай турганимда борми, улар суд ҳокимиятидаги мойли жойларни ўзаро тақсимлаб олишга ҳам улгуришарди. Бизнинг дўстимиз бўлмиш мистер Саймон билан қандайдир шартнома тузиш таклиф этилган эди.

Престонгрэнж кулимсиради.

— Дўстларимиз эмиш! — деди у. — Мистер Дэвид, сиз нима учун улар билан узил-кесил алоқани йиғиштириб қўйишга қарор қилдингиз?

Мен бор гапни яширмасдан айтдим. Айниқса, Престонгрэнжга алоқадор сабабларнинг икир-чикирларини батафсил баён этдим.

— Нима ҳам дердим, менга нисбатан адолатли йўл тутгансиз, — деди у. — Ахир сиз менинг манфаатимга қанчалик зарар етказган бўлсангиз, мен сизнинг манфаатингизни кўзлаб шунчалик курашдим. Айтинг-чи, бугун қандай қилиб буёққа келиб қолдингиз? — деб сўради. — Суд чўзилиб кетгач, мен қисқа муҳлат белгилаганим учун хавотирлана бошладим: аммо сизни эртага келиб қолса керак, деб ўйлагандим. Лекин бугун келишингизни... хаёлимга ҳам келтирганим йўқ эди.

Ўз-ўзидан равшанки, мен Эндига хиёнат қилмадим.

— Йўлда нечта от алмаштирганимни аниқ ҳисоблаб беролмасам керак.

— Агар мен сизнинг бу қадар ғайратли эканингизни билганимда борми, Бассда кўпроқ муддат меҳмон бўлишингизга тўғри келарди, — деди у.

— Милорд, гап шунга бориб тақалдими, фурсатдан фойдаланиб хатингизни ўзингизга қайтариб бераман. — Мен унга ясама дастхатда битилган номани узатдим.

— Аммо муҳр босилган яна битта қоғоз ҳам бор эди-ку, — деди у.

— У менда эмас, — дедим. — Қоғозга фақат адрес ёзилган, холос. Бу ҳар қандай кишини шубҳалантириб

қўйиши мумкин эди. Иккинчи хатча эса ўзимда турибди; ижозатингиз билан мен уни эсдаликка олиб қўяман.

Назаримда, у афт-башарасини салгина буриштирган-дек бўлди: лекин лом-мим демади.

— Эртага бизнинг бу ердаги ҳамма ишларимиз тамом бўлади ва мен Глазгога жўнаб кетаман,— деб давом этди у.— Мистер Дэвид, агар сиз менга ҳамроҳ бўлсангиз, бошим кўкка етарди.

— Милорд...— деб гап бошладим-у, лекин у сўзимни оғзимдан олди.

— Ростини айтсам, бу билан сиз менга жуда катта яхшилик қилган бўлардингиз,— деди у.— Мен ҳатто Эдинбургга борган пайтингизда бизникида яшашингизни истардим. У ерда учта мисс Грант сизни кўрганларидан ниҳоятда бахтиёр бўлишади: ахир, улар сизнинг дўстларингиз-ку! Агар сизга ёрдам берсам, сиз шундай деб ҳисобласангиз, албатта ана шу йўсинда камина олдидаги қарзингизни узишингиз мумкин, лекин ҳеч нарса ютқизмайсиз, фақат ютишингиз мумкин. Қирол прокурори ҳар доим ҳам номаълум йигитчалар билан апоқ-чапоқ бўлавермайди.

Бизнинг танишганимизга кўп бўлгани йўқ эди-ю, аммо бу одам мени бир неча марта гангитиб қўйишга улгурди: ҳозир ҳам худди шундай аҳволга тушиб қолдим. Мен унинг қизларини мафтун этиб қўйганимга унчалик ишонмасдим: маликаларнинг биттаси каминанинг устидан кулишга ҳам журъат қиларди, бошқа иккитаси эса бор-йўқлигимни билишмасди, десам-да янглишмайман. Энди эса, мен милордни Глазгога кузатиб боришим, Эдинбургда унинг хонадонида яшашим ва у ҳомийлик қиладиган кишилар даврасига қўшилишим даркор эди. У менинг барча гуноҳларимни осонликча кечириб юбораётганининг ўзи ажабланарли бўлиб, каминани ўз ҳимоясига олиб, ҳар томонлама ёрдам бермоқчи бўлаётгани соғлом ақлга тўғри келмасди. Шунинг учун мен унинг пинҳоний нияти бўлса керак, деб ўзимча тахмин қила бошладим. Бир нарса тушунарли эди: агар мен унинг уйида меҳмон бўлсам борми, орқага қайтилادиган кўприк ёқиб юбориларди; кейин ўзимнинг ҳозирги режаларимни амалга ошира олмасдим, қандайдир эркин ҳаракат қилишдан маҳрум бўлардим. Бундан ташқари, агар мен унинг уйига меҳмон бўлиб борсам, афв этиш тўғрисидаги илтимоснома ўз кучини йўқотиб қўймасмикан? Юқори мансабли шахсни айблаётган жабрланувчи ўз хоҳишига кўра, ўша жабркорнинг уйида

яшаётган бўлса, шикоятга жиддий эътибор бериб ўтириш кулгили бўлади-ку! Мен беихтиёр кулиб юбордим.

— Сиз ўша қоғознинг дамини қайтармоқчимисиз? — дедим.

— Ер остида илон қимирласа биласиз-а, мистер Дэвид,— деб жавоб берди у.— Умуман, гапингизда жон бор: мен ўзимни оқлаш учун имкон қидиряпман. Лекин барибир, назаримда, сиз менинг дўстона муносабатимга етарлича баҳо бермаётган кўринасиз. Мистер Дэвид, сизни ҳурмат қиламан, ҳатто сал-пал кўрқаман,— деди у жилмайганча.

— Агар сизнинг орзу-умидларингиз рўёбга чиқишига мадад бера олсам, ниҳоятда бахтиёр бўлардим,— дедим.— Мен қонунга хизмат қилмоқчиман: бу ишда жанобларининг ёрдамига муҳтожман, албатта. Бундан ташқари, сиздан ва сизнинг оилангиздан кўнгилчанлик қилгани, мени деб қайғураётгани учун миннатдорман. Аммо бу ишда жиддий қийинчилик бор. Битта масалада мен билан сизнинг нуқтаи назаримиз мос келмаяпти. Сиз Жеймс Стюартнинг дорга осилишини истайсиз, мен эсам уни қутқуриб қолмоқчиман. Сизга ҳамроҳ бўлсам, ўзингизни оқлаш учун қулай имкониятга эга бўласиз; майли, мен хизматингизга тайёрман. Лекин бу саъй-ҳаракатим Жеймс Стюартнинг қатл этилишига замин ҳозирлайдиган бўлса, ростини айтсам, нима қилишга ўзим ҳам ҳайронман.

Назаримда, у ичида сўкиниб қўйди.

— Сиз албатта қонуншунослик соҳасида хизмат қилмоғингиз лозим, истеъдодингизни тўла-тўқис рўёбга чиқарадиган бошқа бир муносиб касб бўлмаса керак,— деди у афсусланиб ва бирпас ўйга толди. Кейин яна сўзлай бошлади: — Ишонсангиз-чи, Жеймс Стюартнинг қатл этилиши ёки омон қолиши ҳақида гап кетаётгани йўқ, ахир! Қолаверса, Жеймсни энди ҳеч нарса қутқариб қололмайди: унинг ҳаёти аллақачон бой берилган, тортиб олинган ёки керак бўлса, харид қилинган ва сотилган. Ҳеч қандай илтимоснома ёрдам бермайди, садоқатли мистер Дэвид томонидан дўстлик бурчи бузилса ҳам унга ҳеч қандай зарар бўлмайди. Билиб қўйингки, нима бўлганда ҳам у асло афв этилмайди! Энди гап менинг тақдирим хусусида кетяпти: оёқда туриб қоламанми ёки қулаб тушаманми? Сиздан яшириб ўтирмайман; камина баъзи бир хавф-хатар билан юзма-юз турибди. Мистер Дэвид Бэлфур бунинг сабабларини билишни истарми-кан? Гап мен Жеймсни қонунга хилоф равишда судга

берганим хусусида эмас. Улар бу масалага парво қилишмайди. Ҳатто мистер Дэвид Бэлфурни Басс қоясида зўравонлик йўли билан ушлаб турганимга ҳам парво қилишмайди: тўғри, куч ишлатганимдан тонмайман, лекин айна пайтда осон йўлни ҳам танламадим: уни нариги дунёга жўнатиб қўя қолмадим. Ваҳолонки, каминани худди шу йўлга бошлашарди. Барча кўнгилсизликлару мана бу лаънати илтимосноманинг асл сабаблари — шу ёқда.— У тиззасида турган қоғозни шаппатилаб қўйди.— Мен ич-ичимдан сизни яхши кўрганим туфайли охир оқибатда ўзим оғир аҳволга тушиб қолдим. Хўш, сизнинг виждонингиз тирикми, тузоқдан қутулиб кетишимга ёрдам берасизми? Мен шуни билмоқчиман, холос.

Шубҳасизки, унинг сўзлари деярли ҳақиқат эди: агар энди Жеймсга ёрдам беришнинг сира ҳам иложи бўлмаса, табиий равишда яна кимга ёрдам беришим мумкин? Рўпарамда эгнини қисиб, мунғайиб ўтирган, бир пайтлар каминани балои қазолардан қутқариб қолган кишига ёрдам беришим лозим эмасми? Бундан ташқари, ўзимнинг бадгумонлигимдан, қайсарлигимдан изтироб чекардим, ҳатто уялардим.

— Агар сиз учрашув вақтини ва жойини тайинласангиз, мен жанобларига йўлдош бўлишга тайёрман,— дедим.

У менинг қўлимни сиқиб қўйди.

— Менимча, қизларимнинг сизга айтадиган янги гаплари йиғилиб қолган бўлса ажаб эмас,— деди у мени кузатиб қолар экан.

Мен у билан ярашиб олганимдан ниҳоятда мамнун бўлдим. Бундан ташқари, босиб ўтган йўлимга хаёлан назар ташлаб, меъёридан ортиқроқ кўнгилчанлик қилиб юбормадиммикан, деб ўйлай бошладим ва ичимни мушук таталаётгандай бўлди. Бошқа томондан қаралса, у отам тенги киши бўлиб, ниҳоятда зийрак эди ва керакли пайтларда менга ёрдам қўлини чўзганди. Кайфиятим хийла кўтарилди; оқшом чоғи қонуншунослар даврасида яйраб-яшнаб ўтирдим, дурустгина ҳордиқ чиқардим. Сўзсиз, даврамиз бемаъни эди. Бироқ биз жуда кўп миқдорда бўза ичиб юборибмиз чамамда; шунинг учун мен қандай қилиб ўз ўрнимга кириб ётганимни ҳозиргача аниқ эслолмайман.

КОПТОК

Эртаси куни эрталаб судьянинг хонасида ҳеч кимга кўринмайдиган жойда яшириниб ўтирганимча Жеймнинг иши бўйича маслаҳатчиларнинг қарорларини ва ҳукмни эшитдим. Ишончим комилки, герцог Аргайлский нутқидаги ҳар бир сўзни эслаб қолган бўлсам керак; унинг нутқидаги машҳур бир парча қизгин мунозараларни кўзғади. Мен ҳам ўз фикримни билдиришим мумкин, албатта. Судга раислик қилаётган Кемпбеллар қабиласининг йўлбошчиси қирқ бешинчи йилни хотирлаб, бахтиқаро Стюартга мурожаат этди:

— Агар ўшанда сизлар кўтарган кўзғолон бостирилмаганда борми, ҳозир сиз қонун бўйича жавоб бериб ўтирган жойингизда ўзингиз бошқаларни қонунларга бўйсундириш билан машғул бўлардингиз. Эҳтимолки, бугунги сизнинг ҳакамларингиз қаршисида қўл қовуштириб туришга мажбур бўлсак-да, ажаб эмасди: албатта, унда одил судлов томошаси намойиш этилиши турган гап эди ва сиз ўзингизга душман ҳар қандай оила ёки қабиланинг қонини ичишингиз мумкин бўларди.

— «Ўҳ-ҳў, оғзига келган гапни валақлаяпти-ку»,— деб ўйладим. Ҳаммада шундай таассурот уйғонган эди, чамамда. Бундай ҳодисадан навқирон қозилар хурсанд бўлишиб, унинг нутқини мазахлашларини кўриб ҳайрон қоларди киши. Ошна-оғайнилар қандайдир стол атрофига тўпланиб қолишса бас, кимдир дарҳол аския бошларди: «Ана, иннайкейин, сиз бурнингиздан чиққунича ичишингиз мумкин эди...» Уша пайтларда шу воқеага бағишланиб бир қанча ҳазил-мутоиба кўшиқлар тўқилганди, энди уларнинг ҳаммаси одамларнинг эсидан чиқиб кетди. Эсимда бор, битта кўшиқ мана бундай бошларди:

Кеп қолинг! Кимнинг қонини ичасиз, кимнинг қонини?
Оилавий қондан қуяйми ёки қабила қонидан?.. Кеп қолинг!
Балки ўжар шотланд тоғликлари қонига
Бошқоронғи бўлгандирсиз-а?

Мен кўпинча хиргойи қилиб юрадиган «Эрлининг уйи» кўшиғи оҳангида тўқилган ашула эса қуйидаги сатрлар билан бошланарди:

Суд қиладиган ҳам, ўлдирадиган ҳам Аргайл:
Ана, Стюартни қовуштириб, дастурхонга тортишди...

Ўша ашуланинг битта бандида шундай дейиларди:

Шу пайт герцог ўрнидан турдию ошпазини тузлади:

«Бу не бедодлик, бу не ҳола?

Энди мен бечора нима қиламан —

Аблаҳ қабиланинг қонини қандай ичаман!»

Жеймс тил тортмай ўлди: гўё герцог сездирмасдан унинг ёнига бориб, манглайига милтиқ тираб туриб ўқ узгандек бўлди. Албатта, мен шундай бўлишини билардим, лекин бошқалар билишмасди: шунинг учун суд жараёнидаги фош қилувчи фактлар, айниқса, раиснинг нутқи кўпчиликни довдиратиб қўйди. Аммо Колстуон судланувчини ҳимоя қилиб нутқ сўзлаётган чоқда маслаҳатчилардан биттаси унинг сўзини бўлиб, судьяни очиқ-ойдин қўллаб-қувватлади: «Сэр, илтимос қиламан, қисқароқ бўлсин, чунки биз ниҳоятда чарчаганмиз!» Албатта, бу шармандалик ва безбетлик нишонаси эди. Суд жараёнининг сохта эканини кўрсатадиган, уни бадном қиладиган яна битта ҳодиса рўй бердики, бундан менинг янги дўстларим ёқаларини ушлашди: гувоҳлардан бирини умуман залга таклиф этишмади. Унинг фамилиясини рўйхатларнинг тўртинчи саҳифасидан ўқиш мумкин эди: «Жеймс Драммонд, Макгрегор ҳам ўша. Жеймс Мор ҳам ўша, илгари Инверонахилда ижарадор эди». Қоидага кўра, ёзма равишда у дастлабки терговдан озод қилинганди. У Жеймс Стюартнинг зиммасига тушадиган оғир жиноятларни эсларди ёки ўйлаб топар (рост ё ёлғон гапираётганини худо билади) ва шу йўсинда ўз улушини юлиб оларди. Агар ўша гувоҳнинг ўзини чапараста саволлар билан қийнамасдан, кўрсатмалари маслаҳатчиларга таништирилганда борми, сохталикни кўришиб, ҳаммаси дод деб юборишарди. Қоғоз залда қўлдан-қўлга ўта бошлади; у худди камёб топилмага ўхшарди; ўша қоғоз маслаҳатчилар ўтиришган ўриндиққа ҳам етиб борди ва орага қутқу солдию ҳимоячига етиб бормасдан (тасодифан) яна йўқолиб қолди. Буни энг бадкирдор далил деб билишарди; бу ишга Жеймс Морнинг номи аралашиб қолгани учун Катриона олдида ўзимни гуноҳкор ҳис эта бошладим ва тақдирим қил устида турганидан хавотирландим.

Эртаси куни биз Престонгрэнж икковимиз кўпгина

хамроҳларимиз билан биргаликда Глазгога йўл олдик. У ерда (бахтга қарши) майда-чуйда ишлар билан хийла ушланиб қолдик. Милорд мени доимо ўз ёнида олиб юрди: битта хонадонда яшадим, кўнгилочар зиёфатларда қатнашдим, у мени энг ҳурматли меҳмонлар билан таништирди, хуллас, иқтидорим, ижтимоий аҳволим шунга арзийдимми-йўқми, ишқилиб, каминага алоҳида марҳамат кўрсатди. Бегона одамлар олдида Престонгрэнжнинг хатти-ҳаракатлари учун тез-тез қизарардим. Ростини айтсам, илгари асилзодалар тўғрисида бошқача фикрда бўлганимни ўйласам, ўзимдан-ўзим уялиб кетардим. Асл зоти ва иқтидори жиҳатидан Исроил подшоси бўлишга арзийдиган кўплаб кишилар билан учрашдим. Афсуски, уларнинг ҳеч бирининг қўли тоза эмасди. Браунлару Миллерлар борасида шуни айтишим мумкинки, мен уларнинг манфаатпараст кимсалар эканига гувоҳ бўлдим ва ихлосим қайтди. Ҳарҳолда, Престонгрэнж авлиё экан; бошқалар мени имижимида гумдон қилиб юборишмоқчи бўлган пайтда ҳаётимни асраб қолди, меҳр-шафқат кўрсатди, бироқ у Жеймснинг бошини еган эди, шунинг учун ҳозирги мунофиқлигини асло кечира олмасдим. У гўё гурунглашиб, ҳузур қилаётгандек таассурот қолдиришга ҳаракат қилардики, бу ҳол мени ҳайратга соларди, ҳатто жаҳлимни чиқарарди. Мен унга қараб туриб, ич-ичимдан афсусланардим. «Азиз дўстим, агар сен анави илтимосномадан омон-эсон қутулиб олганингда, мени аллақачон бир бурчакка улоқтириб ташламас эдингми?» дердим ўзимча. Худди шу ўринда, кейинги воқеалар кўрсатдики, мен унга нисбатан адолатсизлик қилардим; энди билсам, у аввал-бошдан ўйлаганимдан кўра самимийроқ, устомонроқ инсон экан.

Аммо унга ишонмасликка баъзи бир асосларим бор эди. Чунки ёш қонуншунослар унинг мурувватига эришиш учун атрофида парвона бўлишарди; илгари барчага нотаниш йигитчага Бош прокурорнинг меҳрибонлиги дастлаб ёш қонуншуносларни хийла доводиратиб қўйди, аммо орадан икки кун ўтар-ўтмас улар каминанинг теварагида гиргиттон бўла кетишди. Мен улар бир ой илгари кўкрагидан итариб, ёнларига яқин йўлатишмаган ўша йигитча эдим: ўтган вақт ичида яхшироқ, келишганроқ бўлиб қолганим йўқ, лекин энди эшитмаган мақтов сўзларим деярли қолмади! Назаримда, мен «деярли ўшаман» дедим шекилли? Йўқ, бу гап нотўғри, ўша пайтда менинг юзимга айтилган лақаб —

бунга асос бўлади. Мен прокурорга яқин бўлганим туфайли, ҳали юқорига кўтарилиб кетишимга ишончлари комил эди; шунинг учун каминага «Гольф ўйналадиган копток» деб ном қўйиб олишди. Энди менинг ҳам «уларнинг одамига» айланиб қолганимга яққол ишора этишар, агар илгари тошбағирлик қилишган бўлса, бундан сўнг менинг жойим шинам эди. Бир пайтлар Хоуп хиёбонида мен билан танишган бир йигит шунчалар ўзига ишонардики, ҳатто ўша учрашувни эслатиб ҳам қўйди. Мен, ўша учрашувни эшлашни ҳам истамайман, дедим.

— Сэр, бўлиши мумкин,— дедим.— Лекин кечирасиз-у, эслолмадим.

Шундан кейин у хиралик қилишни бас қилдию кўнглимни айнитиб турган жирканч қайфият ўрнини сархушлик эгаллади.

Ўша пайтдаги воқеаларни батафсил тасвирлашга мутлақо тоқатим йўқ. Мен ёш қонуншунослар даврасига тушиб қолган пайтимда ўзимдан-ўзим тўпорилигим учун уялиб кетаверардим, аини чоғда уларни иккиюзламачилиги учун кўргани кўзим йўқ эди. Престонгрэнж икки тўп ахлатнинг кичикроғи бўлиб, шу туфайли навқирон асилзодалар олдида тишимнинг оқини кўрсатмасам-да, прокурор қаршисида иккиюзламачилик қилардим, уни ёмон кўришимни сездирмасликка тиришардим, кекса Кемпбелл ибораси билан айтганда, «хўжайинга лаганбардорлик»ни қойиллатар эдим. Ич-ичимдан изтироб чекаётганимни унинг ўзи пайқаб қолди ва мени койиб берди: ёшимга ярашадиган муомала қилишга ундади, тенгдошларингиз билан дўстлашиб олинг, деди.

Мен унга, биров билан дўстлашиб кетишга жуда қийналаман, деб жавоб бердим.

— Бўпти, мен сизни биров билан дўстлашиб олинг, деб қистамайман,— деди у.— Лекин, хушмуомалалик деган оддий тушунчани унутмаслик лозим, мистер Дэвид. Анави йигитчалар билан кўп вақт бирга бўлишингизга тўғри келади, умрингиз деярли шулар даврасида ўтади. Сиз бир чеккада бегонасираб тураверсангиз, бу ҳол бошқаларга калондимоғликка ўхшаб кўринади, агар эмин-эркин муомала қилишни ўрганиб олмасангиз борми, ҳали йўлингизда жуда кўп тўсиқларга учрашингиз мумкин.

— Кечасию кундузи тинмасдан ювган билан барибир қора кўппак оқариб қолмайди,— дедим.

Биринчи октябрь куни эрталаб дупур-дупурдан уйғониб кетдим; дераза ёнига югуриб бориб, кўчага қарасам, чопар отини шитоб йўрғалатиб келаётган экан. Орадан бир қанча вақт ўтгач, Престонгрэнж мени ўз ҳузурига чақиртирди: у эгнига халат, бошига тунги қалпоқ кийиб олган эди, олдида битта хат ётарди.

— Мистер Дэвид, мен сизга битта янгилик айтмоқчиман,— деди.— Бу янгилик сизнинг дўстларингиздан бири ҳақида, аммо унинг мавжудлиги хусусида ҳеч қачон лом-мим демаган эдингиз. Эҳтимол, шундай дўстингиз борлигидан уялардингиз шекилли.

Назаримда, мен дув қизариб кетдим.

— Баъзи бир нишонларга қараганда, сиз нима демоқчи эканимни дарров пайқаганга ўхшайсиз,— деди у.— Табриклайман, дидингиз чакки эмас экан! Лекин биласизми, мистер Дэвид, бу қиз ниҳоятда уддабурон кўринади! Чамамда, ҳеч қачон эпчилликни қўлдан бермас экан. Шотланд ҳукумати суд жараёни тартиби билан мисс Кэтрин Драммондни таништириб боришга қодир эмас: бир пайтлар қандайдир мистер Дэвид Бэлфур ҳам ҳукумат эйтиборидан четда қолган эди. Улар бир-бирига муносиб эр-хотин бўлишади, тўғрими? Бу қиз сиёсатга илк бора аралашяпти... Умуман, мен батафсил изоҳ бериб ўтирмайман, ҳаммаси аллақачон ҳал бўлган, имзо чекилган; сиз бу воқеа тафсилотларини бошқа шароитда, сўзомол киши оғзидан эшитасиз. Бироқ бу галги иш бениҳоя жиддий. Мен сизга шумхабарни айтишга мажбурман: қиз қамоққа олинибди.

Мен инграб юбордим.

— Ҳа, ўша қиз қамоқда экан,— деди у.— Лекин сизни ишонтириб айтаманки, ноумид бўлишга ҳеч қандай асос йўқ. Агар сиз ўз дўстларингиз ва илтимосномангиз ёрдамида каминани истеъфога чиқаришга муваффақ бўлмасангиз — бас, қизга ҳеч нарса қилмайди.

— Аммо у нима қилиб қўйибди? Айби нима экан? — деб қичқирдим.

— Агар ёмон томонга бурилса, давлат хоини сифатида айблониши мумкин,— деб жавоб берди у.— Чунки у Эдинбургдаги қирол қалъасидан жиноятчининг қочиб кетишига кўмаклашган.

— Ўша қиз менинг чин дўстим бўлади,— дедим.— Ишонаманки, агар бу иш жиддий бўлганда борми, сиз мен билан ҳазиллашиб ўтирмасдингиз.

— Маълум маънода бу иш жиддий, албатта,— деди у.— Зумраша Кэтрин шубҳали кимса бўлмиш ўз отасини озодликка чиқариб юборибди.

Шундай қилиб, менинг тахминларимдан биттаси ҳақиқат бўлиб чиқди: Жеймс Мор яна озодликка эришган эди. Мени тутқунликда ушлаб туриш учун у ўз одамлари орқали хизмат қилди; ўз хоҳишига кўра Эпин можароси бўйича гувоҳ сифатида иштирок этди, ноқулайроқ бўлса-да, унинг кўрсатмаларидан маслаҳатчиларга таъсир ўтказиш учун фойдаланилди. Ҳукумат кишилари халқни лақиллатиш учун уни жўрттага қочириб юборишган эди гўё, аммо мен гап нимада эканини жуда яхши билардим: дастлабки шартномага кўра, худди шундай бўлиши лозим эди. Шунинг учун Катриона тақдиридан сира ҳам хавотирланмасдим. Майли, у отамни қамоқхонадан ўзим озод қилиб юбордим — дарвозани мен очиб бердим, деб юраверсин; қиз ҳақиқатан ҳам шундай фикрда бўлса ажаб эмас. Бироқ буларнинг ҳаммасида Престонгрэнжнинг ҳиссаси бор ва ишончим комилки, у қизни ҳатто суд қилишларига ҳам йўл қўймайди: жазолаш ҳақида эса гап бўлиши мумкин эмасди. Шу тобда мен енгилтаклик қилиб бир-икки оғиз гап айтиб қўйдим:

— Ҳа! Мен шунақа бўлишини билардим!

— Сиз баъзан ниҳоятда камсуқум бўлиб қоласиз,— деб қўйди Престонгрэнж.

— Милорд бу билан нима демоқчи экан? — дедим қизиқсиниб.

— Мен шунчаки ўзимнинг ҳайратланганимни билдирдим, холос.— деди у.— Мана шу найрангни илғаб олишга ақлингиз етибди-ю, бу ҳақда сукут сақлаш лозимлигига эса етмай қолибди. Лекин, менимча, сизни тафсилотлар ҳам қизиқтирса керак. Мен иккита хабарнома олдим, норасмий маълумот батафсилроқ, қизиқарлироқ, чунки уни тўнғич қизим йўллаган. «Ҳозир шаҳарда фақат мана шу ажойиб иш тўғрисида гапиришяпти,— деб ёзади у.— Агар ўша жиноятчи қизга милорд, яъни менинг отам ҳомийлик қилаётгани маълум бўлиб қолса борми, мисли кўрилмаган шовқинсурон кўтариларди. Ишончим комилки, сиз бурчга садоқат туфайли (эҳтимол, бунинг бошқа сабаблари ҳам бўлиши мумкин) Кўккўзни унутмасангиз керак. Биласизми, ўша қиз нима қилди? У кенг соябонли, сўлжайиб турадиган шляпа, эркакларнинг узун, хипча плаши, бўйинга ўраладиган катта рўмол топибди,

юбкасини эса худо билади, қанчалик юқорига кўтарганини, иштон кийиб олибдию чипта ямоқ солинган бир жуфт бошмоқни қўлтиғига қисиб қалъага борибди. У ерда ўзини этикдўз деб таништирибди. Жеймс Мор бошмоқларини ямаб бериш учун менга топширган эди, дебди. Кейин уни ичкарига киритиб юборишибди, лейтенант эса (афтидан, у жуда хушчақчақ кўринади) ўз аскарлари билан биргаликда этикдўз эғнидаги рўдапо плашни мазахлаб роса хахолашибди. Кўп ўтмасдан улар дод-вой, тасир-тусур товушларни эшитиб қолишибди. Бир маҳал этикдўз ташқарига чиқибди: унинг плаши ҳилпирарди, шляпаси бостириб кийилган эди, хуллас, у бирпасда жуфтакни ростлаб қолибди. Лейтенант ўз аскарлари билан уни орқасидан мазахлашибди. Бироқ улар ичкарига мўралашган чоғда аёллар кийимидаги сарвқомат кўккўз қизни кўришибдию донг қотиб қолишибди! Этикдўз бўлса аллақачон қорасини кўрсатмай кетган экан. Назаримда, бахтсиз Шотландия бу айрилиққа энди кўникиши лозим. Бугун оқшом мен ҳамманинг олдида Катрионанинг саломатлиги учун қадаҳ кўтардим. Тўғри, шаҳримиз аҳолиси ўша қиз билан мағрурланиб юришибди; менимча, агар одамларнинг қўлидан келса, унга қафасга қамалган булбулжонни элтиб беришарди. Қамоқхонага бориб, уни кўриб келмоқчи бўлдим, лекин бирдан отамнинг қизи эканимни эслаб қолдим у хат ёзиб қўя қолдим ва мактубни садоқатли Дойгдан бериб юбордим. Шундай қилиб, агар мен истасам эҳтиёткор бўла олишим мумкинлигига ўзингиз яна бир марта тан берарсиз, деб умид қиламан. Ўша садоқатли аҳмоқ менинг хатимни бошқа донишмандлар номаси билан биргаликда сизга элтиб беради; мана, сиз энди соддадил қизингизнинг гапларини Сулаймон пайғамбарнинг доно фикрлари билан қиёслаб кўришингиз мумкин. Айтмоқчи, аҳмоқлар тўғрисида: сиздан илтимос, Дэвид Бэлфур хусусида батафсилроқ хат ёзиб юборинг! Узун оёқ қиз унинг мушкул аҳволга тушиб қолган пайтдаги қиёфасини бир кўришга ниҳоятда орзуманд! Сизнинг суюмли қизингиз ўша йигитни ҳурмат қилади, деб яна бир бора енгилтаклик қилмоқчи эмасман, албатта». Кейин менинг ярамас қизим гажакдор имзо чекибди!— деб қўшиб қўйди Престонгрэнж.— Кўрдингизми, мистер Дэвид, мен тўғри гапирганман: қизларим сизга бегараз ҳазил қилишяпти.

— Аҳмоқ бундан бағоят миннатдор, албатта,— дедим.

— Ростини айтинг-чи, томоша зўр бўлибди-а? Ахир тоғдан тушган ўша қиз ҳақиқий қаҳрамонларга ўхшамайдими?

— Мен унинг юраги беғубор эканига ҳеч қачон шубҳа қилмаганман,— дедим.— Ишончим комилки, у буни ҳатто хаёлига келтирмасди.— Мени кечирасиз, камина тақиқланган мавзуга ўтиб кетдим шекилли.

— Ҳатто бунга кафолат беришим мумкин,— деди у тўғридан-тўғри.— Ҳа, ҳа, кафолат беришим мумкин, ўша қиз шахсан қирол Георгга қарши бош кўтаряпман, деб ўйлаган.

Катрионанинг номи эслатилгач ва уни қамоқда ўтирганини билганимдан сўнг жуда ташвишга тушиб қолдим. Қизнинг саъй-ҳаракатларига ҳатто Престонг-рэнж ҳам қойил қолди ва мийғида кулиб қўйди. Мисс Грант гарчанд бировнинг устидан кулмай туролмайдиган бўлса-да, қойил қолганини очиқ-ойдин тан олган эди. Бирдан менинг жаҳлим чиқиб кетди.

— Мен жанобларининг эркатой қизи эмасман...— деб гап бошладим.

— Буни ўзим ҳам биламан!— деб гапимни бўлди у, кулимсираб.

— Мен бемаъни гап қилдим,— дедим ўзимни оқлаб.— Еки, аниқроғи, бундай демоқчи эмасдим. Шубҳасизки, мисс Грант қамоқхонага бормасдан яхши иш қилибди. Назаримда, мен ҳозироқ ўша томонга йўл олмасам, дўстга муносиб иш қилмаган бўламан.

— Уҳ-хў, мистер Дэвид! — деди у.— Биз, янглишмасам, сиз билан келишиб олган эдик шекилли?

— Милорд, шартларга рози бўлган пайтда, албатта, мен ўз манфаатимни ҳам кўзлаганимни яшириб ўтирмайман ва яхшилигингиз учун сиздан чексиз миннатдорман. Мен ич-ичимдан манфаатпарастликка йўл қўйганимдан тонмайман; энди ўзимдан-ўзим уялиб ўтирибман. Албатта, ҳаммаёқни тўс-тўполон қилиб юрган ўша Дэвид менинг дўстим бўлади, у менинг уйимда яшаяпти, деб ҳаммага ва ҳар бир кишига гапириб юришингиз мумкин. Начора, гапираверинг, буни рад этмоқчи эмасман. Бироқ бундан кейин менга ҳомийлик қилишингизга ҳеч қандай ҳожат йўқ. Фақат бир нарсани илтимос қиламан: менга ўша қиз билан қамоқхонада кўришишим учун рухсатнома ёзиб, кетишимга ижозат берсангиз.

У норози қиёфада назар ташлади.

— Назаримда, бу ишга тескари томондан ёндошяп-

сиз,— деди у.— Менинг хайрхоҳ эканимни билиб олдин-гиз-у, лекин кўнглингиздаги ғаразни барибир чиқариб ташламабсиз. Тўғриси айтиш керак, мен ҳали сизга ўз ҳомийлигимни совға ҳам қилмадим, таклиф ҳам этмадим.— У бир оз нафасини ростлаб олди.— Огоҳлантириб қўймоқчиман: сиз ўзингизни яхши билмас экансиз,— деб илова қилди.— Шошқалоқлик — ёшликка хос хусусият. Бир йилнинг ичида сиз бутунлай ўзгариб кетасиз.

— Шундайлигим ўзимга ёқади! — деб қичқирдим.— Мен сизнинг марҳаматингиздан умидвор бўлаётган адвокатваччаларни кўрдим, улар ҳатто менга ҳам лаганбардорлик қилишяпти. Бас, тўйдим! Ҳа, қариялар ҳам улардан афзал эмас. Уларнинг ҳаммаси, бутун қабиласи ғаразли мақсадни кўзлайдилар, холос. Шунинг учун ҳам жанобларига менинг хатти-ҳаракатларим шубҳали туюляпти. Хўш, хайрхоҳ эканингизни нима билан исботлашингиз мумкин? Сизга керак эканимни ўзингиз тан олдингиз-ку, ахир!

Шундан сўнг бирор ножўя гап айтиб юборишдан хавотирланиб, нафасимни ичимга ютдим: у менга лоқайдлик билан тикилиб турарди.

— Милорд, кечирасиз,— дедим яна тилга кириб.— Мен қишлоқда туғилганман, манзират қилишни билмайман. Лекин, барибир менинг назаримда, одоб юзасидан ҳам қамоқда ётган дўстимни бориб кўришим лозим. Бироқ ҳаётимни сақлаб қолганингизни ҳеч қачон унутмайман; агар жанобларига фойдам тегадиган бўлса, шу ерда қолишим ҳам мумкин. Қилган яхшилигингиз учун сизга мўносиб миннатдорлик билдиришим шарт.

— Биз бир арава гап сотиб ўтирмасдан, осонликча шундай хулосага келишимиз мумкин эди,— деди Престонгрэнж қатъий оҳангда.— Шунчаки «ҳа» деб қўйишдан осонроқ нарса йўқ.

— Милорд, сиз гапимни яхши англамабсиз! — деб хитоб қилдим.— Мен ғаразли мақсад учун эмас, сиз учун, ўз ҳаётим учун, (ўзингизнинг иборангиз бўйича) менга хайрхоҳ бўлганингиз учун розилик билдирдим. Агар ўша қизни суд қилишаётган пайтда, ўзимнинг ҳозирги шароитимда, бир четга чиқиб турсам, фақат фойда қиламан, холос. Мен эсам, бундан ҳеч қандай манфаат кўришни истамайман. Ўз ҳаётимни бундай асосга қургандан кўра, уни барбод этишни афзал деб биламан.

У бир дақиқача ўзини жиддий тутиб турди-да, кейин кулиб юборди.

— Узун бурунли киши тўғрисидаги эртақ эсингиз-дами? — деди у. — Агар дурбинда ойга қарасангиз борми, у ерда ҳам Дэвид Бэлфурни кўрардингиз?! Майли, айтганингизча бўла қолсин. Мен сиздан фақат бир нарсани илтимос қиламану кейин ижозат бераман. Мирзаларим бошларини қашлашга ҳам вақт топиша олмаёпти. Илтимос, манави бир неча саҳифани кўчириб беришга ёрдамлашиб юборсангиз, — деди у бир тўп қоғоз уюмидан қўлига илинганича олар экан. — Ишни тугатган заҳотингиз кетаверасиз, оқ йўл! Мен мистер Дэвиднинг виждонан қийналишини асло истамайман. Агар йўл-йўлакай бу қоғозларнинг бир қисмини зовурга ташлаб юборсангиз, энгилгина бўлиб йўлга тушардингиз.

— Бироқ ундан кейин мен бутунлай бошқа томонга кетсам керак ахир, милорд! — дедим.

— Шундай бўлса-да, охирги сўзни барибир ўзингиз айтасиз! — деб хитоб қилди у кулимсираб.

У бекорга кулмаётган эди, чунки энди ўз мақсадига эришмоқнинг янги воситасини топганди. Илтимоснома-мизни пўтурдан кетказиш ёки тап-тайёр жавоб ҳозирлаб қўйиш учун у мени гўё ўзига яқин одам сифатида жамоатчиликка кўринишимни истарди. Аммо мен худди шу тарзда — жамоатчиликнинг кўз ўнгида Катриона ётган қамоқхонага кириб борсам, одамлар Жеймс Морнинг қочиши борасидаги ҳақиқатни билиб олишади, албатта. Мен уни мана шундай қийин аҳволга солиб қўйган эдим, лекин у бирпасда бундан чиқиш йўлини топди. Камина шунчаки одоб юзасидан ҳам қўлёзмаларни кўчириб беришдан бош тортолмасдим: мен Глазгода ушланиб қолган бир неча соат мобайнида улар ими-жимиди Катрионани қочириб юборишди. Менга жуда кўп яхшилик қилган киши тўғрисида бундай гапларни ёзишим — уят. У отамдек меҳрибон эди, аммо мен дарз кетган кўнғироқ каби сохта савлат соҳиби, деб ҳисоблардим.

Ун тўққизинчи боб

ХОНИМЛАР КАМИНАНИ ЗАБТ ЭТИШМОҚЧИ

Қоғозларни қайта кўчириш ниҳоятда зерикарли, уқубатли машғулот эди. Боз устига, ёзишмаларда

қандайдир майда-чуйда масалалар ҳақида гап кетарди. Демак, бу қоғозлар мени ушлаб туриш учун бир баҳона эди, холос. Ишни тугатишим ҳамоно зудлик билан отга миндим: вақтни зое кетказмасдан қоронғи тушгунча йўл босдим ва Элмонд-Устер яқинидаги қандайдир хонадонда тунаб қолдим. Тонг ёришмасдан яна отга миндим: уни елдек учириб Эдинбургга кириб борганимда Уэст-Бау растасидаги дўконлар эндигина очилган эди. Бош прокурор хонадони остонасида эгар-жабдуқларни ечиб олаётган маҳалим от бечорадан ҳовур кўтариларди. Чўнтагимда милорднинг ишончли ходими бўлмиш Дойг номига битилган мактуб бор эди. Айтишларича, прокурор ундан ҳеч қандай сир сақламас экан: ходим одмигина, миқтидан келган, ўзига ишонадиган ажойиб киши эди; ундан тамаки ҳиди уфуриб турарди. У тамаки қолдиқлари туфланавериб, ифлос бўлиб кетган маҳкамада ўтирарди; бир замонлар мен худди шу қабулхонада тасодифан Жеймс Мор билан учрашиб қолган эдим. У худди Тавротга мук тушгандек, хатчани синчиклаб ўқиб кўрди.

— Ҳм-м,— деди у.— Мистер Бэлфур, сиз оз-моз кечикибсиз. Қушча учиб кетди — биз уни озод қилиб юбордик.

— Сиз мисс Драммондни озод қилиб юбордингизми? — дедим ишонқирамай.

— Ҳа-да,— деб жавоб берди у.— Ўзингиз ўйлаб кўринг-чи, хўш, биз уни ушлаб ўтирганимиздан нима фойда чиқарди? Битта зумрашани деб шовқин-сурон кўтаришимиз лозим эмас-ку, ахир!

— Ҳозир у қаерда? — деб сўрадим.

— Э-э, худо билади! — деди Дойг, елкаларини қисиб.

— Эҳтимол, у леди Аллардайс хонадонига равона бўлгандир,— дедим.

— Ҳа, айнан ўшаёққа кетган бўлиши мумкин,— деди у.

— Бўпти, мен ҳам ўшаёққа кетдим! — дедим.

— Эй, йўлга чиқишдан аввал бирор нарса еб олмайсизми? — деб сўради у.

— Йўқ, ҳозир томоғимдан ҳеч нарса ўтмайди,— дедим.— Ратода сут ичган эдим.

— Ҳа, шунақами,— деди Дойг.— Хўп, ундай бўлса, отингизни, лаш-лушларингизни ташлаб кетаверинг: ҳойнаҳой, бизникида меҳмон бўларсиз?

— Э-э, йўқ,— дедим.— Бундай кунда ўлсам ҳам пиёда юришни истамайман.

Дойг халқона йўсинда, гапирарди, мен ҳам худди унга ўхшаб қишлоқчасига сўзлайвердим, албатта, бу ерда ёзаётганимдан оддийроқ тарзда кимдир ортимда манзумадан бир бандни кўшиқ қилиб кўйлай бошлаган чоқда номусдан ўлай дедим.

Қуролдош дўстларим, эгарлангиз

Учқур отимни!

Ва мен севги қанотида парвоз этиб,

Дилбар маъшуқамнинг қошига берай!

Ортимга ўгирилдим уйлик кўйлақдаги қизга кўзим тушди; у гўё мени ёнига яқин чорламаётганини кўрсатиш учун қўлларини енгларига яшириб олган эди. Лекин унинг қарашлари сажимий эди, буни дарҳол сездим.

— Мисс Грант, ҳурматингиз учун таъзим бажо келтиришга ижозат беринг,— дедим.

— Мистер Дэвид, мен ҳам сизга таъзим қилмоқчиман,— деб жавоб берди у қаршимда эгилиб таъзим қилар экан.— Мен сизга кўҳна мақолни эслатиб қўймоқчиман: ибодат ҳам, гўшт ҳам эркакларга ҳеч қачон зарар етказмайди. Мен сизни ибодат қилишга таклиф этолмайман, чунки биз олижаноб протестантлармиз. Лекин сизга бир бўлак гўшт тановул қилишни қатъиян маслаҳат бераман. Бу пайт мобайнида баъзи бир қизиқ воқеаларни гапириб бераман: ўйлайманки, шунинг учун бир оз вақтингизни аямасангиз аттанг қилмайсиз.

— Мисс Грант, назаримда, мен шундоқ ҳам бир парча қоғозга ёзиб юборган бир қанча яхши хушхабарларингиз учун сиздан миннатдорман. Имзосиз хатчангиз эсингиздами? — дедим.

— Имзосиз хатми? — деб қайта сўради у хаёлчан тарзда, гўё ниманидир ўйлашга тиришарди.

— Агар мен янглишаётган бўлсам, яна афсусланаман, холос,— деб давом этдим.— Бўпти, бу ҳақда гаплашишга ҳали имконимиз бўлади; отангиз менга сизлар билан битта хонадонда истиқомат қилишни таклиф этди, ахир. Лекин шу тобда аҳмоқ сиздан фақат озодлик беришингизни сўрайди.

— Сиз ўзингиз ҳақингизда номақбул фикр билдирыяпсиз,— деди у.

— Биз мистер Дойг икковимиз янада номақбулроқ лақаб олсак ҳам хафа бўлмасдик; фақат ўша лақаб сизнинг қаламингиз билан ёзилса кифоя,— дедим.

— Мен яна эркакларнинг камтарлигига таҳсин ўқиш-га мажбурман,— деди у.— Агар сиз овқатланишни истамасангиз, тўхтовсиз равишда йўлга отланишингиз мумкин. Умид қиламанки, тезда қайтиб келасиз: ахир ишингиз ниҳоятда бемаъни, бора қолинг, мистер Дэвид!— У эшикни очиб қўйди.

У эгарга сакраб миндию қичқирди:
Ё раббим! Ўрмону далалар оралаб
Говлардану товлардан ошиб,
Дилбар маъшуқамнинг қошига борай!

Мен икки марта рухсат сўраб ўтирмадим, албатта. У айтган қўшиқ мисраларини Дин йўлида ўзимча тарозига солиб кўрдим.

Кекса Аллардайс хоним боғда ёлғиз сайр этиб юрган экан; бошига иссиқ жун қалпоқни қўндириб олибди, қўлида кумуш суви юритилган ҳасса. Мен шоша-пиша унинг олдига бордим-да, таъзим бажо келтирдим: у бирдан қизариб кетди ва худди ҳақиқий қироличаларга ўхшаб бошини юқорига кўтариб, мағрур ҳолатга кирди.

— Каминанинг фақирона оstonасига сизни қандай шамоллар учириб келди? — деб қичқирди у димоғидан чиқаётган ингичка товушда.— Мен уни ҳимоя қилишдан ожизман. Оиламдаги ҳамма эркаклар ўлиб кетишган, барчаси ер остида ётишибди. Эшигимни қўриқлайдиган на ўғлим, на эрим бор. Дуч келган дайди иягимдан тортиши мумкин; энг даҳшатлиси — гўё менинг иягимда соқолим бор, деб ўйлашади,— деди у худди ўзига ўзи гапираётгандек.

У мени бу йўсинда қарши олгани учун жаҳлим чикди; айниқса, телба-тескари охирги сўзларини эшитганимдан сўнг нима дейишимни ҳам билмай қолдим.

— Афтидан, хоним, сизнинг ғазабингизни қўзғайдиган бирор ножўя иш қилиб қўйганга ўхшайман,— дедим.— Шундай бўлса-да, мисс Драммонд қаерда эканини билмоқчи бўлаётганимни яшириб ўтирмайман.

У ич-ичидан ўртаниб менга нигоҳ ташлади, лабини тишлади; юзида сон-саноксиз ажин пайдо бўлди: ҳасса тутиб турган қўли дир-дир титрарди.

— Сурбетлик ҳам эви билан-да! — деб қичқирди у.— Сен ўша қизни мендан сўраяпсанми? Худойим-эй, кошкийди билсам!

— Демак, бу ерда йўқ экан-да?! — деб хитоб қилдим.

У бошини мағрур тутганча оғзидан боди кириб-шоди чиқиб, тўппа-тўғри устимга бостириб кела бошладию мен каловланиб орқага чекидим.

— Шумқадам ёлғончи! — деб аюҳаннос солди у.— Нима-нима? Сен мендан яна ўша қизни сўраяпсанми? У қамоқхонада ётибди, ўзинг тиқиб қўйдинг-ку! Вассалом! Худонинг қарғишидан қўқмайсанми, шўртм-шук! Қўрқоқ, ярамас! Агар оиламда битта эркак бўлганда борми, сени вой-войлатиб роса дўппослатардим!

У борган сари қутуриб кетаётганини кўрдиму бу ердан тезроқ жуфтакни ростлаб қолишга қарор қилдим. Мен отимни қоziқдан ечиб олиш учун кетаётганимда ҳам у орқамдан эргашиб борди; ростини айтсам, бундан уялиб ўтирмайман, битта оёғим узангига илиниши билан қамчи босдим у йўл-йўлакай иккинчи оёғимни ҳам узангига киритиб олдим.

Мен энди Катрионани қаердан излашни ҳам билмасдим. Шунинг учун Бош прокурорнинг уйига қайтишдан бошқа иложим қолмади. Бир жойда тўпланишиб ўтиришган тўрт аёл мени хуш-хандон кутиб олишди ва Престонгрэнж ҳақидаги янгиликларни, Фарбдаги миш-мишларни гапириб беришимни илтимос қилишди: ҳикоям жуда узоқ давом этди, деярли ҳолдан тойиб қолдим. Айти пайтда мен ёлғиз қолишни истаётган анави қиз масхараомуз тикилиб ўтирарди: гўё тоқатим тоқ бўлаётганидан ҳузур қиларди. Ниҳоят, мен улар билан биргаликда овқатланишга мажбур бўлдим. Кейин эндигина уларнинг холасидан мени мисс Грант билан ёлғиз қолдиришларини илтимос қилмоқчи бўлиб турганимизда, қизнинг ўзи ноталар сақланадиган папкани титкиладию у ердан битта варақа танлаб олди ва авж пардаларда куйлай бошлади: «Қимки маслаҳатга қулоқ солмаса, жавобдан ҳам қуруқ қолади». Шунга қарамасдан бир оз ўтгач, у жаҳлидан тушди ва меҳрибонлик билан қўлтиғимдан олдию бир нималарни баҳона қилиб, мени отасининг кутубхонасига эргаштириб кетди. У ниҳоятда яسانيб олганидан кўзни қамаштирадиган даражада чиройли эди.

— Хўш, мистер Дэвид, келинг ўтиринг-чи, юзмаюз гаплашиб оламиз. Мен сизга кўп гап айтишим керак; бундан ташқари, ростини айтсам, ўз вақтида сизнинг дидингизни муносиб баҳолай олмаган эдим.

— Мисс Грант, қайси маънода гапиряпсиз? — деб

сўрадим.— Назаримда, мен ҳар доим сизни ҳурмат қилардим.

— Мистер Дэвид, мен сизга кафолат беришга тайёрман,— деди у.— Сиз ўз қадрингизни ерга урмайсиз, шикастанафс яқин дўстларингизни ҳурмат қиласиз: бундай фазилат ҳар қандай мақтовдан устун туради. Лекин бу шунчаки гап, холос. Сиз менинг хатчамни олдингизми? — деб сўради у.

— Мен ўша хатни сиз ёзган бўлсангиз деб ўзимча тахмин қилган эдим. Унутмасиз, раҳмат! — дедим.

— Ҳойнаҳой, сиз жуда ҳайрон қолган бўлсангиз керак,— деди у.— Аммо, келинг, бафуржа гаплашайлик. Умид қиламанки, сиз учта зерикарли қизни Хоуп хиёбонига кузатиб боришга рози бўлган кўнингизни ҳали эсингиздан чиқармаган бўлсангиз керак-а? Боз устига, мен унутсам — шунга яраша баҳонам бор; чунки сиз лотин тили грамматикаси бўйича менга сабоқ бердингиз ва бу ҳол юрагимда ўчмас из қолдирди.

— Ишқилиб, сизга ҳарфхўр муаллимга ўхшаб кўринмаган бўлсам кошкийди! — дедим ўша хотирадан ўзимни ноқулай ҳис этиб.— Лекин мен аёллар даврасида ўтиришга кўникма ҳосил қилмаганман, буни ёдда сақлашингизни илтимос қилардим.

— Мен бўлсам, лотин грамматикасига кўникма ҳосил қилганим йўқ,— деди у.— Лекин сиз нима учун ўз ҳамроҳларингизни ташлаб кетдингиз, ахир? «Ва у кичкина Эннини бортдан улоқтириб ташлади!»— деб хиргойи қила бошлади у.— Кейин кичкина Энни иккита синглиси билан худди эгаси ташлаб кетган ғозлар мисоли уйларига қайтиб борди. Менга маълум бўлишича, сиз отамнинг ҳузурига ташриф буюрибсиз-да, жангарилик қилибсиз, сўнгра бошингиз оққан томонга равона бўлибсиз: аниқланишича, Басс қоясига чиқиб кетибсиз: гўзаллар борлигини унутиб юборибсиз, ёввойи қушларни дўст тутибсиз.

У мени мазахлаб ўтирди, лекин қарашлари самимий эди ва мен бундан ўзимни хийла тетик ҳис этардим.

— Сиз мени қийнаб ҳузур қиласиз,— дедим.— Мен бўлсам, бечораман, раҳмингиз келсин, ахир! Ҳозир мен фақат бир нарсани билишни истайман: Катрионага нима бўлди?

— Мистер Бэлфур, сиз унга ўзининг олдида ҳам шундай деб мурожаат қиласизми? — деб сўради у.

— Тўғриси айтсам, эсимда йўқ...— дедим дудуқла-
ниб.

— Агар сизнинг ўрнингизда мен бўлганимда, бегоналар олдида уни шундай деб атамасдим,— деди мисс Грант.— Айтмоқчи намуноча ўша қизнинг ишларига қизиқиб қолдингиз-а?

— Эшитишимча, у қамалибди,— дедим.

— Хўп, лекин энди эшитдингизки, уни озод қилиб юборишибди,— деб жавоб берди у.— Сизга яна нима керак? Ахир, энди у ҳимоячига зор эмас-ку.

— Бону, у менга зор бўлмаслиги мумкин, лекин мен унга зорман,— дедим.

— Мана бу бошқа гап! — деди мисс Грант.— Қани, менга яхшилаб бир қаранг-чи! Наҳотки, мен ундан чиройли бўлмасам-а?

— Мен сизнинг чиройли эканингизни эътироф этмай иложим йўқ, чиндан ҳам гўзалсиз! — дедим.— Бутун Шотландияда гўзалликда сизга тенг келадиган қиз бўлмаса керак.

— Ана, кўрдингизми, ёнингизда ўтирган қизга ғолиблик нишонини беряпсиз-ку, лекин бошқа бир қиз ҳақида гапиришни хоҳлаяпсиз,— деди у.— Мистер Бэлфур, сиз бундай йўл билан аёлларнинг кўнглини овлай олмайсиз.

— Бироқ, мисс, гўзалликдан ташқари, яна бир нималар бўлади,— деб эътироз билдирдим.

— Бу сўзларингиздан, демак мен сизнинг дидингизга мос қиз эмас эканман, деган хулоса чиқаришим мумкинми?— деб сўради у.

— Илтимос, тўғри тушунинг, мен худди қайсидир масалдаги жавоҳир дон топиб олган хўрозга ўхшайман,— дедим.— Рўпарамда ғаройиб марварид турибди: унга боқиб, ёқамни ушлаб ўтирибман, аммо менга бир донагина ҳақиқий дон керак, холос.

— Қойил! — деб хитоб қилди у.— Ниҳоят, мен ҳақиқий нутқни эшитдим; шунинг мукофоти тариқасида сизга ҳамма нарса ҳақида гапириб бераман. Сиз бизни ташлаб кетган ўша оқшомда бир дугонамникига меҳмонга бордим ва уйга анча кеч қайтдим: у ерда мени кўкларга кўтариб мақташди. Албатта, сиз ўз фикрингизда қолишингиз мумкин. Хўш, мен қандай гапларни эшитдим? Қалин жун рўмолга ўраниб олган қандайдир қиз мен билан суҳбатлашишга ижозат сўраётган эмиш. Оқсоч хотин, у бир соатдан бери кутиб турибди ва доимо ўзича дўнғиллаяпти, деди. Дарҳол унинг истиқболига пешвоз чиқдим. У менга кўзи тушган заҳоти ўрнидан турди: бир қарашдаёқ танидим. «Ие, ахир бу Кўккўз-ку»,

деб ўйладим ичимда. Аммо одоб билан сукут сақлаб турдим, лом-мим демадим. «Сиз мисс Грантмисиз? Хайрият! — деди у менга жавдираганча тикилар экан.— Ҳа, у рост гапирган экан: сиз чиндан ҳам гўзалсиз». «Азизим, мени худойим шундай яратган,— деб жавоб бердим.— Аммо бемаҳалда сиз буёққа нима учун келганингизни айтсангиз, сиздан бениҳоя хурсанд бўлардим». «Бону, биз қондошмиз — икковимизнинг томирларимизда ҳам Эпин фарзандларининг қони оқяпти», деди у. «Азизим, Эпин ҳам, унинг фарзандлари ҳам мени ўтган йилги қордан ортиқ қизиқтирмайди,— деб эътироз билдирдим.— Чиройли юзингизда қотиб қолган кўзёшингиз эса сизнинг фойдангизни таъминлайдиган далилдир». Шундан сўнг мен аҳмоқлик қилиб, уни ўпиб олдим. Албатта, сиз буни фақат орзу қиласиз, холос. Гаров бойлашим мумкинки, сиз ҳеч қачон бунга журъат этмайсиз. Мен боя аҳмоқлик қилдим, дедим. Чунки уни яхши билмасдим, аммо у мен ўйлагандан кўра ҳам оқила қиз экан. У ниҳоятда садоқатли, довюрак, аммо умрида меҳр-муҳаббатдан бенасиб бўлиб ўсган шеклли; меҳрибонлигимни кўриб (ростини айтсам, мен унга шунчаки яхши гапирган эдим, холос), бирпасда юрагидаги дардини тўкиб солди. Мистер Дэвид, мен аёл зотининг сирини ҳеч қачон ошкор этмайман ва у мени қандай йўсинда лақиллатиб кетганини ҳам гапириб ўтирмайман: чунки у худди шундай восита билан сизни ҳам алдаб кетиши турган гап. Ҳа, у гўзал қиз! Бамисоли булоқ сувига ўхшайди — топ-тоза.

— У мўъжиза! — деб хитоб қилдим.

— У менга бошига тушган мусибатларни гапириб берди,— деб давом этди мисс Грант.— Отасининг тақдирдан ташвиш тортаётганини, ҳеч қандай сабаб бўлмаса ҳам сиз бирор кўргиликка йўлиқшингиздан қўрқаётганини ва жўнаб кетганингиздан сўнг ниҳоятда оғир аҳволга тушиб қолганини ҳикоя қилди. «Мен жуда кўп ўйладим, бир қарорга келишим осон бўлмади. Ахир биз қондошмиз-ку, деди у.— Мистер Дэвид сизни гўзалларнинг гўзали; деб таърифлаган эди. Охири миямга бир фикр келиб қолди: «Агар у росдан ҳам гўзал бўлса, демак албатта меҳрибон бўлади». Кейин тўппа-тўғри сизнинг олдингизга келавердим». Мистер Дэвид, ўшандан кейин мен сизнинг гуноҳингиздан ўтдим. Ахир сиз менинг ҳузуримда ўзингизни худди игнанинг устида ўтиргандек ҳис этардингиз: шу пайтгача тезроқ хонимлардан қутулишни истайдиган йигитни умрим-

да кўрмаган эдим. Яъни, сиз мен билан сингилларимдан қутулиш йўлларини қидирардингиз. Аммо, маълум бўлишича, сиз барибир менга эътибор берган экансиз ва гўзаллигим ҳақида гапиришни эсингиздан чиқармабсиз. Уша соатдан бошлаб мени ўз дўстингиз деб ҳисоблашингиз мумкин. Мен ҳатто лотин тили грамматикаси борасида ҳам юраккинам ўртаниб ўйлайдиган бўлиб қолдим.

— Сиз ҳали менинг устимдан тўйгунингизча мазах қилишга улгурасиз,— дедим.— Бундан ташқари, назаримда, ўзингизга нисбатан адолатсизлик қиляпсиз. Назаримда, Катриона сизни менга мафтун этиб қўйибди. У ўз дўстининг ноқулай аҳволга тушиб қолганини сизга ўхшаб зийраклик билан пайқай олмайди; соддадил қиз-да!

— Мистер Дэвид, бу ҳақда, мунозара қилиб ўтирмайлик,— деди у.— Қизнинг кўзлари ўткир. Нима бўлганда ҳам у сизга садоқатли дўст, бунга ишонч ҳосия қилдим. Мен уни марҳаматли отамнинг ҳузурига, прокурор хонасига бошлаб бордим: тўйгунча май ичиб олгандан сўнг бизни қабул қилишига ижозат сўрадим. «Кейинги уч кун мобайнида гапиравериб қулоқ-миянгни эганим Кўккўз мана шу бўлади,— дедим.— У бизнинг ҳақ эканимизни тасдиқлаш учун келибди: бутун Англиядаги энг гўзал қизни сизнинг ихтиёрингизга топшираман», дедиму мунофиқона равишда тилимни тишладим. У тўғридан-тўғри отамнинг тиззасига бош урди: назаримда, отамнинг кўз ўнгида тилка-пора бўлиб кетганди, шубҳасизки, энди қизнинг илтимосини рад этиш мумкин эмасди, чунки сизлар — барча эркаклар худди мўмин мусулмонларга ўхшайсизлар: кўзёшларга дош беролмайсизлар: мен отамга ўтган оқшомда рўй берган ҳодисани гапириб бордим. Айғоқчи этиб юборган йигитга қиз қандай қилиб халақит берганини, шундай бўлса-да, у отаси ва сиз учун қайғураётганини баён этдим. Шундан сўнг у юм-юм йиғлаб, отаси билан сизнинг ҳаётингизни сақлаб қолишни илтимос қила бошлади (аслида, бирортангизга ҳам ҳеч қандай хавф-хатар тажовуз қилмаётган эди): ростини айтсам, мен ҳам аёл зотидан бўлганимдан ғурурланиб кетдим, негаки, у ялиниб-ёлворишни жуда ҳам қойиллатди: айни чоғда арзимас иш учун беҳуда кўзёш тукаётганини кўриб, ўзимдан-ўзим уялардим. Сизни ишонтириб айтаманки, прокурор илтимосларни эшитиши билан бирдан ҳушёр тортиб қолди: чунки ёшгина қиз унинг пинҳоний ниятларини пайқаб олган, энди эса бу сирни ғалати табиатли тўнғич қизи ҳам билиб олди ҳисоби эди. Шу тобда икковлашиб ишга ёпишдик ва очиқчаси-

га муҳокама этишга киришдик. Отамга йўл-йўриқ кўрсатиб турилса, яъни мен йўл-йўриқ кўрсатиб турсам, дунёда унга тенг келадиган донишманд бўлмайди.

— У менга ҳам жуда меҳрибон,— дедим.

— Катрионага ҳам меҳрибон: бунда каминанинг хизмати йўқ эмас,— деди у.

— У мен учун нажот сўрабди-да! — деб хитоб қилдим.

— Сўраганда қандоқ, шунчалик ҳам таъсирчан сўйледики! — деди мисс Грант.— Ҳар бир сўзини сизга айтиб ўтирмайман: чунки шундоқ ҳам димофингиз шишиб кетяпти.

— Ишқилиб, мендан қайтмаса ҳам худодан қайтарку! — деб кичқирдим.

— Ҳа, худойим унга мистер Дэвид Бэлфурни қайтариб беради, тўғрими? — деб илова қилди у.

— Сиз жўрттага менинг жиғимга тегяпсиз! — деб бақирдим.— У шафқатсиз кишилар қўлига тушиб қолганини эслашим биланоқ, баданимдан совуқ тер чиқиб кетади. Сиз ўйлайсизки, кимдир менинг ҳаётимни сақлаб қолишларини сўрагани учун камина гердайиб юриши лозим экан-да? Э-э, ахир у қиз ҳали кўзи очилмаган кучукни қутқариб қолиш учун ҳам ялиниб-ёлвориши мумкин. Агар билмоқчи бўлсангиз, мен гердайиб юраман десам, бундан бошқа ҳам салмоқлироқ асосларим бор. У менинг қўлимни, мана шу қўлимни ўпиб олган. Ҳа, ўпган. Нима учун? Чунки у мени довьорак қаҳрамон, ўлимдан ҳам кўрқмайди, деб ўйларди. Албатта, у яхши кўрганидан бундай қилгани йўқ: мени мазахлайдиган кишига — сизга бу ҳақда гапириб ўтиришимдан ҳеч қандай маъни бўлмаса керак. У довьорак кишиларни юксак қадрлайди ва шунинг учун қўлимни ўпишдан ор қилмади: тўғри, қиз янглишган эди. Менинг ўйлашимча, Катриона мен билан бечора шаҳзода Чарлидан бошқа ҳеч кимга бундай мурувват кўрсатмаган шекилли. Ахир бу ҳол каминани арши аълога чиқариб қўймайдими? Ўша манзара кўз олдимга желса, юрагим оғзимга тикилиб қолди деб ўйлайсиз-а?

— Ҳа, бўлар-бўлмасга устингиздан кулишга ўрганиб қолганман,— деди у фикримни қувватлаб.— Мен сизга айтсам, у ҳақда шундай гапирётган экансизми, демак ҳали умид учкунлари порлаб турибди.

— Умидим борми?! — деб хитоб қилдим.— Буни хаёлимга ҳам келтиролмайман! Мисс Грант, бу гапларни фақат сизга айтишим мумкин, сиз мен ҳақимда нималар-

ни ўйласангиз — ўйлайверинг, менга барибир! Лекин унга... Ҳеч қачон айтолмайман!

— Менимча, бутун Шотландия бўйича энг пешонаси қаттиқ одам сиз бўлсангиз керак,— деди у.

— Тўғри, пешонам хийла қаттиқ,— дедим бошимни қуйи эгиб.

— Эҳ, бечора Катриона! — деб хитоб қилди мисс Грант.

Мен унга жавдираб қарардим: энди у нимага ишора қилаётганини билардим (эҳтимол, уни оқлаш учун асос бордек туюларди), лекин ҳеч қачон илмоқли гап-сўзлар бошланган пайтда ўзимни билимдон деб ҳисобламасдим.

— Мистер Дэвид, менинг виждоним қийналяпти, лекин, кўриниб турибдики, сиз учун ҳам гапиришга мажбурман,— деди у.— Қамоқхонада ётганини эшитишингиз биланоқ қизнинг ҳузурига отланганингизни, ҳатто уни деб овқатланишдан ҳам воз кечганингизни Катриона билиши керак. Бизнинг суҳбатимиз ҳақида тажрибасиз, ёш қиз қанча гапни билиши лозим деб ўйласам, у шунчасини албатта билади. Менга ишонаверинг, бу ўзингизга фойда келтиришингиз мумкин бўлганидан кўра ҳам кўпроқ наф келтиради: чунки у сизнинг пешонангиз қаттиқ эканини илғамаслиги мумкин.

— Демак, сиз унинг қаерда эканини билар экансизда? — дедим ҳаяжонланиб.

— Албатта, мистер Дэвид, фақат бу сирни мен сизга ҳеч қачон айтмайман,— деб жавоб берди у.

— Нима учун ахир? — деб сўрадим.

— Чунки мен садоқатли дўстман, тез орада бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз,— деди у.— Энг аввало, отамнинг дўстиман, албатта. Сизни ишонтириб айтаманки, мажбур қилсангиз ҳам, ялиниб-ёлворсангиз ҳам мени айтишга кўндира олмайсиз. Шунинг учун ҳадеб менга кўзларингизни жавдиратиб қарайверманг. Ҳозирча сизнинг Дэвид Бэлфурчилигингизга муваффақиятлар тилаб қоламан.

— Яна бир оғиз гапим бор! — деб хитоб қилдим.— Агар битта нарсага аниқлик киритиб олмасак, икковимиз ҳам расво бўламиз.

— Хўп, айтинг-чи, фақат қисқароқ қилинг,— деди у.— Шундоқ ҳам сизни деб ярим кунимни сарфладим.

— Аллардайс хонимнинг фикрича... — деб гап бошладим.— Унинг ўйлашича... тахмин қилишича... Катрионани гўё мен ўғирлаб кетган эмишман.

Суҳбатдошим қизариб кетди: мен мисс Грантни

осонликча уялтириб қўйиш мумкинлигидан ҳайратландим, аммо бирдан ўзини аранг кулгидан тўхтатиб турганига ақлим етиб қолди. Тутилиб-тутилиб жавоб бераётганида эса тахминим мутлақо тўғри эканига амин бўлдим.

— Сизнинг шаънингизни ҳимоя қилиш кафолатини ўз зиммамга оламан. Менга ишонаверинг.

У шу сўзларни айтди-да, кутубхонани тарк этди.

Йигирманчи боб

АСИЛЗОДАЛАР ДАВРАСИДА

Мен Престонгрэнж хонадониди деярли икки ойча истиқомат қилдим ва кўпгина судьялару адвокатлар, Эдинбург жамятининг гуллари билан танишдим. Тағин каминанинг чаласаводлигидан ҳамма кулган, деб ўйламанглар: аксинча, бир дақиқа ҳам менинг бўш вақтим бўлмасди, француз тилини ўргандим, Лейденга жўнашга ҳозирлик кўрдим: бундан ташқари, ҳар куни уч соатдан қиличбозлик машғулотида иштирок этдим ва сезиларли муваффақиятга эришдим: иқтидорли мусиқачи бўлган қариндошим Пилригнинг таклифи бўйича мени хонандалар синфига қабул қилишди, мураббиямиз мисс Грантнинг хоҳишига кўра, камина рақослар синфига ўтказилдим-у, лекин ростини айтсам, ҳеч қандай ютуққа эришолмадим. Шундай бўлса-да, атрофимдаги кишилар мана шу машғулотлар туфайли менинг муомала тарзим хийла назокатли тус олганини таъкидлашарди: нима бўлганда ҳам, энди ўз кийимларимга ва қиличимга туртиниб-суртиниб қадам ташлаш одатим йўқолди, меҳмондорчиликда эса ўзимни худди уйдагидек эркин ҳис эта бошладим. Кийим-кечакларим жиддий тафтиш қилинди, арзимас икир-чикирлар, масалан, сочимни қаерга боғлаб боришим лозимлигию бўйнимга қандай рангдаги рўмолни ўраб юришим кераклиги уч опа-сингил томонидан ипидан-игнасигача муҳокама этиларди. Бир сўз билан айтганда, мен таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетдим: шу қадар башанг қиёфага кириб қолдимки, агар шу тобда Эссендиндаги камтарин инсонларга дуч келиб қолганимда борми, улар беихтиёр ёқасини ушлашарди.

Икки кенжа сингил фақат менинг кийимларим тўғрисида мунозара қилишарди, чунки ўзлари фақат кийим-кечаклар борасида ўйлашарди, холос. Бошқа пайтларда

эса бор-йўқлигимни ҳам сезишмасди, аммо иккови ҳам жуда меҳрибон эди, айна чоғда улар мен билан ўтириш ниҳоятда зерикарли эканини яширишмасди. Хола ҳақида шуни айтиш мумкинки, у тепса тебранмас аёллар тоифасидан бўлиб, оиланинг бошқа аъзоларига қанчалик аҳамият берса, менга ҳам ўшалар қаторида эътибор жалб қиларди. Яъни, у менга ҳам деярли аҳамият бермасди. Шунинг учун прокурор билан унинг тўнғич қизи яқин дўстларим бўлиб қолишди. Биз биргаликда кўнгилочар эрмаклар билан шуғулланардик ва бу ҳол дўстлигимизни янада мустаҳкамларди. Суд кенгаши бошланиши арафасида биз Грэнж кўрғончасида бир неча кун меҳмон бўлдик. У ердагилар ниҳоятда тўкин-сочин ҳаёт кечирешарди, ҳеч нарсадан камчиликлари йўқ эди. Биз отда сайр этардик, кейин прокурор ишдан бўшаган пайтларда Эдинбургга ҳам борар эдик. Очиқ ҳавода сайр этиб, оғир йўл юриб келганимиздан сўнг ёки об-ҳаво айнаиб турган пайтда бирор мавзуда қизгин суҳбат бошланса, бир-биримизга бегона эканимизни ҳам унутардик: мен тортинчоқликни бутунлай эсимдан чиқариб юборардим, биров гапиришга мажбур этмасди, сўзлар ўз-ўзидан қўйилиб келаверарди. Ушандай пайтларда мен Эссендинни тарк этганимдан кейин бошимдан кечирган барча саргузаштларни: денгиз сафарига қандай қилиб жўнаганимни, «Васият»да рўй берган низода иштирок этганимни, арчагуллар орасида адашиб юрганларимни ва сўнгра нималар содир бўлганини гапириб берардим. Улар менинг саргузаштларим билан жуда қизиқиб қолишди. Дам олиш кунларининг бирида биз сайр эта бошладик: ҳозир шу ҳақда бирмунча батафсилроқ тартибда ҳикоя қилмоқчиман.

Эрта тонгда отларга миндик-да, оппоқ қиров қоплаган далалар қўйнида жойлашган Шос кўрғони томон йўл олдик: у ердаги мўрилардан тутун чиқмасди. Престон-грэнж шоша-пиша отдан тушдию жиловни менга топшириб, битта ўзи амакимнинг ҳузурига йўл олди. Эсимда бор, ҳувиллаб ётган кўрғонга кўзим тушиши билан шўрлик хасис чол совуқ ошхонада ўзича бир нималарни пичирлаб ўтирганини тасаввур этдим унга ачиниб кетдим.

— Мана, менинг уйим, — дедим. — Оилам ҳам шу, холос.

— Бечора Дэвид Бэлфур! — деди мисс Грант.

Ичкарида нималар тўғрисида суҳбатлашганини мен кейин ҳам билолмадим, лекин шубҳасизки, Эбенезер учун ёқимсиз мавзуда гап кетгани аниқ эди: чунки прокурор қайтиб келганда қиёфасидан ниҳоятда жаҳли чиқиб кетгани билиниб турарди.

— Назаримда, сиз тез орада бойиб кетсангиз керак, мистер Дэви,— деди у, бир оёғини узангига тиқиб, менга ўгирилиб қарар экан.

— Мен бундан хурсанд бўлажамини яшириб ўтирмайман,— дедим.

Ростини айтсам, Престонгрэнж йўқ пайтда мисс Грант икковимиз бу ер-мулкни кўкаламзорлаштириб, гулзор қилиш ва равон қуриш ҳақидаги хаёлларимизга эрк берган эдик. Ушандан сўнг орзуларимнинг анча қисми рўёбга чиқди.

Кейин Куинсферрига йўл олдик, бизни Ранкилер қучоқ очиб кутиб турган экан: у юксак мартабали меҳмоннинг кўнглини овлаш учун бор ҳунарини ишга солди. Бу ерда прокурор менинг ишларимни чин дилдан сўраб-суриштирди, қозининг ишхонасида икки соатча гурунглашиб ўтирди. Кейинчалик билсам, у менга ва менинг тақдиримга бефарқ эмаслигини, умиди катта эканини баён этибди. Биз вақтимизни беҳуда кетказмаслик учун кичкина Ранкилер, мисс Грант ва мен битта қайиқни олдик—да, Лаймкилнс кўрфази бўйлаб сайр қилгани жўнадик. Ранкилер қизиқчи йигит эди: навқирон хонимни кўкларга кўтариб мақтай бошлаган пайтда эса ҳатто сал қайсардек кўринди. Албатта, аёл зоти мақтовга ўч бўлади, лекин мисс Грант хиёлгина талтайиб қолганига кўзим тушдию ҳайрон бўлдим. Бироқ бу ҳолат яхшилик билан яқунланди; биз нариги соҳилга сузиб ўтганимиздан сўнг мисс унга қайиқни қўриқлаб туришни топширди ва икковимиз ҳув наридаги қаҳвахона томон йўл олдик. Қизнинг ўзи ўша ёққа бориш истагини билдирди, чунки у Элисон Хэсти ҳақидаги ҳикоямга қизиқиб қолганди ва ўша қизни ўз кўзи билан кўришни истарди. Қизни яна ёлғиз ўтирган пайтда учратдик: эҳтимол, унинг отаси кун бўйи далада ишласа керак. У одоб юзасидан жентельмен билан от миниш чоғида кийиладиган кийимдаги гўзал хоним қаршисига келиб ўтирди.

— Сиз ҳатто мен билан одатдагидек сўрашишни ҳам истамайсизми? — дедим унга қўл чўзар эканман.— Наҳотки, сиз эски дўстларингизни унутиб юборган бўлсангиз?

— Вой, худойим-эй! Бу қанақаси бўлди, ахир! — деб хитоб қилди у.— Худо ҳаққи, сиз ўша жулдурвоқига ўхшайсиз-ку...

— Айнан ўзи,— деб тасдиқладим.

— Сиз билан дўстингизни жуда кўп бора эсладим, сизни башанг кийимда кўрганимдан бағоят мамнунман!—

деди у тўлқинланиб.— Ушанда ўз дўстларингизни топиб олганингизни сезган эдим: чунки менга жуда ҳам қимматбаҳо совға юборибсиз, сизга қандай қилиб миннатдорлик изҳор этишимни ҳам билмайман.

— Хўш, қани, ақли расо йигитларга ўхшаб бир кўчаларни айланиб келинг-чи,— деди мисс Грант менга қараб — Мен бу ерга вақтимни ҳавога совуриш учун келганим йўқ, ахир! Бу қиз билан гаплашиб олишим лозим.

У қаҳвахонада ўн дақиқача ўтирди: ташқарига чиққанидан сўнг икки ҳолатни пайқадим: кўзлари қизариб кетган, кўкрагида осиглик турган кумуш тўғноғич йўқ бўлиб қолган эди.

— Ҳозир сиз ҳар доимгидан ҳам гўзалсиз! — дедим.

— Оҳ, Дэви, бу қадар баландпарвоз гапирадиган аҳмоқ бўлманг-да! — деди у ва то кечгача менга одатдагидек совуқроқ муносабатда бўлди.

Биз сайрдан қайтиб борган пайтимизда уйда шамлар ёқилган эди.

Мен кўп вақтгача Катриона тўғрисида ҳеч қандай янги гап эшитмадим: мисс Грант эса гўё оғзига талқон солиб олганга ўхшарди: қиз ҳақида гап бошлаган чоғларимда ҳазил аралаш бошқа мавзуларда суҳбатлашиб ўтиришни таклиф этарди. Лекин кунларнинг бирида у сайрдан қайтгач, француз тили бўйича машқ бажариб ўтирганимни кўриб қолди ва меҳмонхонага кириб келди: қандайдир ўзгариш рўй берганини дарҳол сездим, чунки кўзлари чақнар, юзлари қизариб кетган, негадир ҳадеб кулгисини яширмоқчи бўларди. Хуллас, у ўйинқароқ найрангбозга ўхшарди: тезлик билан хонага кирдию арзимаган бир нарсани баҳона қилиб, мен билан жанжаллаша бошлади. Мен эсам, нима бало, унинг арпасини хом ўрибман шекилли, деб ҳайрон бўлиб ўтиравердим. Гўё ботқоқликка тушиб қолганга ўхшардим — қаттиқ ерга чиқиб олиш учун қанчалик ҳаракат қилсам, тобора тубанлашиб бораверардим: ниҳоят, у қатъий оҳангда, менга бундай жавоб қайтаришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, деб қичқирди ва тиз чўкиб кечирим сўрашимни талаб этди.

Унинг беҳуда ҳамллари жаҳлимни чиқариб юборди.

— Сизнинг норозилигингизга сабаб бўладиган ножўя гап айтганим йўқ,— дедим.— Қолаверса, мен фақат худонинг пойида тиз чўкаман, холос.

— Мен ҳам илоҳаман, олдимда тиз чўктиришга ҳаққим бор! — деб қичқирди у қўнғир тусли жингалак сочларини селкиллашиб ва юзи қип-қизариб кетди.— Кўйлагимнинг этаги тегадиган масофада менга яқин келган

ҳар қандай эркак зоти пойимда тиз чўкиб туриши шарт!

— Хўп, майли, сиз истаганча йўсинда кечирим сўрашга тайёрман, аммо, қасам ичишим мумкинки, бунинг сабабини билмайман,— деб жавоб бердим.— Шунингдек томошабоп ҳунарларимни бошқаларга кўрсатган бўлардим.

— Эҳ, Дэви! — деди у.— Агар илтимос қилсам-чи?

Мен у билан бекорга гап таллашиб ўтирганимдан афсусландим: боз устига, жанжалга арзидиган баҳонанинг ўзи йўқ-ку, ахир. Қолаверса, аёлларнинг ҳаммаси бир гўр: ақли қалта бўлади.

— Бу ҳол менга ёш боланинг хархашасига ўхшаб кўриняпти,— дедим.— Сизнинг илтимосингиз ҳам, менинг қилиғим ҳам аслида ҳеч нарсага арзимади. Агар шундай қилишимни истасангиз, майли, мен розиман, лекин шаънимга доғ тушса, билиб қўйингки, бунга фақат сиз айбдор бўласиз.

Шундан сўнг мен ўз ихтиёрим билан тиз чўкдим.

— Ана холос! — деб хитоб қилди у.— Мен сизни худди мана шундай ҳолатда туришга мажбур этмоқчи эдим.— Сўнгра у товшининг бориचा қичқирди:— Ушланг! — деб у менга букланган хатни ирғитдию хахолаганча хонадан чиқиб кетди.

Хатда сана ҳам, юборган одамнинг унвони ҳам қайд этилмаган эди.

«Қадрли мистер Дэвид,— деб бошланарди мактуб,— мен қариндошим мисс Грантдан доимо сизнинг ишларингиз борасидаги янгиликларни эшитиб турибман ва хурсанд бўляпман. Узимни жуда яхши ҳис этмоқдаман: меҳрибон кишилар қарамоғида ўйнаб-кулиб юрибман, аммо яшириниб туришга мажбурман; умид қиламанки, биз яна кўришамиз. Менинг ёқимтой қариндошим сизнинг садоқатли дўст эканингиз тўғрисида гапириб берди. У менга ушбу мактубни ёзишни амр этди ва устидан ўқиб кўрди. Унга сўзсиз итоат этишингизни илтимос қиламан. Сизга ҳар доим садоқатли дўст бўлиб қоламан, деб Катриона Макгрегор Драммонд.

Дарвоқе, сиз менинг қариндошим бўлмиш Аллардайсни кўриб турибсизми?»

Ҳарбий кишилар ибораси билан айтганда, бу жуда катта жанговор қаҳрамонлик эди ва мен унинг буйруғига итоат этиб, тўппа-тўғри Дин сари йўл олдим. Энг ажабланарлиси шунда эдики, кампир гўё онадан қайта туғилганга ўхшарди: энди ундан арқон тўқиш мумкин эди. Мисс Грант қай йўсинда бундай ўзгаришга эришганини ақлимга

сиғдира олмайман. Аммо, нима бўлганда ҳам, ишончим комилки, у бевосита ҳаракат қилмаган бўлса керак, чунки бу ишга отаси аралашган эди. Ахир Катрионани яшириниб юришга, аниқроғи, анави шаллақи қариндоши ҳузурига қайтиб бормасликка ҳам ўша кўндирган эди ва уни Грегорлар оиласига, ҳалол, ўзига содиқ кишилар хонадонига жойлаштириб қўйганди. Катриона ҳам уларга астойдил ишонарди, негаки, ҳаммаси битта қабиланинг, битта уруғнинг фарзандлари ҳисобланарди. Ҳамма ишлар бирёқлик бўлгунча қиз ўша жойда пинҳона истиқомат қилаверди: сўнгра улар қизга отасини қамоқхонадан қутқариб олишда ёрдам беришади, отаси қамоқдан озод бўлгач, у яна пинҳона ўша хонадонга қайтиб боради. Престонгрэнж худди шу йўсинда ўз қуролини қўлга киритади ва ундан унумли фойдаланади; бу пайт мобайнида у Жеймс Морнинг қизи билан шахсан таниш эканлиги борасида бир оғиз ҳам гапирмайди. Ўз-ўзидан равшанки, ёмон ном қозонган одамнинг қамоқхонадан қочиб кетганлиги тўғрисида турли-туман мишмишлар тарқатилди; лекин ҳукумат одамлар кўзича қатъий чоралар кўрди: назоратчилардан биттаси сургун қилинди, гвардиячи лейтенант эса (менинг шўрпешона дўстим Дункансби) оддий аскарликка туширилди; Катриона масаласига келсак, унинг гуноҳи ҳақида гап-сўз бўлмаганидан барча эркаклар хурсанд эдилар.

Жавоб хатимни Катрионага бериб қўйишга мисс Грантни сира ҳам кўндира олмадим. «Йўқ,— дерди у мен ҳадеб тихирлик қилаверсам,— Кэтрин сизнинг шўрпешона эканлигингизни билишини асло истамайман». Бу айрилиққа чидаш шунинг учун ҳам оғир эдики, унинг ўзи менинг ёқимтой маъшуқам билан деярли ҳар куни учрашарди ва ўзининг ибораси билан айтганда, «яхши бола» бўлиб ўтирганим тўғрисида унга ҳикоя қилиб берарди. Мисс Грант ниҳоят, меҳр-шафқат кўрсатишга қарор қилди: унинг муруввати менга худди масхарадек кўринарди. Тўғри, у ўзининг дидига мос тушадиган кишиларнинг ишончли, собит дўсти бўларди; ўшалар орасида тор кўчадаги иморатнинг юқори қаватида яшайдиган шарти кетиб парти қолган кекса, деярли кўзи ожиз асилзода кампир алоҳида ўрин тутарди: у уйдаги қафасларда сайроқи қушларнинг бирталай полапонларини боқарди ва эртадан кечгача меҳмонларни зиёфат қилишдан бўшамасди. Мисс Грант мени ўша ёққа эргаштириб боришни яхши кўрарди ва кампирни олди-қочди ҳикояларим билан овунтириб ўтиришга мажбур қиларди; мисс Тибби Рэмси (унинг исми

шарифи шундай эди) жуда ҳам меҳрибон эди, у менга кўхна Шотландия одамлари ҳақида, ўтган кунлар тўғрисида қизиқарли воқеаларни гапириб берарди. Айтмоқчи, унинг деразасидан — тор кўчанинг кенлиги бор-йўғи уч қадам келарди, холос — нариги томондаги уйнинг пилла-поясини ёритиб турган панжарали дарчани бемалол кузатиб ўтириш мумкин эди.

Кунларнинг бирида мисс Грант қандайдир иш билан ташқарига чиқиб кетди ва мисс Рэмси икковимиз ёлғиз қолдик. Эсимда, бу хоним негадир паришонхотир, ташвишманд кўринарди. Боз устига, мен ҳам ўзимни ноқулай ҳис эта бошладим: ўчакишгандек, рўпарадаги дарча кун совуқ бўлишига қарамай очиб қўйилган эди. Бирдан мисс Грантнинг товушини эшитиб қолдим.

— Эй, Шос! — деб қичқирарди у. — Деразадан бошингизни чиқариб, буёққа бир қаранг-а, мен кимни олиб келганимни кўрасиз!

Назаримда, мен умримда бундан-да гўзалроқ манзарани кўрмаган эдим. Тор кўча шаффоф нурга чўмган эди: қурум босган девор ёнида ҳамма нарса яққол кўриниб турарди ва панжарали дарчада жилмайиб қарашаётган икки гўзалнинг юзини кўрдим — улар мисс Грант билан Катриона эдилар.

— Мана! — деди мисс Грант. — Лаймкилнсдаги ўша қиз каби у ҳам сизни ясан-тусан қилган пайтингизда кўриб қўйишини истардим.

Бу ишга жиддий қиришганимдан сўнг, мен сизни қандай ўзгартириб юборганимни бир кўриб қўйсин!

Эсимда бор, у ўша кун ишт-бошларимни ниҳоятда синчковлик билан кўздан кечирган эди; афтидан, Катриона ҳам жиддий кўриқдан ўтказилган шекилли. Қувноқ, оқила мисс Грант кийим-кечакка ҳайратланарли даражада алоҳида эътибор билан қарарди.

— Катриона! — дедим мен илтижоли оҳангда.

У бир оғиз ҳам гапирмади, фақат қўлини силкитарди, холос. Кўп ўтмасдан, дарҳол уни дарчадан нарига олиб кетишди.

У ғойиб бўлиши билан мен пастга югуриб тушдим, лекин эшик қулф эди; қичқирганимча мисс Рэмси олдига қайтиб чиқдим ва калитни беришни сўрай бошладим, аммо девордан садо чиқса чиқдики, ундан садо чиқмади. Агар керакли андомлар билан қуролланган тақдиримда ҳам, эшикни синдириб ташлашга кучим етмасди: деразадан ўзимни ерга ташлашим ҳам мумкин эмасди, чунки мен энг камида еттинчи қаватда турган

эдим. Эгнимни қисганимча деразадан мўлтираб қараб туришдан бошқа иложим йўқ эди; фақат уни пиллапояда кўриб қолишдан умидвор бўлардим, холос. Мен кўйлак ёқасидан чиқиб турган бир жуфт бошни аранг кўриб қолдим. Катриона хайрлашиш учун ҳатто орқасига қайрилиб ҳам қарамади: кейинчалик билсам, унга рухсат беришмаган экан. Мисс Грантнинг сўзларига қараганда, қизларга юқорида туриб қаралса, унчалик мафтункор туюлмас эмиш.

Тез орада мени тутқунликдан озод этишдию то уйга етгунимизча мисс Грантни бағритошликда айблаб бордим.

— Ҳафсалангиз пир бўлганидан жуда афсусланяпман,— деди у жўрттага ўзини гўлликка солиб.— Мен бўлсам, жуда ҳам мамнунман. Сиз мен кутгандан кўра яхшироқ кўриндингиз. Дераза олдида кўринган пайтингизда юракни ҳовучлаб фақат томоша қилиш лозим эди! Сиз ажойиб йигитга ўхшардингиз! Лекин эсингиздан чиқмасин, Катриона пешонангиз қаттиқ эканини билолмади, албатта,— деди у менга таскин бериш мақсадида.

— Эҳ, пешонам билан ишингиз бўлмасин! — дедим зарда аралаш.— Менинг пешонам бошқаларникидан қаттиқ эмас.

— Ҳатто баъзи бировларникига қараганда анча юмшоқ,— деди у.— Аммо мен худди бутпарастларнинг пайғамбари сингари фақат рамзий маънода сўзляяпман, холос.

— Ҳа, уларни бекорга тошбўрон қилишмаган,— деб қўйдим.— Эй, бахтиқаро қиз, нега бундай қилдингиз-а? Нега мени бунчалик қийнайсиз, ахир!

— Муҳаббат ҳам худди инсон каби озуқага ташна бўлади,— деб жавоб берди у.

— Оҳ, Барбара, илтимос, мен унинг дийдорига тўйиб олайин! — дедим ялинчоқ товушда.— Ахир сиздан нима кетади... Узингиз уни хоҳлаган пайтингизда кўряпсиз-ку... Менга ҳам жилла қурса ярим соатга ижозат берсангиз-чи!

— Сизнинг муҳаббатингизга ким хўжайинлик қиляпти; ўзингизми ёки менми? — деб сўради у ва мен яна эски гапимни қайтараверганимдан сўнг охириг ва ситани қўллашга мажбур бўлди: Катрионанинг исмини тилга олган пайтимдаги товушимга пайров қилиб, мазахлай бошлади; кейин бир неча кун мобайнида қатъий назорат остида тутиб турди.

Бизнинг илтимосномамиз тўғрисида ҳеч қандай хабар йўқ эди: ҳарҳолда, мен у ҳақда бирон янгилик эшитмадим. Ҳозир менга маълум бўлишича, Престонгрэнж билан судья жаноби олийлари баъзи бир гапларни эшитишган эди-ю, лекин ўзларини жўрттага эшитмаганга олиб юришарди; нима бўлганда ҳам, улар бу ишни ҳаммадан сир сақлашарди ва жамоатчилик ҳеч нарсани билмасди. Ниҳоят, белгиланган муддат — рутубатли 8 ноябрь куни етиб келгач, гленлик шўрлик Жеймс шаррос ёмғир қуяётган, гувиллаб шамол эсаётган маҳалда қонун бўйича Баллахулиш яқинидаги Леттер денгизи соҳилида дорга осилди.

Сиёсатга таъсир ўтказиш учун қилган барча уринишларим худди шундай яқунланди! Жеймсга қадар ҳам бегуноҳ инсонлар ҳалок бўлганлар; афтидан, ундан кейин ҳам то рўзи маҳшаргача бегуноҳ инсонлар ўлдирилаверади. Бизнинг ақл-идрокимиз ожиздир. Рўзи маҳшаргача ҳаёту кишиларнинг макр-ҳийласига дуч келмаган мен каби бўз йигитлар курашга отланаверардилар, ўзларини хавф-хатар остида қолдириб, қахрамонлик кўрсатаверадилар, ҳаёт оқими эса худди шахдам қадамлар ташлаб кетаётган қўшиқ сингари уларни бир четга улоқтириб ташлайверади. Жеймсни дорга осдилар, мен бўлсам, Престонгрэнж хонадонидан истиқомат қилардим, унинг оталарча меҳрибончилигидан мамнун эдим. Уни дорга осдилар. Мен бўлсам, кўчада тасодифан мистер Саймонни учратиб қолдим худди одобли ўқувчи мураббийни кўриб қолгандек, дарҳол шляпамни ечиб, салом бердим. Уни дорга осдилар, макр-ҳийла, бағритошлик тантана қилди, ҳаёт эса ҳеч бир ўзгаришсиз давом этарди: ушбу даҳшатли суиқасдни уюштирган аблаҳлар эса диёнатли, шикастанафс зотлар ҳисобланарди, кўплари оилада ҳурматли ота саналарди, ибодатхонага қанда қилмай боришарди, муқаддас неъматлардан истеъмол қилишарди!

Бироқ сиёсат деб аталадиган бу ифлос машғулотга бошқача назар билан қарардим: мен унинг астарини ағдариб кўрдим — у қоп-қора эди, қабр мисоли зимистон эди ва бир умр унга аралashiш истагидан фориг бўлдим, бир дарддан кутулдим. Мен энг оддий, осойишта, тинчгина йўлдан юришни орзу қилардим: виждонимни булғайдиган ифлос ишлардан, хавф-хатарлардан, киши кўнглига васваса соладиган найрангбозликлардан узоқроқ юришни орзу қилардим. Босиб ўтган ҳаёт йўлимга назар ташлаб, амин бўлдимки, охир

оқибатда мен ҳеч нарсага эришмабман: баландпарвоз гаплару эзгу ниятларим қанча эди-я! Ҳаммаси пуч бўлиб чиқди.

Уша ойнинг йигирма бешинчи кунин Литдан кема жўнайдиган бўлиб қолдию кутилмаганда менга ҳам лаш-лушларимни йиғиштириб, Лейденга боришни таклиф этишди. Ўз-ўзидан равшанки, Престонгрэнжга бу ҳақда лом-мим демадим: шундоқ ҳам меҳмондўстлигидан меъеридан ортиқроқ даражада баҳраманд бўлдим, дастурхонидан туз ичдим. Унинг қизи билан деярли сирдош бўлиб қолган эдим: унга тақдиримдан нолидим, мени чет элга юборишяпти, дедим. Агар у Катриона билан хайрлашишимга имкон яратиб бермаса, охири дақиқаларда сафарга кетишдан бош тортаман, деб шарт қўйдим.

— Ахир сизга бошқача маслаҳат берган эдим-ку, шундай эмасми? — деб сўради.

— Албатта, — деб жавоб бердим. — Бундан ташқари, сизнинг олдингизда қарздор эканимни ҳам унутганим йўқ; топшириққа биноан, сизга итоат этишим лозим. Айтинг-чи, ҳазилни яхши кўрмайсизми? Демак ярим ҳазил-ярим чин гапларингизга ишонавериш керак эмас.

— Сизга рост гапни айтиб қўяман, — деди у. — Кемага эрталабки соат тўққизда чиқасиз. Кема фақат соат бирда йўлга тушади. Қайиқни соҳилга жўнатиб юбормай туринг. Агарда хайр-маъзур сизни қониқтирмаса, қирғоққа тушиб, Катринни излаб кўришингиз мумкин.

Шундан кейин мен ундан ҳеч нарсани билиб ололмадим, тақдирга тан бердим.

Ниҳоят, биз хайрлашадиган кун ҳам етиб келди. Жуда яқин дўст бўлиб қолган эдик, у менга жуда кўп яхшилик қилди: албатта хайрлашиш лозим эканини ўйлаб, кечаси ухлолмадим. Тонгда туриб хизматкорларга чойчақа улашиб беришим керак эди. Билардимки, у мени ниҳоятда уятчан деб ўйларди, камгина бундай эмаслигимни кўрсатиб қўйишни истардим. Ҳа, умуман биз бир-биримизга хийла ўрганиб қолган бир пайтда ҳар қандай бегонасираш дағаллик нишонаси бўлиб кўриниши мумкин. Шунинг учун ўзимни қўлга олиб, олдиндан унга айтадиган сўзларимни тайёрлаб қўйдим ва биз охири марта ёлғиз қолган пайтимизда иккиланиб ўтирмасдан, ундан... ўпич олишга руҳсат сўрадим.

— Мистер Бэлфур, мен сизни бу даражада ўзидан

кетиб қолади, деб сира ҳам ўйламаган эдим,— деди у.— Негадир танишчилигимизни бундай йўсинда талқин этишга имкон бериб қўйганимни эслолмаяпман.

Мен унинг рўпарасида ғўдайиб турардим: энди нима қилишимни ҳам, нима дейишимни ҳам билмасдим: кутилмаганда у бўйнимга осилди-да, қизғин ўпичлар ҳада этди. Шу тобда дунёда мендан бахтли инсон йўқ эди.

— Эҳ, сиз ҳали ёш бола экансиз-ку! — деб хитоб қилди.— Ахир мен бегона одамлардек хайрлашишимизга йўл қўйиб қўярмидим? Агар мен олдингизда беш дақиқа ҳам ўзимни жиддий тута олмасам-да, лекин бу ҳол сизни чин юракдан яхши кўришимга асло халақит бермайди. Сизга бир қарасам.— бас, бутун вужудимни муҳаббату қувонч чулғаб олади! Энди малакангизни ошириб қўйиш учун битта маслаҳат бермоқчиман: аёл зотидан ҳеч қачон сўраб ўтирманг. Улар барибир «йўқ» деб жавоб қайтаришарди. Ич-ичидан ўпич беришга рози бўлиб турмайдиган қиз болани ҳали худойим яратмаган, ҳудожўйларнинг айтишича, ҳамма аёллар Момо Ҳавога теккан қарғишнинг жабрига йўлиққан эмиш: шайтон олма таклиф этган чоғда у «йўқ» деёлмаган; унинг қизлари ҳам аълороқ жавоб топишга қодир эмаслар.

— Тез орада мен ўзимнинг ёқимтой мураббиямдан айрилиб қоламан. Шунинг учун...— деб гап бошладим.

— Мана буни хушомад деса бўлади!

У чўнқайиб ўтирди.

— Битта савол бераман. Бирорта қиздан менга эрга тегишини сўрашим мумкинми?

— Сизнингча, сўрамасдан ҳам уйланиш мумкинми? — деди у.— Ёки сиз унинг ўзи шунақа таклиф билан мурожаат этишини кутяпсизми?

— Ана, кўрдингизми, дарров гапни ҳазилга бура-сиз,— дедим.

— Дэвид, мен фақат битта масалада жиддий бўламан, холос,— деди у.— Ҳар доим сизга дўст бўлиб қоламан.

Эрталаб отга минган пайтимда тўрттала хоним ҳам биз яқиндагина Катрионани томоша қилган дераза олдига келиб туришди: улар бақиршиб-чақиршиб мен билан хайрлашдилар; ортимдан рўмолчаларини силки-тиб қолишди. Мен ўша тўрттадан биттаси чин дилдан хафа бўлаётганини билардим; айти шу фикр хаёлимдан ўтган чоғда уч ой муқаддам хонадон остонасига илк бора қадам қўйганимни эсладим у қалбимда ғам-андух билан миннатдорлик туйғуси аралаш-қуралаш бўлиб кетди.

Иккинчи бўлим

ОТА ВА УНИНГ ҚИЗИ

Иигирма биринчи боб

ГОЛЛАНДИЯГА САЕҲАТ

Кема Лит бандаргоҳидан анча йироқда битта лангарини ташлаб турарди; унга чиқиш учун йўловчилар қайиқда сузиб бориши лозим эди. Бу унчалик мушкул эмасди, сув сокин эди, ҳаво совуқ бўлиб, булут ва туман сув устида муаллақ осилиб қолганди. Мен кема яқинига қайиқда сузиб борган пайтимда унинг корпуси кўринмасди — туман чулғаб олганди, лекин баланд мачталари худди чўғдан қуйилган устун мисоли қуёш нурида ярқирарди. Ушбу савдо кемаси ниҳоятда улкан ва фойдаланишга қулай эди; тумшуғи яссироқ шаклда: унга голландияга элтиб сотиш учун туз, тузланган балиқ ҳамда юпқагина, оппоқ пайпоқлар ортилганди. Бортда мени Сэнг исмли дарға, янглишмасам, у Лесмахагодан эди, кутиб олди: кўнгли тоза кекса денгизчи эди, аммо ўша пайтда хийла ҳовлиқмадек кўринарди. Ҳали мендан бошқа бирорта ҳам йўловчи келмаганди; палубада ёлғиз ўзим уёқдан-буёққа бориб-кела бошладим: гоҳида олисларга назар ташлаб кўярдим, ўзимча ваъда қилинган хайрлашув қандай бўлишини тахмин қилардим.

Эдинбург, Пентленд тепаликларини ялтироқ туман чулғаб олган эди, гоҳ-гоҳ осмонни булут қопларди; Лит ўрнидан эса фақат қувурларнинг учлари кўзга ташланарди, туман қалин тушган сув устида умуман ҳеч нарсани кўриб бўлмасди. Кутилмаганда эшакларнинг шалоплаши эшитила бошладим тез орада худди гулхан устидаги тутун бағридан ёриб чиққандек битта қайиқ кўз ўнгимда пайдо бўлди. Қайиқ қуйруғида елканнинг бир бўлагига ўраниб олган бадқовоқ кимса ўтирарди, унинг ёнида эса қад-қомати келишган, нозик-ниҳол, истараси иссиқ қиз кўринди ва бирдан юрагим ҳаприқиб кетди. Мен нафасимни ростлаб, қарши олишга тайёргарлик кўргунимча у жилмайган кўйи палубага қадам қўйди: мен бурним ерга теккунча бу гўзалга таъзим қилдим: албатта, бир неча ой илгари ул санам қошида эгилганим билан ҳозирги таъзим ўртасида жуда катта фарқ бор эди. Шубҳасизки, икковимиз ҳам кескин ўзгариб кетган эдик: унинг бўйлари хийла ўсиб, мўъжизавий дарахт каби

хипча тортиб қолганди. Боз устига кўзларини ерга тикиб туришни одат қилибди — уятчанлик унга ярашарди, ўз қадрини яхши биладиган аёл мисоли мулойим тортиб қолибди; битта сеҳргар икковимизга ҳам назар солган бўлсада, яъни мисс Грант ҳар биримизни ясантирган бўлса ҳам, лекин табиий гўзаллик фақат биттамызга хос эди.

Икковимиз ҳам бирданига «оҳ!» деб юбордик; ҳар биримиз ўзимизча хайрлашгани келдик, деб ўйлардик. Бироқ бирпасдан сўнг маълум бўлдики, биз сафарга бир-галашиб жўнар эканмиз.

— Ҳа-а, Барби шунинг учун менга ҳеч нарса демаган экан-да! — деб хитоб қилди у ва бирдан ёнида хат борлигини эслаб қолди: бу хат палубага қадам қўйгандан кейингина ўқиш шарти билан берилган эди.

Конвертнинг ичида менга аталган хатча ҳам бор экан, жумладан, унда шундай дейилганди.

«Қадрли Дэви! Хўш, менинг хайрлашув саломим сизга маъқул бўлдими? Ҳамроҳингиз ўзингизга ёқдими? Ундан ўпич олдингизми ёки фақат ижозат сўрадингиз, холосми? Мен ҳозироқ ушбу номамга нуқта қўймоқчи эдим, аммо саволим барибир жавобсиз қолишини билиб қолдим; чунки ўз тажрибамдан қанақа жавоб бўлиши менга маълум. Шундай қилиб, менинг маслаҳатимни хаёлан шу хатга ёзиб қўйингиз! Ҳаддан зиёд тортинчоқ бўлманг, айти чоғда худо ҳаққи, ўзингизни беодоб кўрсатишга ҳам уринманг — бу сизга ярашмайди.

Сизни яхши кўргувчи дўстингиз, мураббиянгиз бўлиб қоламан

деб Барбара Грант».

Ён дафтарчамдан бир варақ йиртиб олдим-да, ўз миннатдорлигимни изҳор этиб, жавоб хати ёздим ва Катрионанинг мактуби билан битта конвертга солиб, Бэл-Фурларнинг муҳрини босдим у мен сузиб келган қайиқда кутиб ўтирган Престонгрэнжнинг хизматкорига топширдим.

Ниҳоят, энди биз бир-биримизнинг дийдоримизга тўйиб-тўйиб тикилишимиз мумкин эди; шу пайтгача ҳаяжонланганимиз учунми — билмадим, негадир бир-биримизнинг кўзларимизга қарамасяйкка ҳаракат қилардик. Бошқатдан қўл беришиб сўрашдик.

— Катриона! — дедиму шу билан бисотимдаги барча сўз бойлигим тугади.

— Мени кўрганингиздан хурсандмисиз? — деб сўради у.

— Шуни ҳам сўраб ўтирибсизми, — деб жавоб бердим.

— Дунёда ўша қиздан-да яхшиси йўқ, тўғрими?! — деди у тўлқинланиб. — Умримда бунчалар келишган йигитни, юраги тоза инсонни учратмаганман.

— Шундай бўлса-да, Эпин сизни бултурги қорчалик ҳам қизиқтирмайди, — деб пичинг қилдим.

— Ох, ростдан ҳам шундай деган эдимми! — деди Катриона. — Лекин у барибир мени шарафли номим, томирларимда оқаётган қоним ҳурмати ўз ҳимоясига олди, меҳрибончилик қилди.

— Ҳозир мен сизга ҳаммасини тушунтириб берман, — дедим. — Барбаранинг юзига бир марта қараган одам беихтиёр завқланиб кетади; у ҳақиқатан ҳам мўъжиза, довюрак, қувноқ қиз. Сизнинг юзингиз эса бутунлай бошқача, мен шу бугунга қадар унинг қанақа эканини аниқ билмасдим. Сиз ўз юзингизга қарай олмайсиз, шунинг учун ҳам менинг аҳволимни тушунмайсиз; у сизни айнан юзингиз учун ўз ҳимоясига олди, меҳрибончилик қилди. Унинг ўрнида бошқа одам бўлганда ҳам худди шундай қиларди.

— Ҳар қандай одам-а? — деб сўради у.

— Ёруғ дунёдаги ҳар қандай одам! — деб жавоб бердим.

— Ҳа-а, аскарлар мени кўргондан шунинг учун қутқариб олишган экан-да! — деб хитоб қилди у.

— Мени тилимдан илинтиришга сизни Барбара ўргатган бўлса керак, — деб қўйдим.

— Нима десангиз деяверинг-у, лекин у мени бошқа нарсаларга ҳам ўргатиб қўйди. У менга мистер Дэвид ҳақида яхшигина таълим берди; жамики қусурларини ва баъзи бир фазилатларини санаб берди, — деди у жилмайиб. — Ҳа, мистер Дэвид тўғрисида ҳамма нарсани айтиб берди, фақат мен билан битта кемада сафарга жўнаши борасида лом-мим демади, холос. Айтмоқчи, сиз қаёққа кетяпсиз?

Мен батафсил жавоб бердим.

— Начора, — деди у, — бир неча кун бирга бўламиз-у, кейин бир умрга ажрашамиз! Мен отамнинг ҳузурига — Гелвост деган шаҳарга, уёқдан Францияга йўл оламан; биз у ерда қабиламиз йўлбошчиси билан муҳожирликда яшаймиз.

Бунга жавобан бир нималар деб ғўнғиллаб қўйдим,

негаки Жеймс Мор эсимга тушса — бас, тилим тушов-ланиб қоларди.

У мендаги ўзгаришни пайқабгина қолмай, чамаси хаёлимдан нима кечганини ҳам билиб турарди.

— Мистер Дэвид, сизга бир гапни айтиб қўймоқчиман,— деди у чўрт кесиб.— Албатта, менинг қариндошларимдан иккитаси сизга жуда ёмон муносабатда бўлишди. Улардан бири — менинг отам Жеймс Мор, иккинчиси — лорд Престонгрэиж. Престонгрэиж ўзи ёки кизи орқали кечирим сўради, ўзини оқлаб олди. Отам Жеймс Мор... Мен сизга айтсам, оёғига кишан урилган ҳолда қамоқхонада ўтирди. У халол аскар ва оддий олижаноб шотланд. У умрининг охиригача анави кимсалар нима қилишаётганини билмайди. Лекин сизга ўхшаган битта ёш йигитга нисбатан адолатсизлик қилинаётганини билганда борми, ўлимга рози бўларди-ю, лекин бу ишга асло рўйхушлик бермасди. Сиз менга дўстона муносабатда бўлганингиз учун ўтиниб сўрайман: отамнинг, қабиламнинг хатоларини кечиринг.

— Катриона, бу иш хатолик туфайли рўй берганини билишни истамайман,— дедим.— Менга фақат Престонгрэиж пойига тиз чўкиб, ҳаётимни сақлаб қолишини ялиниб-ёлвориб сўраганингиз аён. Албатта, сиз ўз отангиз учун унинг ҳузурига борганингизга қарамай, менинг гуноҳимни афв этишини ҳам илтимос қилгансиз. Умуман, иккита нарса тўғрисида ўйлашга ҳам тоқатим йўқ: бири — сиз ўзингизнинг дўст эканингизни айтиб, мен ғарибни бахтиёр этганингиз бўлса: иккинчиси — ҳаётимни асраб қолишларини сўраганингиздир. Келинг, энди ҳеч қачон узр-маъзурлару хафагарчиликлар тўғрисида гапирмайлик.

Шундан сўнг биз жим қолдик: Катриона нигоҳини ерга тикиб турарди, мен ундан кўзимни узмасдим. Биз яна гап бошлашимиздан аввал шимолий-ғарбдан шамол эса бошладию денгизчилар елканларни жойига ўрнатишиб, лангарни кўтаришга киришдилар.

Катриона икковимиздан ташқари бортда яна олтига йўловчи бўлиб, каюталардаги жой ҳаммамизга етиши амримаҳол эди. Учта литлик, кёрколдлик, дандлик кекса савдогарлар қандайдир иш юзасидан Олмонияга кетишмоқда экан. Тўртинчиси — голланд, ўз уйига қайтарди: бошқалар — савдогарларнинг ҳурматли рафиқалари эдилар, уларнинг биттасига кўз-қулоқ бўлиб кетиш Катриона томонидан илтимос қилинганди. Бизнинг бахтимизга миссис Жебби (хонимнинг номи шунча эди)

денгиз сафарига энди чиқаётгани боис туну кун ўрнидан қўзғалмай ётаверарди. «Атиргул» бортида биз иккимизу йўловчиларни озиқ-овқатлар билан таъминлаш билан машғул бўлган ёш боладан ташқари ҳаммаси кекса кишилар эди. Катриона икковимиз ўзимиз билан ўзимиз овора эдик. Биз столда ёнма-ён ўтирардик ва мен қандайдир ҳузур аралаш унга овқат тутардим. Мен палубага плашимни тўшардим-да, устига Катрионани ўтқазардим: йилнинг ҳозирги мавсуми ҳар доимгидан анча яхши келганди; ҳаво очиқ бўлиб, кечасию кундузи бир маромда баданни жунжиктирадиган изғирин эсарди. Ҳатто Шимолий денгиз бўйлаб сузиб кетаётган давримизда денгизчилар елканларга қўлларини ҳам теккизишмади; биз палубада ўтирардик, баъзан совқотиб қолсак уёқдан-буёққа юрардик; тонгдан кечки соат саккиз-тўққизларгача олис-олисларга тикилиб ўтиришдан асло зерикмасдик. Савдогарлар ёки Сэнг гоҳида бизга кулимсираб қараганча ҳазил аралаш луқма ташлашар ва яна ўз ҳолимизга қўйишарди; улар кўпинча балиқлари, читларию каноп матолари билан ёки манзилга етишимизга яна қанча қолганини ҳисоблаш билан банд бўлишарди; биз нима қилаётганимиз эса мутлақо қизиқтирмасдик.

Дастлабки кунлари бир-биримизга айтадиган гапларимиз сира ҳам тугамайдигандек, ўзимиз ниҳоятда гапга чечандек туюлган эдик; мен жўрттага ўзимни асилзода олифта мисоли кўрсатмоқчи бўлардим, у бўлса кўпни кўрган хоним ролини ўйнарди. Тез орада ҳазил-мутойиба ҳам жонимизга тегди. Мен баландпарвоз, тумтароқ инглиз тилида сўзлашни йиғиштириб қўйдим, боз устига, бу тилни яхши билмасдим: товонларимни бир-бирига уриштиришнию таъзим бажо келтиришни ҳам эсимдан чиқариб юбордим: бу ҳунарни Эдинбургда махсус ўргангандим. Аини замонда Катриона ҳам дўстона суҳбатлашишни одат қилди; биз худди қариндошлар мисоли ёнма-ён яшардик, фақат мен уни кўпроқ яхши кўрардим. Бу пайтга келиб икковимиз ҳам кўпинча жимгина ўтирардик, бундан ҳар биримиз мамнун эдик, албатта. Баъзан менга танишим малла Нийлдан эшитган эртақларни сўйлаб берар, буларнинг ҳеч охири кўринай демасди. Эртақлар болаларбоп эса-да, менга унинг товушини эшитиб ўтиришнинг ўзи ёқарди. Баъзан биз жимгина ўтирардик. Ҳатто бир-биримизга қайрилиб ҳам қарамасдик, ёнма-ён ўтирганимизни ҳис қилиб туришнинг ўзиёқ олам-жаҳон ҳузур бағишларди. Албатта, мен фақат ўзим ҳақимда гапиришим мумкин. Ёнимда ўтирган қиз нималарни ўйлаётганини билмайман. Ўз хаёлларимни

яшириб ўтиришнинг фойдаси йўқ; мен бу қизни эс-хушимдан айриладиган даражада яхши кўриб қолган эдим, вассалом. У ёнимда ўтирган пайтда ҳатто чарақлаб нур сочаётган қуёшни-да кўрмасдим. Юқорида таъкидлаганимдек, унинг бўйи хийла чўзилиб, хипча тортиб қолган, барча навқирон, соғлом қизлар каби ғайратли, тетик, дилгирлигидан назаримда худди оҳу боласидек оҳиста қадам ташларди. Фақат палубада у билан ёнма-ён ўтирсам — бас, менга шундан бошқа ҳеч нарса керак эмасди: тўғриси айтсам, келажак ҳақида умуман бош қотирмасдим, ҳозирги ғанимат дамлар нашъаси билан маст эдим, фақат гоҳида шайтон йўлдан оздирарди — билмадим-у, негадир унинг қўлини бирпасгина ушлаб қўярдим. Бундай чоғларда топган тож-тахтимни йўқотиб кўйишдан қўрққан хасис чол ҳолига тушардим.

Одатда, ҳар биримиз ўзимиз ҳақимизда ёки бир-биримиз тўғримизда гапирардик; агар биров бизнинг суҳбатимизни пинҳона эшитиб турганда, бизни дунёдаги энг худбин одамлар, деган хулосага келиши аниқ эди. Ана шундай суҳбатларимизнинг бирида дўстлар ва дўстлик тўғрисида гап кетди: кўп ўтмай маълум бўлдики, биз хавfli мавзунини бошлаб кўйган эканмиз. Дўстлик нақадар мўъжизавий туйғу эканлиги ҳақида, илгари бу борада деярли ҳеч нарса билмаслигимиз хусусида гапирардик, шу туфайли ҳаёт янгитдан бошланиши ҳақида сўйлашардик ва бизнинг ёшимиздаги минглаб ёшлар каби сон-саноксиз кашфиётлар яратардик. Дунё пайдо бўлгандан бери одамзод ҳайратланаверади, ҳайратланишдан сира-сира чарчамайди! Кейин ажабки дўстлар илк бора учрашган пайтларида ҳаёт эндигина бошлангандек туюлиши тўғрисида гап кетади; аслида унганча ҳам ҳар бир инсон ўз умрини яшаган, ўз умрини бегона одамлар орасида беҳуда ўтказган бўлади-ку!

— Мен ҳали ҳеч нарса қилишга улгурганим йўқ, — деди у, — бутун умрим тўрт оғиз гапга жо бўлиши мумкин. Ахир мен фақат қиз боламан, холос. Нима десангиз денг-у, лекин қиз боланинг ҳаётида қандай воқеа ҳам рўй берарди? Бироқ мен қирқ бешинчи йилда ўз қабилам билан биргаликда ҳарбий юришларда иштирок этганман. Сизга айтсам, одамлар қилич ушлашиб, пилтамилтиқ кўтаришиб, гурас-гурас бўлишиб ёки якка-ёлғиз ҳолда жангга киришарди, вақтларини беҳуда сарфлашмасди. Кўпинча пасттекисликларда яшайдиган шотландлар, уларнинг ёнларида ижарадорлари от чоптириб боришарди, эгарларда қадди-қоматларини роз тутиб кети-

шаётган бурғучилар жанговар куйларни ижро этишарди. Мен отам Жеймс Морнинг ва шахсан Гленгайлнинг ўнг қўл томонида от ўйнатиб борардим. Гленгайл ёноғимдан ўпиб, қулоғимга айтган сўзларни ҳеч қачон унутмасам керак: «Қондошим, биз билан биргаликда жангга отланган қабиладоршларим ўртасида сиз ягона аёлсиз!» Мен ўшанда бор-йўғи ўн икки ёшга қадам қўйган эдим. Камина шахзода Чарлини ҳам ўз кўзим билан кўрганман; эҳ, у ниҳоятда кўркам, кўзлари кўм-кўк эди! У бутун ҳарбий қўшин оядида қўлимни ўпган эди. Ҳа, у кунлар ғаройиб эди, аммо ширин тушга ўхшарди, кейин мен бирдан уйғониб кетдим. Сўнгра нималар содир бўлганини ўзингиз жуда яхши биласиз: бошимизга қаро кунлар тушди, қизил мундирлилар ёпирилиб келишдию отам билан амаким тоғларга қочиб қетишди: мен зимистон тунларда ёки хўроз қичқирган тонг маҳали уларга овқат олиб борардим. Ҳа, деярли ҳар доим кечаси юрардим, қўрқувдан юрагим қинидан чиқиб кетар даражада дукурларди. Худонинг қудрати билан йўлимда сира ҳам арвоҳ учрăмасди: айтишларича, қизлар арвоҳдан қўрқмасалар ҳам бўлар экан. Кейин амаким уйланди, бу ниҳоятда даҳшатли ҳодиса эди. Уша аёлнинг исми шарифи Жин Кэй бўлиб, никоҳ оқшомида қадимий одатимизга кўра Инверснейддаги дугонасининг уйидан ўғирлаб келишганда бир кеча унинг ёнидан жилмадим. У нима қилишини ҳам билмасди: гоҳ Робга турмушга чиқишга рози-бўларди, гоҳ орадан саноқли дақиқалар ўтгач, куёвнинг номини эшитишга ҳам тоқати қолмасди. Умрим бўйи эс-ҳуши кирди-чиқди бўлиб қолган ўшанақа аёлни кўрмаганман: ахир аёл зоти бир йўла «ҳа» ё «йўқ» демайди-ку! Начора, у бева эди, беваларнинг эса ҳаммаси ёмон бўлишади.

— Катриона! — дедим қичқириб. — Сиз бу гапни қаёқдан олдингиз?

— Узим ҳам билмайман, — деб жавоб берди у. — Шунақа бўлишини кўнглим сезяпти. Иккинчи марта эрга тегиб бўлар эканми! Туф-э! Лекин у шунақа эди — амаким Робга иккинчи марта эрга тегди; маълум вақтгача қўлтиқлашиб ибодатхонага, бозор-ўчарга қатнаб юришди, кейин буларнинг ҳаммаси хотиннинг меъдасига урди шекилли; эҳтимол дугоналари йўлдан уришгандир, балки ўзи номус қила бошлагандир — билмайман, ишқилиб қариндошлариникига қочиб кетди. Кейин айтибдики, гўё биз уни зўрлик қилиб ушлаб ўтирган эмишмиз, яна кўп

гапларни тўқиб-бичибди, лекин ўша фикс-фасодларни такрорлашга ҳозир тилим бормаяпти. Ушандан бери хотинларни ёмон кўраман. Сўнгра отамни — Жеймс Морни қамоқхонага олиб кетишди, кейин нима бўлганини ўзингиз мендан кўра яхшироқ биласиз.

— Сиз ҳеч қачон биров билан дўст тутинмаганмисиз? — деб сўрадим.

— Йўқ, — деб жавоб берди у. — Тоғда бир қанча қизлар билан борди-келди қилардим, аммо буни дўстлик деб бўлмасди.

— Мен бўлсам, биров билан мунтазам борди-келди қилганимни ҳам эслолмайман, — дедим. — Сизни учратганимга қадар ҳеч ким билан дўстлашмаганман.

— Довюррак мистер Стюарт-чи? — деб сўради у.

— Эҳ, ҳа-я, ахир у ёдимдан кўтарилиб кетибди-ку! — дедим мен. — Бироқ у эркак киши, яъни эркаклар билан дўстлашиш — бутунлай бошқа масала.

— Тўғри айтасиз, — деди у. — Албатта, бу бутунлай бошқа масала.

— Яна битта танишим бор эди, — дедим. — Дастлаб, мен уни ўзимнинг дўстим деб юрардим, кейин эса ҳафсалам пир бўлди.

Катриона, у қанақа одам эди, деб сўради.

— У ҳам ўғил бола эди, — деб жавоб бердим. — Биз отам дарс берадиган мактабда аълочи ўқувчилардан ҳисобланардик ва бир-биримизни самимий яхши кўра-миз, деб ўйлардик. Кейин у Глазгога жўнаб кетди: узоқ қариндошига қарашли савдо маҳкамасига ишга жойлашди, қулай фурсат туғилган пайтларда хат ёзиб турди, аммо кўп ўтмасдан янги танишлар ортирдию қанчалаб мактуб битишимга қарамай, жавоб йўллашини хаёлига ҳам келтирмади. Эҳ, Катриона, анча пайтгача одамзод наслига лаънатлар ўқиб юрганимни билсангиз эди! Ёлғондакам дўстан айрилиш ҳам ниҳоятда оғир келадди.

Катриона мендан ўша танишимнинг ташқи кўриниши, табиати ҳақида сўраб-суриштира бошлади: чунки бир-биримизга тегишли бўлган ҳар қандай икир-чикирлар бизни қизиқтирарди. Ниҳоят, қаро кунларнинг бирида ундан келган барча хатларни асраб қўйганимни эслаб қолдиму каютага кириб, бир даста хат кўтариб чиқдим.

— Мана, унинг хатлари, — дедим. — Умуман, ҳаётим давомида олган ҳамма номалар ана шулар. Булар — ўзим ҳақимда сизга айтишим мумкин бўлган энг охири «сир»ларим. Бошқаларини эса мендан кўра яхшироқ биласиз.

— Демак, буларни ўқишим мумкин экан-да?— деб сўради у.

Мен унга, эринмасангиз ўқиб чиқишингиз мумкин, деб жавоб бердим. Шундан сўнг у холи қолдиришимни сўради ва ҳаммасини ўқиб чиқаман, деди. Мен ўзимга келган номаларнинг барчасини бир жойда сақлардим; бу даста ичида мистер Кемпбелл шаҳарга борган пайтлари менга йўллаган хатлар ҳам, Катрионанинг ўзидан олганим қисқагина хатча ҳам, шунингдек, мисс Гранддан Басс қоясида олган хабарномаю кемага юборган бояги ҳазиломуз мактуб ҳам бор эди. Бироқ охирги икки нома борасида ўша пайтда жиддий ўйламаган эдим.

Мен фақат Катриона тўғрисида ўйлардим, холос. Нима қилаётганимни ўзим билмасдим. Ҳатто унинг ёнимда бор ёки йўқлиги-да аҳамиятсиз эди; мен унга мубтало бўлиб қолгандим: ўнгимда ҳам, тушимда ҳам, кечасию кундузи қандайдир оташ бағримни ўртарди. Шунинг учун мен итоатқорона кеманинг тумшуғи томонга кетдим: кемамизга тўлқинлар уриларди, сув сатҳида оппоқ кўпик пайдо бўларди. Мен унинг қошига қайтиб боришга шоянмасдим, гўё хаёлларимдан ажралиб қолишни истамасдим — мириқиб ҳузур қилмоқчи бўлардим. Табиатан ишратпараст эмасман, ҳузур-ҳаловат нима эканини билмаганим учунми, бу ҳақда батафсил ҳикоя қилаётган бўлсам, каминани маъзур тутасизлар албатта.

Катриона унинг олдига қайтиб борган пайтимда у қовоқларини уйганча хатларни қайтариб берди: юрагим шиф этиб кетди — назаримда, бизни боғлаб турган ришта бирдан узилгандек туюлди.

— Хўш, ўқиб чиқдингизми, қалай?— деб сўрадим. Товушим сунъийроқ эшитилаётганини ўзим ҳам сезиб турардим; чунки у нега хафа бўлаётганини билишни истардим.

— Шу хатларнинг ҳаммасини ўқиб чиқишимни хоҳлаган эдингизми?— деб сўради Катриона.

— Ҳа,— дедим эшитилар-эшитилмас.

— Охирги хатни ҳамми?— деди у ўсмоқчилаб.

Эндигина гап нимада эканини тушундим, лекин барибир унга ёлғон гапира олмадим.

— Мен ўйлаб-нетиб ўтирмасдан уларнинг ҳаммасини сизга ўқиб кўриш учун берган эдим,— дедим.— Назаримда, улар орасида бирорта ҳам ёмон мазмундаги хат йўқ.

— Мен бошқача фикрдаман,— деди у.— Худога

шукрки, сизга ўхшаган эмасман. Бу хатни кўрсатиб ўтир-масангиз ҳам бўларди. Авваламбор, уни ёзмаслик лозим эди.

— Янгилишмасам, сиз дугонангиз Барбара Грантни назарда тутяпсиз шекилли?— деб сўрадим.

— Ёлғондакам дўстан айрилиш ҳам оғир бўлади,— деди у менинг сўзларимни такрорлаб.

— Баъзан дўстликнинг ўзи ҳам сохта бўлиши мумкин!— деб хитоб қилдим.— Қандайдир инжиқ, тантиқ қиз бир парча қоғозга ёзиб қўйган сўзлар учун мени айблагани уялмайсизми? Ахир мен сизни ҳурмат қилишимни жуда яхши биласиз-ку! Мен бундан кейин ҳам ҳар доим сизни ҳурмат қиламан.

— Лекин барибир ўша хатни кўрсатдингиз-ку!— деди Катриона.— Менга бундай дўст керак эмас. Мистер Бэлфур, мен ўша қиз бўлмаса ҳам... сиз бўлмасангиз ҳам ўлиб қолмайман!

— Хизматга тухмат экан-да!— деб қичқирдим.

— Сиздан қарздорман,— деди.— Аммо илтимос қиламан... манави хатларингизни олиб қўйсангиз...

У охириги сўзларни айтаётганда нафаси оғзига тиқилиб, бўғилиб қолаёзди; шунинг учун сўзлари узуқ-юлуқ эшитилди.

— Начора, илтимос қилмасангиз ҳам хатларимни қайтариб олавераман,— дедим-да, хатларни олиб денгизга улоқтирдим.

Қоронғи тушгунча ўзимни босолмасдан палубада уёқдан буюққа бориб келавердим. Кун ботгунча ичимда қизни хилма-хил лақаблар билан роса тузладим. Тоғликларнинг калондимоғлиги ҳақида эшитган барча мишмишларим унинг хатти-ҳаракатлари олдида ип эшолмасди: ҳали оғзидан она сути кетмаган қизалоқ ўзи ҳозиргина менга таърифлаб турган дугонасининг арзимас имо-ишораларидан кейин фиғони фалакка чиқиб, тумтайиб олишини тасаввур этиб бўлмасди. Мен жигибийрон бўлаётган ёш болага ўхшардим, калламга ҳар хил бўлмағур хаёллар келарди. Агар ҳақиқатан ҳам Катрионани ўпиб олганимда борми, у қоғозга битилган ҳазиломуз сўзлардан бунчалик ранжимасди; буни табиий ҳолдек қабул қиларди, жиззакилик қилмасди. Назаримда, хотин зоти андак бепаросатроқ бўлади шекилли, аммо бунинг жабрини шўрлик эркаклар тортишади.

Кечки овқат пайтида биз одатдагидек ёнма-ён ўтирардик, лекин ҳаммаси бутунлай ўзгариб кетганди! У ни-

ҳоятда бефарқ бўлиб қолганди, мен томонга ҳатто қайрилиб ҳам қарамасди, ранг-рўйи бўздай оппоқ; мен уни хуморимдан чиққунимча савалашга ҳам, оёқларига бош уришга ҳам тайёр эдим, аммо на ундай қилишимга, на бундай қилишимга имкон йўқ эди. У стол ёнидан турдию шу пайтга қадар хаёлига ҳам келтирмаган миссис Жейби артофида парвона бўла бошлади. Афтидан, сафар охиригача йўлда бой берилган ғанимат дамларни қайтариб олишга қарор қилган кўринарди: кампирга ғайритабиий равишда меҳрибон бўлиб қолган эди. Бундан ташқари, палубага чиққан пайтларда дарға Сэнгига қиз болага ярашмайдиган даражада катта эътибор берарди. Албатта, дарға яхши инсон; у Катрионага худди ўз қизидек муомала қиларди. Шундай бўлса-да, қиз мендан бошқа кимса билан чақчақлашиб турганини кўрарга кўзим йўқ эди.

Умуман, у усталик билан менга чап берарди, доимо одамлар даврасида бўларди: шунинг учун юзма-юз гаплашиб оладиган пайт келишини жуда узоқ кутишимга тўғри келди: ниҳоят, ўшандай имконият туғилгач, деярли ҳеч нарсага эриша олмадим.

— Мен сизни нега хафа қилиб қўйганимни ҳеч тушунмаяпман,— дедим.— Наҳотки, гуноҳим шунчалар катта эканки, энди мени асло кечирмасангиз-а? Утиниб сўрайман, мени кечиринг!

— Сиз кечирим сўрашга арзийдиган гуноҳ қилганингиз йўқ-ку!— деди у бефарқ оҳангда.— Дўстлигингиз учун сиздан бениҳоя миннатдорман.

Катриона оз-моз ҳовуридан тушган эди.

Кўнглимга тугиб қўйган ҳамма гапларимни ҳали айтмаган эдим ва айни чоқда ниятимдан воз кечишни ҳам истамасдим.

— Ундай бўлса, баъзи бир гапларни айтиб қўймоқчиман,— дедим.— Агар мен ўша хатларни кўрсатиб, кўнглингизни оғритган бўлсам, буни мисс Грантга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ахир у хатни сизга йўллаган эмас, балки ўша лаънати сизга кўрсатмаслик лозим эканига фаросати етмаган бир бечораваш, лапашанг йигитчага йўллаган. Агар сиз мени айбламоқчи бўлсангиз...

— Илтимос қиламан, бундан кейин менинг олдимда ўша қизни эслатмасангиз,— деди Катриона.— Ҳатто ўлим тўшагида ётган пайтида ҳам мен уни кечирмайман.— У тесқари томонга қараб олди, сўнг яна менга юзланди.— Ўша қиз билан бир умрга алоқамни узиб юбораман, деб қасам ичасизми?!— деди товушини баландлатиб.

— Сизни ишонтириб айтишим мумкинки, мен ҳеч қачон бу қадар адолатсиз бўлолмайман,— дедим.— Кўрнамаклик қилишга қодир эмасман.

Энди менинг ўзим ундан юзимни ўгириб олдим.

Йигирма иккинчи боб

ГЕЛВОЭТ

Сафар охирига бориб ҳаво айнади: шамол арқонларга урилиб чийилларди, тўлқинлар борган сари юқорига кўтариларди, унга қарши курашаётган кема эса нолакор товуш чиқарарди — ғичирларди. Денгиз чуқурлигини ўлчаётган денгизчининг ҳайқириги деярли тинмасди; чунки биз саёзликларга чап бериб сузишга мажбур бўлаётган эдик. Эрталабки соат тўққизларда, қаттиқ ёғаётган дўл бир оз тинган маҳалда осмонда эшак ўлдиранар қуёш пайдо бўлдию мен илк бора Голландияни кўрдим: соҳил бўйлаб тизилишиб турган шамол тегирмонларининг парраклари пизиллаб айланарди. Бунчалик баҳайбат қурилмаларни умримда биринчи учратишим; бирдан бегона юртга келиб қолганимни ҳис этдим, бу ерда бошқа дунё, бошқа ҳаёт мавжуд. Соат ўн бир яримларда биз Гелвоэт бандаргоҳида кемалар тўхтаб турадиган жойда лангар ташладик; буёққа ҳам тўлқинлар ёпирилиб келардию гоҳ-гоҳида кемамизни юқорига кўтариб ташларди. Ўз-ўзидан равшанки, миссис Жеббидан ташқари барча йўловчилар палубага чиқишган эди: баъзилар елкасига плаш ташлаб, бошқалар эса елкан бўлаklarини устиларига ёпирилиб олишганди, қалдирғочлар каби арқонларни ушлашганча тизилишиб туришарди; ҳазия-мутойиба қилишарди, денгиз ҳайвонларига тақлидан аллақандай товуш чиқаришиб қичқиришарди. Тез орада худди қароқчилар сингари аста-секинлик билан, эҳтиёт бўлиб битта қайиқ кемамизга яқинлашди ва унинг эгаси кема дарғасига голланд тилида бир нималар деб қичқирди. Дарға Сэнг ташвишди қиёфада Катрионага ўгирилиб қаради; йўловчилар бирпасда уни қуршаб олишди: у бизга нима гап эканини тушунтирди. «Атиргул» Роттердам бандаргоҳига бориши лозим экан; айнан баъзи йўловчилар ўша ерга ошиқиб туришарди; чунки иечга томон у ердан Олмонияга хат ташийдиган тўрт ғилдиракли соябонли арава жўнаб кетарди. Дарғанинг айтишича, ҳали довул кучайгани йўқ экан, агар

зудлик билан ҳаракат қилинса, бандаргоҳга етиб олишимиз мумкин. Лекин Жеймс Мор қизи билан Гелвоэтта учрашиши керак эди; шунинг учун дарға қизни қайиққа тушириб қолдириш мақсадида бирпасга тўхтагани. Қайиқ кемага яқин келди, Катриона тайёр эди, аммо бизнинг дарғамиз ҳам, қайиқнинг эгаси ҳам таваккал қилишни исташмасди. Боз устига, дарға имиллаб ўтирмакчи эмасди.

— Мисс Драммонд, агар бизнинг айбимиз билан оёғингизни синдириб олсангиз борми, отангиз хурсанд бўлмаса керак,— деди.— Худо кўрсатмасин-у, чўкиб кетсангиз нима бўлади! Менинг маслаҳатимга қулоқ солинг: биз билан Роттердамга сузиб кета қолинг. Кейин елканли қайиқда Маас дарёси бўйлаб то Бриллгача бориб оласиз-да, соябонли почта аравасига ўтириб Гелвоэтта жўнайсиз.

Аммо Катриона бу ҳақда эшитишни ҳам истамади. У ҳар томонга бодроқдек сочилиб кетаётган томчиларга, палубадан ошиб тушаётган кўм-кўк тўлқинларга, чайқалиб турган қайиққа қараб туриб мурдадек оқариб кетган эса-да, аммо отасининг буйруғини сўзсиз бажаришга қарор қилгани. «Менинг отам Жеймс Мор шундай деган», дейишдан бошқа гапни билмасди. Буйруқни айнан бажаришга интилаётган қиз, менинг назаримда, шунчаки инжиқлик қилаётгандек туюларди, аслида эса бунга унинг асосли далили бўлиб, ҳозирча бу ҳақда миқ этмасди. Елканли қайиқда, усти ёпиқ почта ташийдиган аравада сайр этиш жуда ёқимли, албатта. Бироқ бунинг учун йўлқира тўлаш лозим, Катрионанинг чўнтагида эса икки шиллинг яна уч-тўртта чақа бор эди, холос. Хулласи калом, дарға ҳам, йўловчилар ҳам унинг ҳамёни қуруқ эканидан беҳабар эдилар: бу тўғрида ўзи иқдор бўлгани ғурури йўл қўймасди ва оқибатда бекордан бекорга унинг розилигини олишга овора бўлишарди.

— Ахир сиз на фаранги тилида, на голланд тилида гапиришни биласиз!— деди кимдир.

— Гапингиз тўғри,— деди Катриона.— Аммо қирқ олтинчи йилдан бери чет элда шунчалар кўп ҳалол шотландлар яшашадики, мен асло кўчада қолмайман. Ғамхўрлигингиз учун катта раҳмат!

Бу гаплар қишлоқи қизнинг соддалигидан нишона эди; баъзи кишилар кулиб юборишди, бошқалар эса унга янада ачинишиброқ назар ташлаб қўйишди, мистер Жейбб бўлса очиқдан-очиқ норози бўлди. Афтидан,

унинг хотини қизга ҳомийлик қилишга рози бўлибдими, демак у қизни соҳилгача кузатиб бориб, йўл-йўриқ кўрсатиб қайтиши лозим эди. Бироқ у икки дунёда ҳам почта ташийдиган соябонли аравадан кеч қолишга кўнмасди: менимча, бақириб-чақириб виждон товушини эшитмасликка уринарди. Ҳар эҳтимолга қарши, дарға Сэнгига ўдағайлай бошлади: бу ахир иснод-ку, ҳозир кемани тарк этиш ўлим билан баробар, ярамаслар — голланд балиқчилари тиқилиб ётган қайиққа қизни тушириб бўлмайди, уни тақдир тақозосига ташлаб кетиш мумкин эмас, деди. Катриона бўш-баёвгина қиз бўлса... Мен унинг фикрига қисман қўшилардим; дарғанинг ёрдамчисини бир четга бошлаб ўтдим-да, ундан менинг юкларимни шатакка олинадиган ясси кемага ортиб, Лейдендаги адресга жўнатишини илтимос қилдим ва унга дафтарчамдаги адресни йиртиб бердим. Сўнг борт ёнига бордим у балиқчиларга, келаверинглар, деб ишора этдим.

— Дарға Сэнг, мен бу қиз билан соҳилга тушаман, — дедим. — Қайси йўл билан бўлса ҳам Лейденга етиб олсам бас, фарқи йўқ.

Шундан кейин қайиққа сакрадим, лекин мўлжални нотўғри олган эканман шекилли, иккита балиқчини ҳам қўшиб, қайиқ тубига йиқилиб тушдим.

Кемадан туриб қараганда ҳам, қайиқдан кузатилса ҳам юқоридан сакраб тушиш хавфли кўринар экан: чунки кема нақ устимизда тебраниб турарди — гоҳ юқорига сапчирди, гоҳ сувга ботиб кетарди, лангар занжирлари узилиб кетай дерди, ҳар дамда бизни чўктириб юбориши мумкин эди. Энди бемаъни иш қилиб қўйганимга афсуслана бошладим: негаки, Катриона ҳам мен каби қайиққа сакраб тушишига шубҳаланардим: қисқаси, улар Гелвоэт соҳилига ёлғиз ўзимни элтиб қўйишмаса гўрғайди, деб хавфсирардим: у ерда кутиб турган Жеймс Мор билан оғиз-бурун ўпишишга асло тоқатим йўқ эди. Бироқ қизнинг довьораклигини ҳисобга олмаган эканман. У мен қандай сакраганимни кўриб турарди: кўнглида нималар кечаётганини билмадим-у, лекин қиёфасидан иккиланиш аломатлари мутлақо сезилмасди: ҳа, у довьораклик бобида ўзининг рад этилган дўстидан ортда қолишни истамасди. Арқондан ушлаганча борт устига чиқди: шамол кўйлак этақларини ғумбарак қилиб юборди: ҳозир пастга сакраш янада хавфлироқ эди: асилзодалар доирасидаги одоб қондасига хилоф равишда биз унинг пайпоғининг юқорироқ

қисмини ҳам кўриб қолдик. Катриона асло иккиланмади, эгар биров унга халақит беришни хоҳлаган тақдирдаям сеч нарса қилолмасди. Мен ўрнимдан турдим-да, қулонимни кенг ёйдим: кема хийла сувга ботиб кетдию қайиқ эгаси уни одатдагига қараганда анча яқинроқ олиб борди. Сўнгра Катриона қайиққа сакради. Бахтимга, уни ушлаб қолдим: балиқчилар мени суяб туришганлари учун йиқилмадим. У менга маҳкам ёпишиб олди, тез-тез чафас оларди, юраги дукур-дукур урарди. Кейин бизни бошқарувчи ёнига — қуйруқ томонга жойлаштиришди, у ҳамон икки қўли билан мени маҳкам ушлаб турарди: қайиқ соҳил томон йўл олди; дарға Сэнг билан йўловчилар бизнинг оптимиздан офаринлар айтишиб, хайрлашиб қолишди.

Катриона бир оз ўзига келган, индамасдан қўлларини тортиб олди. Мен миқ этмадим. Агар биз гаплашган тақдиримизда ҳам шамолнинг увиллашию тўлқинларнинг шалоплаши товушимизни кўмиб юборарди. Эшкакчилар кучларининг борича ҳаракат қилишаётган бўлсалар-да, биз зўрға олдинга силжирдик: бандаргоҳ чеккасига етиб боргунимизча «Атиргул» елканларини кўтариб, йўлига равона бўлди.

Сув сокинроқ бўлган жойга етар-етмасимиздан, барча голландлар каби ярамас одатга ўрганган қайиқ эгаси эшқақчиларни ишдан тўхтатдию йўлкира ҳақини талаб қилди. У ҳар биримиздан икки гульдендан ундириб олишни истарди, бу инглиз пулида уч ёки тўрт шиллинг бўларди. Буни эшитиши билан Катриона тарадудланиб қолди ва бирдан шовқин кўтарди. Дарға Сэнг, фақат бир шиллингдан тўлайсизлар деган, деди.

— Ўйлайсизки, мен йўлкира нархини сўраб-суриш-тирмасдан қайиққа ўтирган эканман-да?— деб қичқирди Катриона.

Хўжайин ўз тилида бир нималар деб дўнғиллади, лекин инглиз тилида сўкинди, бошқа барча сўзлари эса голландча эди; охири қараб турсам, қиз йиғлаб юборадигандек туюлдию сездирмайгина анави аблаҳнинг қўлига олти шиллингни қистириб қўйдим: шундан сўнг у сўкиниб-нетмасдан Катрионадан ҳам бир шиллинг олди. Албатта, иззат-нафсим озор еди, мулзам бўлдим. Мен тежамкор инсонларни яхши кўраман, аммо бу даражада қизишиб ўтириш ярашмайди-да. Қайиқ яна йўлга тушгач, мен Катрионадан, отангиз билан қаерда учрашишга келишгансизлар, деб сўрадим қуруққина оҳангда.

— Бу ҳақда Спротт номли битта ҳалол шотланд савдогарининг уйида маълумот олишим лозим,— деб жавоб берди ва у бирпас нафасини ростлаб олди-да,— кўшиб кўйди:— Сизга чин юракдан миннатдорлик билдираман, ҳақиқий дўст экансиз.

— Мен сизни отангизнинг қўлига топшираётган пайтимда ҳам миннатдорлик билдиришга улгурасиз,— дедим, гапларимнинг нечоғли тўғри ёки нотўғри эканини ўзим ҳам билмаганим ҳолда.— Унга ўжар қизи ҳақида гапириб бераман.

— Мен у қадар беодоб эмасман-ку!— деб хитоб қилди куюниб.— Назаримда вафодор бўлмасам керак.

— Бироқ, азбаройи отасининг буйруғини бажариш учун камдан-кам одамгина бундай баландликдан сакрашга журъат этади,— деб кўйдим.

— Йўқ, алдамоқчи эмасман!— деб кичқирди.— Ахир, сиз сакраганингиздан сўнг мен юқорида қололмасдим-ку. Бундан ташқари, яна битта сабаби ҳам бор эди.

Шундан кейин дув қизариб кетдию чўнтагида пули жуда ҳам кам эканига иқрор бўлди.

— Эй парвардигори олам!— деб хитоб қилдим.— Бу қанақа бемаънилик бўлдики, чўнтагида хемири йўқ қизни катта кўчага чиқариб кўйишса! Менимча, бу инсофдан эмас.

— Менинг отам Жеймс Мор ниҳоятда камбағал эканини эсингиздан чиқаряпсиз шекилли,— деди.— У қувғинда юрибди, шўрликни қонун посбонлари таъқиб этишяпти.

— Лекин ҳамма дўстларингиз қувғинди эмас-ку!— деб эътироз билдирдим.— Ахир қадрдонларингиз учун бу ҳол уят ҳисобланмайдими? Нега менга бир оғиз айтмадингиз? Сизга сафарга жўнашни маслаҳат берган мисс Грант буни эшитганда борми, бошини чангаллаб қолмасмиди? Сизни яхши кўришадиган Грегорлар бундан уялишмасмиди? Худога шукрки, ёнингизда мен борман! Мабодо отангиз бирор сабаб туфайли келишилган муддатда келолмаса, бегона мамлакатда ёлғиз ўзингиз нима қилардингиз? Буни хаёлга келтиришнинг ўзи даҳшат!

— Мен ҳаммани алдаган эдим,— деб жавоб берди.— Уларга пулим кўп, деганман. Анави қизга ҳам шунақа деб эдим. Мен бегоналар олдида Жеймс Морнинг обрўсини тўкишни истамасдим.

Кейинчалик маълум бўлишича, у фақат отасининг обрўсини тўкибгина қолмасдан, балки уни шарманда

қилиши ҳеч гап эмасди; чунки ёлғон-яшириқ гапларни қиз эмас, отаси тарқатган эди: қиз эса отасининг номига доғ туширмаслик учун беихтиёр ёлғон сўзлашга мажбур бўлганди. Бироқ ўша пайтда мен бундан беҳабар эдим ва қизнинг хавф-хатар билан юзма-юз турганини, чўнтагида хемири йўқ эканини ўйласам — бас, аъзойи баданидан совуқ тер чиқиб кетарди.

— Ана холос!— дедим.— Оқилона иш тутсангиз ёмон бўлмасди.

Унинг юкларини соҳилдаги меҳмонхонага жойлаштириб чиқдим-да, биринчи марта фаранги тилида гапирдим: одамлардан Спротт хонадони қаерда эканини сўраб-суриштирдим; айтишларича, унчалик узоқ эмас экан. Шаҳарни қизиқиб томоша қилганимизча йўлга тушдик. Шаҳарда шотландларни тўлқинлантириб юборадиган ажойиботлар бисёр экан: ариқчаларда сув жилдираб оқарди, атроф кўкаламзор эди; иморатлар бир-бирларидан холироқ масофаларга қурилган бўлиб, қизғиш ғиштлардан барпо этилганди, ҳар бир уйнинг олдида мовий мрамрдан ясалган ўриндиқ ва пиллапоя бор; шаҳар ёғ тушса ялағудек даражада топ-тоза эди. Биз Спроттни пастаккина меҳмон кутиладиган хонасида учратдик: хона ниҳоятда озода, чинни ҳайкалчалару расмлар билан безатилганди, бронза супачада глобус турарди. У ҳисоб-китоб дафтарини варақлаб ўтирарди. Икки юзи қип-қизил эди, соғломлигини бир қарашдаёқ сезиш мумкин, аини чоқда қаллоб эканини ҳам дарҳол илғадим: у бизни совуққина қарши олди, ҳатто ўтиришга ҳам таклиф этмади.

— Сэр, айтинг-чи, Жеймс Мор Макгрегор ҳозир Гелвоэтдами?— деб сўрадим.

— Бундай номни умримда илк марта эшитиб турибман,— деди бош чайқаб.

— Агар сиз шунчалик инжиқ бўлсангиз, бошқача йўсинда савол беришимга ижозат бергайсиз: Жеймс Драммондни; Макгрегор ҳам, Жеймс Мор ҳам, Инверонахилда авваллари ижарадор бўлган киши ҳам ўша — Гелвоэтнинг қаеридан топишимиз мумкин?— дедим.

— Сэр, менимча, унинг жойи дўзахда бўлиши керак; чин юракдан шуни истайман,— деб жавоб берди у.

— Сэр, манави леги сиз айтаётган ўша одамнинг қизи бўлади,— дедим.— Умид қиламанки, қизининг олдида отаси ҳақида ёмон гапириш одобдан эмаслигини билсангиз керак.

— Мен унинг ўзини ҳам, қизини ҳам, сизни ҳам

билмайман!— деб қўполлик билан гапимни бўлди Спротт.

— Кечирасиз, мистер Спротт, бу леди отасини кўриш учун атайлаб Шотландиядан келди; англашилмовчилик туфайли унга сизнинг адресингизни беришибди Назаримда, бировдан хатолик ўтибди. Мен унинг тасодифий ҳамроҳи бўлсам-да, аммо ўз ватандошимизга ёрдам бериш барчамизнинг бурчимиз ҳисобланади.

— Нима бало, сиз мени аҳмоқ деб ўйлаяпсизми?— деб қичқирди у.— Боя айтдим-ку, мен ҳеч нарсани билмайман: унга ҳам, унинг қизига ҳам туфурдим! Маълумотингиз учун, ўша одам мендан анча-мунча қарздор!

— Сэр, бўлиши мумкин,— дедим ғазабимни зўрға ичимга ютиб.— Бироқ мен сиздан қарздор эмасман. Мана бу ёш қиз эса менинг ҳомийлигимда юрибди; мен бундай муомалазга ўрганмаганман, ҳар хил бўлмағур гапларни эшитишга тоқатим ҳам йўқ!

Шундан сўнг беихтиёр унинг столи томонга икки-уч қадам ташладим; бахтли тасодифни қарангки, унга таъсир кўрсатишнинг ягона усули шунақа экан. Бирпасда кип-қизил юзи бўздай оқариб кетди.

— Худо хайрингизни берсин, сэр, қизишмайлик!— деди у хавотирланиб.— Ростини айтсам, мен асло сизни хафа қилмоқчи эмасдим. Ишонинг ахир, сэр, мен олижаноб, ҳалол, одамшаванда инсонман; акиллайдиган кўппакдан кўрқиш керак эмаслигини ўзингиз ҳам биласиз-ку! Гапларимни эшитган киши ниҳоятда баджаҳл бўлса керак, деб ўйлайди; аслида эса қўй оғзидан чўп олмайдиган кишиман. Сэнди Спротт юраги тоза инсон! Уша Морни деб бошимга қанча кулфатлар тушганини айтсам, ишонмайсиз!

— Ҳимматингизга балли, сэр!— дедим.— Айни пайтда сизнинг олижаноблигингиздан фойдаланиб қолмоқчиман: хўш, айтинг-чи, мистер Драммондни охири марта қачон кўрдингиз?

— Сэр, марҳаматингизни дариг тутмайсиз-да!— деди.— Фақат у манави бону борасида (леди, қадамларига ҳасанот!) ўйламаган экан. Мен уни жуда яхши биламан: у даста-даста пулларимни еб кетди! Дўим ўзини ўйлайди, холос. Қабилами, қиролми ёки қизими — барибир, ҳаммасига туфуришни истайди, фақат қорнини қаппайтириб юрса — бас! Ҳа, ўзининг ишончли вакилига ҳам туфуради. Ҳарҳолда мен маълум маънода унинг ишончли вакили ҳисобланаман. Бу ерда биз битта

ишни бошлаб қўйганмиз, лекин у Сэнди Спроттга жуда қимматга тушади шекилли. Айтиш мумкинки, ўша киши каминанинг ҳамтовоғи бўлади, аммо ростини айтсам, ҳозир қаерда эканини билмайман. Эҳтимол, Нелвоэтга бугун эрталаб келгандир, балки бир йилдан бери шу ерда яшаётгандир. Агар кутилмаганда мендан олган қарзларини қайтариб берсагина мен ҳайрон бўлишим мумкин, бошқа ҳеч нарса мени ҳайрон қолдирмайди. Ўзингиз ҳам кўриб турибсизки, менинг аҳволим жуда оғир: сиз айтаётган манави хонимнинг ишларига аралаш-шишга асло хоҳишим йўқ эканини тушуниб турган бўлсангиз керак, албатта. Равшанки, хоним бу ерда қолиши мумкин эмас. Уйлаб кўринг, сэр, ахир мен бўйдоқман! Агар қизни уйимда олиб қолсам борми, ўша иблис туйқусдан келиб, мени бу қизга уйланишга мажбур қилиши ҳеч гап эмас!

— Ҳадеб вайсақилик қилаверманг!— дедим зарда аралаш.— Мен бу қизни олижаноб дўстларимиз ҳузурига элтиб қўяман. Қани менга қалам-қоғоз беринг-чи; Жеймс Морга Лейдендаги ўзимнинг ишончли вакилимнинг адресини ёзиб қолдираман. У мен орқали қизининг қаерда эканини билиб олиши мумкин.

Хат ёздим-да, муҳр босдим: бу иш билан машғул бўлиб турган пайтимда Спротт мисс Драммонднинг юкларини олиб келиш учун одам юборди. Сарф-харажатларни қоплаш учун унга икки доллар бердим, у менга тилхат ёзиб берди. Сўнгра Катрионани қўлтиқладим-да, аблаҳнинг уйини тарк этдик, Қиз воқеаларга аралашмади, ҳамма нарсани ўзимга қўйиб берди; мен эсам, ўз навбатида унга қарамасликка уриндим: чунки у ўзини ноқулай ҳис этиши мумкин эди; уятдан, ғазабдан юрагим ўйноқлаб турган бўлса ҳам зўр бериб ўзимни босиб олишга ҳаракат қилардим.

— Ҳозир орқамизга қайтамыз ва фаранги тилида муомала қилишадиган меҳмонхонага борамиз-да, овқатланамиз, сўнг Роттердамга соябонли арава қачон жўнашини сўраб-суриштирамиз,— дедим.— Сизни яна миссис Жабби қўлига топширмасам, хотиржам бўлмайман.

— Ҳа, шунақа қилишга тўғри келади,— деди Катриона.— Аммо у асло хурсанд бўлмайди, менга кўзи учиб тургани йўқдир! Бундан ташқари, чўнтагимда фақат бир шиллинг сариқ чақа бор эканини ҳам унутманг.

— Ўзингиз ҳам ёнингизда мен бор эканимни унутманг,— дедим.

— Мен фақат шу ҳақда ўйлаяпман, холос,— деди у ва назаримда, қўлтиғимдан маҳкамроқ ушлаб олгандек туюлди.— Сиз менинг яккаю ягона дўстимсиз.

Йигирма учинчи боб

ГОЛЛАНДИЯ БЎИЛАБ САЁХАТ

Ичкарасига ўриндиқлар ўрнатилган узун соябонли арава тўрт соат деганда бизни машҳур Роттердам шаҳрига элиб қўйди. Аллақачон қоронғи тушган бўлса-да, чароғон кўчалар бегона, ёввойи одамлар билан гавжум эди: соқолдор яҳудийлар, қора танлилар ва денгизчиларнинг энгларидан тортқилашиб, пана жойларга имлашаётган шаллақи қизлар кўчаларни тўлдириб юришарди; шовқин-сурондан бошимиз айланарди, энг ажабланарли жойи шунда эдики, ўша ғалати одамлар бизни кўриб ҳайратланишарди. Катрионанинг обрўйини туширмаслик учун ўзимни оғир-вазмин кўрсатишга уринардим, аммо ростини айтишим лозимки, мен худди отасини йўқотиб қўйган ёш болага ўхшардим; юрагим кўкрак қафасимни ёриб чиқиб кетар даражада дукурларди. Бир неча марта бандаргоҳ қаерда эканини, «Атиргул» кемаси қаерда турганини сўрадим; бироқ кўпинча фақат голландча гапирадиган одамларга дуч келардим ёки ўзим фаранги тилида рисоладагидек гапиришни билмасдим. Таваккал қилиб, битта кўчага бурилдим рўпарамизда ёп-ёруғ уйлар намоен бўлди: эшиклару деразаларнинг ёнларида лаб-лунжини бўяб олган бақалоқ хотинлар уймалашарди, улар бизнинг ҳар томонимиздан тўрткилашарди, устимиздан кулишарди, мазаклашарди. Индамасдан уларнинг орасидан ўтиб кетаверардик. Ичимда шу исқиртларнинг тилига тушунмаётганимдан хурсанд бўлардим. Тез орада бандаргоҳ олдидаги катта майдондан чиқдик.

— Энди ҳаммаси яхши бўлади! — деб хитоб қилдим мачталарга кўзим тушган заҳоти.— Бандаргоҳ яқинида бирпас сайр этайлик! Албатта, бизга инглизча билладиган бирорта инсон йўлиқиб қолар-ку: агар омадимиз келса, кемамизни учратиб қолсак ажаб эмас.

Ҳартугул, бизга омад кулиб боқди: кечки соат тўққизлар атрофида биз, қани ўзингиз топинг-чи, кимга дуч келиб қолдик? Дарға Сэнгни учратдик. Унинг гапларига қараганда, кема жуда қисқа муддатда анча масофани

босиб ўтибди: бандаргоҳга киргунларига қадар шамол тинмабди: ҳамма йўловчилар манзил томон равона бўлишибди. Олмонияга жўнаб кетишган эр-хотин Жеббиларни қувиб етиш тўғрисида ўйламаса ҳам бўларди. Биз бу ерда дарға Сэнгдан бошқа ҳеч кимни танимасдик. Унинг дўстона муносабати, бизга ёрдам беришга тайёр экани кўнглимизни эритиб юборди. У савдогарлар орасидан яхшигина, камтарин оилани топишга ва «Атиргул»га юк ортиб бўлгунларига қадар Катрионани таниш-билишлари хонадонига жойлаштиришга ваъда берди: кейин қизни текинга Литга элтиб қўяди; шахсан ўзи мистер Грегорнинг қўлига топширади; сўнг у бизни ярим тунгача ишлайдиган қаҳвахонага таклиф этди; овқатланиб олсак зиён қилмасди, албатта. Юқорида таъкидлаганимдек, у ниҳоятда дўстона муомала қиларди, лекин доимо бақириб гапирардики, мен бундан таажжубланардим. Кўп ўтмай бунинг сабаби маълум бўлди. Қаҳвахонада у май келтиришларини талаб қилдию тўйгунича ичиб олгач, маст бўлиб қолди. Маст бўлгандан сўнг ҳамма кишилар, айниқса, кўнимсиз ҳаёт кечирадиган денгизчилар ўзларини идора қилолмай, алжираб қолишади; жумладан, дарға ҳам эс-ҳушини йўқотиб қўйди; Катрионага уятсиз ҳазиллар қила бошлади, кемадан қайиққа сакраётган пайтдаги ҳолатини эслатди... Мен тезроқ қизни бу ердан олиб чиқиб кетишга мажбур бўлдим.

Қаҳвахонани тарк этган маҳалимизда қиз менга маҳкам ёпишиб олган эди.

— Дэвид, тезроқ бу ердан кетайлик, — деди у. — Мен ўз ҳимоянгизга олинг. Сиз билан бирга бўлсам, ҳеч нарсадан қўрқмайман.

— Жуда тўғри қиласиз, миттижон дўстим! — дедим унинг сўзларидан таъсирланиб.

— Сиз мени қаёққа олиб борасиз? — деб сўради. — Фақат ташлаб кетманг... ҳеч қачон ташлаб кетманг.

— Дарҳақиқат, сизни қаёққа бошлаб кетяпман-а? — дедиму қадамимни секинлатдим, чунки кўзи ожиз одамга ўхшаб бошим оққан томонга кетардим. — Ўйлаб кўриш лозим. Лекин сизни ташлаб кетмайман, Катриона. Агар сизни алдасам ёки ёмонлик қилсам, майли, мени худо урсин; майли, мен худонинг қарғишига дучор бўлай!

Жавоб бериш ўрнига у менга янада қаттиқроқ ёпишиб олди.

— Ғала-ғовур, худди арихонага ўхшаш бу шаҳарда

тинчроқ жойни топиб бўлмаса керак,— дедим.— Юринг, анави дарахтнинг остига бориб бирпас ўтирайлик-да, бундан кейин нима қилишимиз лозимлигини бир ўйлаб кўрайлик.

Бу дарахт (менимча, энди ҳеч қачон ўша дарахтни унутмасам керак) бандаргоҳ бўйида ўсган эди. Ярим тун бўлишига қарамай, уйларнинг деразаларидан ва бир жойда турган кемаларнинг дарчаларидан чироқ нурлари кўриниб турарди; ортимизда эса азим шаҳар шуълага чулғаниб ётарди, қулоқларимизга шовқин-сурон эшитилмоқда эди; соҳил зимзиё бўлиб, у томонда кема бортларига урилиб, шалоплаётган сув товуши сокинликни чок-чокидан суртиб юборарди. Катта тош устига плашимни ёздим-да, устига Катрионани ўтқаздим; у мени қўйиб юборишни асло истамасди, негаки, бояги ҳақоратлардан сўнг ҳамон дир-дир қалтирарди, лекин мен бафуржа режа тузиб олишим лозим; шунинг учун қўлимни бўшатиб, унинг рўпарасида худди қароқчи мисоли товуш чиқармасдан уёқдан буёққа юра бошладим: мушкул аҳволдан қутулиш чорасини топмоқчи бўлардим. Хаёлларим паришон бўлса-да, бирдан қаҳвахонадан пул тўламасдан чиқиб кетганимни эслаб қолдим; демак Сэнг ҳисоб-китоб қилган бўлса керак. Шу чоқ товушимнинг борица хахолаб юбордим: у жазосини олибди, деб ўйладим. Сўнг беихтиёр пулимни солиб қўйган чўнтагимни кавлаштириб кўрдим. Воҳ! Ҳойнаҳой, сатанг хотинлар бизни ҳар томонимиздан турткилашган кўчада ҳамёнимни шилиб олишган экан! Оббо, ярамаслар-эй!

— Назаримда, сиз ҳозир жуда ёқимли бир нарсани ўйлаётган бўлсангиз керак,— деди Катриона, мени бир жойда қотиб қолганимни кўриб.

Биз ниҳоятда оғир аҳволга тушиб қолганимиз аниқ бўлгач, бирдан ўзимга келгандек бўлдим: ҳамма нарса гўё заррабин остида тургандек яққол кўрина бошлади — энди чўнтагимда қанча пулим борлигини хомчўт қилиб ўтиришим шарт эмасди. Чунки ёнимда сариқ чақа ҳам қолмаган эди. Шукрки, Лейден савдогари номига ёзилган хат бор; ҳозир биз Лейденгача фақат пиёда етиб олишимиз мумкин, холос.

— Катриона, биладан, сиз довюрак қизсиз, умид қиламанки, куч-қувват бобида ҳам чакана бўлмасангиз керак: айтинг-чи, теп-текис йўлда ўттиз миль пиёда юра оласизми? — дедим.

Кейин маълум бўлдики, биз юқорида айтган

масофанинг учдан икки қисмини босиб ўтишимиз лозим экан. Аммо ўша пайтда Лейденгача узоқ йўл юришимиз керакдек туюлган эди.

— Дэвид, агар ёнимда бўлсангиз, қаёққа бошласангиз кетавераман, буйруғингизни сўзсиз бажараман,— деди у.— Аммо мен жудаям қўрқяпман. Бу даҳшатли мамлакатда мени ёлғиз ташлаб кетмасангиз — бас, мен ҳаммасига тайёрман.

— Ундай бўлса, кетдик — тун бўйи йўл юрамиз,— деб таклиф этдим.

— Мен сизга сўзсиз итоат этаман,— деб жавоб берди.— Сиздан ҳеч нарсани сўраб ҳам ўтирмайман. Нодонлик қилиб, хизматга тўхмат қилдим, лекин энди кўзим очилди. Англадимки, мисс Барбара Грант дунёдаги энг яхши қиз экан,— деб қўшиб қўйди.

— Ахир у барибир раъингизни қайтара олмасдику!

Мен қизнинг гапларига тушунмадим: шундоқ ҳам ташвишим ўзимга етарли эди: биринчи навбатда шаҳардан Лейден йўлига чиқиб олишимиз даркор эди. Бу хийла мушкул иш экан, фақат тунги бир ёки иккиларда тўғри йўлни топиб олдик. Шаҳар уйлари оптимизда қолди. Ой ботгани, осмонда юлдузлар ҳам кўринмасди: йўналишимизни осмон жисмларига қараб белгилай олмасдик: фақат оқаришиб кўринаётган йўлгаю қорайишиб турган дарахтларга назар ташлаб, тусмоллаб олға юравердик. Юриш қийин эди: боз устига, субҳидамда бирдан совуқ тушдию йўл яхмалак бўлиб қолди.

— Катриона, ҳозир биз ўзингиз айтиб берган эртақдаги шотланд шахзодасию маликасига ўхшаймиз,— дедим.— Тез орада «етти водийгаю етти паст текисликка ва етти тоғ кўлига» дуч келамиз (барча эртақларда учрайдиган бундай ташбеҳ хотирамга муҳрланиб қолган эди).

— Ҳа-я, лекин бу ерда водий ҳам, тоғ ҳам йўқ эканку! — деди Катриона.— Тўғри, текисликлару дарахтлар хийла мафтункор кўриняпти. Аммо барибир ўз юртимиз яхши!

— Биз ўз халқимиз тўғрисида ҳам шунақа дея олганимизда кошкийди! — деб жавоб бердим. Спротни, Сэнгни ва ҳатто ўша Жеймс Морни назарда тутиб.

— Мен дўстимнинг ватани ҳақида ҳеч қачон ёмон фикр билдирмаган бўлардим,— деди у маънодор оҳангда: мен унинг юзида ўзгариш рўй берганини ҳис этиб турардим.

Номусдан ўлай дедим; элас-элас кўринаётган музликка юзтубан йиқилишимга бир баҳя қолди.

— Катриона, сиз қандай фикрда эканингизни билмайман-у, лекин бугун ҳарҳолда бахтли кун! — дедим бир оз ўзимга келганимдан сўнг.— Бир ҳисобда бундай дейишим унчалик тўғри эмас, чунки сиз кўп қийинчиликларга дуч келдингиз: барибир мен учун ҳаётимдаги энг бахтли кун бўлди!

— Ҳа, яхши кун бўлди, ахир сиз жуда меҳрибон-сиз,— деди у.

— Мен фақат ўзимни бахтиёр деб билсам, инсофдан бўлмайди,— деб давом этдим.— Ахир сиз ҳозир қоп-қоронғи, ҳувиллаб ётган кўчада тимирскиланиб юриб-сиз-ку!

— Бўлмаса, қаерда юришим лозим эди?! — деб хитоб қилди.— Агар ёнимда бўлсангиз, мен ҳеч нарсадан кўрқмайман!

— Демак, менинг гуноҳимдан ўтибсиз-да? — деб сўрадим.

— Аслида, сиздан кечирим сўрашим лозим: агар айбимни кечирган бўлсангиз, энди бу ҳақда эслатманг!— деди у тўлқинланиб.— Сиздан миннатдорман. Кўнглимда ҳеч қандай ғараз йўқ. Бироқ, ростини айтсам, ўша қизни асло кечирмайман,— деб қўшиб қўйди.

— Сиз яна мисс Грант ҳақида гапиряпсизми? — деб сўрадим.— Ахир боягина дунёда ундан яхши қиз йўқ дедингиз-ку!

— Ҳақиқатан ҳам шундай!— деди Катриона.— Лекин барибир мен уни асло кечирмайман. Ҳеч қачон, ҳеч қачон кечирмайман ва у ҳақда бошқа гапиришни ҳам истамайман.

— Қизиқ, бунақасига биринчи марта дуч келдим,— дедим.— Ҳайронман, нега худди ёш болага ўхшаб инжиқлик қилаверасиз-а? Уша қиз икковимизга ҳам қўлидан келганча ёрдам берди: кийим-кечак танлашга, одамлар олдида ўзимизни қандай тутишга ўргатди: бизни илгаритдан биладиган киши буни инкор қилолмайди, ахир.

Катрионанинг ўжарлиги тутиб, кўчанинг ўртасида тўхтади.

— Шунақами ҳали! — деди.— Агар сиз у ҳақда яна гапирадиган бўлсангиз, ҳозироқ шаҳарга қайтиб кетман: майли, энди пешонамга ёзилганини кўравераман! Мърҳаматингизни дариғ тутмасангиз: келинг, бошқа бир мавзуда гаплашамиз.

Нима қилишимни билмасдан қаловланиб қолдим, лекин шу заҳоти у каминанинг ёрдамига муҳтож эканини, аёл зотиданлигини, ҳали ёшлигини эсладиму оқилона йўл танлашга аҳд қилдим. Акс ҳолда, у хароб бўларди.

— Азизам, сиз мени чалғитиб юбордингиз-ку: худо асрасин-у, сизни йўлдан урмоқчи эмасман,— дедим.— Мен мисс Грант тўғрисида гапришни мутлақо истамайман, ахир ўзингиз шу ҳақда гап бошладингиз-да! Сизга ҳомийлик қилишни ўз зиммамга олганим тўфайли ибратли ҳикоят сўзлаган эдим, холос. Аслида, мен адолатсизликка асло тоқат қилолмайман. Майли, сиз ғурури бўлинг, бу ҳол сизга ярашади. Бироқ ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бор.

— Гапингиз тугадими? — деб сўради у.

— Тугади,— деб жавоб бердим.

— Жуда соз,— деди у, биз йўлимизда давом этдик, лекин биронтамиздан ҳам садо чиқмасди.

Қоронғи кечада фақат ўз соянгни кўриб, ўз қадам товушингни эшитиб юриш вақимали, ёқимсиз туюларди. Назаримда, биз бир-биримиздан норози эдик, лекин қоронғилик, совуқ ва гоҳ-гоҳида хўрозларнинг қичқирғию ҳовлилардаги итларнинг вовуллашигина эшитилиб қоладиган сокинлик иродамизни синдирди: ғуруримни ерга урмайдиган бирорта баҳона топилсаю яна суҳбат бошлашга жон деб рози бўлардим.

Тонгга яқин илликқина ёмғир ёғди ва оёқ остидаги яхмалакни ювиб кетди. Катрионанинг устига плашимни ёпиб қўймоқчи бўлдим, аммо у ўкинч аралаш плашимни олиб қўйишимни сўради.

— Хаёлимга ҳам келтирмайман,— дедим.— Мен ҳўкиздедек бақувватман: бунақа ёғин-сочинларнинг кўпини кўрганман: сиз эса мўртгина, ажойиб қизсиз! Азизим, ахир сиз мени номусларга ўлдирмоқчи бўлмасангиз керак!

Сўнг у эътироз билдирмади: унинг устига плашимни яхшилаб ёпиб қўйдим ва қоп-қоронғи бўлгани учун бирпасгина елкасидан қўлимни олмай турдим; деярли қучоқлаб олдим.

— Дўстингизга сал-пал раҳмингиз келсин,— дедим.

Назаримда, у бошини кўксимга қўймоқчи бўлаётгандек туюлди, лекин фақат назаримда шундай туюлди шекилли.

— Сиз жудаям меҳрибонсиз,— деди у.

Индамасдан йўлимизда давом этдик: энди ҳаммаси

ўзгариб кетган эди. Юрагимнинг тубидаги пинҳона бахт учқуни аланга олди — гуркираб ёна бошлади.

Тонгга қадар ёмғир тинди. Делфга етиб борган пайтимизда намчил тонг отди. Анҳорнинг икки ёқасида томлари ясси, кўркам иморатлар қад кўтарганди; хизматкорлар йўлкадаги тошларнинг устини супуриб-сидириб юришарди. Уйларнинг сон-саноқсиз мўрисида тугун кўкка ўрларди. Мен ниҳоятда очиққанимни ҳис этдим.

— Катриона, янглишмасам, сизнинг бир шиллингдан ортиқроқ пулингиз бўлса керак-а? — дедим.

— Сизга пул керакми? — деди у ва ҳамёнини менга узатди.— Афсуски, ҳеч бўлмаса беш фунт пулим йўқ! Сиз пулни нима қиласиз?

— Нега биз тун бўйи худди уйсиз-жойсиз дайдилар каби тентираб юрдик? — дедим.— Чунки ўша қарғиш теккан Роттердамда ҳамёнимни ўғирлаб кетишибди. Энди иқрор бўлишим мумкин: негаки, оғир дамлар ортда қолди. Лекин мен пул олишим лозим бўлган манзилга етиб борганимизча яна анча йўл юришимиз керак: агар менга бир тўғрам нон олиб бермасангиз, яна рўза тутишга мажбур бўламан.

У кўзларини катта-катта очиб, менга тикилди. Кундузги ёруғликда унинг юзи қанчалик оқариб кетганини, ниҳоятда ҳолдан тойганини аниқ кўрдиму юрагим ачишиб кетди. Бироқ у жилмайиб қўйди, холос.

— Кўргулик экан-да! Демак, икковимиз ҳам гадо бўлиб қолибмиз-да?! — деб хитоб қилди.— Битта мен эмас, сиз ҳам гадосиз-а? Менинг ниятим ҳам шу эди! Ҳозир сизни нонуштага таклиф этсам, ўзимни бағоят бахтиёр ҳисоблардим! Агар истасангиз, мен кўча-кўйда рақсга тушиб сизга пул ишлаб беришим мумкин! Уйлашимча, бу ерликлар миллий ўйинларимизни кўришмаган бўлишса керак, антиқа томоша учун пул тўлашдан сираям бош тортишмас-ку!

Бундай сўзлар айтгани учун уни янада яхши кўриб кетганимдан эмас, қойил қолганимдан ҳам қизни ўпиб олишга тайёр эдим. Эркаклар аёл зотининг иродали эканига амин бўлсалар, доимо тўлқинланиб кетишади.

Ҳозиргина шаҳарга етиб келган деҳқон аёлдан сут сотиб олдик, нонвойхонадан иссиқ нон харид қилдик ва йўл-йўлакай кавшаниб кетавердик. Делфдан Гаага шаҳригача текис йўлдан юрилса бор-йўғи беш миль масофани босиб ўтиш лозим: йўл ёқалари дарахтзор; бир томондан анҳор оқарди; бошқа томонда эса яйлов яс-

таниб ётарди. Ҳа, табиат қўйнида одимлашнинг гашти ўзгача эди.

— Хўш, Дэви, нима бўлганда ҳам мени бирор уйга жойлаштириб қўйишингиз лозим,— деди у.

— Келинг, ҳозир шуни ҳал қилиб олайлик,— дедим.— Қанчалик тезроқ бир қарорга келсак, шунчалик яхши бўлади. Кўнглингиз тўқ бўлсинки, мен Лейденда пул оламан. Аммо отангиз келгунча сизни қаерга жойлаштириб қўйишни билмай бошим қотиб турибди. Кеча кечқурун сиз мендан ажралишни асло истамаган эдингиз?

— Балки аслида ҳам шундай,— деди.

— Сиз ҳали жудаям ёшсиз,— дедим.— Мен ҳам бўз йигитман. Ҳамма тўсиқ мана шундан иборат. Қандай қилиб битта бошпанага жойлашсак экан-а? Балки, сизни синглим деб таништирарман?

— Шундай десангиз бўлмайдими? — деди у.— Агар ўзингиз кўнсангиз, жуда яхши бўларди.

— Кошкийди! — деб хитоб қилдим.— Агар менинг шундай синглим бўлганда борми, бошим кўкларга етарди! Аммо ҳамма гап шундаки, сиз Катриона Драммондсиз.

— Нима бўпти, энди мен Кэтрин Бэлфур бўламан, вассалом,— деди у.— Ҳеч ким билмайди. Ахир биз бу ерда бутунлай бегонамиз-ку.

— Хўп, агар сиз рози бўлсангиз, майли — дедим.— Аммо, ростини айтсам, кўнглим алағда бўляпти. Агар ёмон маслаҳат берган бўлсам, кейин жуда афсус қилсам керак.

— Дэвид, мени сиздан бошқа дўстим йўқ,— деди у.

— Чин сўзим шуки, сизга дўст бўлишга ҳали ёшлик қиламан,— дедим.— Маслаҳат бериш ҳам қўлимдан келмайди. Узингиз ҳам насиҳатга тушунадиган ёшда эмассиз. Тўғри, бошқа иложимиз йўқ, лекин барча хавф-хатардан огоҳ этиб қўйиш — каминанинг бурчи ҳисобланади.

— Начора,— деди у.— Отам Жеймс Мор мени оғир аҳволга солиб қўйди, бу биринчи марта рўй бераётгани йўқ. Худди бир қоп юкдек елкангизга миниб олдим, энди сизга итоат этмоғим лозим. Агар мени ўз паноҳингизга олсангиз, жуда соз бўларди. Акс ҳолда...— У мен томон бурилдию қўлимдан ушлади.— Дэвид, мен қўрқяпман,— деди.

— Айтмоқчи, мен фақат сизни огоҳлантириб қўймоқчи эдим, холос,— деб гап бошладиму унинг пули йўқ эканини эслаб қолдим: бундай пайтда қурумсоқлик қи-

лиш ярамайди, албатта,— Катриона, агар билсангиз: мен ўз зиммамдаги бурчимни адо этмоқчиман, азизам!— дедим.— Буёқларга — бегона шаҳарга таҳсил кўриш учун, яшаш учун келганман ва ҳеч кутилмаганда бахтли тасодифга йўлиқдим: сиз оз муддат бўлса-да, мен билан худди синглимдек яшашингиз мумкин. Биласизми, азизам, ёнимда бўлсангиз, ўзимни ниҳоятда бахтиёр ҳис этардим!

— Мана, ёнингиздаман,— деди у.— Энди ҳаммаси жойида.

Биламан, унга тушунарлироқ тарзда гапиришим лозим эди. Биламан, бу нарса менинг номимга доғ бўлиб тушди; шукрки, мен кўп нарсадан айрилмадим. Билардимки, Барбаранинг хатидаги ўпичга ишора унинг иззат-нафсига қаттиқ текканди: мана, ҳозир ёлғиз қолган пайтимизда менда журъат етишмасди. Бундан ташқари, тўғриси айтсам, уни қандай қилиб беҳавотир уйга жойлаштиришни билмасдим ва кўнглимга шайтон васваса солганини ҳам инкор этмоқчи эмасман.

Гаагага борган маҳалимизда Катриона оқсоқлана бошлади: ҳар бир қадамни жуда қийналиб ташлаётгани яққол кўриниб турарди. У икки марта йўл четига ўтириб, даммини олишга мажбур бўлди: ҳар гал, тоғли ўлкага, ўз қабиламга иснод келтиряпман, сизга оғирлигим тушяпти, деб нолирди. Тўғриси, мен пойабзал кийиб ўзоқ йўл юришга ўрганмаганман, деб ўзини оқламоқчи бўларди. Мен уни оёғидан бошмоғини, пайпоғини ечиб ташлашга кўндирмоқчи бўлдим. Лекин сира гапимга унамади: чунки бу мамлакатда ҳатто қишлоқ йўлларида ҳам бирорта яланг оёқ юрган аёл учрамасди.

— Мен ўз акамни уялтириб қўймаслигим лозим,— деди у қувноқ оҳангда, лекин нақадир қийналаётганини юзидан билиб олиш мумкин эди.

Шаҳарда йўлкаларига топ-тоза қум сепилган боғни учратдик: дарахтларнинг шох-шаббалари бир-бирларига чирмашиб ётарди, ҳар тарафда чиройли хиёбонлар, суҳбатгоҳлар кўзга ташланарди. Катрионани шу ерда ёлғиз қолдирдим-да, ўзим ишончли вакилимни қидириб кетдим. Вакилдан қарзга пул олдим ва бирорта тинчроқ уй топиб беришини илтимос қилдим. Юкларим ҳали етиб келмаган, дедим унга: агар юк келса, уй эгаларини огоҳлантириб қўйишни сўрадим: сўнгра мен билан биргаликда синглим ҳам келганини, у хўжалик ишларига кўз-қулоқ бўлиб туражagini, шунинг учун бизга икки хонали уй кераклигини тушунтирдим. Бу гапларим ишо-

нарли тарзда эшитиларди, аммо қариндошим мистер Бэлфур ўзининг тавсияномасида ҳамма нарса ҳақида батафсил ёзган эди-ю, бироқ синглим хусусида бир оғиз ҳам эслатиб ўтмаганди: шуниси етмай турган эди! Дарҳол голланднинг кўнглида шубҳа уйғонди: у ялпоқ кўзойнаги устидан менга ўқрайганча ижикилаб, каминани тергов қила бошлади. Назаримда, у худди касалманд қуёнга ўхшарди — бениҳоя нимжон эди.

Бирдан ваҳимага тушиб қолдим. Дейлик, у менга ишонди: дейлик, у менинг синглимга ўз уйдан жой беришга рози бўладию Катрионани эргаштириб келаман. Шундан сўнг калава чувалашиб кетади, лекин бу ҳодиса мен учун ҳам, қиз учун ҳам шармандали равишда якунланиши ҳеч гап эмас-ку. Шоша-пиша унга синглимнинг хулқ-атворини тасвирлай бошладим. Маълум бўлишича, у жуда уятчан, бегона кишилардан ҳуркак бўлгани туйғайли уни боғда қолдирган эдим. Ёлғон гирдоби мени ўз қомига торта бошлади: бундай пайтларда киши тобора гирдоб қаърига чўкиб кетаверади: зарурат бўлмаса ҳам икир-чикир тафсилотларга алоҳида урғу бердим: жумладан, мисс Бэлфурнинг саломатлиги унчалик яхши эмас, унинг ёшлиги танҳоликда кечган, дедиму дарров ўз гапимдан уялиб, шолғомдек қизариб кетдим.

Хуллас, чолни алдай олмадим, у мендан қутулса ҳам хафа бўлмасди. Бироқ ишбилармон киши сифатида пулим оз эмаслигини жуда яхши биларди: шунинг учун хатти-ҳаракатларим шубҳали кўринаётган бўлишига қарамай, ўғлидан мени кузатиб қўйишни ва дуруст бошпамага жойлашиб олишимга ёрдам беришини сўради. Уша йигитчага Катрионани таништиришга тўғри келди. У ҳордиқ чиқариб олган эди, энди ўзини хийла тетик ҳис этарди, бекам-кўст кўринарди; у менинг қўлтиғимдан олди-да, каминага «ака» деб мурожаат этди: мен ҳам ўзимни эркин тутардим, албатта. Фақат бир нарса кўнглимни хира қиларди: у менга ёрдам бериш мақсадида голландга ниҳоятда ширин гапирарди. Беихтиёр, наҳотки мисс Бэлфур энди уятчанликдан фориг бўлган бўлса, деб ўйладим. Бу ҳам камлик қилгандек, бизнинг талаффузимиз ҳам бир-биридан жуда катта фарқ қиларди. Мен барча пасттекисликларда яшайдиган аҳоли сингари сўзларни бир оз чўзиброқ талаффуз этардим, у эса ҳамма тоғликлар каби билинар-билинемас инглизча лаҳжа аралаштириб сўзларди, лекин унинг нутқи соф инглизларникидан ёқимли эшитиларди: равшанки, Катрионани асло инглиз тили қоидаларининг билимдони деб бўлмас-

ди: хулласи кадом, биз ака-сингилга сира ҳам ўхшамасдик. Бироқ, ёш голландвачча қип-қизил аҳмоқ экан, у ҳиссиз тўнкага ўшарди; ҳатто қизнинг ҳуснига ҳам эътибор бермади. Мен уни ёмон кўриб қолдим. У бизга бошпана топиб бердию дārҳол жўнаб қолди: унинг энг катта хизмати — бизни холи қолдиргани бўлди.

ИГИРМА ТҮРТИНЧИ БОБ

ГЕЙНЕКЦИУС КИТОБИНИНГ ТАРИХИ

Биз анҳорга тескари қаратиб қурилган уйнинг юқори қаватига жойлашдик. Бир-бирига туташ хоналарни ихтиёримизга топширишди: ҳар хонада голланд одатига кўра салкам шифт бўйли печка бор эди: деразалардан бир хил манзара — кичиккина ҳовлига экилган дарахтларнинг учларию анҳорнинг бир бўлаги, голландча услубда қурилган уйлар ва нариги қирғоқдаги ибодатхонанинг гумбази кўриниб турарди. Уша ибодатхонанинг кўплаб кўнғироқларидан ёқимли мусиқавий садо эшитиларди: ҳаво очиқ кунлари иккала хонага ҳам қуёш мўл-кўл нур сочарди.

Биринчи кечада икковимиз ҳам, айниқса, Катриона ниҳоятда чарчаган кўринардик. Биз деярли гаплашмадик: у овқатланиб бўлиши билан мен, дамингизни олинг, дедим. Эрталаб уйғонган заҳотим дарҳол Спроттга хат ёздим: ундан қизнинг юқларини буёққа жўнатишни илтимос қилдим: шунингдек, Аланга ҳам мактуб ёздим — ўзи айтгандек, қабила йўлбошчисининг адресига хат юбордим нонушта ҳозирлашгач, Катрионани уйғотдим. У ўзининг биттаю битта кўйлагини кийиб чиқди: пайпоғига йўлда ёпишиб қолган лойга кўзим тушдию таъбим тирриқ бўлди. Маълум бўлишича, унинг юқлари Лейденга бир неча кундан кейингина келиши мумкин экан, аммо у кийимларини алмаштириши лозим эди. Дастлаб, сарф-харажат қилинишига мутлақо қарши бўлди, аммо мен унга энди бадавлат йигитнинг синглизиси эканини эслатиб қўйдим: ўзини мана шу ролга муносиб равишда тутиши лозим эди, албатта. Биринчи дўконга ташриф буюрганамиздаёқ унинг кўзлари чақнай бошлади: дидли эканини намоён этди. Мол-матаҳлар харид қилинган чоқда у болалардек қувонаётгани кўнглимни кўтариб юборди. Айни пайтда ўзим ҳам ҳар хил кийимларга мафтун бўлиб қолдим: назаримда, унга атаб харид қилаёт-

ган кўйлақлар камдек туюларди: қизнинг эғнидаги янги кўйлақларга қараб тўймасдим. Тўғрисини айтсам, кийим-кечакка кўп вақтини сарфлайдиган мисс Грантнинг аҳволини энди англадим: ҳақиқатан ҳам, гўзал қизга янги кийим кийдириш кишига беқиёс ҳузур бағишлар экан! Айтмоқчи, голланд читлари ниҳоятда арзон, кирчимол эди, аммо пайпоқлар учун қанча пул тўлаганимни рақам этишга уяляпман. Таъбир жоиз бўлса, барча латта-путталарга шунча миқдорда пул сарфладимки, кейин анча пайтгача виждоним қийналиб юрди: шароит тақозосига кўра, сўнгра мен деярли ҳеч нарса харид қилмадим. Катриона ёл-ёруғ хонада кийимларини алмаштириб олди: мен уни бемалол томоша қилишим мумкин эди: назаримда, ижарахонамиз кўзимга саройга ўхшаб кўринарди.

Биз ҳамма дўконларни айланиб чиққанимиздан кейин қизни уйга кузатиб қўйдим ва уни янги буюмлар билан ёлғиз қолдирдим-да, ўзим алламаҳалгача кўчаларда сайр этиб юрдим: ўзимга ўзим панд-насихат қилдим. Айтиш мумкинки, уни ўз қарамоғимга олдим: хавф-хатар остида қолган беғубор санамни иссиқ бағримга босдим. Кекса голланд билан гаплашган пайтимда унга ёлғон сўйладим ва илк бора менинг сазй-ҳаракатларим бегона одамга қандай таъсир кўрсатиши мумкинлигини аниқ-равшан ҳис этдим: ҳеч кераксиз лаш-лушларни харид қилган вақтимдаги бемаънилимни, тилла топган тентакдек хурсанд бўлганимни эсласам, ҳақиқатан ҳам босар-тусаримни билмай қолганга ўхшардим. Агар ростдан-да менинг синглим бўлганда уни кўз-кўзлармидим? Бироқ масаланинг бу йўсинда қўйилиши ножоиз туюлди, шунинг учун масалани бошқача қўйдим: дунёдаги бирор кишига Катрионани ишониб топширишим мумкинми? Ўзимнинг саволимга ўзим жавоб бердим: бирдан тутақиб кетдим. Агар ҳозир ўзим шубҳали аҳволга тушиб, қизни ҳам шубҳа остида қолдирган бўлсам, демак энди ўзимни сал босиб олишим лозим. Агар мен бўлмаганимда борми, у кўчада оч-наҳор қоларди, ҳеч қаёққа кетолмасди. Мен уйнинг хўжайиниман, унинг ҳомийсиман, аммо бунга менинг ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқим йўқ: шундай бўлса-да, эзгу мақсад йўлида, тоза кўнгил билан бундай имкониятдан фойдалансам айб бўлмайди: ахир бу мен учун қулай имконият, аммо ҳеч қандай эсли-хушли ота бундай бўлишига асло рози бўлмайди, албатта. Чунки номига доғ тушириши мумкин. Катрионага рисоладагидай муомала қилишим лозим эканини билардим, аммо ўзимни қўй оғзидан чўп олмайдиган мўмин-қобил қилиб кўрса-

тишим шарт эмасди: унинг меҳрини қозона олмасам ҳам, жилла қурса, ўзимни одамшаванда хўжайин мисоли тутмоғим даркор эди. Ўз-ўзидан равшанки, менинг ёшимга муносиб бўлмаган назокат, кўнгилчанлик талаб этиларди. Мен олди-кетини ўйламасдан хавfli ишни бошлаб қўйган эдим, энди фақат битта имконим мавжуд эди — калаванинг учи топилгунча ўзимни муносиб равишда тутмоғим лозим. Ўзимга бутун бошли қонун-қоидалар мажмуасини тузиб олдим ва худойимдан ана шу қонун-қоидаларга амал қилишим учун куч-қувват ато этишини тиладим. Бундан ташқари, ожиз бандаларига қўл келадиган битта воситага эришдим: ҳуқуқшунослик дарслигини сотиб олдим. Шундан бошқа жўяли йўл-йўриқ ўйлаб тополмадим ва барча ҳадик-хавотирларни хаёлимдан чиқариб юбордим: дарҳол ширин хаёлларга асир бўлдим ўзимни қушдай енгил ҳис этиб, уйга равона бўлдим. Ижарахонани ўз уйимдек тасаввур қилиб, тўрт девор орасида йўлларимга интизор бўлиб ўтирган офатижон қизни кўз олдимга келтиришим билан юрагим бирдан ҳаприқиб кетди.

Ичкарига кирган заҳотим мушкул аҳволга тушиб қолдим. Қиз қувончини ичига сиғдиролмай истиқболимга югуриб чиқди. У мен олиб берган янги уст-бошларни кийиб олган эди, ниҳоятда гўзал кўринарди: атрофимда парвона бўларди, тиззаларини букиброқ қадам ташларди: унга қарардим ўхтиросимни аранг жиловлаб турардим. Назаримда, ўзимни хийла қўпол тутдим шекилли, бир-икки оғиз гапиришга ярадим, холос.

— Начора, агар сизга чиройли кийимларим ёқмаётган бўлса, ҳеч ким йўқ, хоналарга бир қараб қўйинг — чинидай ярақлатиб тозалаб қўйдим, — деди у.

Дарҳақиқат, хоналар топ-тоза бўлиб, иккала печкада ҳам гуркираб ўт ёнарди.

Мен зудлик билан баҳонадан фойдаланишга қарор қилдим ва қиёфамга жиддий тус бердим.

— Катриона, сиздан норозиман, — дедим. — Бундан кейин ҳеч қачон менинг хонамдаги нарсаларга қўл теккизманг. Токи биз шу ерда яшар эканмиз, иккаламиздан фақат биттамыз хўжайин бўлмоғимиз лозим. Бундай ҳуқуқ каминанинг омонатидир; чунки мен эркак кишиман, сиздан бир-иккита кўйлакни ортиқроқ йиртганман. Мана шу гапимни қулоғингизга қўйиб олинг!

У рўпарамга тиз чўкиб ўтирди, одатдагидек унинг ҳолати ниҳоятда гўзал эди.

— Дэви, агар мендан хавfli бўлсангиз, мен энг яхши

фазилатларимни ёрдамга чақираман,— деди.— Сизга сўзсиз итоат этаман, бу менинг бурчим: чунки, биз яшаётган уйдаги ҳамма нарса сизники ҳисобланади. Фақат қаттиқ жаҳлингиз чиқмасин: нега десангиз, энди сиздан бошқа ҳеч кимим йўқ.

Бундай зарбага дош беролмадим: тавба-тазарру қизғин тус олган пайтда барча таассуротларни тўзғитиб юборишга шошилдим: фақат панд-насихат билангина бунга эришмоғим мумкин эди. Ҳарҳолда, бу нарса унчалик қийин эмасди: мен гўё тоғдан пастга тушардим; қиз эса жилмайганча менга мадад бериб турарди — у гуркираб олов ёнаётган печка ёнида ўтирган кўйи дам-бадам менга нигоҳ ташларди, гапларимни маъқуллаб бош чайқарди, охири юрагим эриб кетди. Кечки овқат пайтида икковимиз ҳам қувноқ эдик, бир-биримизга жуда меҳрибон бўлиб, гўё бир-бирига сингишиб кетган икки томчига ўхшардик, кулгиларимиз жарангдор эшитиларди.

Сўнгра ўз қароримни эслаб қолдим ва бир нарсани баҳона қилиб, уни ёлғиз қолдирдим-да, қовоқларимни осилтирганимча китоб ўқий бошладим. Марҳум доктор Гейнекциуснинг мазмундор, ибратли китобини сотиб олган эдим: уни тез кунда мутолаа қиламан, деб ўйлагандим: ҳозир эса биров мендан қанақа китоб ўқиётганимни сўрамаётганидан хурсанд эдим, албатта. Афтидан, Катриона жуда хафа бўлган эди; кўнглим хира тортди.

Оқшом давомида биз бир-икки оғиз гаплашдик, холос.

Мен ичимда ўзимни лаънатлардим. Ҳазабим қўзиб кетганидан ўринга кириб ётолмадим, хона бўйлаб сарпойчан уёқдан буёққа юра бошладим; ниҳоят, совуқ суяк-суягимдан ўтиб кетди: чунки, печканинг ўти ўчиб қолганди, қаттиқ совуқ тушган эди. Қўшни хонада қиз ётибди, эҳтимол у менинг қадам товушларимни эшитаётгандир: унга ёмон муомала қилдим, энди тишимнинг оқини кўрсатсам борми, шарманда бўламан, ақлдан озиб қолсам ҳам ажаб эмас. Мен гўё Сцилла билан Харибда орасига тушиб қолгандим. «У мен ҳақимда нималарни ўйлаётган экан?» деган савол кўнглимдан кечардию ўзимни бир оз енгилроқ ҳис этардим. «Биз энди нима қиламиз?» деган савол хаёлимга келиши билан менда қандайдир қатъият пайдо бўларди. Бу уйқусиз ўтказган биринчи туним бўлиб, мен ўзимни худди иккига бўлиб ташлангандек тасаввур қилардим: олдинда эса бундай тунлар кўп. Мен эс-ҳушидан айрилиб қолган киши каби

хонада зир-зир айлана бошлардим; гоҳ худди ёш бола мисоли хўнг-хўнг йиғлардим, гоҳида художўйларга ўхшаб худога илтижо қилардим.

Ҳа, худга илтижо қилиш осон, лекин бирор иш қилиш оғир. Агар у қиз ёнимда бўлса, айниқса, ўзаро эмин-эркин муомала қилишимизга имкон яратиб берсам борми, ўзимни идора қилолмай қолишимга ишончим комил эди. Лекин кун бўйи битта хонада ўтириб, гўё ўзимни Гейнекциус китобини мутолаа қилаётгандек кўрсатишга ҳам қодир эмасдим. Шунинг учун бошқа бир восита ўйлаб топдим, яъни иложи борича уйда камроқ бўлишга ҳаракат қила бошладим: холироқ жойларда китоб ўқирдим, қанда қилмасдан сабоқ эшитгани борардим, лекин кўпинча қулоғимга гап кирмасди: яқинда мен дафтарларимнинг бирида қайдлар туйқус узилиб, сабоқ эшитишдан чалғиб, қандайдир бемаъни шеър ёза бошлаганимни учратиб қолдим. Лекин шеър ёзаётиб, лотин тили қоидаларига амал қилган эканман. Афсуски, сабоқ олгани борган пайтларимда кўп нарсадан айрилиб қайтардим. Тўғри, камдан-кам ҳоллардагина вазвасага тушардим, лекин кундан-кунга кўнглимдаги ваҳима кучайиб борарди. Ахир Катриона кўпинча ёлғиз қоларди ва мени кўрган заҳоти суюниб кетардию мен аранг эҳтиросларимни жиловлаб турардим. Қўполлик билан уни силтаб ташлардим, баъзан у ўқирди, мен эркалаб унинг сочларини силардим. Худди шундай ҳаёт кечирардик: қувонч ва ғам-андух, гина-кудурат ва умидсизлик биз билан ёнма-ён юрарди: агар шаккоклик қилсам, худонинг ўзи кечирсин-у, бундан кўра, чормихга тортилганим минг марта афзал эди.

Буларнинг ҳаммасига Катрионанинг беғуборлиги айбдор бўлиб, у мени фақат ҳайратлантириб қолмасдан, кўпинча раҳимини келтирарди, унга қойил қолардим. Афтидан, қиз ҳозирги аҳволимиз тўғрисида умуман ўйламасди: мен ич-этимни еб юрганимдан мутлақо беҳабар кўринарди: кўнглим суст кетаётганини пайқаса, хурсанд бўларди, лекин яна ўзимни жиловлашга мажбур бўлсам, дарров аразлаб қоларди. Кўпинча ичимда шундай хаёл сурардим: «Агар у ўлдим-куйдим даражада севиб қолган бўлса, мени ўзига уйлантиришга қасд қилса, ўзини бошқача тутмасди». Аёл зотининг соддадиллигидан ҳайратланардим: аслида, ўзим кўнгилчан кишилар тоифасидан бўлсам ҳам, лекин аёлга муносиб муомала қилмаётганимни ҳис этардим.

Ўзаро кураш чоғида Катрионанинг кўйлаклари алоҳи-

да, муҳим ўрин тутарди. Тез орада юкларимни Роттердамдан келтиришди, қизниқини эса Гелвоэздан олиб келишди. Энди унинг икки сидра кийим-боши бор эди: аста-секин унинг ғалати одати (буни қаёқдан ўрганиб олганини ҳозиргача аниқ билмайман) пайдо бўлди; агар у мендан аразлаб турмаган бўлса, ўзим харид қилиб берган кўйлагини кийиб оларди; акс ҳолда, эски кийимларини кийиб юраверарди. Шундай қилиб, у мени жазоларди, мендан марҳаматини қизганарди; бундан жуда хафа бўлардим, аммо гўё ҳеч нарсани пайқамаётгандек юришим лозим эканига ақлим етарди, албатта.

Тўғри, мен бир марта болаларча бемаъни ҳаракат қилдим; бу Катрионанинг тантиқликларидан ҳам ошиб тушди. Воқеа мана бундай рўй берди. Мен сабоқ олиб, йўл-йўлакай қизни ўйлаб, ҳам ўкиниб, ҳам сўкиниб келардим. Аста-секин кўнглимни фақат эзгу туйғулар чулғаб олди: дўкон пештахтасида омилкор голландлар етиштирган ноёб гулларни кўриб қолдим у кўнглим мойдек эриб кетди ва Катрионага совға қилиш учун уни сотиб олдим. Уша гул номини ҳозир ҳам билмайман, лекин қизғиш тусда эди: умид қиламанки, гул қизга жуда маъқул бўлганди. Хуллас, самимий ҳис-туйғулар билан маст бўлиб, уйга гул кўтариб келдим. Эрталаб сабоқ олгани кетаётган пайтимда у мен харид қилган кўйлагини кийиб олганди, қайтиб келсам, кийимини алмаштирибди — ўзининг эски кўйлагини кийибди: қовоғидан қор ёғарди: мен унга бошдан-оёқ разм солдим-да, тишларимни ғижирлатдим ва деразани очиб, гулни ҳовлига ирғитиб ташладиму эшикни тарақлатиб ёпганимча хонадан чиқиб кетдим: ғазабимни аранг босиб турардим.

Пиллапоядан югуриб тушаётиб, юзтубан йиқилишимга бир баҳя қолди; шундан сўнг сал эс-ҳушимни йиғиштириб олдим: нақадар бемаъни иш қилиб қўйганимни англадим. Кўчага чиқиб кетмоқчи эдим, лекин негадир кўпинча кимсасиз бўладиган ҳовлига кириб бордим у дарахт шоҳида осилиб турган гулга кўзим тушди: гул менга анча қимматга тушган эди. Сўнг анҳор соҳилига бордим-да, музни томоша қила бошладим. Ён-атрофимда деҳқон болалари яхмалак учишарди, уларга ҳавасим келди. Оғир аҳволдан қандай қилиб қутулиш йўлини билмасдим: ўзим ҳозиргина тарк этган хонага қайтиб боришим мумкин эмасди. Шубҳасизки, ўзимнинг сирларимни фош этиб қўйган эдим; энг ёмони — ўз қарамоғимдаги ночор қизга нисбатан диёнатли кишиларга ярашмайдиган даражада қўпол муомала қилдим.

У очик турган деразадан мени кузатаётган бўлса керак, албатта. Ҳовлида бирпас серрайиб турдим. Аммо бирдан музлаб қолган қор бўйлаб кимдир келаётганини сезиб қолдим: қадам товушлари қулоғимга чалиндию менга халақит берилганидан норози бўлиб, шартта орқамга ўгирилсам, Катриона мен томон келарди. У яна кийимларини алмаштириб олганди, ҳатто йўл-йўл пайпоғини ҳам кийибди.

— Бугун биз сайр этгани бормайми? — деб сўради.

Кўзимга у худди туман ичида тургандек кўринарди.

— Тўғноғичингиз қаерда қолди? — дедим.

У кўкраklarини пайпаслаб кўрдию бирдан дув қизариб кетди.

— Эҳ, эсимдан чиқиб қолибди-ку! — деди у.— Ҳозир югуриб тепага чиқиб-тушаман, кейин сайр этгани борамиз-а, майлими?

У илтижоли оҳангда сўйларди, шундан кейин мендаги қатъиятдан асар ҳам қолмади. Унга нима деб жавоб қайтаришни билмасдим, гўё тилдан қолган эдим: шунинг учун фақат бош чайқаб қўйдим, холос. У уйга кириб кетгач, дарҳол дарахтнинг устига чиқдимда, шохга илиниб турган гулни олиб тушдим. Кейин уни Катрионага тутдим.

— Катриона, бу сизга! — дедим.

У тўғноғич билан гулни кўксига қадаб олди. Назаримда, унинг меҳри товланиб турарди.

— У сал-пал заха еди, холос,— дедиму шолғомдек қизариб кетдим.

— Шунинг учун ҳам у менга янада қадрлироқ бўлиб қолди, ишонаверинг,— деб жавоб берди.

Биз ўша куни деярли гаплашмадик: ўзини хийла босиқ тутарди, аҳён-аҳёнда эркаланиб луқма ташлаб қўярди. Биз анча сайр этдик. Уйга қайтиб борганимиздан сўнг, у гулни идишга солиб қўйди. Мен эсам аёл зотининг сирли мавжудот эканлиги ҳақида ўйлаб ўтирардим. Гоҳ у менинг муҳаббатимга парво қилмаётгани учун кўзимга даҳшатли махлуқдек кўринарди, гоҳида эса, албатта, у аллақачон ҳаммасини билиб олган, аёлларга хос бўлган ҳаё туфайли ўз туйғуларини пинҳон тутяпти, деган қарорга келардим.

Биз ҳар куни сайр қилардик. Мен кўчада ўзимни хийла дадил ҳис этардим: ғам-ташвишларни уйда қолдирардим, асосийси — қўлтиғимда Гейнекциус китоби бўлмасди. Сайр менга ҳузур бағишларди, бе-

чора қиз қувончини ичига сиғдиrolмасди. Келишилган вақтда уйга борган чоғларимда у аллақачон кийимларини алмаштириб, ял-ял яшнаб сайрга мунтазир бўлиб турарди. У иложининг борича сайрни узоқроқ давом этишини истарди ва худди менга ўхшаб уйга қайтиб боришдан кўрқаётгандек туюларди; Лейден атрофида биз сайр этмаган дала ёки соҳил, шаҳарда бирорта кўча ёки сўқмоқ қолмаган бўлса керак. Бошқа пайтларда мен унга уйдан чиқмай ўтиришни тайинлардим; бирорта таниш-билиш учраб қолса, оғир аҳволга тушиб қолишдан хавотирланардим. Мен унга ибодатхонага қатнашга ҳам рухсат бермасдим; ўзим ҳам ўша ёққа қадам босмасдим, аммо икковимиз уйда тоат-ибодатимизни канда қилмасдик: назаримда, ҳар биримиз самимий равишда турлича мақсадни кўзлаб худога илтижо қилардик. Тўғриси, у билан ёнма-ён тиз чўкиб худога юзма-юз бўлган чоғларимизда ниҳоятда таъсирланиб кетардим: хаёлимда гўё биз эр-хотинларга ўхшардик.

Бир куни бўралаб қор ёғди. Мен бундай ҳавода сайр этмаймиз, деган ишонч билан уйга келсам, у аллақачон кийимларини алмаштириб, сайрга чиқишга тайёр бўлиб турган экан. Ниҳоятда ҳайратландим.

— Албатта сайр этишни истайман!— деб қичқирди.— Дэви, сиз уйда ҳеч қачон яхши йигит бўлмайсиз. Сайр этиб юрган пайтимизда эса дунёда сиздан аълороқ инсон бўлмайди. Келинг, доимо худди лўлиларга ўхшаб кўча-кўйларда тентираб юраверамиз.

Уша куни эса қоладиган сайр бўлди: бўралаб қор ёғарди, у менга маҳкам ёпишиб олган эди; қор учқунлари устимизга қўнардию бирпасда эриб кетарди: унинг қирмизи ёноқларида худди кўзёши мисоли сув томчилари пайдо бўлардию ғунчадек лаблари устига юмалаб тушарди. Унга қараб туриб ўзимни қудратли паҳлавондек ҳис этардим: назаримда, мен уни қўлларимда кўтарганимча дунёнинг нариги чеккасига боришга ҳам қодир эдим; биз тинмасдан чуғур-чуғур сўзлашардик, ҳеч бир-биримиздан тортинмасдик, бир-биримизга меҳрибон эдик. Мен кўзларимга ишонмасдим.

Уйга қайтиб борган пайтимизда қоронғи тушиб қолган эди.

— Мўъжизавий дамлар учун сиздан миннатдорман!— деди у ҳаяжонланиб.

Бу сўзлар мени яна ташвишга солиб қўйди. Биз жоқорига чиқиб, чироқ ёқилган чоғда у тагин Гейнекциус

китобини синчиклаб мутолаа қилаётган баджаҳл, қайсар одамга дуч келди. Табиийки, бу ҳол уни одатдагидан кўра кўпроқ ранжитди; мен уни ёнимга яқинлаштирмаслик учун одатдагидан кўпроқ куч сарфлардим. Овқат маҳали ҳам унга қарамасликка ҳаракат қилдим; стол ёнидан туришим билан дарҳол қонуншуноснинг дастурамалига мук тушдим, лекин хаёлим паришонроқ бўлганлиги туфайли миямга ҳеч нарса кирмасди. Китобга тикилиб ўтирар эканман, юрагимнинг дук-дук уришини эшитиб турардим: юрагим худди бир ҳафтада бир марта мурвати бураб қўйиладиган соат чиқиллашига ўхшарди. Ўзимни зўр бериб мутолаа билан шуғулланаётгандек кўрсатаётган бўлсам-да, лекин гоҳ-гоҳида зимдан Катрионага қараб кўярдим. У менинг сандиқчам олдида — ерда ўтирарди, печкада ёнаётган гулхан қирмизи шуъла сочарди; шуъла дир-дир титрарди, хиралашиб қоларди; шунинг учун қиз баъзан қорайиб кўринарди, баъзан эса ажиб бўёқларда ял-ял товланарди. У оловга тикилиб ўтирар, гоҳида менга назар ташлаб оларди: бундай пайтда ўзим ҳам даҳшатли махлуқдек туюлардим; жазавам тутиб, китоб варақлашга тушардим: гўё ибодатхонадаги художўй мисоли Тавротдан илоҳий жумлаларни қидираётганга ўхшардим.

— Эҳ, негачир отамдан шу пайтгача дарак йўғ-а?! — деди у бирдан баланд товушда.

Сўнг ҳўнграб йиғлаб юборди.

Мен сапчиб ўрнимдан турдим; Гейнексиус китобини оловга отиб юбордим ва Катрионанинг дир-дир титраётган елкаларидан қўчдим.

У зарда билан мени силтаб ташлади.

— Сиз мени яхши кўрмайсиз, — деди у. — Ҳеч бўлмаса сизни яхши кўришимга имкон берганингизда ҳам ўзимни бахтли ҳисоблардим! — Сўнг қўшиб қўйди: — Эҳ, нега мени бунчалик ёмон кўрасиз-а?!

— Мен сизни ёмон кўраманми?! — деб қайта сўрадим. — Нима бало, кўзингиз ожизми, юрагимда нималар кечаётганини кўрмаяпсизми? Эзилиб кетдим-ку, ахир! Наҳотки, анави бемаъни китобга мук тушиб ўтирган чоғларимда сиздан бошқани ўйламаётганимни билмасангиз? Ана, энди ўша лаънати китобни гулханга ташладим; муаллифнинг ҳам падарига лаънат! Сиз оқшомлари ёлғиз ўтирганингизни кўриб, йиғлаб юборишдан аранг ўзимни тутиб тураман-ку! Хўш, нима қилишим керак? Ахир, сизни ҳимоя қилиш менинг шарафли бурчим!

Наҳотки, шунинг учун сизнинг олдингизда гуноҳкор бўлсам? Наҳотки, сизни жонидан ҳам ортиқ яши кўрадиган, итдай садоқатли қулингизнинг кўкрагидан итарасиз-а?!

Шу сўзларни айтаётган пайтимда у бағримга ёпишиб олди. Мен унинг иягидан ушлаб юзини бир оз юқорига кўтардим-да, лабидан бўса олдим; у бошини қуйи эгиб, кўксимга юзини буркади. Худди маст кишидек кўз олдим қоронғилашиб кетди. Шу пайт унинг бўғиқ майин товуши эшитилди.

— Сиз ростдан ҳам ўша қизни ўпганмисиз? — деб сўради.

Мен гангиб қолдим, ҳатто титраб кетдим.

— Кимни? Мисс Грантними?! — деб қичқирдим каловланиб. — Ҳа, хайрлашаётган пайтимиздан ундан мени ўпиб қўйишни илтимос қилганман, у рози бўлган эди.

— Майлига! — деди. — Энди нима десангиз деяверинг, аммо сиз мени ҳам ўпдингиз-ку!

Одатдан ташқари нозик сўзларни эшитдим у ҳис-туйғуларга асир бўлиб қолганимизни англадим ва тезда ўрнимдан туриб кетдим: Катрионани ҳам турғазиб қўйдим.

— Йўқ, бу мумкин эмас, — дедим. — Бу ҳеч мумкин эмас! Эҳ, Кэтрин, Кэтрин! — Бўғзимга бир нима тиқилиб қолгандек гапира олмай қолдим. — Энди бориб ухланг, — дедим ниҳоят илтижоли оҳангда. — Илтимос, мени ёлғиз қолдиринг.

У ёш боладек гапларимга кўндию остонага етган маҳалда бирдан тўхтади.

— Хайрли тун, Дэви! — деди у.

— Ҳа, ҳа, хайрли тун, севгим! — деб хитоб қилдим у меҳрим товланиб, яна уни маҳкам бағримга босдим: назаримда, бўғиб қўйишимга сал қолди ўзиям. Бироқ, бир дам ўтгач, Катрионани ўз хонасига зўрлаб киритиб юбордим у орқасидан эшикни ёпдим ва ёлғиз қолдим.

Энди қилган ишимга пушаймон бўлиб ўтирганимдан ҳеч қандай наф йўқ эди: кўнглимдаги гапларимни айтдим, у ҳаммасини биларди. Мен аблахлар каби бечора қизни ноҳалол йўллар билан ўзимга боғлаб олдим; унинг тақдири қўлимда эди; у мўртгина нарса эди, ҳимоясиз эди: уни покиза асраш ҳам, расво қилиш ҳам каминанинг ихтиёрида бўлиб, ўзимни муносиб тутиш учун қандай воситадан фойдаланишни билмасдим. Синашта ҳимоячим — Гейнекциус

китоби ўчоқда куйиб кул бўлди: ўзига яраша жазосини олди. Чин дилдан тавба қилишни истардим, аммо қўлларимни кўксимга қўйиб айтишим мумкинки, нима гуноҳ қилганимни ўзим ҳам билмасдим. Унинг содда журъатига тўсқинлик қилиш ёки унинг кўзёшларига дош бериш мумкин эмасди. Мен ўзимни оқлаш учун қидириб топган барча баҳоналар фақат гуноҳимни оғирлаштирарди, холос. Чунки қиз умуман ҳимоясиз эди, менинг аҳволим чексиз устунлик берарди.

Энди бизга нима бўлади? Назаримда, энди битта уйда яшамаслигимиз лозим. Бироқ мен қаёққа ҳам борардим? У-чи? Ҳеч қандай гуноҳ иш қилмаган бўлсак-да, шум тақдир бизни ана шу хонадонга етаклаб келди. Шундан бошқа имконимиз йўқ. Бирдан ҳозироқ унга уйланишим лозим, деган хулосага келдимۇ бирпасдан сўнг бундай аҳмоқона фикрни хаёлимдан чиқариб юбордим. Ахир Катриона ҳали ёш бола-ку, у нима қилаётганини ўзи ҳам билмайди; мен уни кўнгли ийиб турган чоғда қўлга туширдим, лекин бундай ўткинчи фурсатдан фойдаланиб қолишга ҳақим йўқ-ку, ахир! Унинг номига доғ туширмаслигим даркор, эркини қўлидан тортиб олмаслигим керак.

Мен ўчоқ ёнида оғир ўй-хаёлларга ботиб, ичимда ўзимни сўкиб ўтирардим: бирор чора топар эканманми, деб беҳуда бош қотирардим, аммо жўяли йўл-йўриқ тополмасдим. Тунги соат учларда ўчоқда фақат уч донagina милтираб турган кўмир чўғи қолди: уйдаги одамлар ҳам, шаҳар аҳолиси ҳам ширин тушлар кўриб ухлашарди; кутилмаганда қўшни хонадан пиқ-пиқ йиғи товуши эшитилиб қолди. Бечора-ей, мени ухлаб ётибди, деб ўйлаётган шекилли: афтидан, кўнгил кўчасига юрганидан энди аттанг қилмоқда эди, ўзини безбетликда айблаётган бўлса ҳам ажаб эмас (худойим-эй); зимзиё тунда йиғлаб-йиғлаб аламидан чиқмоқчи бўларди. Менинг юрагимда назокат, ваҳшат, муҳаббат, ўкинч, раҳмдиллик бир-бирлари билан олишмоқда эди: унга таскин беришга қарор қилдим.

— Эҳ, мени кечириб қарор қилиб кўрсангизчи!— деб хитоб қилдим.— Утиниб сўрайман, мени кечиринг! Келинг, буни унутайлик, ҳаммасини унутайлик!

Қиз жавоб бермади, лекин йиғи товуши эшитилмай қолди. Мен қўлларимни мушт қилганимча яна узоқ муддат серрайиб туравердим; ниҳоят, совуқ суяқларимни қақшатиб юбордию кейин ҳушимга келгандек бўлдим.

«Дэви, сен имкониятдан фойдаланиб қолмаслигинг даркор,— дедим ўзимга ўзим.— Қани, ўринга кир-чи, ақлингни ишлатгин, ухлашга ҳаракат қилиб кўр. Эртага бирор нарса ўйлаб топасан».

Иигирма бешинчи боб

ЖЕЙМС МОРНИНГ ҚАЙТИШИ

Чошгоҳ маҳали ҳам ғафлат уйқусида ётардим. Кимдир эшикни тақиллата бошладию чўчиб уйғониб кетдим ва сапчиб туриб, эшикни қия очдимю бирдан миямга урилган қарама-қарши, изтиробли хаёллардан ҳушимдан кетиб қолишимга озгина қолди: дағал кўчалик плаш кийиб, бошига кенг соябонли, зар уқа қадалган шляпа қўндириб олган Жеймс Мор остонада турарди.

Дафъатан, хурсанд бўлишим лозимдек туюлди: чунки, бу киши менинг худога илтижоларим натижасида пайдо бўлган эди гўё. Ахир Катриона билан албатта ажрალიшим керак, деган қатъий қарорга келгандим ва бунинг учун қаердан маблағ топиш ҳақида ўйлайвериб, бошим торс ёрилиб кетар даражага етганди. Мана, худойимнинг раҳми келиб, шу инсон тимсолида менга бир чора юборди. Лекин бундан заррача ҳам хурсанд бўлмадим. Бу кишининг пайдо бўлиши зиммамдаги мажбуриятларни хийла енгиллаштирарди, албатта: энди мен келажак тўғрисида бош қотирмасам ҳам бўларди, аммо ҳозирги ҳаётимни кўланка қоплаши, азоб-уқубатларни бошимдан кечиришим аниқдек кўринарди. Хуллас, унинг рўпарасига ички кийимда чиққанам учун худди ўққа учраган одамдек дарҳол ўзимни орқага тортдим.

— Мана, ниҳоят сизни қидириб топдим, мистер Бэлфур,— деди у ва менга бақувват, чиройли қўлини узатди: гўё унинг йўлини тўсмоқчи бўлгандек яна остонага яқинлашдим, аммо ҳеч иккиланмасдан қўлини қисиб қўйдим.— Қандай қилиб бизнинг йўлларимиз кесишаётганига одам ҳайрон қолади,— деб сўзида давом этди.— Такаллуфсиз ҳамла қилганим учун кечирим сўрайман: мен мунофиқ Престонгрэнжга ишонганим туфайли шунақа бўлди. Лўттивознинг гапларига лаққа тушганимни тан олишга ҳам уяламан.— У енгил-так фарангиларга ўхшаб елкаларини учираиб қўйди.—

Лекин, ростини айтсам, ўша одам ҳар қандай кишини дарров ўзига оғдириб олади,— деди.— Шундай қилиб, маълум бўлишича, қизимга олижаноблик билан ёрдам берибсиз. Мен уни излаб борсам, сизнинг адресингизни беришди.

— Назаримда, сэр, биз орамизни очиқ қилиб олишимиз даркор,— дедим ўзимни босишга уриниб.

— Бирор кўнгилсизлик рўй бердимиз? — деб сўради. — Менинг ишончли вакилим мистер Спротт...

— Худо хайрингизни берсин, бақирмасдан гапиринг!— деб унинг сўзини бўлдим.— Орамизни очиқ қилиб олгунимизгача қиз ҳеч нарсани эшитмаслиги лозим.

— Ие, қизим ҳам шу ердами?! — деб қичқирди Жеймс.

— Манави эшикдан нарида, қўшни хонада яшаяпти,— деб жавоб бердим.

— Сиз у билан яшаяпсизми? — деб сўради.

— Хўш, биз билан яна ким бирга яшаши керак эди?! — деб қичқирдим.

Адолат юзасидан қайд этмоғим лозимки, барибир унинг ранги оқариб кетди.

— Бу жуда ғалати ҳодиса...— деб ғудурлади Жеймс.— Жуда ғалати аҳвол... Тўғри айтдингиз, биз орани очиқ қилиб олишимиз даркор.

Шундай деб у менинг ёнимдан ўтди-да, ичкарига кирди: айтиш мумкинки, бу пайтда кекса дайди ўзини эмин-эркин тутарди. У хонамни синчиклаб кўздан кечирди: таъбир жоиз бўлса, мен ҳам унинг нигоҳи билан хонага назар солдим. Эрталабки қуёш хонага мўлкўл нур сочарди: бу ерда фақат каравоту сандиқча, ювиниш учун тоғора, ҳар жойларда сочилиб ётган кийим-кечак ва совуб қолган печка бор эди. Шубҳасизки, хона жозибасиз, хувиллаб ётгандек кўринарди; қашшоқ одамлар яшайдиган бошпамага ўхшарди: ёшгина бону истиқомат қилиши мумкин бўлган кошонага асло ўхшамасди. Шу тобда мен Катрионага харид қилиб берган уст-бошларни эсладим у қашшоқлик билан тўкин-сочинликнинг қўшни бўлиши кишида нохуш таассурот қолдиражагини хаёлимдан кечирдим.

У нигоҳи билан ўтириш учун жой қидирди, лекин кўнгилдагидек ўриндиққа кўзи тушмади ва каравотимнинг бир чеккасига чўкишга мажбур бўлди. Мен эшикни беркитдим-да, ўзим истамаган ҳолда унинг ёнига ўтирдим. Учрашув қандай натижа билан якунлашидан қатъий назар, биз Катрионани уйғотиб юбормаслигимиз

лозим эди; шунинг учун ёнма-ён ўтириб, товушимизни пасайтириб сўзлашга тўғри келарди. Бизнинг ҳолатимизни кўрган киши ёқасини ўшлаши мумкин эди: у совуқ хонада плаш кийиб ўтирарди, мен эсам ички кийимда дир-дир қалтирардим; у худди ҳакамга ўхшарди, мен бўлсам (кўринишим қандай эканини билмасдим) ўзимни гўё Маҳшар кунидагидек ҳис этардим.

— Хўш? — деди у.

— Хўш...— деб гап бошладим-у, лекин кейин нима дейишимни билмасдан тутилиб қолдим.

— Сизнинг гапингизга қараганда, қизим шу ерда экан-да? — деди бетоқат бўлиб.

Унинг саволи мени хийла дилгир қилиб қўйди.

— Ҳа, у шу уйда яшаяпти,— дедим.— Бу ҳол ғалати туюлишини билардим. Аммо бу воқеа аввали

ҳам ғалати бошлангани эсингиздан чиқмасин. Чўнтагида икки шиллингу уч-тўртта сариқ чақаси бўлган ёш қиз Оврўпо қитъасига келиб қолади. Унда Гелвоэтта яшайдиган Спроттнинг адреси бор эди. Сиз уни, ўзимнинг ишончли вакилим, деб атаяпсиз. Мен эсам фақат бир нарсани аниқ айтишим мумкин: у қизингизга ҳеч қандай ёрдам бергани йўқ; у сизнинг номингизни эшитган заҳоти бўралаб сўкина бошлади; сўнг ҳеч бўлмаса қизнинг юкларини маълум вақтгача сақлаб бериши учун унга ўз чўнтагимдан пул тўлашга мажбур бўлдим. Мистер Драммонд, сиз шароитни ҳам жуда ғалати деб атадингиз, ижозатингиз билан, айнан ўзингизни шунақа деб атамоқ лозим. Узингиз қизингизни шунақа аҳволга тушириб қўйдингиз; менимча, фақат бемехр кишигина қизини қийин аҳволда қолдириши мумкин.

— Мана шунга сира ақлим етмаяпти,— деди Жеймс. — Менинг қизим ҳурматли кишиларнинг қарамоғига топширилган эди; аммо ҳозир уларнинг номларини эслолмаяпман.

— Жеббилар,— дедим.— Шубҳасизки, мистер Жебби Гелвоэтта у билан биргаликда соҳилга тушмоғи лозим эди. Мистер Драммонд, лекин у бундай қилмади: назаримда, ўша пайтда унинг вазифасини ўз зиммамга олганим учун сиз худога шукр қилишингиз керак.

— Тез орада мистер Жебби билан жиддий гаплашиб қўяман,— деди у.— Сизнинг масалангизга келсак, унинг ўрнини босишга ҳали ёшлик қиласиз.

— Лекин бошқа ҳеч ким йўқ эди: мен соҳилга тушмоғим лозим эди ёки ҳеч ким тушмаслиги

кѐрак эди! — деб хитоб қилдим.— Мендан бошқа одам ѐрдам қўлини чўзмади: айтмоқчи, сиз мендан норози бўляпсиз шекилли.

— Барча тафсилотларни билиб олмагунимча сизга миннатдорлик изҳор қилишдан ўзимни тийиб тураман, кейин кўрамиз,— деди у.

— Буни бир қарашдаёқ сезган эдим,— дедим.— Сиз қизингизни Оврўпода тақдир тақозосига ташлаб, итқитиб кетдингиз: чўнтагида фақат икки шиллинг пули бор эди, холос. Боз устига, у нотаниш мамлакат халқининг тилини мутлақо билмасди, уларга дәрдини айтолмасди. Ажабо, таърифга сўз топилмайди-я! Уни буюққа олиб келдим. Ўзимнинг синглим деб таништирдим ва унга акалардек муомала қилдим. Буларнинг ҳаммаси арзон тушгани йўқ, аммо ҳозир пул ҳақида гапириб ўтирмасак ҳам бўлади. Бу қизни жуда қаттиқ ҳурмат қиламан, унинг номига доғ туширмасликка уриндим, албатта. Тўғриси айтсам, уни ўз отасига мақтасам кулгили бўларди.

— Сиз ҳали ёшсиз...— деб гап бошлади Жеймс.

— Бу гапни иккинчи марта эшитяпман,— деб сўзини бўлдим зарда аралаш.

— Сиз ҳали жудаям ёшсиз; акс ҳолда бундай иш нақадар жиддий эканини англаб эдингиз,— деди у чўрткесарлик билан.

— Бу фақат айтишга осон! — деб хитоб қилдим.— Хўш, мен нима қилишим керак эди? Албатта, қандайдир мункиллаб қолган кампирни хизматкорликка ёлласам бўларди, у биз билан бирга яшайверарди, лекин, худо ҳаққи, бундай фикр ҳозиргина хаёлимга келди. Қолаверса, ўзим бу жойларга бегона бўлсам, хизматкорни қаердан топардим? Бундан ташқари, мистер Драммонд, эсингиздан чиқмасинки, ҳолва деган билан оғиз чучимайди: бунинг учун пул керак. Шундоқ ҳам анчамунча харажат қилиб қўйдим. Буни фақат бир нарса билан изоҳлаш мумкин: сиз уни яхши кўрмайсиз, унга бефарқ қарайсиз; акс ҳолда, қизингизни йўқотиб қўймасдингиз.

— Бўйнида айби бор одам бошқаларни айбламаслиги лозим,— деди у.— Энг аввало; биз мисс Драммонднинг хатти-ҳаракатларини атрофлича муҳокама этиб олишимиз даркор, ундан сўнг отасининг устидан ҳукм чиқарамиз.

— Мени тузоққа илинтираман, деб овора бўлманг,— дедим.— Мисс Драммонднинг шаънига ҳеч қандай доғ

тушгани йўқ; унинг отаси буни билиши лозим. Сизни ишонтириб айтаманки, менинг шаънимга ҳам доғ тушган эмас. Олдингизда фақат иккита йўл бор. Агар инсофли кишилар сингари менга миннатдорлик изҳор этсангиз, биз гап-сўзларни бас қиламиз. Мабодо сизни бирор нарса қониқтирмаётган бўлса, марҳамат қилиб, барча сарф-харажатларни тўлаб қўйсангиз кифоя: шу билан орамиз очиқ.

У мени тинчлантириш маъносида қўлини силкитди.

— Вой-бўй! — деди.— Жуда шошқалоқ экансиз-ку, мистер Бэлфур! Худога шукрки, мен аллақачон сабр-тоқат қилишга кўникма ҳосил қилганман. Бундан ташқари, назаримда, мен ҳали қизим билан учрашмоғим лозим экани ёдингиздан кўтарилиб кетганга ўхшайди.

Пул ҳақида гап қистирганимдан сўнг, у дарҳол ўзгариб кетганини кўрдиму ўзимни хийла енгил ҳис этдим.

— Агар кўз олдингизда кийимларимни алмаштириб олишимга ижозат берсангиз, ўйлайманки, мени кўчага чиқиб кетганим маъқул бўлади. Кейин қизингиз билан юзма-юз ўтириб, бемалол гаплашиб оласиз,— дедим.

— Ғоят миннатдор бўлардим,— деди. Шубҳасизки, у бу сўзларни назокатли тарзда баён этган эди.

«Начора, шуниси ҳам дуруст», деб ўйладим, шимимни кияр эканман. Сўнг бу одам Престонгрэнжнинг ноғорасига ўйнагани бирдан эсимга тушиб қолдию узил-кесил ғалаба қозонишга бел боғладим.

— Агар маълум муддат Лейденда яшаб турмоқчи бўлсангиз, мана шу хона бутунлай ихтиёрингизда,— дедим.— Мен ўзимга бошқа жой топиб оламан. Шундай қилсак ташвиш ҳам камроқ бўлади: битта ўзим кўчиб кетаман, холос.

— Тўғри, айтасиз, сэр,— деди кўкрагини олдинга чиқариб,— мен қирол хизматини бажариб юриб, қашшоқ аҳволга тушиб қолганимдан асло уялмайман. Очиғини айтсам, ҳозир ишларим ниҳоятда чигаллашиб кетган, бирор ёққа кўчиб боришга қўлим калталиқ қилади.

— Ундай бўлса, дўстларингиз билан алоқа ўрнатганингизга қадар меҳмоним бўлишга розилик билдириб, фақирни шод этарсиз, деган умиддаман,— дедим.

— Сэр, чин юракдан бундай таклиф билан мурожаат этилган чоғда мен ҳам чин юракдан жавоб қайтаришни фаҳрим деб биламан,— деди.

— Қўлингизни узатинг, мистер Дэвид. Мен сизга ўхшаган инсонларни бениҳоя ҳурмат қиламан: олижа-

ноб кишилар сизга ўхшаган инсонлар тоифасидан мурув-
ват кўрса, асло камситилган ҳисобланмайди. Энди бу
ҳақдаги гапларни бас қилайлик. Мен кекса аскарман,—
деб гапида давом этди,— шунинг учун оғирлигим туши-
шидан кўрқмасангиз ҳам бўлади. Кўпинча йўл бўйидаги
ариқ ёқасига ўтириб овқатланардим, кўлмак сувдан
ичардим, бошпанам эса қора булут тўпланиб турган ос-
мони фалак бўларди.

— Айтмоқчи, одатда шу пайтда бизга нонушта олиб
келишарди,— дедим.— Ҳозир қавахонага кираман-да,
уч кишига нонушта тайёрлашларини ва ҳар кунгидан
бир соат кечроқ ижарахонамга элтиб беришларини
илтимос қиламан; унгача қизингиз билан бафуржа
гаплашиб оласиз.

Назаримда, бу гапларни эшитгач, унинг бурун
катаклари титраб кетгандек туюлди.

— Бир соат? — деди у.— Менимча, бу жуда узоқ
муддат. Ярим соат ҳам етади, мистер, Дэвид, ёки,
айтайлик, йигирма дақиқа кифоя. Айтмоқчи,— деди
енгимдан ушлаганча,— сиз эрталаб нима ичасиз: пивоми
ёки вино?

— Очигини айтсам, сэр, мен совуқ сувдан бошқа
нарса ичмайман,— деб жавоб бердим.

Э-э, жуда зўр! — деб хитоб қилди Жеймс.—
Биз ҳали сиздан ажойиб бир улфат ясаймиз, мистер
Дэвид!

Бу пайтда унга нисбатан кўнглимдаги ғуборим тарқаб
кетган эди; хаёлимдан ажабтовур бир фикр ярқ этиб
ўтди: у менга қанақа қайнота бўлар экан? Фикр-ёдим
қизи билан банд эди; бир иложини топиб, уни огоҳлан-
тириб қўйишим лозим. Эшикка яқин бордим-да, тақил-
латдим ва:

— Мисс Драммонд, мана, ниҳоят, отангиз келди! —
деб қичқирдим.

Кейин кўнглим шикастланиб, қаҳвахонага йўл олдим.

Йигирма олтинчи боб

УЧОВИМИЗ

Мен ҳақиқатан ҳам гуноҳкорманми ёки кўнгилчан-
манми, бу ҳақда бошқалар ҳукм чиқараверсин. Аммо
қизларга ишим тушган пайтларда фаҳм-фаросатим панд

берарди. Катрионани уйғотаётган чоғимда бу ҳол Жеймс Морга қандай таъсир этиши мумкинлиги борасида ўйлаган эдим, холос. Уйга қайтиб келиб, учовимиз битта стол атрофида овқатлана бошлаган маҳалда қизга расмийроқ оҳангда муомала қилдим: ўзимни худди бегонадек тутдим. Ҳозиргача ўшанда оқилона йўл танлаган эдим, деб ўйлайман. Отаси эса қизига муносабатим беғубор эканлигига шубҳаланарди: мен энг аввал унинг кўнглидаги шубҳани тарқатиб юборишим лозим эди. Катриона ҳам маълум маънода ҳақ, албатта. Яқиндагина биз бир-биримизни қизгин севардик, бир-биримизнинг қўчоғимизда тўлғонардик, юз-кўзларимизни ялаб-юлқаган эдик; сўнгра уни қўполлик билан нарига итариб юбордим; ярим кечаси қўшни хонада туриб унга илтижо қилдим; у анча вақтгача мижжа қоқмай ётди, хун-хун йиғлади, эҳтимолки, фақат мени ўйлаб тонг оттирди. Буларнинг якуни сифатида уни мисс Драммонд деб чақириб, уйғотдим, бундай деб муомала қилишимни аллақачон эсидан чиқариб юборган эди; энди эса ўзимни бегонадек тутиб расмий оҳангда мурожаат этардим, хуллас, у менинг қайси гапларим чин эканини билолмай доғда қолди: қиз ҳаммасини тескари маънода тушунди — мен гўё қилган ишимга афсусланаётгандек, орқага чекинаётгандек бўлиб кўринардим!

Ҳамма бало шунда эдики, Жеймс Морнинг бесўнақай шляпасига кўзим тушгандан унинг нима мақсадда ташриф бўюрганию кўнглидаги шубҳалари тўғрисида ўйлардим. Катрионанинг хаёли эса ўртамизда бўлиб ўтган воқеалар билан банд эди. Қисман бу унинг гўллигидан, довураклигидан нишона, Жеймс Мор мен билан гаплашиб ҳеч нарсага эриша олмагани учунми, боз устига, уни меҳмонга таклиф этганим туфайли сукут сақлашни маъқул кўргани учунми, ҳартугул, қизига ўз гумони хусусида ҳеч нарса демаганди. Шундай қилиб, нонушта маҳали биз бир-биримизнинг кўнглимизда нималар кечаётганини мутлақо англамасдик. Мен унинг эски кўйлагини кийиб олишига шубҳаланмасдим; у эса отасининг борлигини унутиб қўйгандек, яп-янги кўйлагини кийиб олибди. У мендан ибрат олиб бегонадек, қуруқ муомала қилади, диб умид қилардим; аммо ҳис-туйғуларини жиловлай олмасди, кўзлари чақнаб турарди; номимни меҳр билан тилга оларди; у худди эрининг олдида тили қисик хотин сингари сўзларимни, истакларимни эслаб қўярди.

Аммо бундай ҳолат узоққа чўзилмади. У мени хавф остида қолдириб, ўзини устун қўяётганига амин бўлганимдан сўнг, ҳимояланишга қарор қилдим ва унга ўрнак бўлсин, деган мақсадда янада совуқроқ муомала йўсинини танладим. У ўзини яқин кўрсатишга тиришгани сари, мен тобора ундан ўзимни олиб қочардим: у ўзини эмин-эркин тутгани сари мен тобора ўзимни сипо, расмий тарзда тутишга уринардим. Агар унинг отаси овқатдан бош кўтарганда борми, ўртамиздаги пинҳоний жангни албатта пайқарди. Сўнг-ра у тўйқус ўзгариб қолдию мен енгил тин олдим: хайрият, охири имо-ишораларимни англаб етди, деб ўйладим.

Кун бўйи сабоқ тингладим, сўнг ўзимга янги бошпана қидирдим; сайрларимиз энди барҳам топажанини ўйлаб, афсусланардим, бир ҳисобда қувонардим,— чунки қиз энди ишончли қўлга топширилди; ортиқча ташвишдан қутулдим. Энди ҳалол йўл билан очиқчасига унинг муҳаббатини қозонишим мумкин. Кечки овқат маҳали Жеймс Мор ҳаммамиздан кўпроқ гапирди. Тўғриси у жуда сўзамол эди, лекин ҳеч бир гапига ишониб бўлмасди. Кечки овқатдан сўнг у ўрнидан турди-да, шляпасини кийиб, назаримда, менга қараганча, иш юзасидан бир жойга бориб келишим лозим, деди. Бу гапни энди сиз ҳам ётоғингизга жўнасангиз бўларди, деган маънода тушундим урнимдан қўзғалдим. Мен билан зўрға салом-алик қилган Катриона кўзларини катта-катта очди: гўё мени яна бирпас ўтиришимни илтижо қиларди. Мен уларнинг ўртасида ўзимни худди қирғоққа чиқариб ташланган балиқдек ҳис этардим; гоҳ унисига, гоҳ бунисига нигоҳ ташлардим; гўё иккови ҳам менга эътибор бермасди: қиз ерға кўз тикиб турарди, отаси эса плашининг тугмаларини қадарди; мен янада каловланиб қолдим. Катриона жўрттага ўзини бепарво кўрсатишга ҳаракат қилаётганидан сездимки, у қаҳр-ғазабини аранг ичига ютиб турарди; у бирпасда пов этиб ёниб кетиши ҳеч гап эмасди. Жеймснинг бефарқлиги мени яна кўпроқ хавотирга солиб қўйди; ҳозир нимадир рўй беради; ҳамма балони Жеймс Мор бошласа керак, деб ўйладим.

— Мистер Драммонд, мабодо сизга бирор ёрдамим тегиб қолмасмикан? — деб сўрадим.

У эсаншдан тўхтади: буни мен атайлаб ўзини бепарво кўрсатиш учун шундай қилди, деб тушундим.

— Бўпти, мистер Дэвид, ёрдам беришгаки бел боғлаб

турган экансиз, мени қаҳвахонага бошлаб боринг-чи; у ерда бир қуролдош дўстимни учратсам ажаб эмас,— деди.

Энди орага гап сўқиб бўлмасди: индамай шляпамни қўлимга олдим уни кузатиб қўйишга тахт бўлиб турдим.

— Сен ухлайвер,— деди у қизига.— Кечроқ қайтаман. Кимки эрта ётиб-эрта турса, худойим унга гўзаллик ва саломатлик ато этади.

У қизининг пешонасидан меҳри товланиб ўпдию мени биринчи бўлиб эшикдан чиқишимга имкон берди. Назаримда, у атайлаб шундай қилди; хайрлашиш пайтида, Катриона икковимиз бир-биримизга бирор гап айтишимизни истамади шекилли. Аммо қиз менга қараётгани ҳам йўқ эди; чамамда, у Жеймс Мордан кўрқарди.

Қаҳвахона хийла олисда экан. Йўл-йўлакай мени мутлақо қизиқтирмайдиган нарсалар тўғрисида тўхтамасдан жавраб кетди: манзилга етганимиздан сўнг, остонада мен билан паришонхотир қиёфада хайрлашди. Янги бошпанамга йўл олдим: у ерда исиниб олиш учун лоақал ўчоқ ҳам йўқ эди; ўз хаёлларим билан ёлғиз қолдим. Хийла хотиржам эдим: Катриона менга нисбатан тишини қайраб юрганидан беҳабар эдим. Бизни қандайдир муқаддас қасам боғлаб тургандек туюларди: бир-биримизга жудаям яқин бўлиб қолган эдик; энди ажрашмаймиз — чунки қизнинг сўзлар билан дилларимизни пайвандлаб қўйгандик; ҳозирги хийла-найранглар бизга тўсиқ бўлолмасди. Мен ўзим ёмон кўрадиган қайнотага куёв бўлишдан хафа бўлардим; вақти келиб у билан нозик масала хусусида гаплашиб олишга тўғри келади. Биринчидан, ҳали ёш йигитча эканимни ўйласам, сочларимгача қизариб кетарди: шунинг учун орқага чекинишга ҳам тайёр эдим, лекин мен қизга бўлган муносабатимни ота-бола Лейдендан жўнаб кетгунларига қадар изҳор этмасам борми, бир умрга қиздан айрилиб қолишим мумкин эканини билардим. Иккинчидан, бизнинг ҳозирги омонат муносабатимизга узил-кесил ишониб бўлмасди: шунингдек, эрталабки гапларим Жеймс Морни қониқтиргани ҳам дургумон. Охир-оқибатда, ҳали шошмай туриш керак, лекин ҳадеб пайсалга солавериш ҳам ярамайди, деган қарорга келдим у хотиржам бўлиб совуқ ўринга кирдим.

Эртаси куни Жеймс Морга хонам ўнчалик маъқул бўлмагани учун мебель олиб беришни таклиф қилдим.

Кундузи юк ташувчилар стол-стулларни кўтариб келишган пайтда мен қизни ёлғиз учратдим. У сиполикни қўлдан бермай салом-алик қилди-да, дарҳол ўз хонасига кириб кетди ва эшикни ёпиб олди. Мен юк ташувчиларга йўл-йўриқ кўрсатдим ва товушимни баландлатиб кетишларига рухсат бердим: хизмат ҳақларини тўладим. Товушимни эшитиб қиз олдимга чиқади, мен билан гаплашади, деб ўйлаган эдим. Бир оз кутиб турдим-да, сўнг эшигини тақиллатдим.

— Катриона! — деб чақирдим.

Мен унинг номини тилга олишга ҳам улгурмасимдан эшик дарров очилди: назаримда, у шундоққина эшик орқасида гап-сўзларга қулоқ соларди. Бир муддат у индамай турди; қиёфаси шу қадар аянчли эдики, тасвирлашга қалам ожизлик қилади: оғир жудолик бошига тушган инсонни эслатарди.

— Биз бугун сайр этгани чиқмаймизми? — деб сўрадим дудуқланиб.

— Бағоят миннатдорман,— деди у.— Энди, отам келгандан сўнг, ундай сайрлар менга мутлақо керак эмас.

— Бироқ, назаримда, у сизни яна ёлғиз ташлаб кетди шекилли? — дедим.

— Менинг назаримда эса, мен билан бундай оҳангда гаплашиш ғирт бемаъниликдан бошқа нарса эмас,— деб жавоб берди.

— Сизни ёмон ниятда сайрга таклиф этаётганим йўқ,— дедим,— Катриона, нега хафа кўринасиз? Сизга нима ёмонлик қилдим, нега мендан юзингизни тескари ўгирыясиз?

— Сиздан юз ўгираётганим йўқ,— деди у салмоқдор оҳангда.— Менга яхшилик қилган дўстимдан бир умр миннатдор бўлиб юраман. Бир умр унга содиқ бўлиб қоламан. Лекин энди, отам Жеймс Мор қайтиб келгандан сўнг кўп нарсалар ўзгариб кетди: баъзи бир саъй-ҳаракатлару гап-сўзларни эрдан чиқармоғимиз лозим. Албатта, мен сизга ҳар доим содиқ дўст бўлиб қоламан: агар буларнинг ҳаммаси... агарда... Аммо сизга буларнинг сариқ чақалик қадри йўқ-ку! Лекин мени айбдор деб ўйласангиз яхши бўларди. Ўзингиз бир пайтлар жуда тўғри айтган эдингиз: мен ҳали ёш боламан, панд-насиҳатлар қулоғимга кирмайди; умид қиламанки, ёшлигимни асло унутмайсиз. Шунга қарамасдан мен сизга дўст бўлиб қолишни истайман.

У гап бошлаган пайтда мурдадек оппоқ-оқариб

кетган эди; бироқ сўзини якунлаётганда юзига қизиллик югурди: унинг нафақат сўзлари, юзи ҳам, титраётган қўллари ҳам мендан марҳамат тилаётгандек туюларди. Шундагина даҳшатли жиноят қилиб қўйганимни англадим: бу шўрлик қизгинанинг кўнгли ийиб турган пайтда ҳиссиётга эрк бериб, уни бениҳоя оғир аҳволга тушириб қўйибман; у энди ўз ишидан қаттиқ уяларди.

— Мисс Драммонд,— деб гап бошладиму бирдан тутилиб қолдим, сўнг яна ўша сўзимни такрорладим.— Эҳ, сиз қалбимга бир қулоқ солганингизда эди!— деб хитоб қилдим.— Шунда мен сизни аввалгидек яхши кўришимни албатта англардингиз. Айтишим мумкинки, аввалгидан ҳам кўроқ яхши кўраман, лекин сиз буни билмайсиз. Биз шунчаки хатога йўл қўйдик, холос. Энди ўша хатомизнинг аччиқ мевасидан баҳраманд бўляпмиз: биз ўша хатони қанчалик камроқ эсласак, шунчалик яхши бўлади. Қасам ичишим мумкинки, биз бирга яшаганимиз ҳақида бундан кейин бир оғиз ҳам гапирмайман. Ҳатто буни эсламайман, аммо ўша хотира мен учун жуда азиз бўлиб қолажак! Сизга садоқатли дўстман, сизни деб ўлишга ҳам тайёрман!

— Миннатдорман,— деди у.

Биз яна бир оз бир-биримизга сўзсиз тикилиб турдик: аянчли аҳволга тушиб қолгандим, барча орзумидларим чиппакка чиққан эди, муҳаббатимиз яна рад эдилган эди ва дунёда якка-ёлғиз қолган эдим.

— Начора, шубҳасизки, биз бир умрга дўст бўлиб қоламиз,— дедим алам билан.— Шунга қарамай, энди сиз билан видолашамиз... Ҳа, биз барибир видолашамиз... Мен мисс Драммонд билан дўст бўлиб қоламан, лекин жонажон Катрионам билан бир умрга видолашаман.

Мен унга термуддим, бирдан кўз ўнгимни туман қоплади: туйқус у яшнаб тургандек, бўйи ҳам анча ўсиб қолгандек туюлди; назаримда, эс-ҳушимдан айрилдим: чунки, унинг номини тилимдан қўймай, у томон қўлларимни чўзганимча олға талпиндим.

Қиз гўё зарбадан ҳимоя қилаётгандек ўзини орқага ташлади, баданимдан совуқ тер чиқиб кетди: ич-ичимдан афсусланардим, ўзимга ачинардим. Ўзимни оқлаш учун бирор оғиз жўяли сўз тополмадим, фақат бурним ерга теккудек бўлиб тавзим қилдим-да, уйни тарк этдим: юрагим тилка-пора бўлиб кетди.

Беш кун мобайнида деярли ҳеч қандай ўзгариш

рўй бермади. Уни овқат маҳали кўрардим, холос. Ўз-ўзидан равшанки, даврада албатта, Жеймс Мор ҳам бўларди. Агар биз бирпасгина ёлғиз қолсак ҳам ўзимни сипо тутишга ҳаракат қилардим, расмийт юзасидангина «ҳа-ҳа» деб ўтирардим. Чунки у ўзини орқага ташлаганинию қизариб-бўзариб кетганини ҳали унутмаган эдим: ўша манзара сира кўз ўнгимдан кетмасди, қизга жудаям раҳмим келарди: буни сўз билан тасвирлаб бўлмайди. Айни пайтда ўзимга ҳам ичим ачирди: ахир мен бир неча сония мобайнида дунёга келиб топган энг бебаҳо бойлигимдан айрилган эдим: тўғриси айтсам, қиздан ўпкаламасдим: фақат тасодифан ғазабим жўшиб кетганда ич-ичимда унга лаънат айтардим, холос. У, ҳали мен ёш боламан-ку, деб ҳақ гапни айтди, аммо унинг ғўрлигидан ғаразли мақсад йўлида фойдаланилди: агар у алдаган бўлса, ёш боладан бундан бошқача саъй-ҳаракатни-да кутиб бўлмасди.

Хулласи калом, у айни пайтда ёлғизланиб қолган эди. Отаси қизига ниҳоятда ширин муомалада бўларди, лекин унинг тез-тез бирор иши чиқиб турарди ёки қўлига пул тушиши биланоқ қизини бир оғиз огоҳлантирмасдан, виждони қийналмасдан қаҳвахонага кўнгил хушлик қилгани жўнарди, кун бўйи дом-дараксиз йўқ бўлиб кетарди. У қандай қилиб пул топаётганига ҳайрон бўлардим. Беш кун мобайнида у ҳатто бир марта кечки овқат маҳали уйга ҳам келмади; Катриона икковимиз стол атрофида ўтиришга мажбур бўлдик. Овқатланиб бўлганимиздан сўнг дарҳол ўрнимдан кўзгалдим: назаримда, сиз ёлғиз қолишни истаётган бўлсангиз кераг-а, деб сўрадим: қиз тасдиқ ишорасини билдирди. Ажабки, унинг сўзига лаққа ишондим. Ўзимча, у менинг олдимда ичида фикриниб ўтиради, деб ўйлардим; ҳойнаҳой, мени кўрса, ўша бемаъни қилиғи эсига тушиб кетардию кўнгли алғовдалғов бўлаверарди. Мана, у бир пайтлар энг тотли дамларимизни бошимиздан кечирган хонада ёлғиз ўтирибди; арашлашиб қолган, бир-биримизни суюб-суюб эркалаган чоғларимизда бизни заррин шуълага чулғаган печкадан хирагина ёруғлик тараларди. У қизларга ҳос ибоду ҳаёни бир дақиқа унутган дамларни қарғаб-қарғаб ўтирарди, ўзини афтодаҳол ҳис этарди. Мен ҳам ёлғиз эдим: кўнглим ғам-андухга тўлган кезларда, инсон барибир иродасиз, аёл зоти бевафо, деб ўзимга таскин берардим. Қисқаси, нодонлик оқибатида бир-бирининг кўн-

лига озор етказаетган, ўзларини бахтиқаро ҳис этаётган иккита аҳмоқ ҳали дунёга келмаган бўлса керак.

Жеймс эса бизга эътибор бермасди: у фақат ўзининг чўнтагинию қорнини ўйларди; оғзидан кўпик сачратиб мақтаннишни биларди, холос. Дастлабки куниёқ у мендан қарзга оз-моз пул сўради, эртаси куни яна мурожаат этди, лекин мен бермадим. У барибир миннатдорлик изҳор этди. Тўғриси айтганда, у ўзини олижаноб инсон тарзида кўрсатиб, қизида катта таассурот қолдирарди; у гапириб бераётган ҳикояларига албатта ўзини бош қаҳрамон қилиб тасвирларди: тингловчи унинг келишган қадди-қоматигаю чиройли хатти-ҳаракатларига қараб туриб, беихтиёр ёлғон ўйдирмаларга ҳам ишонарди. Шунинг учун илгари унга иши тушмаган одам чиройли гапларга маҳлиё бўлиб алданиб қолиши мумкин эди. Бироқ мен унга учинчи марта дуч келаётганим туфайли барча ҳийла-найрангларини билиб ўтирдим: у ниҳоятда манмансираган ва айни пайтда очиқкўнгил киши эди. Шунинг учун мен унинг «авлодимиз герби», «кекса жангчи», «олижаноб камбағал тоғлик», «ўз ватанининг ва дўстларининг таянчи» каби баландпарвоз иборалар билан бўктирилган ҳикояларига тўтиқушнинг вайсақилиги, деб қарардим, холос.

Ажабланарли жойи шунда эдики, баъзан ўзининг ёлғон гапларига ўзи ҳам ишонарди шекилли: афтидан, ёлғончилик қон-қонига шу қадар сингиб кетган эдики, қачон ёлғон гапираётганини ўзи ҳам билмай қоларди; ғамгинлик қиёфасига самимийлик бахш этарди. Гоҳида ғайритабиий равишда камгап, мулойим, меҳрибон бўларди, Катрионани худди ёш боладек овунтирарди ва агар мени озгина яхши кўрсангиз яна бирпас ўтиринг, деб илтимос қиларди; ўз-ўзидан равшанки, мен уни заррача ҳам яхши кўрмасдим, лекин қизини бутун вужудим билан севар эдим. У биздан бирорта қизиқарлироқ воқеани сўзлаб беришимизни сўраб, мушкул аҳволда қолдирарди. Сўнгра у соғинч билан ватанини, дўстларини эсларди, гэл тилида кўшиқлар қуйларди.

— Она юртимнинг энг ғамгин кўшиқларидан биттаси мана шу,— дерди у.— Кекса аскарнинг йиғисига ҳайрон қолманг, энг яхши дўстим бўлганингиз учун ҳам шундай қиляпти. Ахир бу кўшиқ менинг қонимга кўшилиб юрагимдан отилиб чиқяпти. Мен қип-қизил тоғларни, ҳайқириб оқаётган сойларни, қояларда югуришиб юрган болаларни, ёввойи қушларнинг қичқириғини эслаганим-

да, душманларим олдида йиғлашдан ҳам уялмайман.

У энди куйлаётган қўшиғини таржима ҳам қилиб берарди: мунофиқона тарзда насихатгўйлик қилганча инглиз тилидан нафратланишини ҳам яшириб ўтирмасди.

— Бу қўшиқни мазмуни қўйидагича: қуёш ботди, жанг тугади, довурак йўлбошчилар мағлубиятга учрадилар,— деб тушунтирарди у.— Юлдузлар ёғду таратиб турибди, улар эса еттиёт бегона юртларга қочиб кетмоқдалар ёки тоғларнинг қип-қизил қояларида ўз қонларига беланиб, ўлиб ётишибди. Улар энди ҳеч қачон жанговор чақириқни ўртага ташлай олмайдилар, ҳеч қачон тезоқар дарёда оёқларини юволмайдилар... Бироқ, агар сиз оз-моз бизнинг тилимизни билганингизда борми, йиғлаб юборардингиз: чунки, бу қўшиқнинг сўзларини асло бошқа тилга таржима қилиб бўлмайди: уни инглиз тилида гапириб бериш — кулгили, холос.

Начора, бу ҳол барибир масхарабозликдан бошқа нарса эмасди: боз устига, ёлғон қандайдир нозик туйғуларга ўраб-чирмаб каминага тортиқ қилинаётгани учун ҳам ундан нафратланардим. Айниқса, Катрионанинг кекса аблаҳга ғамхўрлигини ёки отасининг кўзларида ёш милтиллаётганини кўриб, ўзи йиғлаётганини кузатиб ўтиришга асло тоқат қилолмасдим: негаки, кекса туллак кўпинча бир кун аввал қаҳвахонада араққа тўйиб келган кезларда дийдиёсини бошларди. Баъзан мен унга жуда катта миқдорда пул бермоқчи ва шу билан бир умрга хайрлашмоқчи ҳам бўлардим-у, Катрионадан ажраб қолишни ўйлардим, шунинг учун асло бундай қилолмасдим. Устига устак, сариқ чақага ҳам арзимайдиган одамга ҳалол пулимни ҳайф қилишга виждоним йўл қўймасди.

Йигирма еттинчи боб

ИККОВИМИЗ

Янглишмасам, Жеймс келганига беш кун бўлганда (ҳартугул, у яна «ширин» бўлиб қолганини аниқ эслайман) мен бир йўла учта хат олдим. Биринчиси Аландан эди; у менинг ҳузуримга — Лейденга келмоқчи эканини хабар қилган эди. Иккитаси эса, Шотландиядан юборилган бўлиб, уларда амаким вафот этгани ва мен

расман ер-мулк эгаси сифатида тан олинганим тўғрисидаги маълумотлар қайд этилганди. Албатта, Ранкилернинг хати бошдан-охиригача ишчанлик руҳи билан суғорилганди; мисс Грантнинг мактуби эса худди ўзи сингари ҳазил-мутойибаларга мойилроқ эди: у мен хат ёзмаётганим учун хийла ўпкалаганди (қизиқ, бундай шароитда қандай қилиб хат ёзардим, ахир?!), Катрионанинг номини тилга олиб, ҳазил қилганди; шунинг учун бу хатни қизнинг олдида ўқиб ўтириш менга жуда ҳам ноқулай туюлди.

Равшанки, хатлар эски адресимга келган эди; уларни менга тушлик маҳали топширишди; кутилмаганда суюниб кетганим учунми, мактубларни ўқишим биланоқ бирпасда барча янгиликлар ҳақида гуллаб кўйдим. Янгиликлар учовимизга кўнгилхуш эрмакдай таъсир этди, оқибатини ҳеч қайсимиз ўйламасдик, албатта. Тақдир тақозоси билан учала хат ҳам бир кунда етиб келди ва Жеймс Морнинг кўз олдида қўлимга топширилди: ана, худо шоҳид, агар мен тилимни тийганимда кўнгилисиз воқеалар асло содир бўлмасди. Бироқ худонинг иродаси шу экан-да; Агрикола Шотландия тупроғига қадам қўймасдан аввал, Авраам эса баҳри муҳит ортига отланмасдан бурун ҳаммаси ҳал қилинган эди.

Албатта, энг аввал, Аландан келган хатни очдим ва табиий равишда у мени кўргани келмоқчи эканини гапириб бердим. Жеймс қулоқларини динг қилиб, тараддулланиб қолганини пайқаб қолдим.

— Мабодо бу Эпиндаги қотилликда айбланаётган Алан Брек эмасми? — деб сўради.

Мен у худди ўша Алан эканини тасдиқладим; Жеймс менинг ҳол-жонимга қўймасдан биз қандай танишганимиз, Алан Фарангистонда қандай ҳаёт кечираётгани, айнан қачон ташриф буюрмоқчи экани тўғрисида сўраб-суриштирди. Албатта, Алан муҳожирликда қандай яшаётганини мен билмасдим.

— Биз муҳожирмиз, шунинг учун бир-биримиз билан алоқа боғлаб туришга ҳаракат қиламиз, — деб изоҳ берди. — Бундан ташқари, уни жуда яхши танийман; зоти паст: аслини олганда, у ўзини Стюарт деб аташга мутлақо ҳақли эмас. Аммо Драммосси остоналаридаги жангда унга қойил қолган эдик. У ўзини ҳақиқий аскар эканини намойиш этган. Агар баъзи бир кимсалар, мен уларнинг номларини айтиб ўтирмайман, қўрқоқлик қилишмаганда борми, биз охир-оқибат-

да мағлубиятга учрамасдик. Уша жангда икки киши ўзини кўрсатган эди; шунинг учун биз қадрдонмиз.

Мен уни сўкиб юборишдан ўзимни аранг тутиб қолдим; Алан у билан елкама-елка туриб жанг қилганига ич-ичимдан ачиндим. Сўнгра унинг зоти нима учун «паст» лиги билан қизиқдим. Узонқулоқ гаплардан қони тоза эмаслигини билардим, албатта.

Сўнгра мен мисс Грантнинг хатини ҳам очиб кўрдиму қувонганимдан қичқириб юбордим.

— Катриона! — деб хитоб қилдим. Отаси келгандан бери илк бора уни «мисс Драммонд» деб аташим лозим эканини унутиб қўйгандим.— Энди ўз ер-мулк-кимнинг қиролиман; исми шарифим лорд Шос — ниҳоят, амаким вафот этибди!

Қиз сапчиб ўрнидан турдию чапак чалиб юборди. Шу тобда икковимиз ҳам бекорга қувонаётганимизни бирдан англаб қолдик ва бир-биримизга тикилганимизча ўкинч билан серрайиб туравердик.

Жеймс эса дарҳол тилёғламалик қила бошлади.

— Қизим, қариндошим наҳотки сенга одоб ўргатмаган бўлса? — деди.

— Мистер Дэвид яқин кишисидан жудо бўлибди, биз унинг дардига шерик бўлишимиз лозим.

— Сэр, ростини айтсам, мен асло тилёғламалик қугмоқчи эмасман,— дедим унга ўгирилиб.— Унинг ўлими ҳақидаги хабарни эшитиб, мен ниҳоятда қувондим.

— Мана бу ҳақиқий аскарнинг гапи! — деди Жеймс.— Ахир ҳаммамиз ҳам нариги дунёга борамиз, ҳаммамиз! Агар марҳум жентельмен меҳримизни қозонмаган бўлса, ҳечқиси йўқ — осмон узилиб ерга тушмайди! Ҳарҳолда, биз сизни ер-мулк эгаси бўлганингиз билан қутлашимиз мумкин.

— Мени табриклар ўтиришнинг ҳам фойдаси йўқ,— деб эътироз билдирдим қизишиб.— Албатта, ер-мулк бўлгани яхши, лекин сўққабош одамга унинг нима кераги бор; шундоқ ҳам ҳамма нарсам етарли-ку! Тежамкор инсонман, тузуккина даромад олиб тураман; бу ўзгариш мен учун деярли ҳеч қандай наф келтирмайди. Хўжайиннинг ўлганини эшитиб, уялмасдан хурсанд бўлдим, холос.

— Ана холос! — деди у.— Сир бой бермаётган бўлсангиз-да, лекин ниҳоятда ҳаяжонланяпсиз, шунинг учун ёлғизлик ҳақида гапиряпсиз. Мана, қўлингизда учта хат турибди, демак бу ёруғ дунёда сизни яхши кўрадиган учта одам бор экан. Мен ўшалар қаторига яна

икки кишини қўшиб қўйишим мумкин; улар мана шу хонада ўтиришибди. Сизни яхши билмайман-у, лекин Катриона икковимиз ёлғиз қолган пайтларимизда қизим сизни кўкларга кўтариб роса мақтайди.

Қиз хўмрайиб назар ташлагани заҳоти у мавзуни ўзгартирди; ер-мулким ҳажмини сўраб-суриштирди ва тушлик ниҳоясига етгунча шу ҳақда гап сотиб ўтирди. Бироқ иккиюзламачилиги яққол кўриниб турарди; у ўтакетган даражада сурбетлик қилаётган эди; мен унинг асл ниятини билиб ўтирардим. Биз тушлик қилиб бўлишимиз билан у гапнинг индаллосини айтиб қўя қолди. Катрионага, менинг баъзи бир ишларим бор, дедию қизни ташқарига чиқариб юборди.

— Сен фақат бир соатгина кўчаларни айланиб юрсанг, бас,— деди.— Умид қиламанки, қайтиб келгунингча дўстим Дэвид мен билан гурунглашиб ўтиради.

Қиз лом-мим демасдан дарров отасининг гапига кўна қолди. Афтидан, у гап нимада эканини англамади шекилли. Мен ниҳоятда мамнун бўлиб, суҳбатга руҳан тайёрланиб ўтирардим.

Катриона эшикни ёпиб, чиқиб кетиши билан Жеймс ўриндиққа ўзини ташлади-да, ҳавосини олган тилёғлама усулда менга мурожаат этди. Аммо афт-башараси ички туғенини фош этиб қўйди: бирдан юзида реза-реза тер пайдо бўлди.

— Сиз билан яккама-якка гаплашиб олиш имконияти туғилганидан бениҳоя хурсандман,— деди у.— Негаки, дастлабки суҳбатимиз чоғида баъзи бир гапларимни тескари маънода тушунган эдингиз; мен анчадан бери ҳаммасини сизга очиқчасига айтмоқчи бўлиб юргандим. Қизим ҳар қандай шубҳалардан юқори туради. Сиз ҳам ҳар қандай шубҳадан юксак турасиз; агар кимки менинг бу гапимга шак келтирадиган бўлса, қўлимга қилич олиб, ўз гапимни ҳимоя қилишга тайёрман. Бироқ, қадрдоним Дэвид, дунё бешафқат: буни мендан кўра, яъни отаси ўлган кундан (уни худо раҳмат қилсин!) бери тухматдан боши чиқмаётган инсондан ҳам кўра яхшироқ биладиган зот бўлмаса керак. Нима қилмоқ лозим? Биз билан сиз буни унутмаслигимиз даркор, вассалом.

У ибодатхона минбарида дуохонлик қилаётган руҳоний каби куйиб-пишиб бош чайқади.

— Мистер Драммонд, қайси маънода гапиряпсиз? — деб сўрадим.— Агар фикрингизни ошкора баён этсангиз, мен сиздан ниҳоятда миннатдор бўлардим.

— Ҳа-я, ана энди ўзингизга ўхшаясиз! — деб хитоб қилди у кулги аралаш.— Мен сизга қойилман! Ошқора гапириш, ҳурматли дўстим, баъзан энг мушкул вазифа ҳисобланади.— У ўз қадаҳига вино қуйди.— Тўғри, биз қадрдон дўстмиз, шунинг учун гапни чўзиб ўтирмасак ҳам бўлади. Албатта, сиз англаб турган бўлсангиз керак: ҳамма гап қизим ҳақида кетяпти. Олдиндан айтиб қўяй-ки, мен сизни асло айбламоқчи эмасман. Ушанақа қал-тис вазиятда бошқача ҳаракат қилолмасдингиз-да, тўғрими? Балли, қўлингиздан келган ҳамма ишни қилиб-сиз!

— Миннатдорман,— дедим янада хавотирланиб.

— Бундан ташқари, сизнинг ҳуқуқларингиз билан ҳам яқиндан танишиб чиқдим,— деб гапида давом эт-ди.— Беқиёс истеъдодли йигитсиз. Аммо, назаримда, ҳали жуда ҳам тажрибасиз кўринасиз; ташвишланманг, буни ҳеч ёмон томони йўқ. Мен ҳамма нарсаларни обдан тарозига солиб кўриб, мавжуд йўлларнинг иккинчисини танлаганимни қувонч билан маълум этиб қўймоқчиман.

— Кечирасиз, зеҳним унчалик ўткир эмас,— де-дим.— Сиз қайси йўлларни назарда тутаясиз?

У қошларини чимирганча хўмрайиб менга назар таш-лади-да, оёқларини чалкаштириб олди.

— Тўғри айтасиз, сэр,— деди у.— Сиз каби олижаноб жентельменга буни тушунтириб ўтириш зарур бўлмаса керак: ё мен сизнинг кекирдагингизни юлиб олмоғим лозим ёки қизимга уйланишингиз даркор.

— Ниҳоят, кўнглингиздаги гапингизни очиқ-ойдин баён этдингиз,— дедим.

— Менимча, аввал-бошданоқ ҳамма гап равшан эди! — деб қичқирди у товушининг борица.— Мен ўз қизини кўз қорачиғидек асрайдиган отаман, мистер Бэлфур! Лекин, худога шукрки, сабр-тоқатли, эҳтиёткор инсонман. Сэр, бошқа ота сизни зудлик билан никоҳдан ўтгани мажбур қиларди ёки нариги дунёга жўнатган бўларди. Фақат сизни азбаройи ҳурмат қилганим боис...

— Мистер Драммонд, агар мени зиғирдек ҳурмат қилсангиз, худо хайрингизни берсин, қичқирмасдан га-пиришингизни илтимос қиламан,— деб унинг сўзини бўлдим.— Сиз билан ёнма-ён ўтириб, барча гапларин-гизни диққат билан тинглаётган суҳбатдошингизга ба-қаришдан ҳеч қандай фойда йўқ.

— Ҳачора, гапларингиз мутлақо тўғри,— деди у дар-ҳол сўз оҳангини ўзгартириб.— Кечирасиз, ҳаяжонлан-япман; ўзингиз биласиз-ку, ахир мен отаман!

— Демак, сиз биринчи йўлни танламаганингизга афсуслансам-да, қизингизнинг қўлини сўрасам, ҳартугул, ҳаётдан умидимни узмаслигим мумкин экан-да? — дедим.

— Менинг фикримни бундан ҳам чиройлироқ тарзда ифодалаш асло мумкин эмас,— деди у.— Ишончим комилки, биз албатта тил топишиб кетамиз!

— Буни ҳали кўрамиз,— дедим.— Бироқ сиз айтаётган ожизага кўнглим бор эканини ҳам яшириб ўтирмақчи эмасман; ҳатто тушимда ҳам унга уйланишдан ортиқроқ бахт борлигини орзу қилганим йўқ.

— Мен шунақа эканига амин эдим, сиздан асло шубҳаланмасдим, мистер Дэвид! — деб хитоб қилди ва қўлини узатди.

Мен ўзимни четга тортдим.

— Мистер Драммонд, шошқалоқлик қиялпсиз,— дедим.— Баъзи бир шартларни келишиб олмоғимиз лозим. Бундан ташқари, бизнинг олдимизда ғов турибди, уни енгиб ўтиш осон бўлмайди. Боягина таъкидлаганимдек, агар қизингизга уйлансам, ниҳоятда бахтиёр бўлардим. Лекин мисс Драммонд бундай бўлишини истамаслиги ҳам мумкин-ку, дейишимга қўлимда етарли асосларим бор.

— Э-э, арзимас нарсалар тўғрисида ҳам бош қотириб ўтирасизми! — деди кўкрагига муштлаб.— Уёғини ўзимга қўйиб бераверинг!

— Мистер Драммонд, ижозатингиз билан, сиз гаплашаётган пайтингизда каминанинг шаънига номуносиб иборалар ишлатганингизни эслатиб қўймоқчиман,— дедим.— Бироқ ёш бону билан қўпол муомала қилишингизга асло йўл қўймайман. У билан менинг ўзим гаплашаман, икковимиз учун ҳам ўзим қарор чиқараман. Сиздан бир гапни қулоғингизга қўйиб олишингизни илтимос қиламан: мени зўрлаб бировга уйлантиришларига ҳам, айна пайтда қизни мажбурлаб бировга эрга беришларига ҳам мутлақо тоқатим йўқ.

У менга ғазабланиб тикилиб турарди; афтидан, нима қилишни билмасди.

— Менинг қарорим шундай,— деб хулоса чиқардим.— Агар мисс Драммонд хоҳласа, у билан жон деб турмуш қураман. Бироқ, мабодо кўнглимдаги шубҳаларим тасдиқлансаю у сал бўлса-да, норозилик билдирса, икки дунёда ҳам унга уйланмайман.

— Йўғ-э! — деди.— Булар пуч гаплар-ку! У қайтиб

келиши биланоқ дарҳол розилигини оламану албатта сизни хотиржам қиламан...

Мен яна унинг гапини бўлдим:

— Мистер Драммонд, сиз бу ишга аралашмайсиз, акс ҳолда мен рад этаман; қизингизга бошқа бир умр йўлдоши қидиришингизга тўғри келади,— дедим.— Ҳамма ишни ўзим битираман, ўзим ҳакамлик қиламан. Қизнинг кўнглида нима бор эканини билмоғим шарт, аммо бу ишга ҳеч ким, айниқса, отаси аралашмаслиги даркор.

— Қасам ичаман, сэр! — деб хитоб қилди.— Менга қаранг, сиз ўзи ким бўлибсизки, ҳакамлик қилсангиз?

— Янглишмасам, куёвман шекилли,— дедим.

— Э-э; гапни айлантормасангиз-чи! — деб қичқирди у.— Сиз шароитни ҳисобга олишни истамаяпсиз. Қизимнинг шундан бошқа чораси йўқ. Унинг номуси топталган.

— Кечирасиз-у, агар учовимиз ҳам тилимизни тишлаб юрсак, асло миш-миш тарқалмайди,— дедим.

— Лекин ким менга кафолат беради?! — деб сўради у.— Наҳотки, қизимнинг ор-номуси тасодифга боғлиқ бўлиб қолишига мен йўл қўйиб қўйсам?

— Сиз бу ҳақда анча олдинроқ ўйлашингиз лозим эди,— дедим.— Илгарироқ ақлингизни ишлатганингизда яхши бўларди, энди... тўйдан кейин ноғора чалмангда! Сизнинг бефарқлигингизнинг жабрини мен тортишим керакми? Йўқ, асло! Мени қўрқитадиган инсон ҳали дунёга келмаган! Қарорим қатъий; осмон узилиб ерга тушган тақдирда ҳам сўзимдан қайтмайман.

— Қизингизнинг қайтиб келишини биргаликда кутиб ўтирамыз, кейин мен у билан яккама-якка гаплашиб оламан; сиз бирор оғиз сўз билан унга таъсир ўтказаман, деб овора бўлмай қўя қолинг! Агар у менга турмушга чиқишга рози бўлса, олам гулистон. Аксинча эса, мен икки дунёда ҳам унга уйланмайман.

У худди чаён чаққан кишидек ўрнидан сапчиб туриб кетди.

— Сиз мени лақиллата олмайсиз! — деди.— Сиз уни рад жавоби беришга кўндирмоқчи бўласиз!

— Эҳтимол, шундайдир; эҳтимол, бундай эмасдир,— деб жавоб бердим.

— Агар мен норози бўлсам-чи?! — деб қичқирди у.

— Демак, мистер Драммонд, иккимиздан биримизнинг кекирдагимиз юлиб олиниши лозим, — дедим.

Жеймс баланд бўйли, қўллари узун-узун, қурол-яроқ ишлатиш маҳорати тилларда дoston бўлиб кетган киши

эди, мен қизишиб гапириб юборганимни англаб турардим, албатта. Ҳарҳолда, у Катрионанинг отаси эди. Лекин бекорга хавотирланган эканман. У менинг одмигина бошпанамни кўрганида, мен унга қарз беришдан бош тортганимдан сўнг каминанинг фақир эканимга узил-кесил ишонч ҳосил қилган эди. Каттагина ер-мулкнинг эгаси эканлигим тўғрисидаги кутилмаган хабар хато қилганини тасдиқлади; энди ўлиб-тирилиб интилаётган ягона мақсадига эришиш учун муштлашишни асло истамасди.

Мен ишончли далил топганимча у яна бир оз мунозара қилиб турди-ю, кейин тилини тишлаб қолди.

— Агар сиз мени мисс Драммонд билан, яккама-якка гаплашиб олишимга шу қадар кескин қаршилик кўрсатаётган экансиз, қизингиз менга турмушга чиқишга рози бўлмаслиги борасида қўлингизда исботингиз бор экан,— дедим.

У ўзини оқлаб бир нималар деб ғудирлади.

— Иккаламиз ҳам қизишиб кетдик,— деб қўшиб қўйдим.— Шунинг учун энди бирпас нафасимизни ростлаб олсак ёмон бўлмасди.

Шундан кейин биз токи Катриона қайтиб келгунча лом-мим демасдан бир-биримизга тикилишиб ўтиравердик; агар кимдир бу манзарани кўрганда борми, беихтиёр кулиб юборарди.

Иигирма саккизинчи боб.

МЕН ЕЛГИЗЛАНИБ ҚОЛДИМ

Катрионага эшикни очдим-да, уни остонада тўхтатиб:

— Отангиз бизни сайр қилиб келишга ундаяпти,— дедим.

Қиз Жеймс Морга назар ташлади, отаси боши билан тасдиқ ишорасини билдирди ва Катриона итоатгўй аскар мисоли дарров орқасига бурилдию менинг изимдан юрди.

Биз тез-тез сайр этиб турадиган одатдаги йўл бўйлаб борардик: у пайтлари бахтиёр эдик, ўша ғанимат дамларни асло сўз билан тасвирлаб бўлмайди. Мен қизни зимдан кузатиб ярим қадамча орқада борардим. Унинг бошмоқлари кўприкка теккан маҳалда жуда нозик, ғамгин товуш чиқарарди: ажабки, мен ҳозир икки ўт орасида эдим; иккаласи ҳам бир-биридан унчалик узоқ эмасди; бу қадам товушларини охириги марта эшитаётганимни ҳам

ёки токи ўлим бизни бир-биримиздан жудо қилгунча Катриона билан бирга яшашимизни аниқ билмасдим.

У менга қарамасликка ҳаракат қиларди, тўпла-тўғри-сига қараганча одимларди: гўё ҳозир нима бўлишини биларди. Журъатим борлигида ҳамма гапни айтиб олишим лозим эканини билиб турардим, лекин қандай сўз бошлашга ҳайрон эдим. Ниҳоятда оғир аҳволга тушиб қолгандим; айтиш мумкинки, Катрионанинг оёқ-қўлини боғлаб менга беришмоқчи; аммо у мендан шафқат сўрарди; шунинг учун бир қарорга келишига таъсир ўтказиш ва айна чоғда унга беғараз ёрдам кўрсатмаслик инсофсизлик бўларди. Мен икки ўт орасида қовурилардим. Ниҳоят, томдан тараша тушгандек гап бошладим:

— Катриона, ҳозир жудаям оғир аҳволда қолдим,— дедим.— Аниқроғи, икковимиз ҳам мушкул аҳволга тушиб қолганмиз. Агар гапим тугагунча луқма ташламасдан, охиригача эшитишга ваъда берсангиз, миннатдор бўлардим.

У орага гап сўқмасликка ваъда берди.

— Шундай қилиб, бу мавзуда гап бошлаш жуда оғир; биламан, яна эски гапларни кавлаштиришга ҳаққим йўқ. Уртамизда жума куни бўлиб ўтган воқеадан кейин мен барча ҳуқуқимни бой бердим. Менинг айбим туфайли икковимиз ҳам боши берк кўчага кириб қолдик: сезиб турибман, энди миқ этмай юришим керак. Сизни яна безовта қилишни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ эди. Бироқ азизам, энди мажбурман: бундан бошқа иложим қолмади. Биласиз, мен ер-мулкка ягона меросхўр бўлиб қолдим; ўйлайманки, сизга муносиб жуфти ҳалол бўлсам ажаб эмас. Мана шунақа... энди таклифим аввалгидек кулгили кўринмайди. Боя айтганимдек, бизнинг муносабатимиз чигаллашиб кетди. Ҳаммаси илгаригидек қолганда кошкийди. Назаримда, меросимга алоҳида эътибор бериляпти шекилли, агар ўрнингизда мен бўлганимда борми, бунга заррача ҳам аҳамият бермасдим. Лекин мен эслатиб ўтишга бурчлиман, негаки, бу Жеймс Морга шубҳасиз қаттиқ таъсир этди. Қолаверса, назаримда, биз икковимиз яшаган пайтимизда унчалик бахтсиз эмасдик, чоғи. Биз тил топишиб олган эдик. Азизам, фақат эслаб кўришингизни...

— Бирор нарсани эшлашни ҳам, бош қотиришни ҳам истамайман,— деб гапимни бўлди у.— Ростини айтингчи, буларнинг ҳаммасини отам ўйлаб топдимми?

— У маъқуллади...— дедим.— Сизнинг қўлингизни сўрамоқчи бўлиб юрганимни маъқуллади.

Мен уни эхтиросга берилса керак деб ўйлагандим, лекин сўзларимга қулоқ солмади, гапимни чўрт кесди, холос.

— У сизни зўрлаган! — деб хитоб қилди.— Рад этман деб овора бўлмай қўя қолинг: ахир, бу гаплар хаёлимда ҳам йўқ эди, дедингиз-ку! У сизни зўрлаган!

— Агар жуда ҳам билишни хоҳласангиз, у биринчи бўлиб гап бошлади...— дедим.

У тобора қадамини тезлатарди: гап бошлаган пайтимда аянчли товуш чиқариб юбордию ҳозир югуриб кетадигандек туюлди.

— Акс ҳолда, жума куни менга айтган гапларингизни эшитганимдан сўнг, асло сизга суйкалишга журъат этмаган бўлардим,— деб давом этди.— Лекин ҳозир, айтиш мумкинки, у илтимос қилгач, мен нима қилишим керак эди?

У жойида таққа тўхтадию — мен томон ўгирилди.

— Бўпти, нима десангиз деяверинг, лекин мен розилик бермайман! — деб хитоб қилди.— Бас — гап тамом!

Яна йўлида давом этди.

— Начора, шундай бўлишини билардим,— дедим.— Лекин, назаримда, хайрлашув олдидан яхшироқ муомала қилишингиз ҳам мумкин эди. Нега бағритошлик қилаётганингизни тушунмаяпман. Катриона, мен сизни яхши кўрардим; охири марта исмингизни тилга олишимга ижозат берарсиз, албатта. Мен қўлимдан келган ҳамма ишни қилдим, ҳозир ҳам ҳаракат қиляпман; афсуски, бундан ортиқ ҳеч нарса қўлимдан келмайди. Менга заҳрингизни сочиб, ҳузур қилаётганингиз кишини ажаблантиряпти, холос.

— Мен сиз ҳақингизда ўйлаётганим йўқ,— деди у.— Мен ўша одамни, ўз отамни ўйлаяпман.

— Бу борада ҳам,— дедим,— бу борада ҳам мен сизга наф келтиришим мумкин. Бошқача тасаввур этолшайман. Азизам, отангиз масаласида ҳам маслаҳатлашиб олишимиз лозим. Ахир бизнинг суҳбатимиз қандай натижа билан тугаганини билган заҳотиёқ Жеймс Морнинг фиғони фалакка чиқиб кетиши турган гап-ку!

У юришдан тўхтади.

— Мен шарманда бўлганим учунми? — деб сўради.

— У худди шундай деб ўйлаяпти,— деб жавоб бердим.— Лекин мен боя айтдим-ку, сиз буларга эътибор берманг-да.

— Майлига! — деб хитоб қилди.— Мен шармандаликни афзал кўраман!

Мен унга нима деб жавоб қайтаришни билмасдим; миқ этмай туравердим.

Афтидан, у оғир аҳволга тушиб қолганга ўхшарди. Кейин бирдан портлаб кетди:

— Бу нима деган гап ахир? Нима учун мен кулфатга йўлиқишим лозим? Сизнинг нима ҳаққингиз бор, Дэвид Бэлфур?! — деди у.

— Азизам,— дедим.— Хўш, нима қилишим керак?

— Мен сизга «азиза» эмасман,— деди у чўрткесарлик билан.— Иккинчи марта мени бундай шалтоқ ном билан атаманг, хўпми!

— Ҳозир сўз танлаб ўтирадиган аҳволда эмасман,— дедим.— Мисс Драммонд, сизни деб юрагим қон бўлиб кетди! Нима дейишимдан қатъий назар, сизни ниҳоятда қадрлайман, аҳволингиз оғир эканини биламан. Ҳаммасини бемалол муҳокама этиб кўришга ҳали вақтимиз бор; буни эсингиздан чиқармаслигингизни илтимос қилардим: ахир биз уйга қайтиб борганимиздан сўнг ўртада жанжал бошланиши турган гап-ку!

— Ҳа,— деди у юзига қизил доғлар тошиб.— У сиз билан уришмоқчи бўлдимми? — деб сўради.

— Уришмоқчи бўлди,— деб тасдиқладим.

У заҳарханда қилди.

— Нима десангиз деяверинг-у, лекин мен тўйдим! — деб хитоб этди у. Кейин мен томон ўгирилди-да, қўшиб қўйди: — Биз — ота-бола бир-биримизга жуда ўхшаймиз: мол эгасига ўхшамаса, ҳаром ўлади-да! Худога шукрки, дунёда биздан баттар одамлар ҳам бор! Худога шукрки, мен сизни қақиб олдим! Билиб қўйинг, қизлар сиздан умрингизнинг охиригача жирканиб юришади, хоёс.

Шу пайтгача унинг гапларига тишимни-тишимга қўйиб, чидаган эдим, лекин энди тоқатим тоқ бўлди.

— Менга бундай шаллақилиқ қилишга ҳеч қандай ҳаққингиз йўқ! — дедим.— Сизга нима ёмонлик қилдим? Сизни яхши кўрардим, қўлимдан келганча ҳаракат қилган эдим. Сиз бўлсангиз, кўрнамаклик қиляпсиз! Ҳаддингиздан ошманг!

У нафратини яширолмаي, башарамга тикилган кўйи тиржайиб турарди.

— Кўрқоқ! — деди.

— Бу гапингиз ўзингизга сийлов: сиз билан отангиз кўрқоқ! — деб хитоб қилдим.— Бугун сизнинг шаънингизни ҳимоя қилиш мақсадида отангизни яккама-якка

олишувга чақираман. Икковимиздан қайси биримиз ҳалок бўлсак ҳам майлига; менга бари бир энди! Кетдик, ҳозироқ уйга борамиз! — дедим. — Жонимдан тўйдим; сизнинг қабилагиз билан ҳисоб-китобни бирёқлик қилмасам бўлмайди шекилли. Мен ўлиб кетганимдан сўнг, сиз ҳали сочингизни юлиб, аттанг қиласиз!

У бошини сарак-сарак қилди; ҳамон башарамга тикилганча тиржайи-иб турарди: мен унинг бетига тарсаки тортиб юборишга ҳам тайёр эдим.

— Э-э, кўйдирган каллага ўхшаб ҳадеб тиржаяверманг! — деб қичқирдим. — Бугун отангиз, ўша ғаройиб отангиз мотамсаро қиёфага кирганини, кулги қанақа бўлишини унутиб юборганини ўз кўзим билан кўрдим. Албатта, иштонини ҳўллаб қўйди, демоқчи эмасман, — деб қўшиб қўйдим шоша-пиша. — Лекин у бошқа йўлни танлашни маъқул кўрди.

— Қандай йўлни? — деб сўради.

— Мен унга яккама-якка олишувни таклиф этган пайтимда...

— Сиз Жеймс Морга яккама-якка чиқишни таклиф этдингизми?! — деб хитоб қилди.

— Худди шундай! — дедим. — Аммо у олишувга мутлақо рози бўлмади; акс ҳолда, ҳозир сиз билан бу ерда пачакилашиб юрмаган бўлардим.

— Ҳа, нимадир бўлганга ўхшайди, — деди. — Очигини айтинг-чи, нима бўлди ўзи?

— У сизни мажбуран менга хотинликка бермоқчи бўлди, — деб жавоб бердим. — Аммо мен норозилик билдирдим. Унга, қизингиз ўзи кимни хоҳласа, ўшанга турмушга чиқиши лозим, мен албатта у билан юзма-юз гаплашиб олмоғим даркор, дедим. Бизнинг суҳбатимиз бунақа тус олиб кетади, деб сираям ўйламагандим! «Агар мен бунга рози бўлмасам-чи?» деб сўради у. «Ундай бўлса, икковимиздан биттамининг кекирдагимиз юлиб олиниши лозим, — деб жавоб бердим. — Чунки, мен ёш қизни зўрлаб эрга берилишига, ўзимни бировга зўрлаб уйлантиришларига асло йўл қўя олмайман». Худди шундай деб айтдим; негаки, мен дўстингизман. Сиз бўлсангиз, хизматга тўхмат қилиб ўтирибсиз! Менга турмушга чиқишга рози бўлмадингиз: энди бутун Шотландиядаги бирорта отахон ҳам мени сиз билан никоҳдан ўтишга мажбур қилолмайди. Одатдагидек, сизнинг хоҳиш-иродангиз билан ҳисоблашишларини таъминлашга уриниб кўраман. Бироқ, жиллақурса, одоб юзасидан андак бамаънироқ муомала қилсангиз дуруст

бўларди. Ниятимни тўғри тушунасиз, деб ўйлагандим! Аҳмоқ эканман! Албатта, сизнинг олдингизда гуноҳ-корман: ўшанда кўнгил майлига беихтиёр тарзда берилиб кетганимни яхши биласиз-ку! Мени тубанлашган қўрқоқлар тоифасига қўшиб қўйишларига, азизам, асло тоқат қилолмайман: бундан баттар тўхмат бўлмаса керак!

— Дэви, лекин мен бунақа иш бўлганини қаёқдан билибман, ахир?! — деб хитоб қилди. — Эҳ, нақадар даҳшат-а! Мен билан отамга ўхшаган одамлар... — У бу сўзларни инграб айтди. — Бундай одамлар ҳатто сизнинг тирноғингизга ҳам арзимайдилар. Эҳ, мен шу ерда — катта кўчада пойингизга тиз чўкишга тайёрман; ҳатто қўлларингизни ўпишга ҳам тайёрман, фақат мени кечирсангиз бас!

— Сиздан олган бўсаларимни ҳали эсимдан чиқарганим йўқ! — деб қичқирдим. — Аммо узр-маъзур сўраш учун қўлларимни ўпишларини истамайман.

— Наҳотки, сиз бахтиқаро қиздан жиркансангиз-а? — деди у йиғламсираб.

— Мана, бирмунча вақтдан бери, мени бундан кейин тинч қўйишингизни сизга тушунтиришга уриняпман, юрагим тилка-пора бўлиб кетган, энди ҳар қанча ҳаракат қилсангиз ҳам менга бундан баттар ёмонлик қилолмайсиз, — дедим. — Яхшиси, энди отангиз Жеймс Мор билан ўзларинг пиширган ошни биргалашиб ейишларинг лозим бўлади.

— Эҳ, наҳотки мен бир умр ўша одам билан бирга яшашга мажбур бўлсам! — деди тутакиб, сўнг ўзини қўлга олди. — Аммо сиз энди мени ўйлаб, қайғурманг, — деб қўшиб қўйди. — У ҳали мен нималарга қодир эканимни билмайди. Мана шу кун учун у ҳали жавоб беради... Бу кун унга жуда-жуда қимматга тушади.

У уй томонга бурилди, мен орқасидан эргашдим. Бир оз юриб, тўхтади.

— Мен ёлғиз кетмоқчиман, — деди. — Мен у билан ҳеч қандай гувоҳсиз гаплашиб олишим керак.

Бирмунча вақт мен кўчада тентираб юрдим. Назаримда, дунё пайдо бўлгандан бери ҳеч ким мен каби адолатсизлик қурбони бўлмаган эди. Қаҳр-ғазабдан бўғилиб қолай дердим, ўпкамни тўлдириб-тўлдириб нафас олардим: гўё Лейденда менга ҳаво етишмасди — худди денгиз остига чўкиб кетгандек, юрагим кўкрак қафасимни ёриб чиқиб кетай дерди. Муюлишга бориб тўхтадим-да, ўз устимдан хахолаб кула бошладим; фақат битта йўловчи ажабланиб менга қараб қўйгандан кейингина эс-хушимни йиғиштириб олдим

«Бўпти, ўзимни аҳмоқликка, гўлликка, анқовликка солганим етар,— дедим ичимда.— Ҳаммасига чек қўйиш лозим. Мен жуда яхши сабоқ олдим, уларга илакишмайдиган бўлдим — ҳаммасининг падарига лаънат! Азалдан аёллар эркакларнинг шўрини қуритиш учун яралганлар, охир замонгача улар эркакларнинг бошига битган бало бўладилар. Ана, тепамда худо гувоҳ: мен ўша жодугар қизни учратгунимча ниҳоятда бахтиёр эдим. Ана, тепамда худо гувоҳ: агар энди уни ҳеч қачон кўрмасам борми, яна бахтиёр бўламан!»

Мана шу ҳол менга жуда муҳимдек кўринарди: уларнинг жўнаб кетишини, улардан тезроқ қутулишни истардим. Агар Дэвид Бэлфур улар учун соғин сигир вазифасидан воз кечса, бечораларнинг аҳволига маймунлар йиғлашини кўз олдимга келтириб, ич-ичимдан қувонардим. Ажабланарли жойи шунда эдики, ҳис-туйғуларим мутлақо ўзгариб кетган эди. Ҳамон жаҳлимдан тушмагандим, ҳамон Катрионани кўргани кўзим йўқ эди. Шунга қарамасдан, кейинчалик виждоним қийналмаслиги учун уларга ғамхўрлик қилишга қарор қилдим.

Шундай мулоҳазалар билан шошиб уйга қайтиб бордим улар аллақчон юкларини йиғиштириб, эшик олдида тўплаб қўйишганини кўрдим. Ота-боланинг қовоғидан қор ёғарди: яқиндагина жанжаллашгани шундоққина сезилиб турарди. Катриона ҳайкалдек қотиб қолган, Жеймс Мор эса ҳансирарди, юзида оппоқ доғлар пайдо бўлган эди: тушунарли — у роса адабини еганди. Ичкарига кириб борган пайтимда Катриона унга еб қўйгудек бир алфозда тикилиб турарди; ҳозир қиз отасига тарсаки тортиб юборадигандек туюлди. Унинг ўқрайиб қараши ҳар қандай ҳақоратдан ҳам ёмонроқ эди, албатта. Мени ҳайратлантирган нарса шу бўлдики, Жеймс Мор бошини ҳам қилиб олганди. Шубҳасиз, у қизидан қаттиқ танбеҳ еганди; билдимки, бу қизнинг ичида ҳатто хаёлимга ҳам келтирмаган иблисона куч борга ўхшарди; отаси ҳеч кутилмаганда беозор кўринарди.

Хартугул, отаси мени «мистер Бэлфур» деб атади ва тўтидек ёдлаб олган бир неча ибораларни такрорлади, лекин кўп гапиришга улгурмади; чунки, у эндигина дўрилдоқ товушини баландлатиши биланоқ Катриона унинг гапларини чўрт кесиб қўйди.

— Жеймс Мор нима демоқчи бўлаётганини ўзим тушунтириб бераман,— деди қиз.— У биз гадоймиз, сизга юк бўлдик, ўзимизни пасткашлардек тутдик; энди эса кўрнамаклик қилганимиз, аҳмоқона саъй-ҳаракатлари-

миз учун жуда ҳам уяляпмиз. Биз кетяпмиз; бизни эсингиздан чиқариб юборишингизни илтимос қиламиз. Аммо отамнинг ишлари ўз айби билан шу қадар чалкашиб кетганки, агар бизга яна озгина садақа бермасангиз, ҳатто йўлкирамизга ҳам пулимиз етмайди. Нима десангиз денг-ку, лекин биз тиланчимиз, текинхўрмиз, демоқчи.

— Мисс Драммонд, ижозат берсангиз, мен отангиз билан юзма-юз гаплашиб олсам,— дедим.

Қиз менга бир оғиз ҳам гапирмай, юзимга қарамасдан ўз хонасига кириб кетдию эшикни маҳкам ёпиб олди.

— Мистер Бэлфур, уни кечиринг,— деди Жеймс Мор.— У назокат нима эканини билмайди.

— Сиз билан бу масалани муҳокама этмоқчи эмасман,— дедим.— Фақат сиздан қутулмоқчиман, холос. Шунинг учун биз ишларингиз борасида гаплашиб олсак ёмон бўлмасди. Шундай қилиб, мистер Драммонд, сизни жуда синчиклаб кузатиб юрган эдим. Албатта, сиз буни асло кутмагансиз. Биламан, мендан қарз сўраган пайтларингизда ҳам чўнтагингизда пулингиз бор эди. Биламан, сиз буёққа — Лейденга келганингиздан бери яна анча-мунча пул топдингиз, аммо буни ҳатто ўз қизингиздан ҳам сир тутяпсиз.

— Эҳтиёт бўлинг! Мен хўрликларга бундан кейин тоқат қилолмайман! — деди у бирдан тутяқиб.— Икковингиз ҳам жонимга тегдингиз. Ота бўлиш шунчалик расвою раддибало эканки, асти қўяверасиз! Бу ерда мен эшитмаган гап қолмади...— У гапини якунламасдан тилини тийди.— Сэр, менинг оталик ғуруримни ва ҳалол аскарлик номини ҳақорат қилдингиз,— деб давом этди у қўлларини кўксига чалкаштириб.— Хулласи калом, яна бир бор огоҳлантириб қўймоқчиман: эҳтиёт бўлинг!

— Агар гапларимни охиригача тинглаганингизда эди, мен сизнинг ғамингизни емоқчи бўлаётганимни тушунар эдингиз,— дедим.

— Қадрли дўстим! — деди у.— Мен сиздек олижаноб инсонга суянишим мумкинлигини билардим.

— Гапиргани қўясизми ёки йўқми? — дедим.— Мен сизнинг бой ҳам, камбағал ҳам эмаслигингизни биламан. Назаримда, сиз шубҳали йўллар билан пул топасиз; лекин маблағингиз унчалик кўп бўлмаса керак. Мен эсам, қизингиз муҳтож бўлиб қолишини асло истамайман. Агар қизингизнинг ўзи билан шу мавзуда гаплашиб олишим мумкин бўлганда эди, ишончингиз комил бўлсинки, икки дунёда сизга ишониб ўтирмасдим. Сизни беш қўлдай биламан; барча олди-қочди ҳикояларингиз

мен учун бир пулга қиммат! Шундай бўлса-да, биламанки, ҳар ҳолда, қизингизни яхши кўрасиз; шунинг учун мен ана шу омонат асосга ишонишга мажбурман.

Биз қуйидаги шартларни келишиб олдик: у менга ўз адресини хабар қиладиган ва Катрионанинг саломатлиги тўғрисида хат ёзиб турадиган, бунинг эвазига мен унга маълум миқдорда нафақа жўнатиб турадиган бўлдим.

У сўзларимни жон қулоғи билан тинглади, гапимни тугатганидан сўнг бирдан қичқириб юборди:

— Болажоним, ўрилгинам, мана энди сенинг кимлигингни билияпман! Мен аскар мисоли сенга садоқат билан хизмат қиламан...

— Бас қилинг, бундай гапларни эшитишни истамайман! — дедим. — Мени шу даражага олиб бориб қўйдингизки, «аскар» деган сўз қулоғимга чалиниши билан кўнглим айнийдиган бўлиб қолди! Демак, келишдик. Ҳозир кетаман, ярим соатлардан сўнг яна қайтиб келаман: умид қиламанки, унгача хоналаримдан қораларинг ўчса керак.

Уларга етарлича вақт бердим; Катрионани яна кўришдан жуда қўрқардим — чунки ўксиб-ўксиб йиғлаб юборишим ҳеч гап эмасди: уларнинг олдида паст кетмаслик учун жўрттага ғазабимни кўзғатадиган воқеаларни ўйлай бошладим. Чамамда, орадан бир соатча вақт ўтди; қуёш ботди: қизғиш тусга бўялган осмони фалакда — ғарб томонда ўроқсимон ой кўринди, шарқ осмонида эса юлдузлар чарақларди. Уйга қайтиб борган пайтимда хоналар оппоқ ойдин шуъласига чулғанган эди. Мен шам ёқдим-да, хоналарни кўздан кечирдим: биринчи хонада жўнаб кетган кишиларни эслатадиган ҳеч нарса қолмаганди, иккинчи хона бурчагида эса ташлаб кетилган лаш-лушлар уюлиб ётарди; уларга кўзим тушиб, юрагим қинидан чиқиб кетишига озгина қолди. Қиз мен унга совға қилган кийим-кечакларни ташлаб кетганди. Бу зарба қаттиқ таъсир кўрсатди, балки охириги зарбага дуч келганим учун бунисини яққол ҳис этгандирман: лаш-лушлар уюмига ўзимни ташладим-да, шу қадар бемаъни ҳаракатлар қилдимки, бу ҳақда ёзадиган бўлсам, қоғоз қизариб кетиши мумкин; шунинг учун индамай қўя қолганим яхши.

Ярим кечаларга бориб, совуқдан тишларим такиллаб бошлади; мен эс-ҳушимни йиғиштириб олдим-да, ўзимнинг ғамимни ейишга киришдим. Мен шумшук лаш-лушларнинг оғир юкига дош бера олмасдим. Ленталарни, кўйлақларни, йўл-йўл пайпоқларни кўрсам

беихтиёр мувозанатимни йўқотиб қўйишим мумкин эканини сезиб турардим; шунинг учун тонг отгунча булардан қутулишим керак эди. Дастлаб, ўчоққа гулхан ёқиб, ҳаммасини куйдириб ташламоқчи бўлдим. Лекин, биринчидан, мен ҳеч қачон аҳмоқона сарф-харажатларга тоқат қилолмасдим; иккинчидан, у кийиб юрган кийимларга ўт қўйиш шаккокликдан бошқа нарса эмасдек туюларди. Хона бурчагида жавон турарди; латта-путталарни яшириб қўйишга қарор қилдим. Алламаҳалгача овора бўлдим: негаки, ҳар бир матаҳни чиройли қилиб тахлашга ҳаракат қилардим, уқувсизлигим туфайли кўп вақт сарфлашга тўғри келарди, сўнгра кўзёшларимни тиёлмасдан кўйлак-пўйлакни қўлимдан тушириб юборардим у яна ҳаммасини қайтатдан бошлардим. Охири ҳолдан тойдим: гўё бир неча чақирим йўлни тўхтамасдан югуриб ўтганга ўхшардим; аъзойи баданим обдан дўппослангандек ҳилвираб қолди. Қиз доимо бўйнига ўраб юрадиган рўмолни тахлаётган чоғимда унинг битта учи бежиримгина тарзда қирқиб олинганини кўрдим. Рўмол гулдор, чиройли эди; қизга бу ҳақда тез-тез гапириб турардим; эсимда бор, қиз шу рўмолни бўйнига ўраб юрган кунларнинг бирида мен унга ҳазиллашиб, сиз менинг байроғимни кўтариб юрган яловбардорсиз, деган эдим. Юрагимнинг туб-тубида милт этган умид учқуни пайдо бўлди, нозик туйғуларим жумбушга келди. Аммо бирпасдан сўнг яна ғазабим қўзиб кетди: рўмолнинг қирқиб олинган учи ёғимланган ҳолда бир четда ётарди.

Ўзим билан ўзим мунозара қилишга киришдим; у кетаётган пайтда рўмол учини қирқиб олган эди, бу ишни ниҳоятда меҳр билан адо этганди. Кейин қийқимни улоқтириб юборганига ҳайратланмаса ҳам бўлади: мен унинг охириги саъй-ҳаракатига эмас, аввалгисига кўпроқ эътибор берардим. У хотира сифатида бирор нарса олиб кетишни ўйлагани каминани хурсанд қиларди, албатта. Бирдан жаҳли чиқиб кетган маҳалда у ўша хотира нишонасини ирғитиб юборган эди. Начора, жаҳл келганда ақл кетади. Бу барча инсонларга хос камчилик.

Йигирма тўққизинчи боб

БИЗ ДЮНКЕРҚДА УЧРАШАМИЗ

Шундай қилиб, улар жўнаб кетишгандан сўнг ўзимни ниҳоятда бахтсиз ҳис этганим йўқ, албатта.

Ҳаётимда ёруғ дамлар бўларди; ўқишга зўр берардим у вақтни қандай ўтиб кетганини ҳам билмай қолардим. Бундан ташқари, Аланнинг келишини интиқ кутардим ёки Жеймс Мор Катриона ҳақида бирор хабар бериб қолармикан, деб юрардим. Биз хайрлашганимиздан бери мен Катриона икковидан учта хат олдим. Мактубларнинг бирида Фарангистоннинг Дюнкерк шаҳрига етиб боришгани ҳақида хабар берилган эди: у ердан Жеймс тез орада ўзининг қандайдир иши юзасидан жўнаб кетганди. У Англияга — лорд Холдернес билан учрашгани отланганди; менинг пешона терим билан топган пулларим ўша саёҳатга сарфланганини эсласам, ачинардим. Лекин шайтон ёки Жеймс Мор билан ошно бўлдингми — бас, энди тақдирга тан беришинг шарт. У йўқ пайтида иккинчи хат келадиган муддат ҳам етиб келди: у фақат тартибга риоя этиб, изчил хат ёзиб турсагина нафақа беришга келишиб олган эдик; шунинг учун хатни олдиндан тайёрлаб қўйибди; Катрионага жўнатиб юборишни топширибди. Қизга эса бизнинг ёзишмаларимиз шубҳали туюлибди ва отаси сафарга жўнаб кетган заҳотиёқ хатни очиб кўрибди. Мен, одатдагидек, Жеймс Мор ўз қўли билан ёзган варақни олдим:

«Қадрли сэр!

Мен учун бебаҳо бўлган сахийлигингиз нишонаси қўлимга тегди. Ростини айтсам, пул миқдори шартномамизда кўзда тутилганидек экан. Сизни ишонтириб айтишим мумкинки, барча маблағ қизимнинг эҳтиёжларига сарфланади: у соғ-саломат юрибди, қимматли дўсти уни эсидан чиқармаганига умид қилмоқда. У бир оз маъюсроқ кайфиятда, лекин мен худодан нажот тилаяпман: ишончим комилки, бу ҳолат ўтиб кетади. Биз одамларга аралашмасдан ҳаёт кечиряпмиз: ўзимизга тоғли ўлкамизнинг ғамгин қўшиқлари билан таскин беряпмиз ҳамда Шотландия соҳилларини ҳам ювиб турадиган денгиз қирғоқларида сайр этяпмиз. Ҳа, мен беш жойимдан ўқиб, Глэдсмюир яқинидаги далада ётган кунларим ҳаётимдаги энг бахтиёр дамлар экан. Бу ерда битта фарангги асилзодасининг от заводида ўзимга муносиб иш топдим; улар менинг тажрибамни ниҳоятда қадрлашяпти. Лекин, қадрли сэр, иш ҳақи шу қадар камки, ҳатто сизга аниқ миқдорини айтишга ҳам уяламан. Шунинг учун сиз юборган пуллар қизимнинг фаровонлигини таъминлашга жуда ҳам керак,

албатта. Бироқ, ростини айтсам, эски дўстимиз билан учрашсак, қизимга янада яхшироқ бўларди.

Қадрли сэр, сизнинг садоқатли, итоатгўй дўстингиз — Жеймс Макгрегор Драммондингиз бўлиб қолажакман».

Мактубнинг қуйи қисмида Катриона ўз қўли билан ёзган жумла бор эди:

«Унинг гапларига ишонманг, ҳаммаси ёлғон. К.М.Д.»

Қиз жумла қўшиб қўйиш билангина қаноатланмаган кўринарди; чунки, хат белгиланган муддатдан хийла кечикиб келган эди; демак у хатни жўнатишни ҳам пайсалга солиб юрган шекилли. Кўп ўтмасдан мен учинчи мактубни олдим. Шу вақт ичида Алан ташриф буюрди, у қизиқарли ҳикоялари билан ҳаётимни гўё нурафшон этарди; у шу ердаги шотландлар ҳарбий қисмида хизмат қилаётган битта қариндоши билан мени таништирди. Мен унча-мунча кишилар йиқилиб қоладиган миқдордаги ароқни ҳам кўрдим демасдим; ҳар хил зиёфатларга таклиф этишарди, ўзим ҳам бир неча марта таниш-билишларимни меҳмон қилдим. Бундай кўнгилхушликлар бари бир дилимдаги ғуборни ювиб кетолмасди. Биз-тикковимиз (мен Аланни назарда тутяпман; унинг қариндоши билан умуман сирдош эмасдим) Жеймс Мор ва унинг қизи билан муносабатим ҳақида жуда кўп гаплашардик. Албатта, икир-чикирларни батафсил сўзлашга уялардим: Алан менинг гапларимни тинглаб ўтириб баъзан савол берса-да, лекин барибир ҳамма воқеани айтмасдим.

— Калламни олиб ташласанг ҳам майлига-ю, аммо ҳеч нарсага тушунмаяпман, — деди у. — Шунга қарамай, назаримда, сен икки ўртада аҳмоқ бўлиб қолганга ўхшайсан. Алан Брек — кўпни кўрган инсон, лекин умримда ўша қиз каби малак ҳақида эшитганимни эслолмайман. Сен ҳикоя қилаётган воқеаларнинг бирортаси ҳам ҳаётда бўлиши мумкин эмас. Кўриниб турибди, Дэвид, эс-ҳушингни йўқотиб қўйибсан.

— Баъзан ўзимга ҳам шундай туюлади, — дедим.

— Энг ажабланарлиси шундаки, сен ўша қизни яхши кўрасан! — деди Алан.

— Мен уни дунёдаги ҳамма нарсадан ҳам ортиқроқ даражада яхши кўраман, — деб жавоб бердим. — Гўр-га киргунимча ундан кўнглимни узолмасам керак.

— Мўъжиза, ҳа, фақат мўъжиза, холос! — деб ҳукм чиқарди у.

Унга Катриона ўз қўли билан бир жумла илова қилган хатни кўрсатдим.

— Ана кўрдингми! — деб хитоб қилди у.— Шубҳасизки, Катриона бамаъни қиз, зинҳор-базинҳор аҳмоқ эмас. Жеймс Мор эса қип-қизил ёлғончи. У фақат ўзининг қорнини ўйлайди. Мақтанчоқлигини айтмайсанми! Адолат юзасидан қайд этмоқ лозимки, у Глэдсмюир остоналарида жонини жабборга бериб жанг қилганди; дарҳақиқат, хатида айтганидек, беш жойидан ўқ еган эди. Афсусланарли жойи шундаки, у ҳозир ёлғончилик қиляпти.

— Алан, биласанми, қизни ўшандек аҳмоқ одамнинг қўлида қолдиришга виждоним йўл қўймаяпти,— дедим.

— Ҳа, жуда оғир аҳволга тушиб қолибди,— деди.— Лекин нима қила олардинг? Дэви, эркаклар билан аёлларнинг муносабати ҳар доим мана шунақа тарзда ақунланади: ахир, аёлларнинг ақли калта бўлади-да! Агар аёл эркакни яхши кўрса, ҳамма иш хамирдан қил суғургандек осонгина битаверади; мабодо эркак аёлнинг жонига тегса борми, суякларинг оқариб кетса ҳам, барибир ҳеч нарса қилолмайсан. Аёлларнинг икки тоифаси бўлади: баъзилари сен учун жонларини фидо қилишга ҳам тайёр турадилар, бошқалари эса ўлим тўшагида ётсанг-да, сенга назар ташлаб қўйишмайди: худо уларни шунақа яратган. Сен бўлсанг, кўришиб турибдики, ғирт аҳмоқсан; гап нимада эканини асло тушунмаяпсан.

— Ҳа, гапларингда жон борга ўхшайди,— дедим.

— Айни чоқда бундан осон иш йўқ! — деб хитоб қилди Алан.— Мен бирпасда нима қилиш кераклигини ўргатиб қўйишим мумкин. Ҳамма бало шундаки, назаримда, сен туғма кўрга ўхшайсан!

— Наҳотки, менга ҳеч қандай ёрдам бера олмасанг? — деб сўрадим.— Ахир, сен бунақа ишларнинг пирисанку!

— Биласанми, Дэви, ахир мен йўқ эдим,— дедим.— Мен худди разведкачиларию соқчилари фақат кўрлардан иборат жанг майдонидаги қўмондонга ўхшайман. Хўш, ўша қўмондон нима қила оларди? Назаримда, сен ўзингни гўлликка солгансан шекилли; агар ўрнингда мен бўлганимда борми, ҳаммасини бошқатдан бошлардим.

— Дўстим Алан, сен ростдан ҳам шундай фикрдамансан? — деб сўрадим.

— Ҳа, гапимга ишонавер,— деб жавоб берди у. Биз қизғин суҳбатлашаётган пайтимизда учинчи хат келиб қолди. Жеймс иккиюзламачилик билан, мени қизимнинг соғлиги ташвишлантиряпти, деб ёзган эди. Ишончим комилки, Катриона мутлақо соғ-саломат юрган бўлса керак. У менинг шаънимга ҳамду санолар ўқиганди ва охирида каминани Дюнкеркка таклиф этганди.

«Назаримда, ҳозир эски дўстим мистер Стюарт сизникида меҳмон бўлиб турган бўлса ҳам ажаб эмас,— деб ёзганди.— У Фарангистонга қайтаётган маҳалда биргалашиб келсаларинг бўлмасмикан-а? Мен мистер Стюартга жуда муҳим битта янгиликни айтиб қўймоқчиман. Бундан ташқари, ўзимнинг издошим, тилларда номи дoston бўлиб кетган қаҳрамон билан учрашсам, ниҳоятда бахтиёр бўлардим. Энди бевосита ўзингизга келсак, қадрли дўстим, қизим ҳам, мен ҳам оиламиз дўстини меҳмон қилсак бағоят шод бўлардик: қизим сизни ўз акасидай ҳурмат қилади, мен сизни ўз ўғлимдек яхши кўраман. Фаранги асилзодаси ўтакетган хасис экан, унинг от заводида ишламай қўйдим. Шунинг учун бизни жуда қашшоқ бошпанада — қандайдир Базен деган кимсанинг меҳмонхонасида яшаётган ҳолатимизда учратасиз: у қумтепалар орасида жойлашган, лекин хийла баҳаво. Шубҳасизки, бир неча кун мириқиб кўнгилхушлик қиламиз: биз мистер Стюарт билан ўз кечмишимизни эслаймиз; сиз бўлсангиз қизим билан сайр этасиз — зеро, ёшликда ўйнаб қолиш керак. Мистер Стюартни буёққа келишини ўтиниб сўрайман: унга жуда муҳим бир гап айтмоқчиман; кейин хурсанд бўлади».

— У жанобга мендан нима керак экан?! — деб хитоб қилди Алан хатни ўқиб бўлгач.— Ўз-ўзидан равшанки, сендан унга пул керак. Бироқ нима учун унга Алан Брек керак бўлиб қолди экан?

— Бу меҳмонга таклиф этиш учун битта баҳона, холос,— дедим.— У бизни қовуштириб қўймоқчи. Аслини олганда, ўзим ҳам шунақа бўлишини жуда ҳам хоҳлайман. Шунинг учун у сени ҳам таклиф этяпти; сен билан бирга боришга дарров рози бўлишимни мўлжаллаган шекилли.

— Ишқилиб, ростдан ҳам шунақамикан? — деди Алан.— Биз ҳеч қачон дўстлашмаганмиз; доимо итларга ўхшаб бир-биримизга ириллашиб юрардик. Кўрясанми, энди у менга «муҳим гап айтмоқчи» эмиш!

Мен унинг пойига бош уришим лозим бўлса керак, ҳойнаҳой. Жин урсин! Лекин сайру саёҳат қилиш учун уёққа бориш мумкин: қани, кўрамиз у нималарни бошлаб қўйган экан! Боз устига, сенинг жононингни ҳам кўриб олардим. Дэви, ўзинг нима дейсан? Аланни бирга олиб кетасанми?

Шубҳасизки, жон-жон деб рози бўлдим. Аланнинг таътили охирлаб қолгани туфайли биз зудлик билан йўлга отландик.

Ниҳоят, Дюнкерк шаҳрига кириб борган пайтимизда январь ойининг қисқа куни тугаб, кеч бўлиб қолганди. Отларимизни қозиқларга боғлаб, бизни шаҳардан ташқарида жойлашган Базен карвонсаройига бошлаб боришга рози бўладиган йўл кўрсатувчини излаб топдик. Шаҳардан энг кейин ташқарига чиққан йўловчилар ўзимиз эдик; қоронғи тушиб қолган эди: кўприкдан ўтаётган пайтимизда қалъа дарвозалари тарақлаб ёпилганини эшитдик. Кўприкдан сўнг қандайдир қишлоққа дуч келдик, ундан кейин эса қоп-қоронғи йўлга бурилдик ва денгиз тўлқинлари ювиб турган зимистон қумлоқ соҳил бўйлаб кета бошладик. Мана шундай тарзда биз йўл кўрсатувчининг орқасидан эргшиб боравардик: унинг товушини эшитиб, тусмоллаб қадам ташлардик; эҳтимол, у бизни бутунлай бошқа томонга олиб кетаётгандир, деб шубҳалана бошлаган маҳалимда қандайдир тепаликка кўтарилдик; рўпарамизда ғирашира ёритилган деразалар намоён бўлди.

— Voilg L'guberge g Bgzin, ¹— деди йўлбошловчи.

Алан тилини тикиллатиб қўйди.

— Ҳа, овлоқ жой экан,— деди у. Гап оҳангидан сездимки, бу жой унга маъқул бўлмаган эди.

Тез орада биз пастки қаватдаги катта хонага кириб бордик; юқорига чиқиладиган пиллапоя бор эди, олдида қатор-қатор ўриндиқлару столлар турарди; хонанинг нариги четида ўчоқ бор экан, бир бурчакда ҳар хил шишалар териб қўйилган жавон турарди, сал нарида ертўланинг қопқоғи кўзга ташланарди. Хийла новча, кўринишидан баджаҳл кишига ўхшайдиган Базен, шодландиялик уйида йўқ — уни қаерларда тейтираб юрганини билмайман, лекин қизи уйда ўтирибди, мен ҳозир уни чақириб тушаман, деди.

Мен бир учи қирқиб олинган рўмолни чиқардим-да, бўйнимга ўраб қўйдим: рўмолни қўйнимда сақлардим.

¹«Базеннинг карвонсаройи мана шу бўлади» (франги тилида).

Юрагим, шу қадар дукурлардики, бемалол товушини эшитардим. Алан елкамга қоқиб қўйди ва бир неча оғиз ҳазил қилди; ростини айтсам, уни силтаб ташлашдан аранг ўзимни тийиб турардим. Лекин узоқ кутишга тўғри келмади. Бирдан қадам товушлари эшитилди; қиз пиллапояда пайдо бўлган эди. У аста-секин пастга тушди: ранги бўздай оқариб кетганди; мен билан расмий оҳангда саломлашди; ўзини ниҳоятда қоидапарастдек тутардики, бундай муомала йўсини мени доимо довдиратиб қўярди.

— Отам Жеймс Мор тез орада қайтиб келади. У сизни кўрса, бағоят хурсанд бўлади...— деди у ва юзи қизариб, кўзлари чақнаб кетди, ҳатто айтаётган гапини ҳам яқунлай олмади: сездимки, у ўзининг рўмолини кўриб қолган эди. Дарҳол эс-ҳушини йиғиб олди, Алан томонга ўгирилди:

— Мистер. Бэлфурнинг дўсти Алан Брек сизми?! — деб сўради тўлқинланиб.— У менга шу қадар батафсил ҳикоя қилиб берганки, мен аллақачон довюраклигингиз, олижаноблигингиз учун сизни яхши кўриб қолганман.

— Мана бўлмасам! — деди Алан унинг қўлидан ушлаб, юзига синчиклаб назар ташлар экан.— Ниҳоят, мен ёш хонимнинг дийдорини кўришга ҳам ноил бўлдим! Дэвид, сен ўз ҳикояларингда унга муносиб баҳо бермаган экансан-ку!

Аланнинг сўзлари ҳеч қачон юракка бунчалик таъсир этмаган эди: унинг товуши худди мусикадай янграрди.

— Наҳотки у сизга мен тўғримда гапириб берган бўлса?! — деб хитоб қилди Катрибна.

— Ҳа, мен Фарангистондан меҳмон бўлиб келган кунимдан бери фақат сиз тўғрингизда гапиряпти, холос! — деди Алан.— Бундан ташқари, биз Шотландиядаги; ярим кечадан сўнг Силвермилз яқинидаги ўрмонда рўй берган яна битта учрашувни эсга олдик, албатта. Бироқ, сиз хафа бўлманг, қадрдоним! Алан айтгандан кўра ҳам гўзалроқ экансиз. Ишончим комилки, биз дўстлашиб кетамиз. Мен Дэвидга содиқман; қаёққа бошласа, худди вафодор итдай орқасидан эргашиб кетавераман. У кимларни яхши кўрса, мен ҳам ўша одамларни яхши кўраман ва худони ўртага қўйиб қасам ичишим мумкинки, улар ҳам мени яхши кўришлари шарт! Сизни Алан Брек билан қандай ришталар боғлаб турганини энди англаган бўлсангиз керак, албатта. Ўзингиз кўрарсиз ҳали, асло панд емайсиз! Қадрдо-

ним, у жуда келишган йигит бўлмаса-да, аммо ўзи яхши кўрадиган инсонларга мутлақо хиёнат қилмайди.

— Самимий гапларингиз учун чин юракдан миннатдорчилик билдираман,— деди Катриона.— Матонатингиз, ҳалоллигингиз учун қаршингизда таъзим қилишга ҳам тайёрман, бироқ кўнглимдаги гапларни барибир изҳор этиб бўлмайди.

Узоқ йўл юриб келганимизга қарамасдан бирпасда чарчоғимиз чиқиб кетди; Жеймс Мор қайтишини кутмасдан учовимиз овқатланишга ўтирдик. Алан Катрионага ёнидан жой кўрсатди, қиз унинг гапларига диққат билан қулоқ соларди; у ўз стаканидаги майга қиз лабини теккизиб беришга эришди, қизни мақтовларга кўмиб ташлади. Лекин рашк қилишимга ҳеч қандай баҳона йўқ эди; у ҳазил-ҳузуллар билан суҳбат жilовини қатъиян ўз кўлига олдики, қиз ҳам, мен ҳам ўзимизни эмин-эркин ҳис эта бошладик. Агар бегона одам бизнинг шу ҳолатимизни кўрганда борми, Аланни қизнинг эски дўсти деб, мени эса қиз билан кўз таниш деб ўйлаши турган гап эди. Тўғри, бу одамни яхши кўрардим, у билан мағрурланиб юрардим, лекин бу оқшомдагидек уни ҳеч қачон суймаган эдим, ҳеч қачон бу қадар мағрурланмаган эдим; у фақат ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган тажрибали инсон бўлибгина қолмай, айна пайтда ўзига хос камёб иқтидор соҳиби эканини кўпинча унутиб кўярдим; бу оқшом эса дўстимнинг фазилатларига яна бир бора гувоҳ бўлдим. Катрионани у бутунлай мафтун этиб олди: қиз худди баҳор чечаклари мисоли гулгун яшнаб ўтирарди. Тан олмоғим лозимки, кўнглим тоғдай кўтарилиб кетган бўлса-да, ўзимни бир оз ғамгин ҳис қила бошладим: дўстимнинг олдида боқибегам балиққа ўхшаб, зерикарли кўринардим ва ёш қизнинг ҳаётини ғамбода қилишга ўзимнинг ҳақим йўқ, деб ҳисоблардим.

Бироқ, мабодо ёзмишим шунақа бўлган тақдирда ҳам, энди мен ёлғиз эмасдим. Туйқус Жеймс Мор пайдо бўлиб қолган чоғда Катриона тарашадек қотиб қолди. Қиз узр-маъзур айтиб, дам олгани кетгунга қадар ундан кўз узмади, аммо у менга қараб бир марта ҳам жилмаймади; деворга тикилган кўйи миқ этмасдан ўтираверди. Мени ҳайратлантирган нарса — у отасини илгари нечоғли қизгин яхши кўрган бўлишига қарамасдан, энди ундан очиқ-ойдин нафратланиши эди.

Жеймс Мор ҳақида батафсил тўхталиб ўтиришдан наф йўқ; унинг қанақа одам эканини ўзингиз ҳам

жуда яхши биласиз; уни ёлгон-яшириқ гапларини қоғозга тушириш жонимга тегди. Фақат бир нарсани қайд этмоғим даркор: у кўп миқдорда арақ ичди, аммо куракда турадиган бирор тайинли гап айтмади. Алан билан иш юзасидан гаплашиб олиш масаласини кейинги кунга қолдирди; юзма-юз сўзлашамиз, деди.

Бир ҳисобда у жиддий муҳокамани эртанги кунга қолдиргани яхши бўлди: чунки, Алан икковимиз кун бўйи отда юрганимиз учун эзмалик қилиб ўтиришга кўзимиз учиб тургани йўқ эди. Айниқса, Катриона даврамизни тарк этгандан сўнг чарчаганимиз дарров билиниб қолди.

Тез орада бизни битта хонага кузатиб қўйишди: у ерда икки кишига битта каравот бор эди, холос. Алан менга ғалати илжайиб назар солди.

— Сен қип-қизил эшаксан! — деди у.

— Ие, бу нима деганинг? — деб сўрадим.

— Нима деганим? Э-э, нима деганимни эшитдинг-ку! Дўстим Дэви, бу қадар аҳмоқ эканингни кўриб, ёқамни ушладим! — деди.

Мен ундан яна сал тушунтириброқ гапиришини илтимос қилдим.

— Эшит бўлмасам,— деди у.— Мен сенга аввал ҳам айтган эдим: дунёда аёлларнинг икки хил тоифаси бўлади; бир хиллари сен учун жонларини фидо қилишга ҳам тайёр бўладилар, бошқалари эса ўлим тўшагида ётсанг ҳам ҳолингни сўрамайдилар. Қисқаси, азизим, энди ўзинг тананга бир кенгашиб кўравер!.. Менга қара, бўйнингга нима учун латта боғлаб олдинг?

Мен тушунтириб бердим.

— Ўзим ҳам буни бир сири бўлса керак, деб ўйлаган эдим! — деди.

Мен уни сўроқларим билан ҳол-жонига қўймаган бўлсам-да, аммо у шундан сўнг бир оғиз ҳам гапирмади.

Уттизинчи боб

КЕМАДАН ЖУНАТИЛГАН МАКТУБ

Эрталаб биз меҳмонхона чекка жойда барпо этилганини ўз кўзимиз билан кўрдик. Дарҳақиқат, у соҳилга жойлашган эди, лекин денгиз кўринмасди, чунки атрофини тепаликлар қуршаб олганди. Фақат бир томонида

бошқача манзара эътиборни жалб қиларди: ҳув, наридаги тепаликда тегирмон парраклари кўриниб турарди. Дастлаб қилт этган шабада эсмади, сўнгра бирдан шамол бошландию улкан қанотлар тепалик устида гир-гир айланаверди: бу ҳол кишида ғалати таассурот қолдирарди. Яқин ўртада катта кўча йўқ бўлса-да, сон-саноксиз сўқмоқлар жаноб Базен меҳмонхонаси остонасига келиб туташарди. У турли-туман шубҳали ишлар билан шуғулланарди; меҳмонхона жойлашган овлоқлик айнан ўшанақа ишларга мос тушарди. Бу ерга контрабандачилар ҳам тез-тез ташриф буюришарди; қонун олдида жиноий жавобгарликка тортилиши лозим бўлган жосуслару жиноятчилар кўрфазнинг нариги қирғоғига ўтиб олиш учун шу ерда кема келишини пойлаб ётишарди. Бироқ, рости айтганда, энг ёмони бошқа ёқда эди: меҳмонхонада бутун бошли тоилани бўғизлаб кетишса ҳам ҳеч ким билмай қоларди.

Мен кечаши жуда кам ухладим, босинқирадим. Тонг отмасдан анча олдин Аланни уйғотиб юбормасдан, астагина ўрнимдан турдим у чоқ ёнига бориб исиниб ўтирдим, эшик ёнида уёқдан-буёққа юра бошладим. Рутубатли тонг отди. Кўп ўтмасдан шамол турдию булутларни шарқ томонга ҳайдаб кетди; осмонда чарақлаб қуёш кўринди, тегирмон парраклари айлана бошлади. Қуёш худди баҳор айёмидагидек мўл-кўл нур сочарди: эҳтимол, қалбимда баҳор бошлангандир?! Тепалик ортида дам-бадам кўзга ташланаётган улкан қанотлар жуда ғалати кўринарди. Баъзан тегирмон томондан ғичирлаган товуш эшитилиб қоларди; соат саккиз яримда уйдан Катрионанинг хиргойи қилаётган товуши эшитилди. Мен сўз билан тасвирлаб бўлмайдиган даражада ҳаяжонланиб кетдим: атрофдаги ғамбода бўшлиқлар кўзимга жаннатдек кўринарди.

Вақт ўтиб борарди-ю, лекин тирик жон кўринмасди: беихтиёр ташвишлана бошладим. Гўё қандайдир кўнгилсизлик рўй беришини сезиб турардим; тепалик ортидан элас-элас кўзга чалинаётган тегирмон қанотлари худди мени зимдан кузатаётган айғоқчини эслатарди. Майли, барча ваҳималарни бир четга йиғштириб қўйган тақдиримизда ҳам, шубҳасиз, бу бошпанада қиз боланинг истиқомат қилиши яхши эмасди.

Биз хийла кечикиб нонушта қилгани ўтирдик: Жеймс Мор нимадандир хавотир олаётганини, қийин аҳволга тушиб қолганини бир қарашдаёқ сезиб олиш мушкул эмасди, албатта. Алан зийраклик билан уни ку-

зата бошлади; бировни ўзини гўлликка солаётганини, бошқаси эса ташвишли қиёфада ўтирганини кўриб, мен ўзимни кўмир чўғини босиб тургандек ҳис этардим. Афтидан, нонуштадан сўнг Жеймс Мор муҳим бир қарорга келди шекилли, биздан узр сўрай бошлади. Тушунтиришига кўра, у ўзи илгари қўлида хизмат қилган фаранги асилзодаси билан битта иш юзасидан шаҳарда учрашмоғи лозим экан; таассуфки, тушгача бизни ёлғиз қолдираркан. Кейин у қизини четроққа бошлаб ўтдию жиддий равишда уни бир нималарга ишонтиришга узоқ уринди; қиз эса истамайгина отасининг гапларини тинглади.

— Жеймс менга борган сари тутуриқсиздек кўриняпти,— деди Алан.— Назаримда, қандайдир ҳаром ишга аралашиб қолган шекилли. Алан Брек бугун оз-моз уни зимдан кузатмаса бўлмайди. Ўша фаранги асилзодасининг башарасини бир кўришга иштиёқмандман. Ўйлайманки, Дэви, сен зерикиб қолмасанг керак: ахир қиздан умид бор ёки йўқлигини ҳам билиб олишинг даркор. Гапни айлантирмагин, ҳаммасини очиқчасига айтгин; бошида ўзим эшакка ўхшаб ҳаракат қилдим, дегин. Агар ўрнингда мен бўлганимда борми, ҳаётим хавф остида турибди, деган бўлардим. Албатта, бундай гапни ўзинг ҳам қойил қиласан. Аёллар шунақа гапларни яхши кўришади.

— Алан, мен ёлғон гапира олмайман; товушим сунъий эшитилади,— дедим калака оҳангида.

— Яна ўз билганингдан қолмаяпсан, аҳмоқ! — деди. — Унда, мен шундай маслаҳат берганимни очиқ айтгин. Албатта, қиз кулиб юборади ва ўйлайманки, ишинг хийла осон кўчади. Лекин атрофга кўз-қулоқ бўлиб тургин! Агар мен бу қизга ишонмаганимда, уни каминага — Аланга самимий муносабатда бўлаётганига шубҳаланганимда, улар қандайдир фитна уюштиришяпти, деган қарорга келишим аниқ эди.

— Алан, ҳақиқатан ҳам сенга самимий муносабатда бўляптими? — деб сўрадим.

— У менга қойил қолиб ўтирибди,— деди.— Мен сен каби куёв бўлмасам ҳам, лекин муомаланинг фарқига бораман. Ҳа, ҳа, Аланга қойил қолди. Менинг у ҳақдаги фикрим ҳам ёмон эмас. Энди эса, Шос, агар ижозат берсангиз, мен ҳув анави тепалик орқасига ўтиб яшириниб турсам-да, уни қаёққа юришини билиб олсам. Йўқса, Жеймс бирпасда қорасини кўрсатмай кетади.

Ҳаммаси тарқалиб кетишди, дастурхон атрофида ёлғиз қолдим: Жеймс Дюнкеркка йўл олди, Алан унинг изидан кетди; Катриона эса юқорига, ўз хонасига чиқди. У нима учун мен билан юзма-юз қолишни истамаётганини билардим, албатта. Аммо бу ҳол мени асло оғир аҳволдан қутқара олмасди; уни қандай қилиб хонасидан чақирсаму эркаклар қайтиб келишгунча гаплашиб олсам экан, деб бош қотирардим. Ниҳоят, Аландан ўртак олишга қарор қилдим. Агар мен қумтепалар орасига яширинсам, Катриона бундай ажойиб тонгда барибир уйда биқиниб ўтиролмайди; у ташқарига чиққан маҳалда эса ниятимга етишим унчалик қийин бўлмайди.

Охири ўйлаганимни қилдим. Аммо тепалик ортида узоқ ўтирмадим; тез орада у остонага чиқдию уёқ-буёққа назар ташлаб, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилди ва сўқмоқ бўйлаб тўппа-тўғри денгиз томон йўл олди. Унинг изидан эргашиб боравердим. Мен орқасидан пойлаб бораётганимни сездириб қўймасликка ҳаракат қилдим: у қанчалик узоққа кетса, қайтишда кўнглимдаги гапларимнинг ҳаммасини айтиб олишга улгураман, деб ўйлардим. Намчил қумлоқда товуш чиқармасдан, ортидан кузатиб борардим. Сўқмоқ тепалик сари ўрларди. Биз кўп ўтмай қумтепага чиқиб қолдик. Ўша ердан мен биринчи марта карвонсарой қандай бўшлиқда, овлоқда жойлашганини яққол кўрдим: атрофда Базеннинг меҳмонхонасию шамол тегирмонидан бошқа бошпана ҳам, ҳаёт нишонаси ҳам кўринмасди. Олдинда денгиз кўзга ташланди ва мен худди расмлардагидек чиройли кемаларни кўрдим. Улардан биттаси жуда ҳам яқинда турарди: улкан кеманинг қирғоққа бунчалик тутшиб келганини илгари учратмаган эдим. Яхшироқ назар солиб, бу «Денгиз йўрғаси» эканини англадимю кўнглимда шубҳа-гумон уйғонди. Фарангистон қирғоқларида инглиз ҳарбий кемаси нима қилиб юрибди? Нега Аланни бундай хавфли жойга авраб-алдаб чақиришди экан? Ахир бу ерда ҳеч қандай нажот йўқ-ку! Жеймс Морнинг қизи бугун тасодифанми ёки атайлаб денгиз томон йўл олдимиз?

Қизнинг ортидан эргашиб, тез орада қумтепалик четига — денгиз бўйига бориб қолдим. Соҳилнинг поёни кўринмасди, ҳувиллаб ётарди; узоқда битта қайиқ қирғоққа сузиб чиққан эди: сипоҳий эса қумлоқда уёқдан-буёққа бориб-келарди; афтидан, у кимнидир сабрсизлик билан кутмоқда шекилли. Мен ўт-ўланлар орасига яшириниб нима бўлишини кузата

бошладим. Катриона тўппа-тўғри қайиқ томонга йўл олди, сипоҳий уни таъзим қилиб қаршилади; иккаласи уч-тўрт оғиз гаплашди; сўнгра у қизга қандайдир хат топширдию Катриона изига қайтди. Худди шу чоғда гўё қайиқ ўз вазифасини адо этгандек «Денгиз йўрғаси» томон сузиб кетди. Бироқ сипоҳий қирғоқда қолди: мен уни тепаликлар орасига кириб, ғойиб бўлганини кўрдим.

Буларнинг ҳаммаси кўнглимдаги шубҳани кучайтирди: миямга ҳар хил беаъни хаёллар келарди. Мабодо сипоҳий Аланни қидирмаётганмикан? Эҳтимол, у Катрионанинг изидан тушгандир? Қиз бошини ҳам қилган кўйи, оёқлари остига қараб тўппа-тўғри мен томон келарди: у ниҳоятда беғубор, мушфиқ кўринарди ва мен унинг беғуноҳ эканига асло шубҳаланмасдим. Мана, у бошини кўтардию мени кўриб қолди; бирпас доддираб турди, сўнг яна йўлида давом этаверди: назаримда, у сал-пал қизаргандек туюлди. Ундаги ўзгаришни пайқашим билан юрагимни чулғаб олган кўрқув ҳам, шубҳаю гумон ҳам тумандек тарқалиб кетди, ҳатто дўстимнинг ҳаёти учун хавотирланмай кўйдим. Қаддимни ростладиму аллақандай ширин орзиқиш билан Катрионанинг яқинлашишини кута бошладим.

У ёнгинамга келганида хайрли эрта тиладим; у ҳам мутлақо сокин оҳангда жавоб қайтарди.

— Орқангиздан пойлаб юрганим учун жаҳлингиз чиқмайдими? — деб сўрадим.

— Биламан, ниятингиз ёмон эмас-ку,— деди у ва бирдан тутатиб кетди: — Хўш, нима учун ўша одамга пул жўнатдингиз?! Жўнатмаслик лозим эди.

— Мен унга пул юборганим йўқ,— деб жавоб бердим.— Ўзингиз жуда яхши биласизки, ўша пуллар сизга аталган эди.

— Лекин мен учун ҳам, Жеймс Мор учун ҳам пул жўнатишга ҳақингиз йўқ эди,— деди у.— Дэвид, бу яхши эмас.

— Албатта, бу ёмон,— дедим.— Мен худога илтижо қиляпман: агар иложи бўлса, у менга — бахтиқаро аҳмоққа, бетамиз йигитга ёрдам берсин, тўғри йўл кўрсатсин! Катриона, сиз бундай ҳаёт кечирмаслигингиз лозим. Агар кўнглингизга оғир ботадиган гап айтиб қўйсам, мени кечирасиз, лекин ўша одам сизга ота бўлишга арзимаёди, у асло сизга ғамхўрлик қилмайди.

— Ўтинаман, ўша одам ҳақида гапирманг! — деб қичқириб юборди.

— У ҳақда гапиришга ўзим ҳам иштиёқманд

эмасман. Ишонаверинг, уни ўйлаётганим йўқ! — дедим. — Мен фақат бир нарсани ўйлаяпман, холос. Лейденда узоқ вақт ёлғиз яшадим. Албатта, ўқиш билан банд бўлдим, аммо барибир шу ҳақда ўйладим. Кейин Алан меҳмон бўлиб келди; мен сипоҳийлар орасида — турли-туман зиёфатларда бўлдим. Бироқ ўша фикр ич-этимни кемираверди. Сиз менинг ёнимда бўлганингизда ҳам худди шунақа бўларди. Катриона, бўйнимдаги рўмолни кўряпсизми? Сиз ўшанда унинг битта учини қирқиб олган экансиз, сўнг иргитиб юборибсиз. Энди сизнинг байроғингизни кўтариб юрибман: у менинг юрагимдан жой олган. Азизам, сизсиз яшашни истамайман. Худо ҳаққи, кўкрагимдан итарманг!

Мен унинг олдига ўтдим-да, йўлини тўсдим.

— Кўкрагимдан итарманг, — деб таъкидладим. — Менга заррача бўлсин, раҳмингиз келсин!

У бир оғиз ҳам гапирмасди; мен карахт бўлиб қолдим.

— Катриона! — деб қичқирдим, унга синчиклаб назар солганимча. — Наҳотки, яна адашган бўлсам? Наҳотки, ҳамма нарсани аллақачон бой берган бўлсам?

У нафасини ичига ютиб, менга қаради.

— Дэви, ростдан ҳам мени яхши кўрасизми? — деб сўради у эшитилар-эшитилмас товушда.

— Яхши кўраман, — деб жавоб бердим. — Ўзинг ҳам биласан-ку... Сени яхши кўраман.

— Аллақачон ихтиёрим қўлимдан кетган, — деди у. — Агар мени никоҳингизга олишни хоҳласангиз, биринчи кундан эътиборан сизникиман.

Биз тепаликда турардик; шамол эсмоқда эди; бизни ҳатто инглиз кемасидан ҳам бемалол кузатиш мумкин эди. Мен унинг пойига тиз чўкдим-да, оёқларини қучоқлаганимча хўнграб юбордим; юрагим дарду ҳасратга тўлиб кетган эди. Қизгин эҳтиросларим ўй-хаёлларимни паришон қилиб ташлади. Қаерда турганимни ҳам, нимага бунчалар бахтиёр эканимни ҳам англамасдим; фақат қиз бир оз энгашганинию бошимни кўксига босганини билардим, холос. Сўнгра шамоллар орасидан унинг товуши қулоғимга чалинди.

— Дэви, — деди у, — эҳ, Дэви! Демак мендан жирканмас экансан-да? Демак мендайин бир бечорани яхши кўрар экансан-да? Эҳ, Дэви, Дэви!

Шу пайт у ҳам йиғлаб юбордию бизнинг севинч ёшларимиз бир-бирига қўшилиб кетди.

Чамамда, соат эрталабки ўнлар бўлган эди; мен

бахтимни тўқис идрок этдим; унинг қўлларидан тутганимча ёнгинасида ўтирардим, юзига тўйиб-тўйиб тикилардим, ёш болага ўхшаб қиқир-қиқир кулардим; уни эркалатиб, ҳар хил номлар билан атардим. Умримда Дюнкерк яқинидаги қумтепалардек гўзал манзараларни кўрмаганман; ҳув анави тепалик ортида гоҳ-гоҳ кўзга ташланаётган тегирмон қанотлари ҳам қўшиқ сингари ажойиб эди.

Билмадим, биз бор дунёни унутиб, бир-биримизнинг дийдоримизга тикилишиб, яна узоқ ўтирардик шекилли, лекин тасодифан унинг отасини тилга олдим у дарҳол эс-ҳушимиз жойига келиб қолди.

— Жоним, жонгинам! — дердим энтикиб ва бу сўзлар бизнинг кечаги кунимизга қайтараётгани учун ич-ичимдан хурсанд бўлардим; ҳатто бир-биримиздан аразлашиб юрган пайтларимиз ҳам ниҳоятда ширин туюларди.— Жонгинам, энди абадул абад меникисан! Сен абадул абад меникисан, жонгинам! Энди бизга ўша одам нима бўпти!

Бирдан унинг ранги оқардию қўлларини тортиб олди.

— Дэви, мени ундан қутқариб кетгин! — деб хитоб қилди.— Қандайдир ёмон ишга тайёргарлик кўриляпти. Унга ишониб бўлмайди. Ҳа, ёмон ишга ҳозирлик кўриляпти. Юрагим зада бўлиб қолди. Инглиз ҳарбий кемаси бу ерда нима қилиб юрибди? Манави хатда нималар ёзилган экан? — У менга хат узатди.— Кўнглим сезяпти, бу хат Аланга бахтсизлик келтиради. Хатни оч, Дэви, очгину ўқиб кўргин!

Мен хатни қўлимга олиб, унга разм солдим ва бош чайқаб қўйдим.— Йўқ,— дедим.— Бировнинг хатини очолмайман; бу жуда ҳам жирканч иш ҳисобланади.

— Ҳатто дўстингни қутқариб қолиш учун ҳам очмайсанми? — деди у товушини баландлатиб.

— Билмадим,— деб жавоб бердим.— Назаримда, бу иш қўлимдан келмаса керак. Агар ишончим комил бўлганда, бошқа гап эди!

— Фақат муҳрни бузиш лозим, вассалом! — деб ўз айтганини маъқулларди Катриона.

— Биламан,— дедим.— Лекин мен бундай қилишга орланаман.

— Менга бер-чи! — деди у.— Узим очаман!

— Йўқ, очмайсан,— деб эътироз билдирдим.— Бу ақлга сиғмайдиган иш. Азизам, ахир отангнинг шаъни ҳақида гап кетяпти, икковимиз ҳам ундан шубҳалана-

япмиз. Ҳа, биз жуда хавфли жойдамиз; англиз ҳарбий кемаси соҳилга яқин жойда лангар ташлаб турибди, уёқдан отанга хат жўнатишди; қайиқда сузиб келган сипоҳий эса қирғоқни тарк этмади! Албатта, у ёлғиз эмас, атрофида шериклари бўлиши керак. Ишончим комилки, ҳозир бизни ҳам зимдан кузатишмоқда. Албатта, хатни очиб кўриш лозим. Шундай бўлса-да, бу ишни амалга оширолмаймиз.

Бу гапларни хавф-хатар оёқ остида турганини юракдан ҳис этганим ҳолда айтдим; душманларимиз яшириниб ётишган бўлишса керак, деб гумонсирардим. Кутилмаганда қумтепалар орасида ёлғиз ўзи келаётган Аланга кўзим тушиб қолди; у Жеймснинг ортидан пойлаб юришни бас қилган эди. Одатдагидек, ўзининг ҳарбий мундирида бўлиб, кўриниши чакки эмасди. Агарда уни қўлга туширишиб, қайиққа юклашиб «Денгиз йўрғаси»нинг бортига элиб ташлашса борми, эгнидаги мундири бошига битган бало бўларди: ахир у қочоқ, кўзғолончи; боз устига, қотиллик қилгани учун ўлим жазосига ҳукм этилган эди. Шуларни эслаб, титраб кетдим.

— Мана, хатни очиш ёки очмаслик масаласини ҳал этишга кўпроқ ҳаққи бўлган киши келяпти,— дедим.

Аланни қақирдим-да, у Катриона икковимизни бемалол кўриши учун ўрнимиздан турдик.

— Агар шу гаплар рост бўлса... агар биз яна шармисор бўлсак... сен бардош беришга қодирмисан? — деб сўради қиз чақнаб турган кўзларини менга қадаганча.

— Сени илк марта кўрган пайтимда ҳам каминага худди шундай савол беришган эди,— дедим.— Мен нима деб жавоб қайтарганимни биласанми? Агар сени ўзим ўйлаганчалик яхши кўрсам (ваҳоланки, мен сени ўзим ўйлагандан ҳам ортиқроқ яхши кўраман!), отанг осиладиган дор остида ҳам сенга уйланишга тайёрман!

У юзи қизариб кетганига қарамай, менга яқинроқ келди-да, қўлларимдан тутиб, бағримга маҳкам ёпишиб олди ва шу алфозда Аланнинг етиб келишини кута бошладик.

Алан, одатдагидек, мийиғида кулганча бизга яқинлашди.

— Дэви, мен сенга нима деган эдим? — деди у.

— Ҳамма нарсанинг вақт-соати бор, Алан,— деб жавоб қайтардим.— Ҳозир эса вазият ниҳоятда қалтис.

Хўш, нималарни билиб олдинг? Гапларингни очиқ-ойдин айтавер, Катриона бизнинг дўстимиз.

— Мен беҳуда овора бўлибман,— деди.

— Унда биз кўпроқ иш қилибмиз. Нима бўлганда ҳам, сен кўп нарсаларни ҳал этишинг лозим. Кўряпсанми? — дедим кема томонга ишора қилиб.— Бу «Денгиз йўрғаси» бўлади, унинг қўмондони дарға Пэллисер.

— Уни танидим,— деди Алан.— Бу кема Фортда турган маҳалда менга анча-мунча ташвиш орттирган эди. Лекин нима учун у соҳилга бунчалик яқин келди экан-а?

— Авваламбор, буёққа нима учун келганини эшитгин,— деб гап бошладим.— У манави хатни Жеймс Морга олиб келибди. Хат топширилгандан сўнг ҳам кема соҳилни тарк этмаяпти; бу хатда нималар ёзилган экан; сипоҳий нега қумтепалар орасида яшириниб юрибди: ишқилиб, у ёлғиз ўзимикан ёки шериклари ҳам борми? Бу саволларга энди ўзинг жавоб топасан.

— Жеймс Морга хат келибдими? — деб қайта сўради.

— Худди шундай,— деб тасдиқладим.

— Хўп, ўзим ҳам бунга баъзи нарсаларни қўшимча қилишим мумкин,— деди Алан.— Тунда, сен қаттиқ ухлаётган чоғда у ким биландир фаранги тилида гаплашди, сўнгра эшик қаттиқ ёпилди.

— Алан! — деб қичқирдим.— Ахир сен кечаси билан худди ўликдай қотиб ухладинг-ку, бунга мана мен гувоҳман!

— Аланни ухлаётганини ҳам, уйғоқ ётганини ҳам ҳеч қачон билолмайсан! — деб эълон қилди.— Бироқ, назаримда, ишлар пачава шекилли. Қани, бу хатда нималар ёзилганини бир кўздан кечирайлик-чи?

Мен хатни унга бердим.

— Катриона,— деди у.— Мени кечирасиз-да, кадрдон! Ҳаёт-мамотим ҳал бўляпти, шунинг учун муҳрни синдиришга тўғри келади.

— Ўзим ҳам шунинг тарафдориман,— деди Катриона.

У хатни очдию бир қур кўз югуртириб чиқди ва бирдан қўл силтади.

— Оббо, сассиқ така-ей! — деб хитоб қилди ва қоғозниғижимлаб чўнтагига солди.— Мана, энди кўч-кўронимизни йиғиштирамасак бўлмайди. Бу ерда қолсам, ҳалок бўлишим турган гап.

Карвонсарой томон йўл бошлади.

Катриона дастлаб оғиз жуфтлаб:

— Ҳа, кадрдон, сотибди,— деб жавоб берди Алан.—

Лекин сиз билан Дэвиднинг шарофати туфайли мен уларнинг қўлидан қутулиб кетишим мумкин. Мен фақат отга миниб олсам бўлгани! — деб қўшиб қўйди.

— Катриона ҳам биз билан бирга кетади,— дедим.— У ўша аблаҳ билан энди бирга қололмайди. Биз никоҳдан ўтамиз.

Қиз менинг қўлимни кўксига маҳкам босди.

— Э-э, шунақа дегин! — деди Алан орқасига ўгирилиб.— Кўришиб турибдики, бугун қойилмақом иш қилиб-сизлар. Мен сенга айтсам, қизим, бир-бирларингга жуда ҳам муносиб жуфти ҳалол бўласизлар.

У бизни тегирмон ёнига бошлаб борди. Мен биқиниб олиб, денгизни кузатиб ўтирган денгизчини кўриб қолдим. Албатта, биз унинг орқа томонидан яқинлашган эдик.

— Алан, уни қарагин! — дедим.

— Жим! — деб тўхтатди у мени.— Буёғини ўзимга қўйиб беравер.

Афтидан, денгизчи тегирмон товушидан бошқа нарсани эшитмасди; шунинг учун тепасига боргунимизча ҳеч нарсани сезмасдан ўтираверди. Ниҳоят, у орқасига бурилдию биз қип-қизил юзли йигитни кўрдик.

— Умид қиламанки, сэр, сиз инглиз тилида гапиришни билсангиз керак-а? — деди Алан.

— Билмайман, жаноб,— деди у фаранги тилини бузиб талаффуз этганча.

— Билмайман, жаноб! — деб мазахлади уни Алан.— «Денгиз йўрғаси»да сизларга фаранги тилини шунақа тарзда ўргатишар экан-да? Вой, ярамас, лўттивоз, тўнка, мараз-эй! Ҳозир шотландча этигим билан инглизча кетингга бир тепаман!

У жуфтакни ростлаб қолмоқчи бўлган чоғда Алан унинг орқасига шунақаям ўхшатиб тепдики, денгизчи бечора юзтубан йиқилди. Кейин довдираб ўрнидан турдию қумтепаларга ўзини урди. Алан унинг орқасидан заҳарханда қилиб қолди.

— Энди ўзим ҳам бу юртдан тезроқ жуфтакни рослашим лозим! — деди Алан. У меҳмонхонанинг орқа эшиги томонга югуриб кетди; биз ҳам унга эргашдик.

Биз ичкарига кириб борган пайтимизда тасодифан Жеймс Мор билан тўқнаш келиб қолдик; у бошқа эшикдан кирган эди.

— Қани! — дедим Катрионага.— Тезроқ! Юқорига чопиб чиққину нарсаларингни йиғиштир! Бу қизлар кўрадиган томоша эмас!

Жеймс билан Алан узун хонанинг ўртасида юзма-юз туришарди. Пиллапояга бориш учун Катриона уларнинг ёнидан ўтишга мажбур бўлди; уч-тўрт поғона юқориغا кўтарилгач, яна Жеймс билан Аланга қараб қўйди, лекин тўхтамади. Ҳақиқатан ҳам, уларнинг туришини томоша қиладиган эди: Аланнинг ҳолатини тасвирлаб бўлмайди; дўстона қиёфада пинҳоний хатарни-да пайқаб тургандай, Жеймс эса ҳудди уйда ўтирган чоғда ёнғин чиқишини илгаридан сезган одамдек ҳар қандай кутилмаган фалокатга шай турарди.

Вақт ғанимат эди. Теварак-атрофни душман қуршаб олган овлоқ жойда — Аланнинг ўрнида Цезарь бўлганда ҳам қўрқиб кетарди. Бироқ Алан ўзига содиқ эди: у ҳазиломуз, оддий оҳангда гап бошлади.

— Мистер Драммонд, назаримда, қўлингизга мўмайгина пул тушган кўринади,— деди.— Қандай иш билан машғул бўлаётганингизни айта олмайсизми?

— Бу шахсий ишим, уни икки-уч оғиз гап билан тушунтириб бўлмайди,— деб жавоб берди Жеймс.— Ҳали вақтимиз бемалол, тушдан сўнг сизга батафсил ҳикоя қилиб бераман.

— Йўғ-э,— деди Алан.— Назаримда, сиз ҳозир гапириб беришингиз лозим ёки ҳеч қачон гапирмайсиз. Кўриб турибсизки, биз мистер Бэлфур билан жуда муҳим битта хат олдик; энди зудлик билан йўлга отланмасак бўлмайди.

Жеймснинг кўзларида ҳайратланиш аломати пайдо бўлди-ю, лекин у ўзини йўқотмади.

— Ниятларингдан қайтариш учун бир оғиз гап айтсам кифоя,— деди у.— Фақат нима қиладиганимни тушунтириб беришим лозим.

— Ундай бўлса, айта қолинг,— деди Алан.— Имил-ламанг! Ёки сиз Дэвиддан уяляпсизми?

— Икковимиз бирдан бойиб кетишимиз мумкин,— деди Жеймс.

— Наҳотки?! — деб хитоб қилди Алан.

— Мен сизга кафолат бераман, сэр! — деди.— Клуни-нинг хазинаси ҳақида гап кетяпти.

— Бўлиши мумкин эмас! — деди Алан қичқириб.— Сиз хазина борасида бирор нарсани билиб олдингизми?

— Мистер Стюарт, мен унинг қаерга яширилганини биламан; ўша жойни кўрсатишим мумкин,— деди Жеймс.

— Мана, буни омад деса бўлади! — деди Алан.— Дюнкеркка бекорга келмаган эканман. Демак, ишингиз

шу нарсага алоқадор экан-да, тўғрими? Умид қиламанки, биз ўлжани теппа-тенг бўлашиб оламиз-а?

— Ҳа, сэр, ҳамма иш шундан иборат,— деб тасдиқлади Жеймс.

— Ана шунақа,— деди Алан ва сўзини болаларча қизиқиш оҳангида давом эттирди:— Демак, уни «Денгиз йўрғаси»га ҳеч қандай алоқаси йўқми?

— Нимага алоқаси? — деб қайта сўради Жеймс.

— Мен ҳозиргина кетига боплаб тепганим йигитчага алоқаси йўқми? — деб давом этди Алан.— Э-э, йўқ, оғайни! Мен сени тузоққа туширдим. Пэллисернинг хати чўнтагимда турибди. Жеймс Мор, сен ўғирлик пайтида қўлга тушдинг. Энди ҳеч қачон ҳалол одамларнинг кўзига тик қарай олмайсан!

Жеймс ўзини йўқотиб қўйди. У мурдадек оппоқ оқариб, қимир этмай турди-да, сўнг бирдан ғазаби жўшиб кетди.

— Менга шунақа деяпсанми, ҳаромзода?! — деб қичқирди.

— Ифлос чўчка! — деб бақирди Алан ва унинг башарасига шунақаям ўхшатиб мушт туширдик, зарбадан рақибнинг жағ суяклари синиб кетди.

Бирпасдан кейин уларнинг қиличлари кесишди.

Пўлат товуши эшитилиши биланоқ олишаётган кишилардан узоқроққа ўзимни тортдим. Шу тобда Жеймс ҳалокатли зарбани аранг қайтариб қолганига кўзим тушдию бирдан хаёлимга, ахир у Катрионанинг отаси-ку, демак менинг ҳам отам, деган фикр келди ва қиличимни яланғочлаб уларни ажратиб қўйишга ҳаракат қила бошладим.

— Йўқол, Дэви! Нима бало, жинни-пинни бўлиб қолдингми?! Йўқол деяпман, жин ургур! — деб ҳайқирди Алан.— Акс ҳолда, бошинг узилиб тушса, мендан ўпкаламайсан!

Икки марта уларнинг қиличлари зарбасини даф этдим. Мени девор томонга улоқтириб юборишарди, лекин яна-тагин ўртага ўзимни уравердим. Улар менга эйтибор беришмасди, худди йиртқич ҳайвонлардек бир-бирларига ташланишарди. Қандай қилиб биқинимдан дарча очиб қўйишмаганига ҳайронман ёки менинг ўзим мана шу шоввозлардан бирортасини нариги дунёга жўнатмаганимга ҳам сира ақлим бовар қилмасди: ур-йиқит тушимда рўй бераётганга ўхшарди. Кутилмаганда пиллапоядан жон аччиғидаги қичқириқ янградию Катриона бутун гавдаси билан отасини тўсиб олди. Худди шу чоқда

қиличимнинг учи қандайдир юмшоқ нарсага санчилганини сезиб қолдим. Шоша-пиша қиличимни суғуриб олдим: унинг учи қип-қизил эди. Бирдан кўнглим беҳузур бўлиб кетди.

— Наҳотки уни кўз ўнгимда ўлдирсангиз?! Ахир, нима бўлганда ҳам, у менинг отам-ку! — деб қичқирди Катриона.

— Бўпти, қадрдон, ўз улушини олди,— деди Алан ва нарироққа бориб қўлларини чалкаштирганча столга ўтирди, лекин қиличини қинига суқиб қўймади.

Қиз оғир-оғир нафас олган кўйи бирмунча вақт отасини ҳимоя қилиб турди; бизга кўзлари қинидан чиқиб кетар даражада тикиларди. Сўнгра отаси томонга кескин бурилдию:

— Йўқол! — деди.— Шарманда бўлишингни асло кўришни истамайман. Мен ҳалол одамлар билан қоламан. Мен Эпиннинг қизиман! Сен Эпин ўғлонларини иснодга келтирдинг. Йўқол!

У бу сўзларни ниҳоятда қизишиб айтди. Мен қиличим қонга ботгач, деярли ўзимни йўқотиб қўйгандим: бирдан ҳушимга келдим. Улар юзма-юз туришарди; лекин Катрионанинг рўмоли қип-қизил кўлмак устига тушиб кетганди, Жеймс Морнинг ранги бўздай оппоқ эди. Мен уни яхши билардим, шунинг учун бундай кўргуликка чидаши ниҳоятда оғир эканини тушуниб турардим, аммо у ўзини худди ҳеч нарса бўлмагандай қилиб кўрсатмоқчи бўларди.

— Начора,— деди у қиличини қинига тиқар экан ва нафрат билан Аланга разм солиб.— Агар олишув ниҳоясига етган бўлса, мен сандиқчамни оламану...

— Бу ердан ҳеч ким ҳеч нарса кўтариб кетмайди, — деди Алан.

— Лекин ижозат этасиз-да, сэр! — деб қичқирди Жеймс.

— Жеймс Мор, азбаройи қизингиз менинг дўстим бўлмиш Дэвига турмушга чиқаётгани муносабати билан сизни бу ердан истисно тариқасида соппа-соғ чиқиб кетишингизга йўл қўйиб беряпман,— деди Алан.— Агар насихатимга кирсангиз, тезроқ туёғингизни шиқиллатиб қолинг, акс ҳолда, кеч бўлиши мумкин. Сизни огоҳлантириб қўймоқчиман: сабр косам тўлиши ҳеч гап эмас!

— Жин урсин, сэр, ахир у ерда пулларим бор-ку! — деди Жеймс.

— Сизга чин дилдан ачинаман,— деди Алан уни мазахлаб.— Лекин, кўриб турибсизки, энди ўша пуллар

меники бўлди.— Сўнг у жиддий тарзда илова қилди: — Жеймс Мор, маслаҳатим шуки, тезроқ бу уйни тарк этинг!

Жеймс бир зумгина иккиланиб турди, лекин Аланни қиличбозлик бобидаги маҳоратига иқрор бўлгани учунми, кутилмаганда бошидан шляпасини ечдию (унинг юзи худди ўлим жазосига маҳкум этилган кишининг қиёфасини эслатарди) ҳар биримиз билан алоҳида-алоҳида хайрлашди. Кейин уйни тарк этди.

Худди шу чоғ гўё уйқудан уйғонгандек бўлдим.

— Катриона! — деб хитоб қилдим.— Мен... менинг қиличим... эҳ, мен сени оғир ярадор қилиб қўйдимми?

— Ҳечқиси йўқ, Дэви, сени мана шу ишинг учун ҳам яхши кўраман. Ахир менинг отам ёмон одам бўлса-да, лекин уни ҳимоя қилдинг-ку! Қарагин! — У менга қон томчилаётган ярасини кўрсатди.— Қарагин, шарофатинг билан мен ҳам эркаклар қаторига қўшилдим. Энди худди кекса аскарники сингари менинг ҳам чандиғим бўлади.

Уни енгилгина ярадор қилганимни кўриб суюниб кетдим ва унинг довьораклигига яна бир бора қойил қолдим. Сўнг Катрионани қучдим-да, ярасидан ўпиб қўйдим.

— Наҳотки мени биров ўпмаса? Ахир туғилганимдан бери қулай фурсатни бой бермасдим-ку! — деди Алан. Сўнгра у мени бир четга сурдию Катрионанинг елкаларидан тутди.— Қадрдоним, сен Эпиннинг ҳақиқий қизисан,— деди.— Ҳамма биладикки, Дэвид жуда ҳам олижаноб инсон, айна пайтда у сен билан ҳар қанча ғурурланса арзийди. Агар мен қачонлардир уйланиш ташвишига тушиб қолганимда борми, албатта сенга ўхшаган қизни танлар эдим ва у менинг ўғилларимга муносиб она бўларди. Ўзимни камтар кўрсатишга уринмай қўя қолай, мен қироллар авлодиданман.

У чин юракдан, самимий оҳангда сўзларди: бундай гаплар қизларга ёқарди, албатта. Очиғини айтсам, ўзим ҳам Аланнинг гапларидан таъсирланиб кетдим. Жеймс Мор туфайли топталган ор-номусимиз энди тикланган эди. Алан яна ўз хаёллари билан банд бўлди.

— Болаларим, буларнинг ҳаммаси ажойиб,— деди у.— Лекин Алан Брек ўзи истаганидан кўра ҳам дор остига яқинроқ турибди. Жин урсин! Бу меҳмондўст жойлардан тезроқ жўнаб қолиш лозим.

Унинг сўзлари эс-ҳушимизни жойига келтириб қўйди. Алан бирпасда юқоридан хуржунимизни, Жеймснинг

сандиқчасини олиб тушди. Жанжал авжига чиққан пайтда Катриона пиллапояга ташлаб юборган тугунчани мен кўтариб олдим: биз бу лаънати даргоҳни тарқ этишга чоғланиб турганимизда Базен қўлини арра-арра қилганча йўлимизни тўсди. Қиличимизни қинидан суғурган заҳоти у стол остига кириб кетдию бирдан арслон мисоли ўкира бошлади. Алан стол устига ўтириб олдию идиш-товоқларни синдириб ташлади. Шу чоғ писиб ётган Жеймс Мор қочиб қолди.

— Мана! — деб қичқирдим. — Узингиз санаб олаверинг! — деб унга анчагина пулни ташладим. Чунки ҳисоб-китоб қилиб ўтиришга вақтимиз етишмасди.

У пулга ўзини отдию биз ташқарига чиқдик. Уйни уч томондан шоша-пиша денгизчилар қуршаб келишарди; биздан унча узоқ бўлмаган жойда Жеймс Мор шляпасини силкитарди: у денгизчиларни шошилтирарди; унинг орқа томонида эса тегирмон худди савдойи мисоли қулочларини кенг ёйганча кимнидир чорларди.

Алан бир қарашдаёқ ҳамма нарсани пайқадию оёғини қўлига олиб, югуриб кетди. Жеймснинг сандиқчаси оғиргина эди; лекин, афтидан, Алан ўлса ҳам зўрға қўлга киритган ўлжасидан ажралишни истамасди: чунки, душманидан шу йўсинда қасос олганди. У шу қадар тез югурардики, мен унга аранг етиб олардим. Айна пайтда Катриона ҳам ортимда қолмаётганидан ич-ичимда қувонар эдим.

Денгизчилар бизни кўришлари биланоқ яшириниб ётган жойларидан сапчиб турдилару қийқиришиб, бир-бирларини гижгижлашиб ортимиздан қува бошлашди. Биз улардан икки юз қадамча олдинда борардик; боз устига, бу маймоқ денгизчилар биз билан тенгма-тенг югуришга асло дош бера олишмасди. Чамамда, улар тиш-тирноқларигача қуролланишган эди, лекин Фарангистон заминида тўппончаларини ишлатишга ҳайиқишарди. Энди бизга етиб олишлари даргумон эди; борган сари ортда қолишарди. Шундан сўнг амин бўлдимки, хавф-хатардан қутулиб кетган эдик. Аммо охирги дақиқаларгача чаққонлигимиздан унумли фойдаланишимизга тўғри келди; тинмасдан югуравардик.

Ҳали Дюнкерккача узоқ эди. Лекин тепаликни ошиб ўтган пайтимизда сафга тизилишганча машқ қилгани кетишаётган ҳарбий қисм аскарларига кўзимиз тушдию Алан ўзини хийла енгил ҳис этаётганига шоҳид бўлдим.

У бирдан югуришдан тўхтади-да, манглайини артиб олди.

— Бу фарангилар ҳарҳолда жуда ажойиб халқ,— деди у.

ХОТИМА

Дюнкерк қўрғонига кириб олганимиздан сўнг бундан буён нима қилишимиз ҳақидаги масалани муҳокама эта бошладик. Ахир биз қурол кучи билан қизни отасидан тортиб олган эдик ва ҳар қандай ҳакам уни ўз отасига қайтариб бериш тўғрисида ҳукм чиқариши турган гап эди. Мен билан Аланни эса шубҳасизки, қамаб қўйишарди. Албатта, ихтиёримизда дарға Пэллисёрнинг хати бўлиб, бу бизнинг фойдамызга гувоҳликка ўтарди, аммо мен ҳам, Катриона ҳам буни овоза қилишни асло истамасдик. Шунинг учун Катрионани Парижга элтиб, қабиласининг йўлбошчиси — боҳалдлик Макгрегор ҳомийлигига топширсак оқилона иш тутган бўлардик: чунки, у ўз қариндошига ёрдам беришга жон-жон деб кўнарди ва айни чоқда Жеймсни шарманда қилишни асло истамасди.

Биз отда аста-секин юришга мажбур бўлардик. Негаки, Катриона отда юришдан кўра, югуришнинг машқини кўпроқ олган эди; у қирқ бешинчи йилдан кейин бирор марта ҳам эгарга ўтирмаган экан. Шанба куни эрта тонгда биз Парижга етиб бордик ва Аланнинг кўмагида боҳалдлик кишини топдик. У данғиллама иморатда тўкин-сочин ҳаёт кечирарди, Шотландиядан мўмай даромадлар келиб тураркан, бадавлат зотлар ҳам ундан моддий ёрдамларини аяшмас экан. У Катрионани яқин қариндошидек кутиб олди; ниҳоятда меҳрибон, самимий инсон эди. Лекин кўнглидаги ҳамма гапларни ошкор этавермасди. Биз ундан, Жеймс Морга нима бўлганини билмайсизми, деб сўрадик.

— Шўрлик Жеймс! — деди мийиғида кулганча бош чайқар экан. Шундан сўнг бу киши ҳамма гапдан хабардор-у, лекин бизга айтишни истамаяпти, деган фикрга келдим. Биз унга дарға Пэллисёрнинг хатини ўқиб кўриш учун бердик ва бирдан қиёфаси ўзгариб кетди. — Шўрлик Жеймс! — деб такрорлади. — Албатта, дунёда Жеймс Мордан ҳам баттар одамлар учрайди. Аммо бу ҳам даҳшат! Уҳ-ҳў, афтидан, у бутунлай эс-ҳушини йўқотиб қўйганга ўхшайди! Бу жудаям расво хат экан! Шун-

дай бўлса-да, жентельменлар, хатни овоза қилишдан ҳеч қандай фойда кўрмасак керак, деб ўйлайман. Уз уясини бўлғайдиган қуш — энг ёмон қушдир. Биз бўл-сак, ҳаммамиз Шотландиянинг фарзандларимиз.

Аландан бошқа барчамиз бу фикрга тўла-тўқис қў-шилдик. Шу ернинг ўзидаёқ мени Катрионага уйланти-риш ҳақида бир овоздан қарор қабул қилинди; Бохалд тўй харажатларини ўз зиммасига олди: гўё дунёда Жеймс Мор деган инсон йўқдек эди. У бизга никоҳ ўқиди; латофатли фаранги тилида маросимга ўзгача бир файз бағишлади. Фақат соғлигимиз учун қадаҳ кўтарганимиз-дан сўнг, у, Жеймс шаҳарда юрибди, деди: бир неча кун аввал буёққа келган экан; жуда оғир касалга чалиниб, афтидан, ўлим тўшагида ётган эмиш. Мен хотинимнинг юзига қараб туриб, юраги қаёққа талпинаётганини дар-ров пайқадим.

— Бўпти, биз уни кўриб келамиз,— дедим.

— Агар сен эътироз билдирмасанг, кўриб келамиз,— деди Катриона; биз эр-хотин бўлганимиздан кейинги дастлабки сўзларимиз шу эди.

Жеймс ҳам қабила йўлбошчиси турадиган қасабада, муюлишдаги катта уйда истиқомат қиларди; бизни қия шипли болохонага олиб чиқишди: у ўринда ётганча шот-ландча сибизғасини чаларди. Афтидан, Бохалддан бир талай мусиқа асбобларини сўраб олиб, касал ётган пай-тида шулар билан вақтини ўтказарди. Албатта, у акаси Роб сингари сибизға чалишга уста эмасди, лекин ҳарту-гул ёмон чалмасди. Пиллапоя ёнида тўпланишиб, баъзи-лари ҳиринглашиб туришган гала-гала фарангилар кишида ғалати таассурот қолдирарди. Жеймс ичига со-мон тиқилган тўшакда ётарди, бошига ёстиқ қўйилган эди. Унга кўзим тушиши биланоқ куни тугаб қолганини англадим: ростини айтганда, ўзига муносиб бўлмаган жойда ўсал бўлиб ётарди. Мен унинг ўлимини эсласам, ҳозир ҳам ич-ичимдан ўкинаман. Шубҳасизки, Бохалд уни тайёрлаб қўйган эди; у қизи турмуш қурганини ҳам биларди; бизни табриклади ва худди руҳоний каби худодан мадад сўради.

— Мен бесамар ҳаёт кечирдим, нима учун дунёга келганимни ҳам билмасдан ўтиб кетяпман,— деди у.— Лекин сизлардан розиман.

Худди соғ киши сингари яна бирмунча панд-насиҳат қилди ва бизга сибизғада бир қанча қўшиқлар куйлари-ни чалиб берди. Сўнг, хайр-хўшлашаётган пайтимизда мендан қарз сўраб олди. Унинг саъй-ҳаракатларида

уят нишонасини учратиш амримаҳол эди; у ҳамон бировлардан қарз сўрашдан чарчамаган кўринарди; афтидан, бу қилиғи сира ҳам жонига тегмаганди шекилли. Назаримда, у мени ҳар кўрганда гуноҳимдан кечарди: тўрт кундан сўнг у ажали етиб, бандаликни бажо келтиргач, мен аламимга чидамасдан сочларимни юлишга ҳам тайёр эдим. Унинг маъракаларига бош-қош бўлиб турдим. Аммо қабртошига қандай сўзларни ёздиришни асло тасаввур этолмадим ва охири фақат саналарни қайд эттиришга қарор қилдим.

Мен энди Лейденга қайтиб бормасликни маъқул топдим. Чунки, биз у ерда ўзимизни ака-сингил деб таништирган эдик; ҳозирги аҳволимиз кишиларга жуда ҳам ғалати кўриниши мумкин эди. Биз ҳаёт кечиришимиз учун Шотландия энг муносиб маскан эди: мен барча ер-мулкимни қўлга киритганимдан сўнг зудлик билан жўнаб кетдик.

Мана, ниҳоят, мисс Барбара Бэлфур (хонимларнинг ўрни олдинда) ва мистер Алан Бэлфур — Шоснинг меросхўри, қиссам ҳам тугади. Агар сизлар яхшилаб эслаб кўрсаларинг борми, мен ҳикоя қилган кишиларнинг кўпчилиги сизларга таниш чиқиб қоладилар, ҳатто улар билан гаплашгансизлар. Лаймкилнслик Элисон Хэсти бешикларингни тебратган; унда жуда ҳам кичкина эдиларинг ва буни эслолмайсизлар, албатта. Сизлар биз оз катта бўлиб қолганларингдан кейин эса у билан боғларда сайр этгансизлар. Унинг шарафига Барбаранинг исми қўйилган ўша ажойиб, ҳавас қилса арзийдиган зот эса айнан мисс Грантдир; у Бош прокурорнинг уйида Дэвид Бэлфурни тез-тез масхара қилиб турарди. Ярим кечаси, қоп-қоронғи тунда Шосга ташриф буюрган ўрта бўйли, қотмагина, ҳаракатчан, ясама сочли, узун плаш кийиб олган киши ҳам эсларингдами? Сизларни уйғотишиб, унга таништиришган эди: уни мистер Жеймисон деб чақирарди. Ёки мистер Жеймисоннинг илтимосига кўра, Алан итоатсизларча ҳаракат қилганини аллақачон унутиб юборганми? Ахир ўша қилмиши учун қонун бўйича уни дорга осишлари турган гап эди: ахир у тўғридан-тўғри «ҳозир денгиз ортида яшаётган қирол ҳазратларининг соғлиги учун» қадаҳ кўтарган эди-я! Олижаноб вигнинг хонадониди ажабтовур ишлар содир бўларди! Бироқ мен мистер Жеймисоннинг барча гуноҳларини кечиршга тайёрман; у менинг омборхоналаримни ёқиб

юборса ҳам майлига; у Фарангистонда «жонсарак Стюарт» номи билан машҳур.

Сизларни эса, Дэви билан Катриона, мен яқин кунларда синчиклаб кузатаман: қани, кўрамиз, сизлар ўз ота-оналаринг устидан кулишни биласизлармикан ёки билмайсизлармикан? Тўғри, биз кўпинча нодонлигимиз туфайли ўзимизнинг бошимизга кулфат орттириб олардик; лекин бир оз катта бўлганларингдан кейин ҳатто айёргина мисс Барбара билан жасур мистер Алан ҳам ўз ота-оналаридан ақллироқ эканликларига ўзларинг ишонч ҳосил қиласизлар. Негаки, инсон ҳаёти — ажабтовур мўъжизадир. Нақл қилишларича, гўё фаришталар ҳам йиғлашар эмиш; менинг назаримда эса, улар бизларга қараган чоғларида қоринларини чангаллаб қаҳқаҳа отишса керак. Ҳа, майли, нима бўлганда ҳам, бу узун қиссамнинг аввал-бошидаёқ фақат ҳақиқатни баён этишга қатъий қарор қилган эдим.